

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



Абдухалирова Л.Т., Жалилов Ж.Ф.

# МАРКЕТИНГДА НАРХ СИЁСАТИ

Ўқув қўлланма

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан иқтисодиёт  
таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабалар учун  
ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ-IQTISODIYOT – 2020

UO'K: 338.27.2  
KBK:65.23 (075)

Абдухалирова Л.Т., Жалилов Ж.Ф. Маркетингда нарх  
сиёсати. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2020 й. 302 – бет.

“Маркетингда нарх сиёсати” фанини ўрганиш ва хусусиятлари, истеъмол имкониятлари ва афзалликлари, бозор конъюнктураси ва ўзига хослигини ўрганишдан иборат, нархни белгилашга тизимли ва эгилиувчан ёндашувдан фойдаланади. Бу эса, нарх маркетологлар томонидан харидорга таъсир воситаси ва шу билан бир вактда ўрганиш учун кулаг бўлган барча омиллар ва боғликларни ҳисобга олган холда тадқиқот обьекти сифатида кўриб чикилишини англатади. Ўқув қўлланма иқтисодий йўналиш ва мутахассисларда таълим олаётган магистрантлар, талабалар, тадқиқотчилар ва нарх сиёсати билан кизикувчи мутахассисларга мўлжаллан.

Особенность и изучение дисциплины “Ценовая политика в маркетинге” состоит в том, что она изучает ориентацию на потребительские возможности и предпочтения, конъюнктуру и специфику рынка, использует системный и гибкий подход к назначению цены. Это означает, что цена рассматривается маркетологами как инструмент воздействия на покупателя и одновременно как объект исследования с учетом всех доступных для изучения факторов и зависимостей. Учебное пособие предназначено для магистрантов, студентов экономических направлений и специальностей, соискателей, специалистов, интересующихся вопросами ценовой политики.

The feature and learn of the discipline “Pricing policy in marketing” consists in the fact that it studies the orientation towards consumer possibilities and preferences, the conjuncture and specifics of the market, uses a systematic and flexible approach to pricing. This means that marketers regard the price as a tool for influencing the buyer and at the same time as an object of study, taking into account all factors and dependencies available for studying. The manual is intended for master students and students of economic directions and specialties, researchers, professionals interested in pricing policy.

Такризчилар:

Тошкент химия ва технологиялар институти “Саноат иқтисодиёти ва менежмент” кафедраси доценти, PhD Ф.Т. Касимова

Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Маркетинг” кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, проф. Эргашходжаева Ш.Ж.

ISBN 978-9943-6363-4-7

UO'K: 338.27.2  
KBK:65.23 (075)

© «IQTISODIYOT» нашриёти, 2020.  
© Абдухалирова Л.Т, Жалилов Ж.Ф., 2020.

## МУНДАРИЖА

|  |            |
|--|------------|
| <b>КИРИШ</b>   | <b>9</b>   |
| <b>1-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА НАРХ - ИҚТИСОДИЙ ТОИФА СИФАТИДА</b>  | <b>13</b>  |
| 1.1. Нархнинг назарий асослари. Нарх – бозор иқтисодиётининг таянч элементи.                                       | 13         |
| 1.2. Бозор муносабатлари шароитида нархни шакллантириш механизми   | 21         |
| 1.3. Маркетинг фаолиятини таҳлил килиш ва истиқболлашда турли моделларни кўллашнинг афзаликлари ҳамда камчиликлари | 27         |
| 1.4. Маркетингда нархнинг моҳияти ва унинг вазифалари  | 38         |
| <b>2-БОБ. НАРХЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФИ</b>   | <b>49</b>  |
| 2.1. Нарх турлари ва уларнинг таснифланиши   | 49         |
| 2.2. Саноат маҳсулотларига бўйланган нархлар   | 58         |
| 2.3. Нарх шаклланиши жараёни   | 63         |
| 2.4. Товарнинг янгилик даражасига боғлиқ ҳолда нархларни таснифлаш   | 68         |
| <b>3-БОБ. БОЗОРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА НАРХНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ</b>  | <b>76</b>  |
| 3.1. Турли бозорлarda нархнинг ташкил этиш шакллари  | 76         |
| 3.2. Бозорнинг ракобатли тузилиши  | 80         |
| 3.3. Тараб - нархнинг шаклланиши омили сифатида  | 92         |
| 3.4. Рақобат бозори ва нархни шакллантириш   | 98         |
| <b>4-БОБ. НАРХНИНГ КОМПАНИЯ МАРКЕТИНГИ КОМПЛЕКСИДАГИ ЎРНИ</b>  | <b>114</b> |
| 4.1. Компания маркетинги комплексида нархнинг ўрни   | 114        |
| 4.2. Маркетинг тадқиқотлари. «4 Р» концепцияси.  | 118        |
| 4.3. Бозор нархларининг иқтисодий моҳияти ва турлари.  | 126        |
| <b>5-БОБ. БОЗОР ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА НАРХНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ</b>  | <b>135</b> |
| 5.1. Нархни шакллантириш омиллари  | 135        |
| 5.2. Тараб - нарх шаклланиши омили сифатида  | 139        |
| 5.3. Рақобат даражаси ва нархни шакллантириши  | 146        |
| 5.4. Корхонада нархни белгилаш шакллари  | 155        |

|  |            |
|--|------------|
| <b>6-БОБ. НАРХНИ ТАШКИЛ ЭТИШ: НАРХНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТЎҒРИЛАШ ВОСИТАЛАРИ</b>           | <b>167</b> |
| 6.1. Маркетингда нарх стратегияларининг шаклланиши                                     | 167        |
| 6.2. Нархни шакллантириш стратегияси: тактик усувлар                                   | 173        |
| 6.3. Турли-туман стратегиялар. Бошланғич нарх даражасини шакллантириш бўйича стратегия | 174        |
| <b>7-БОБ. МАРКЕТИНГДА НАРХНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ</b>                                 | <b>183</b> |
| 7.1. Нархнинг дастлабки даражаси усулини танлаш  | 183        |
| 7.2. Максадли фойдани таъминлаш асосида нархни шакллантириш                            | 186        |
| 7.3. Тарабга қаратилган усувлар  | 192        |
| 7.4. Сўровнома асосида нархни белгилаш.  | 205        |
| <b>8-БОБ. МАРКЕТИНГДА НАРХ ТАДҚИҚОТЛАРИ: АҲБОРОТ МАНБАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ</b>            | <b>219</b> |
| 8.1. Нарх тўғрисида аҳборот тўплаш усувлари  | 219        |
| 8.2. Бирламчи аҳборотни тўплаш манбалари ва усувлари.                                  | 221        |
| 8.3. Нархни кузатиш усувлари. Махсус танлов сўровномалари.                             | 223        |
| <b>9-БОБ. НАРХНИНГ ЭГИЛУВЧАНЛИК ТАҲЛИЛИ</b>  | <b>235</b> |
| 9.1. Нарх ва сифат нисбатини баҳолаш   | 235        |
| 9.2. Нарх сифати бўйича рақобатбардошликни ҳисоблаш усувлари                           | 237        |
| 9.3. Нарх эгилувчанлиги. Тарабнинг нарх эгилувчанлиги                                  | 241        |
| 9.4. Маркали нарх шаклланиши, ёндашув ва баҳолаш. Марка нархи                          | 254        |
| <b>10-МАВЗУ. МАРКЕТИНГДА НАРХ ТАДҚИҚОТЛАРИ: ТАҲЛИЛ ВА БАШОРАТЛАШ</b>                   | <b>269</b> |
| 10.1 Нархларнинг ҳолати ва ўзаро таъсирини таҳлил қилиш.                               | 269        |
| 10.2. Нарх даражасини баҳолаш. Таҳлилинг мақсади.                                      | 273        |
| 10.3. Бир хил номдаги товарлар нархи тафовутларини аниқлаш.                            | 277        |
| 10.4. Динамика ва башоратлаш таҳлили. Нархларни башоратлаш.                            | 280        |
| <b>ГЛОССАРИЙ</b>   | <b>292</b> |
| <b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b>  | <b>298</b> |

## СОДЕРЖАНИЕ

|   |            |
|---|------------|
| <b>ВВЕДЕНИЕ</b>   | 9          |
| <b>ГЛАВА 1. ЦЕНА – В КАЧЕСТВЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ КАТЕГОРИИ В УСЛОВИЯХ РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКИ</b>                               | <b>13</b>  |
| 1.1. Теоретические основы цен. Цена – основной элемент рыночной экономики.  | 13         |
| 1.2. Механизм ценообразования в условиях рыночной экономики   | 21         |
| 1.3. Преимущества и недостатки применения различных моделей при анализе и прогнозировании маркетинговой деятельности. | 27         |
| <b>ГЛАВА 2. КЛАССИФИКАЦИЯ ЦЕН И ИХ ХАРАКТЕРИСТИКА</b>   | <b>49</b>  |
| 2.1. Виды цен и их классификация.   | 49         |
| 2.2. Основные цены на промышленную продукцию  | 51         |
| 2.3. Процесс ценообразования  | 63         |
| 2.4. Классификация цен исходя из степени новизны товара.  | 68         |
| <b>ГЛАВА 3. СТРУКТУРА РЫНКА И ОРГАНИЗАЦИЯ ЦЕН</b>   | <b>76</b>  |
| 3.1. Формы ценообразования на различных рынках.   | 76         |
| 3.2. Спрос в качестве фактора ценообразования   | 80         |
| 3.3 Конкурентный рынок и ценообразование  | 92         |
| <b>ГЛАВА 4. МЕСТО ЦЕН В МАРКЕТИНГОВОМ КОМПЛЕКСЕ КОМПАНИИ</b>  | <b>114</b> |
| 4.1. Место цены в маркетинговом комплексе компаний.   | 114        |
| 4.2. Маркетинговые исследования. Концепция «4 Р».   | 118        |
| 4.3. Экономическая сущность и виды рыночных цен.  | 126        |
| <b>ГЛАВА 5. ЗАКОНЫ РЫНКА И ФАКТОРЫ ЦЕНООБРАЗОВАНИЯ</b>  | <b>135</b> |
| 5.1.Факторы ценообразования   | 135        |
| 5.2.Спрос как фактор ценообразования  | 139        |
| 5.3. Конкурентный рынок и ценообразование   | 146        |
| <b>ГЛАВА 6. ЦЕНООБРАЗОВАНИЕ: СРЕДСТВА ФОРМИРОВАНИЯ И КОРРЕКТИРОВКИ ЦЕН</b>  | <b>167</b> |
| 6.1. Формирование ценовой стратегии в маркетинге.   | 167        |
| 6.2. Стратегия ценообразования  | 173        |
| 6.3. Различные стратегии. Стратегия по формированию начального уровня цен.  | 174        |
| <b>ГЛАВА 7. МЕТОДЫ ЦЕНООБРАЗОВАНИЯ В МАРКЕТИНГЕ</b>   | <b>183</b> |
| 7.1. Выбор метода начального уровня цен.  | 183        |

|   |            |
|---|------------|
| 7.2. Ценообразование на основе обеспечения целевой прибыли                      | 186        |
| 7.3. Методы, направленные на спрос  | 192        |
| 7.4. Ценообразование на основе анкетирования                                    | 205        |
| <b>ГЛАВА 8. ИССЛЕДОВАНИЕ ЦЕН В МАРКЕТИНГЕ: ФОРМИРОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННОЙ БАЗЫ</b> | <b>219</b> |
| 8.1. Методы сбора информации о ценах.   | 219        |
| 8.2. Методы и источники сбора первичной информации.                             | 221        |
| 8.3. Методы наблюдения за ценами. Специальные анкеты.                           | 223        |
| <b>ГЛАВА 9. АНАЛИЗ ЭЛАСТИЧНОСТИ ЦЕН</b>   | <b>235</b> |
| 9.1. Оценка соотношения цены и качества.  | 235        |
| 9.2. Методы расчета конкурентоспособности по качеству цены.                     | 237        |
| 9.3. Эластичность цен. Ценовая эластичность спроса.                             | 241        |
| 9.4. Марочное ценообразование, подходы и оценка. Марочная цена.                 | 254        |
| <b>ГЛАВА 10. ИССЛЕДОВАНИЕ ЦЕН В МАРКЕТИНГЕ: АНАЛИЗ И ПРОГНОЗИРОВАНИЕ</b>        | <b>269</b> |
| 10.1 Анализ состояния и взаимодействия цен.                                     | 269        |
| 10.2. Оценка уровня цен. Цель анализа.  | 273        |
| 10.3. Определение различия цен одноименных товаров.                             | 277        |
| 10.4. Анализ динамики и прогнозирования. Прогнозирование цен.                   | 280        |
| <b>ГЛОССАРИЙ</b>  | <b>292</b> |
| <b>Список использованной литератур</b>  | <b>298</b> |

## CONTENTS

|   |            |
|---|------------|
| <b>INTRODUCTION</b>   | <b>9</b>   |
| <b>CHAPTER 1. PRICE - IN THE QUALITY OF THE ECONOMIC CATEGORY IN THE TERM OF MARKET ECONOMY</b>                         | <b>13</b>  |
| 1.1. Theoretical foundations of price. Price is the main element of a market economy.                                   | 13         |
| 1.2. Pricing mechanism in the term of market economy  | 21         |
| 1.3. Advantages and disadvantages of using different models in the analysis and predicting of the marketing activities. | 27         |
| <b>CHAPTER 2. CLASSIFICATION OF PRICES AND THEIR CHARACTERISTICS</b>  | <b>49</b>  |
| 2.1. Types of prices and their classification.  | 49         |
| 2.2. Basic prices for industry products   | 51         |
| 2.3. Pricing process  | 63         |
| 2.4. Classification of prices based on the degree of novelty of the goods.  | 68         |
| <b>CHAPTER 3. MARKET STRUCTURE AND ORGANIZING PRICE</b>   | <b>76</b>  |
| 3.1. Forms of pricing in various markets.   | 76         |
| 3.2. Demand as a pricing factor   | 80         |
| 3.3 Competitive market and pricing  | 92         |
| <b>CHAPTER 4. PLACE OF PRICES IN THE COMPANY MARKETING COMPLEX</b>  | <b>114</b> |
| 4.1. Place of prices in the marketing complex of the company.   | 114        |
| 4.2. Marketing research. The concept of "4 P".  | 118        |
| 4.3. The economic nature and types of market prices.  | 126        |
| <b>CHAPTER 5. LEGISLATION OF THE MARKET AND PRICING FORCES</b>  | <b>135</b> |
| 5.1. Pricing Factors  | 135        |
| 5.2. Demand as a pricing factor   | 139        |
| 5.3. Competitive market and pricing   | 146        |
| <b>CHAPTER 6. PRICE FORMATION: MEANS OF FORMATION AND PRICE CORRECTION</b>  | <b>167</b> |
| 6.1. Formation of pricing strategies in marketing.  | 167        |
| 6.2. Pricing strategy   | 173        |
| 6.3. Different strategies. Strategy for the formation of the initial level of prices.                                   | 174        |
| <b>CHAPTER 7. PRICING METHODS IN MARKETING</b>  | <b>183</b> |

|  |            |
|--|------------|
| 7.1. The choice of the initial price level method.                               | 183        |
| 7.2. Pricing based on securing targeted profits                                  | 186        |
| 7.3. Demand-driven pricing method  | 192        |
| 7.4. Pricing based on questionnaire  | 205        |
| <b>CHAPTER 8. RESEARCH OF PRICES IN MARKETING: FORMATION OF INFORMATION DATA</b> | <b>219</b> |
| 8.1. Methods for collecting pricing information.                                 | 219        |
| 8.2. Methods and sources of collecting primary information.                      | 221        |
| 8.3. Observation methods for price. Special questionnaire.                       | 223        |
| <b>CHAPTER 9. ANALYSIS OF PRICE ELASTICITY</b>                                   | <b>235</b> |
| 9.1. evaluation ratio of price and quality.                                      | 235        |
| 9.2. Methods for calculating the competitiveness of price quality.               | 237        |
| 9.3. Price elasticity. Price elasticity of demand.                               | 241        |
| 9.4. Brand pricing, approaches and evaluation. Brand price.                      | 254        |
| <b>CHAPTER 10. PRICE RESEARCH IN MARKETING: ANALYSIS AND FORECASTING</b>         | <b>269</b> |
| 10.1 Analysis of the position and interaction of prices.                         | 269        |
| 10.2. Evaluation of the price level. The purpose of the analysis.                | 273        |
| 10.3. Determining the price of the same products.                                | 277        |
| 10.4. Analysis of the dynamics and forecasting. Predicting prices.               | 280        |
| <b>GLOSSARY</b>  | <b>292</b> |
| <b>REFERENCES</b>  | <b>298</b> |

## КИРИШ

Маълумки, бозорда товар ва хизмат харид этилган чоғда бунга қанча пул тўлаш зарурлигини нарх белгилайди. Нарх деганда товар қийматининг пулдаги ифодаси тушунилади. Нарх бозор иқтисодиётининг мухим дастакларидан биридир.

Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини саклаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш энг мухим устувор вазифамизdir.

Бу борада Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидлаганлариdek : “Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг нархини белгилаш амалиётини бутунлай қайта кўриб чиқиб, бозор тамойилларини жорий этиш зарур<sup>1</sup>, деб таъкидлаганида нархнинг шакллантиришда унга таъсир этувчи объектив омилларга эътибор қаратишни назарда тутган.

Нархнинг шаклланишига қуйидаги омиллар таъсир этади: қиймат, рақобат, талаб, таклиф ва нафлийлик. Нархларнинг шаклланишида харажат мухим ўрин тутади. У ҳар қандай нархнинг умумий асоси ҳисобланади. Чунки харажатсиз ҳеч қандай товар ёки хизматлар яратиб бўлмайди. Нархларнинг шаклланишида талаб ва таклифнинг ўрни ва таъсири бекиёс. Демак, талаб ошса, нарх ошади, талаб қискарса, нарх тушади. Аксинча, таклиф кўпайса, нарх тушади, у қискарса, нарх ошади.

Нархнинг моҳиятини унинг вазифаларини ўрганиш орқали чукур тушуниш мумкин. Нарх қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Бозор мувозанатини таъминлаш. Бунда нарх бозордаги талаб ва таклифнинг ҳажми ва таркибига таъсир этиш орқали уларни мувозанат ҳолатига келтиради.

<sup>1</sup> Президент Ш.М. Мизиёевнинг “2019 йилда мамлакатни ривожлантиришнинг энг мухим устувор вазифалари тўғрисида парламента навбатдаги Мурожаатномаси”. Тошкент/ Халқ сўзи газетаси //№ 272. 29.12.2018й. № 271 – 272 (7229-7230)

2. Ҳисоб-китоб ўлчов вазифасини бажаради. Қилинган харажатлар, кўрилган фойда-зарар, бажарилган иш ҳажмининг ҳаммаси маълум нархлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

3. Иқтисодий регуляторлик вазифасини бажаради. Нархдаги ўзгариш бозор ҳолатини билдиради, бу эса талаб ва таклиф нисбатига боғлик.

4. Рақобат воситаси ҳисобланади. Рақобат турларидан энг мухими нарх воситасида кураш. Фирмалар ўз рақибларини енгиш, уларни бозордан сикиб чиқариш учун нархни ўзгартириб турадилар. Нархнинг рақобат воситаси эканлиги унинг гоят мухим иқтисодий восита бўлганидан келиб чиқади. Фирмалар бозорни эгаллаб олиш, ундан рақибларни сикиб чиқариш учун нархларни ўзгартириш сиёсатини қўллади.

5. Ижтимоий химоя вазифасини бажаради. Нарх аҳолининг айрим тоифаси ёки ҳалқни кимматчиликдан саклаш вазифасини ўтайди. Бунда дотацион (бюджет маблағлари ҳисобидан арzonлаштирилган) нархлар шундай вазифани бажаради.

Нархларнинг шаклланишида рақобат мухити мухим роль ўйнайди. Рақобат нарх билан белгиланганда, у бозорга таъсир ўтказади. Рақобат кучли бўлса, нарх пасаяди. Агар рақобат чекланса, нарх қўтарилишига сабаб бўлади. Шунингдек, нархларнинг шаклланишида давлатнинг иқтисодий сиёсати мухим роль ўйнайди. Давлатнинг нарх сиёсати деганда, бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида нархларни эркинлаштириш ва миллий бозор нархларини жаҳон бозори нархларига яқинлаштириш чора-тадбирлари тушунилади.

Рақобат бозорнинг ажралмас ва мухим элементи ҳисобланади. Фақат мулқдорларгина талабга жавоб берадиган рақобатчи бўла олади. Рақобат бозор иқтисодиётининг кучли дастаги ҳисобланади. Айнан у қиймат қонуни, нархни шакллантириш механизми каби амалдаги механизмлардан фойдаланган ҳолда иқтисодиётни олдинга силжитади. Рақобат – тадбиркорлар учун уларнинг ишлаб чиқаришларини такомиллаштиришда,

барқарорлик ва яшовчанлигининг ўзигак хос имтиҳонидир. Лекин шу билан бирга рақобат, асосан ишлаб чиқаришни доимий ва ҳар томонлама такомиллаштириш механизми, иқтисодиётда соғлом мухитни мустаҳкамлаш ва номукаммал ва қолоқларини чиқариб ташловчи механизм ҳисобланади.

Нархларни эркинлаштиришдан мақсад – хомашё ва маҳсулот айrim турлари нархлари ўртасидаги номутаносибликни камайтириш, шунингдек нарх билан аҳоли даромадлари ва корхоналар фойдаси ўртасидаги мутаносибликка эришишдир. Бундан ташқари нархларни эркинлаштириш инвестицион товарлар, истеъмол товарлари ва хизматлар нархларининг оқилона нисбатини ҳам таъминлайди.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилишининг ўзига хос тамоиллари, мамлакатдаги иқтисодий вазият ва аҳолининг турмуш даражаси ҳисобга олиниб, нархларни босқичма-босқич эркинлаштириш йўли танлаб олинди.

Муҳими бугунги кунда мамлакатимизда нархларнинг ижтимоий ҳимоя вазифаси муҳим аҳамият қасб этмоқда. Нарх орқали рақобатда унинг ғирром ва ёввойи усуllibаридан фойдаланишга тўсиқлар қўйилмоқда.

Ушбу қўлланмани ёзилишининг сабаби ҳам, юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш учун илк қадамлардан ҳисобланади. Унинг асосида тўрт йилдан бери университет магистратура бўлимида “Маркетингда нарх сиёсати” фани бўйича ўтилаётган маъruzalar курси ҳисобланади. Ўкув қўлланмада АҚШ ва Буюк Британия олий ўкув юртларида кабул қилинган ўкув стандартлари, маркетинг ва маркетинг тадқиқотларини ўқитиш методикаси, назарий ва амалий бўлимларни узвийлаштириш тизимидан фойдаланилган. Ушбу адабиётдан маълум бир маълумотлар, кейс-стадилардан фойдаланилган. Ундан ташқари қўлланмани шакллантиришда АҚШ олимлари Аакер Д. нинг «Стратегическое рыночное управление» [32], Портер М. нинг «Конкурентная стратегия» [47], Россиялик Квинта В.И. нинг Тошкентда бўлиб ўтган илмий анжуマンдаги докладидан фойдаланилган.

Аммо, имконият даражасида, Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунлар, меъёрий хужжатлар, “Маркетинг” кафедрасида олиб борилаётган илмий – услубий ишланмалардан фойдаланилган.

“Маркетингда нарх сиёсати” фани бакалавриатурада ўтилаётган “Маркетинг”, “Стратегик маркетинг”, “Маркетингни бошқариш”, “Маркетинг тадқиқотлари”, магистратура босқичида “Иқтисодий математик моделлар ва прогнозлаштириш” фандари билан узвий равишида боғлик бўлиб, фанларни ўрганишда бир бирига ёрдам беради.

Тавсия этилаётган ўкув қўлланма “Маркетинг” мутахассислигига таҳсил олаётган магистрантларга мўлжалланган бўлсада, корхоналарда маркетинг тадқиқотларини ўtkазиш, уларнинг натижаларини тезкор ва сифатли қайта ишлаш, ҳамда улар асосида қарор қабул қилиш билан машғул бўлган мутахассислар, тадқиқотчи ва амалиётчилар ҳам фойдаланишлари мумкин. Кўлланмани бойитиш борасидаги таклифлар, қўшимчалар, камчиликлари ҳақида мулоҳазаларни Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49 уй, “Маркетинг” кафедраси манзилида кутиб қоламиз ва олдиндан миннатдорлик изҳор қиласиз.

## **1-БОЗ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА НАРХ - ИҚТИСОДИЙ ТОИФА СИФАТИДА**

### **1.1. Нархнинг назарий асослари.**

#### **Нарх – бозор иқтисодиётининг таянч элементи.**

Нарх ва нархни шакллантириш бозор иқтисодиётининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Нарх – мураккаб иқтисодий тоифадир. Унда иқтисодиёт, жамиятни ривожлантиришнинг деярли барча асосий муаммолари кесишади. Биринчи навбатда, бу товарларни ишлаб ва амалга оширишга, улар қийматини шакллантиришга, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий даромадни яратиш, таксимлаш ва фойдаланишга тааллукладир.

**Нарх** – турли неъматларни айирбошлиш жараёнида намоён бўладиган шу неъматлар қимматини ифодалаш шаклидир. Қимматни ифодалаш нафакат пул шаклида, балки нотурал, фоизли ва бошқа шаклларда ҳам бўлиши мумкин. «Нарх» тоифасини тушунишда ҳал қилувчи фурсат – айирбошлишдир. Айирбошлиш миқёси ва қизғинлиги нарх шакллантириш миқёси ва объективлигини белгилаб беради. Хусусан, маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти шароитларида ер нархи, ишчи кучи ва олди-сотди объектлари саналмаган бошқа табиий ресурслар нархи тушунчасидан фойдаланиш нотўғри бўларди.

Товарлар ва хизматларнинг катта кисми олди-сотди обьекти бўлган бозор иқтисодиёти шароитларида нарх шакллантириш ҳам кенгроқ кўламга эга бўлади.

Нарх муаммоси ва унинг ташкил топиши механизми иқтисодий назарияда энг мураккаб ва асосий ҳисобланади. Бозор



иқтисодиётида нарх тизими асосий ташкилий куч сифатида намоён бўлади. Товарлар нархи тадбиркор учун асосий бир дастак ҳисобланади. У нархга қараб ўзининг шахсий эҳтиёжни қондириш йўлида ҳаракат қиласи. Сотувчи ва харидорнинг, алоҳида ишловчиларнинг, тадбиркорларнинг, тармоқларнинг, бутун жамиятнинг ва давлатнинг иқтисодий манфаатлари нархда акс эттирилган бўлади.

Нархнинг мазмунига уч хил ёндашувларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Классик ёндашув (А.Смит, Д.Рикардо, Ж.С.Милл). Нарх – товар қийматининг пулдаги ифодаси эканлигини кайд қиласи. Неоклассик ёндашув. Нарх – товар нафлиигини баҳолаш воситаси деб ҳисоблайди.

Хозирги замон неоклассик ёндашув ҳисобланади (А.Маршалл). Нархга кейинги нафлилик, ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда талаб ва таклиф нисбатининг пулда мужассамлашиши сифатида қарайди.

Хозирги жаҳон иқтисодий назариясида бу соҳадаги энг кенг тарқалган назария – бу А.Маршаллнинг нарх концепцияси ҳисобланади. Д.Робинсон, А.Маршаллнинг «Экономика принциплари» асарини иқтисодий назариянинг библияси деб айтади. М.Фридменнинг айтиши бўйича эса Маршаллнинг бу китобида нарх назарияси хозирги замон кўринишида тўлиқ шаклланган.

А. Маршалл ўзининг нарх концепциясида А.Смит, Д.Рикардо, Ж.Б.Сэй, Бем-Баврик ва бошқаларнинг назарияларига таянади ҳамда уларни умумлаштиради.

У ўз назариясида шу учта концепцияни: меъёрли фойдалилик, ишлаб чиқариш харажатлари, талаб ва таклифни нарх назариясига бирлаштироқчи бўлади. У қийматнинг амал қилишини инкор этади. Фақат алмашув қиймат амал қилишини тан олади. Унинг фикри бўйича шу алмашув қиймат – нархдир.

А. Маршалл нарх деганда алмашув қийматини назарда тутади, яъни бошқача килиб айтганда, унинг сотиб олиш қобилиятини ҳисобга олади.

Нарх – бу товар ва хизматларнинг фойдалилигини, яъни кишиларга наф келтиришини баҳолаш воситаси бўлиб, товар бирлиги учун тўланадиган пул миқдори билан ўлчанади.

Нарх товар учун олинадиган пул бирлиги миқдори сифатида аниқланади. Бунда икки хил нархни ажратиб кўрсатишади: (1.1- расм).



1.1. – расм. Товар учун олинадиган пул бирлиги миқдори

Ушбу икки хил турдаги нархларга изоҳ берамиз:


а) талаб нархи – нарх ҳар бир товар бирлигининг харидорларни ўзига жалб қила олиш қобилиятидир (маълум вақтда), истаклар кўпайса у пасаяди.

б) таклиф нархи – бу товар сотувга келиб тушган нархдир. Нарх – талаб ва таклифнинг муайян нисбатида, товар (хизмати)ни ишлаб чиқаришга кетган иктисадий ресурс харажатлари ҳамда унинг нафлийгининг пул кўринишида ифодаланишидир.

Асосий (товар) бозорига нисбатан кўпинча **нарх қийматнинг пулдаги ифодаси** деган таъриф қўлланади. Бу адолатли ҳисобланади, чунки ушбу турдаги бозор шароитларида аввалгидек базавий (қиймат) омиллари амал

килмоқда ва кўп ҳолларда айирбошлиш операцияларида пул баҳоси фойдаланилмоқда.

Нархнинг назарий талқин қилиниши ҳозирги пайтда баҳс-мунозарали масала ҳисобланиши сабабли соддалаштирилган таъриф кенг тарқалган бўлиб, унга кўра нарх бу – сотувчи товар ёки хизмат бирлигини сотишга тайёр бўлган, харидор эса сотиб олишга тайёр бўлган пул (товар, хизматлар) миқдоридир (1.2 – расм).



1.2.-расм. Нархга таъсири этувчи омиллар

Нархнинг иккита асосий назарияси мавжуд. Биринчи назария тарафдорларининг фикрига кўра, товарнинг нархи унинг қийматини ифодалайди. Бошқа назария, эса тарафдорлари харидор маълум фойдалиликка эга бўлган товарнинг нархини тўлашга тайёр бўлган пулни намоён этади деб ҳисобладилар. Бундан нарх – товар қийматининг пулдаги ифодаси ҳисобланади.

Нархни ривожлантиришдан фарқли ўларок, нархни шакллантириш товар ёки хизмат нархини шакллантириш жараёни асос сифатида намоён этади. Асосан нархни шакллантиришнинг иккита тизими муҳим аҳамиятга эга: 1) нарх шаклланган бўлиб, ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари асосида давлат идоралари томонидан нархни шакллантириш кўзда тутади, ва 2) талаб ва таклифнинг ўзаро таъсири негизига асосланган бозор ҳисобланади.

Товарнинг нархи нима билан аниқланади? Бу иккита диаметрик фикрлар бир бирiga зид бўлган мактабларнинг мунозараларини келтириб чиқарувчи иқтисодий назариянинг энг мураккаб масаласидир.

Нарх назариясини ишлаб чиқиши ўтган асрнинг дастлабки ривожланиш босқичига тўғри келади. Мазкур босқич учун нархнинг харажат назарияси хос бўлиб, унинг ёрқин намоёндалари Вильям Петти, Адам Смит бўлган.

Қиймат – бу товарга мужассамланган ижтимоий фойдали меҳнат сарфлари, ўртача меҳнат шароитлари, моҳирлик ва интенсивликка мос келувчи харажатлардир. Агар ҳар қандай товар меҳнатнинг натижаси бўлса, у ҳолда барча товарларни сифат жиҳатдан бир хиллаштиради, бинобарин, қиёсий ва тенглашувчан қиласди.

Бундай ёндашувда товарга мужассамлашган меҳнат хам сифат жиҳатдан бир хил ”умуман” аниқликдан бекор қилинган меҳнатга айланади. Иқтисодий назарияда бундай меҳнат абстракт (мавхум) деб аташ кабул қилинган.

Шундай килиб, турли товарлар қийматларининг нисбати уларга сарфланган абстракт меҳнат қийматида намоён этилган муносабатни акс эттиради. Бу қийматлар товар айирбошлашнинг (ёки олди-сотди) объектив пропорцияларини белгилаб беради.

Товар нархига тўхталиб ўтадиган бўлсак, у қийматнинг пулдаги ифодасидир.



Яна бир бошка концепция ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишининг энг яхши вариантida пул харажатлари умумий қиймати билан товарнинг нархини изоҳлади. Мазкур холатда товарнинг бозор нархи нафакат тайёрловчининг харажатлари, балки харидор томонидан бундай харажатларнинг фойдалилигини баҳолашга боғлиқ бўлади. Бунда нарх мустақил нархдан ташкири қиймат ҳисобланади, уни аниқлаш учун харидорнинг баҳоси ишлаб чиқарувчининг харажатларига нисбатан анча аҳамиятлидир. Нарх қийматдан “озод қилинади”, нархни изоҳлаш учун зарурат йўқ.

Натижада баён этилган концепциялар ўртасидаги мунозара қўйидагига боғлиқ: товарнинг нархини нима белгилайди – таклиф (қиймат) ёки талаб (фойдалилик)? Товарнинг фойдалилиги унинг қиймати ҳисобланадими ёки аксинча, қиймат товар фойдалилигининг вазифаси ҳисобланади?

Замонавий иқтисодёт нархни шакллантиришга иккита ёндашувни товарнинг объективлиги (қиймати) ва субъективлиги (фойдалилик)ни нарх таркибига киритиган ҳолда синтезлашга ҳаракат қиласди.

Бирок товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва амалга ошириш харажатларини миқдорий аниқланиши ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий шаклнинг эҳтиёжи ва реаллиги бўлиб қолаётганлиги тўғрисидаги қоида мунозарасиз ҳисобланади. Ахир бозор муносабатлари шароитида харажатларни объектив шакллантириш жараёни бозор нархлари негизида юз беради ва уларни сотишдан олинган даромадлар ҳисобига товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларини амалга ошириш билан боғлиқ барча харажатларни коплашни талаб этади.

Бозор товар-пул муносабатлари ва киймат тоифаларини амалга оширишнинг асосий шакли сифатида иштирок этади: молия, кредит, иш хақи, таннарх, фойда, нархлар. Киймат тоифаларининг мазкур тизими бутун такрор ишлаб чиқариш жараёнини фаол рағбатлантиради.

Бозор муносабатлари, агар талаб таклифга зид бўлса – бозорда, ишбилиармоннинг офисида, телефон орқали, биржада ва х.к. юзага келиши мумкин. Бозорда талаб ва таклиф ўртасида мувозанат ўрнатилган ҳолатда мазкур иқтисодий жараённинг натижаси - нарх ҳисобланади.

Бозорда бир бирига зид бўлган манфаатларни илгари сурувчи сотувчи ва харидорлар ҳам учрайди.

Сотувчилар ўз товарларини сотиши максад қиласидар ва бунда катта нарх ва фойда олиш имконига эга бўладилар. Лекин агар ҳар бир сотувчи бозорга бир хил ниятда келса, улар ўртасида рақобат юзага келади.


Харидорлар, ўз навбатида, уларга керакли бўлган фойдалироқ ва арzonроқ товарлардан янада кўпроқ харид килишдан манфаатдорлар. Сотувчи ва харидорнинг манфаатларини мослаштириш талаб ва таклифнинг ўзаро таъсири орқали бозорда шаклланадиган нарх орқали амалга оширилади. Нарх - талаб ва таклиф нисбатини акс эттиради ва у сотувчи ва харидор ўртасидаги муроса - бахс ҳисобланади.



Шундай килиб, бозор – бу сотувчи ва харидорлар (талаб ва таклиф) манфаатлари кесишуви йўли билан нарх ҳосил бўлишига олиб келувчи иқтисодий жараёндир.

Бозорни куйидаги оддий расм билан

ифодалаш мумкин:



### 1.3 - расм. Бозор ва унинг элементлари

Келтириб ўтилган расмдан қатъий холоса қилиш мумкини: нарх талаб ва таклифни мувофиқлаштирган ҳолда сотувчи ва харидорнинг бир бирига зид бўлган иқтисодий манфаатларини юмшатиб, бозор муносабатларида асосий ўринга эгадир. Нархни шакллантириш бозор иқтисодиётининг асосий бўйинларидан бири ҳисобланиб, нафакат эгилувчан восита, балки бошқарувнинг муҳим дастаги ҳисобланади.

Бозор ва нарх – товар ишлаб чиқариш билан ифодаланган тоифадир. Бунда бозор бирламчи ҳисобланади, бу эса: товар ишлаб чиқаришда иқтисодий муносабатлар нафакат асосан ишлаб чиқариш жараённинг ўзида, балки бозор орқали намоён бўлади. Айнан бозор - товар-пул муносабатлари ва миқдорий тоифаларни асосий намоён этиш шакли ҳисобланади.

Ягона давлат мулкида иқтисодиётни тартибга солиш режали ривожлантириш ва марказлаштирилган



режалаштириш орқали амалга оширилади. Бунинг натижасида барча иқтисодий воситалар, шу жумладан нархлар ҳам, режага боғланган бўлиб, уни бажаришга бўйсунгандар.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бозор муносабатлари шароитида такрор ишлаб чиқаришни тартибида солишининг бозор муносабатлари шароитида нарх қонунлари ва конуниятлари қаторида амалга оширилади, у нарх ва нарх шаклланиши механизми орқали амал қиласди. Бунда мазкур соҳада иқтисодиётда ишларнинг қўйилиши тўғрисидаги реал тасаввурни бузувчи ялпи қарорларга йўл қуювчи нархларни режали белгилаш ўрнатилмаган. Шунинг учун бозор нарх шаклланишини ривожлантириш нархни шакллантириш ва нарх моделларига қатъяян бошқача ёндашувни талаб этади.



## 1.2. Бозор муносабатлари шароитида нархни шакллантириш механизми

Бозор хўжалигида нархни шакллантириш механизмлари, талаб ва тақлифни мувозанатлаштириш орқали амалга оширилувчи қиймат конуни мухим аҳамият касб этади. У алоҳида секторлар ичida бир иқтисодий сектордан бошкасига “қўшилиш”га кўмаклашган ҳолда ижтимоий ишлаб чиқаришни тартибида сотувчилардан бири хисобланади. Ушбу “қўшилиш” корхоналар томонидан мустақил равища товар-пул муносабатлари таъсирида амалга оширилади. Шу муносабат билан ўтиш даврида ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш мезони сифатида нархнинг вазифаси юзага келади ва кучаяди.



Жамиятнинг бозор иқтисодиётига ўтишида мулкдор-корхона бозорда марказий ўринга эга бўлиб, у мустақил равища ўз ҳаракатлари учун бутун жавобгарликни ўз зиммасига олган ҳолда ишлаб чиқариш-иктисодий ва бошқа қарорларни қабул қиласди. Фақат корхона, нимани, қанча, қачон, қаерда ва қандай сифатда ишлаб чиқариш, кимга ва қандай шароитларда, ўз маҳсулотини қандай нархда сотишини ўзи ҳал этади. Бу, корхонанинг меҳнат, моддий ва молиявий ресурслари жамият ялпи ресурсларининг бир қисми ҳисобланган ҳолда – такрор ишлаб чиқариш жараёнига давлат томонидан эмас, балки хўжалик юритувчи субъект сифатида корхона томонидан киритилишини англатади. Табиийки, корхона томонидан қабул қилинган қарорларнинг иқтисодий оқибатлари ҳам фаолиятининг якуний натижаларида тўлиқ ўз аксини топади; давлат бунга жавобгар эмас, чунки у корхонани ижтимоий такрор ишлаб чиқаришга киритиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Бозор иқтисодиётида корхона фаолиятини тартибида солишининг кўплаб механизмлари мавжуд, лекин – уларнинг барчаси корхоналарнинг жамиятнинг эҳтиёжларини кузатиб боришдан манфаатдор бўлишлари учун шароит яратувчи ёки жамият, давлатнинг манфаатларини химоя қилган ҳолда чекловчи ҳарактерга эга бўлган иқтисодий усуllibардан фойдаланишга асосланадилар.



Марказлаштирилган иқтисодиёт шароитида нархларни шакллантириш тамойиллари ва усуllibari, улар корхонада, яъни ишлаб чиқаришда ҳамда кўпинча маҳсулот чиқарилгунча белгиланишига асосан қурилади. Бундай ёндашув, нархлар базаси учун ишлаб чиқариш харажатлари қабул қилинишига олиб келиши муқаррар. Бундан – режали иқтисодиёт шароитидаёқ, танқид остида қолган нархни шакллантишнинг ҳаражатли

усули устунлик килиши келиб чикади. Нархларни тузишга бундай ёндашувда бозор нарх даражаси ва динамикасига сустрек таъсир этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида нархни шакллантириш механизми нархлар ва уларнинг динамикаси орқали намоён бўлади. Нархлар динамикаси иккита мухим омиллар – стратегик ва тактик таъсири остида шаклланади.

Стратегик омил нархлар товарлар қиймати асосида ҳосил бўлиши билан ифодаланади. Қиймат доирасида доимий равища табранишлар юз беради. Мазкур жараён жуда мураккаб.

Тактик омил муайян товарларнинг нархлари бозор конъюнктураси таъсири остида шаклланади.

Биринчи омил – узок муддатли истиқболли таъсир омилидир. Иккичиси қўпинча (кун, соатлар давомида) ўзгариши мумкин, чунки конъюнктурали ўзгаришлар динамикаси жуда юқоридир; бунда ушбу ўзгаришларни хар томонлама ўрганиб чикиш талаб этилади. Биринчи сингари, иккинчи омил ҳам бозор иқтисодиёти шароитида мухимроқдир, уларга мукаммал тарзда эга бўлиш ва тўғри фойдаланишга ўрганиш лозим. Акс ҳолда фирма ёки корхона бозор иқтисодиётига киришидан маъно йўқ – бу улар учун салбий иқтисодий оқибатлар билан боғлиқ.

Қайд этиб ўтилган омилларнинг биринчиси замонавий техника, илғор технологияга эга бўлган, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишининг мукаммал усусларидан фойдаланувчи фирмаларни кулай шароитларга кўяди. Натижада ишлаб чиқариш харажатлари камрок бўлган фирмалар ва



корхоналар янада муваффакиятга эришади. Икkinchi омил, бозор конъюнктурасидан мукаммал, тезкор ва эгиувчан фойдаланиш орқали билан корхона ва фирмаларга янада қулай шароитлар яратади. Мазкур ҳолатда ҳам ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг эгиувчанлиги, пухта тайёргарлиги, шунингдек юқори малакали ижрочилар (кадрлар) талаб этилади. Иккала омилдан тўғри фойдаланувчи фирма ва корхоналар бозорда муваффакиятга ишонади ва ютуқка эришади.

Бинобарин, бозор шароитида нархлар динамикаси мутлақо бошқача шаклланади ва маълум даражада бетакрор бўлади. Лекин бозор ва эътибордан четда қолдириш мумкин бўлмаган унинг қонунлари шундай табиатга эгадир. Аксинча, барча бозор омилларини чукур ва хар томонлама ўрганиб чикиш ҳамда улардан тўғри фойдаланишни билиш зарур.

Давлат нархлар динамикаси ва бозор конъюнктурасига иқтисодий жиҳатдан таъсир этиши мумкин ва лозимгини назарда тутиш зарур (буни хорижий давлатлар тажрибаси тасдиқлайди). Бироқ, бозорга ўтиш шароитида нархлар даражаси ва динамикасининг механизми бизда суст йўлга қўйилган, бу эса аксарият ишлаб чиқарувчilarнинг монополлашув даражаси юқори бўлиши нархлар ўсишига олиб келади.

Шу муносабат билан бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда синалган ўйланган чоралар тизими – давлат идоралари томонидан нархларнинг охирги даражаси ўрнатилиши; бошқарув органлари томонидан қабул қилинган ракобатни ривожлантиришга каратилган чора-тадбирлар; тегишли солиқ сиёсати ва ҳ.к. талаб этилади. Мазкур ишда маҳаллий бошқарув органларига асосий роль берилиб, ушбу соҳада ташкил этилган барча тадбирлар эса марказда ва жойларда қонунчилик хужжатлари билан мустахкамланган бўлиши лозим.

Рақобат бозорнинг ажралмас ва мухим элементи ҳисобланади. Факат мулкдорларгина талабга жавоб берга оладиган ракобатчи бўла олади. Рақобат бозор иқтисодиётининг кучли дастаги ҳисобланади. Айнан у қиймат конуни,

нархни шакллантириш механизми каби амалдаги механизмлардан фойдаланган ҳолда иқтисодиётни олдинга силжитади. Ракобат – тадбиркорлар учун уларнинг ишлаб чиқаришларини такомиллаштиришда, барқарорлик ва яшовчанлигининг ўзигак хос имтиҳонидир. Лекин шу билан бирга ракобат, асосан ишлаб чиқаришни доимий ва ҳар томонлама такомиллаштириш механизми, иқтисодиётда соғлом мухитни мустаҳкамлаш ва номукаммал ва қолоқларини чиқариб ташловчи механизм ҳисобланади.

Шунинг учун гарб мамлакатларининг монополияга қарши конунчилигига ҳақконий ракобатга тажовуз килиш энг оғир жиноятлардан бири ҳисобланади. Ҳақконий ракобат – асосийси; уни яратиш – бозорни яратишни англатади.

Ракобатда муваффакият асослари ишлаб чиқаришнинг ҳолатига боғлиқ. Жаҳон бозор иқтисодиёти амалиёти эгилувчан ишлаб чиқаришга асосланади.

У янги эҳтиёжларнинг юзага келиши бўйича тезкорлик хусусиятларига уларни кондиришга мослашиш, ва шу билан бирга янги товарларни ўзлаштириш даврида катта харажатларсиз фаолият юритиш хусусиятига эгадир. Агар эгилувчан ишлаб чиқариш бўлмаса, у ҳолда ўзлаштиришга кўпроқ вақт сарфланади. Ишлаб чиқаришнинг бундай кобилиятисиз бозорда рақобатчилар билан беллашибининг иложиси йўқ. Шунинг учун бозор иқтисодиётига ўтиш шахсий бозор исҳотларидан ташкири ишлаб чиқаришни тубдан қайта қуришни талаб этади (техник, технологик, ташкилий ва х.к.). Бу қўпинча эътибордан четда қолувчи, қўпинча эса атайин менсимасликка ҳаракат қилишадиган принципиал ҳолатdir, бундай қайта қуриш катта капитал харажатлар (инвестициялар) билан боғлиқлиги эҳтимолдан холи эмас.



**Нархни шакллантиришнинг бозор механизми** ракобат ва саноат ва савдода монополияни тугатиш учун шароит яратиши, ҳамда бу орқали уларнинг таркибини, шунингдек истеъмол таркибини кулайлаштиришга кўмаклакшиши лозим.

Режали хўжаликнинг асосий элементи, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг истеъмолчиларининг иқтисодий манфаатларини етарлича инобатга олмайдиган нархларни бошқарувли белгилаш тизими ҳисобланади. Халқ хўжалигини иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш учун ишлаб чиқариш харажатлари элементларининг кўтарилиши ва тушишини кузатиб бориш ва товар учун, талаб ва таклиф ўргасида мувофиқликни саклаб колиши зарур. Бирок бошқарувли белгиланган нархлар мазкур мақсадларга хизмат кила олмайди.

Нархни шакллантириш усулининг самарадорлиги аввало, жорий бозор конъюнктурасини белгиловчи ва инвестициялар ҳамда иқтисодиётнинг таркибини шакллантирувчи талаб, қанчалик тўлиқ ҳисобга олинганлигини белгилаб беради. Бошқарувли нархлар талаб ўзгариши тўғрисида деярли хабар бермайди. Бу доимий

товар танқислигини ифодалайди ва ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол номутаносиблигини келтириб чиқаради.

Нарх шаклланишининг бозор механизми мавжуд эмаслиги режали иқтисодиётда инфляцияни бартараф этмайди. Унга хос бўлган яширин инфляция



товар ва хизматларнинг етишмаслиги билан изоҳланади. Яширин инфляциядан очик инфляцияга ўтишда нархларнинг кескин кўтарилиши кузатилади.

Томонларнинг розилиги билан белгиланган бозор шароитларидағи нархлар шартномавий (эркин) нархлар деб аталади. Шартномавий бозор нархларини шакллантириш гояси, ишлаб чиқарувчи – корхонани талабга эга бўлган товарларни ишлаб чиқаришга йўналтиришдан иборат, бу эса танқисликни тугатишга кўмаклашиши лозим. Бозор нархларини белгилашдаги эгилувчанлик ва тезкорлик, иқтисодиёт янада динамик бўлиб бораётганлиги ва умумий эҳтиёжларни кондиришга йўналтирилишини келтириб чиқариши мумкин. Товар ишлаб чиқарувчилар ва маҳсулот истеъмолчилари келишуви билан ўрнатилувчи эркин (шартномавий) нархлар халқ хўжалигига иқтисодий манфаатларни мослаштиришнинг муҳтим элементи ҳисобланади.

### **1.3. Маркетинг фаолиятини таҳлил қилиш ва истиқболлашда турли моделларни қўллашнинг афзаликлари ҳамда камчиликлари**

Тадбиркорлик фаолиятида қарор қабул қилиш ва уни ишлаб чиқиша тадбиркорликнинг самарали воситаси ҳамда асоси бўлиб маркетинг ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятини бошқариш тизимида маркетинг, уни ташкил этишда, режалаштиришда, фаолиятини ривожлантаришда ва назорат қилишда муҳим аҳамият қасб этади.

Маркетинг – инсон фаолияти ҳам бўлиб, бозорда самарали натижага эришиш жараёнини англатади.

Маркетинг шунингдек мақсади инсон эҳтиёjlари ва талабарини кондириш бўлган айрибошлашни амалга ошириш учун бозор билан ишлаш ҳамдир.

Айрибошлаш жараёни меҳнатни талаб қиласи. Кимки, сотишни хоҳласа, ҳаридорларни топиши, уларнинг эҳтиёjlарини аниқлаши, мос товарларни лойихалаштириши, уларни бозор томон йўналтириши, саклаши, ташиши, нархни келишиши ва бошқаларни амалга ошириши лозим. Маркетинг фаолиятини асосини товар ишлаб чиқиши, тадқиқотлар, коммуникацияни йўлга қўйиши, тақсимотни ташкиллаштириши, баҳо белгилаш, сервис хизматини кучайтириш кабилар ташкил этади. Буни маркетингда 4P деб аталадиган комплекс ҳисобланади. У маркетингнинг асосий элементларидир.

Одатда, маркетинг сотувчилар учун мажбурий ҳисоблансада, у билан ҳаридорлар ҳам шуғулланадилар. Масадан: Уй бекалари ўзларига керакли товарларни ўзларини қоникитирувчи нархларда излаш билан шуғулланиб, ўз маркетингини амалга оширадилар. Фирма таъминотчилари ҳам дефицит товар ахтариб сотувчиларни кидириб топишга ва уларга қизикитирувчи битим шартларини таклиф қилишга мажбурдирлар.

Маркетинг нуқтаи назаридан, бозорлар «сотувчилар бозори» ва «ҳаридорлар бозори» га бўлинади. Сотувчилар бозори – шундай бозорки, бунда сотувчилар кўпроқ хукмон бўлиб, ҳаридорлар ўта фаол бўлишига тўғри келади. Ҳаридорлар бозорида эса аксинча сотувчилар фаолроқ бўлишлари лозим.

Маркетингни мақсадлари бўлиб, талабни шакллантириш ва рағбатлантириш ва қабул қилинган қарорларни асосланганлигини, фирмалар иш режаларини, шунингдек сотиш ҳажмини, бозор хиссасини ва фойдани таъминлаш ҳисобланади. Компаниялар ўз



мақсадларига талабни қондириш оркалигина эришади. Шунингдек маркетингни вазифаси – факатгина талабни кўпайтириш эмас, балки унга шундай таъсир ўтказишни, натижада у таклифга мос бўлиши лозим.

Маркетингнинг асосий вазифаси бўлиб, истеъмолчиларни ахборот билан таъминлаш хисобланади. Ҳамма инсонлар у ёки бу товар ёки хизматни истеъмол қилишади. Маркетинг уларга янада ахборот билан таъминланган, кашфиётга ва самарали бўлишларига имкон яратади.

Кўплаб бошқарувчилар, маркетингни мақсади – ўз навбатида ишлаб чиқариш, бандлик ва бойликни максимал ўсиши учун шарт-шароитлар яратувчи максимал юқори истеъмолни енгиллаштириш ва рағбатлантиришдан иборат деб хисоблашади.

Буларнинг барчасини орқасида, инсонлар қанчалик кўпроқ харид қилишса ва истеъмол қилишса, шунчалик баҳтлирок бўладилар, деган таъкид ётади.

Ушбу нұктай назардан келиб чиқиб, маркетинг тизимининг мақсади – максимал ишлаб чиқаришни ўзиниң ишлаб чиқаришни даражасига эмас, истеъмол қонишига даражасига эмас, истеъмол қонишига

Турмуш оширишда сифатини маркетинг товарларни сотиш, сифатини таъминлаш ва товар (хизмат) нарх бўйича мақбул бўлиш эмас, балки жисмоний ва моддий жиҳатдан сифатни англатади.

Маркетингнинг асосий тамойиллари:

1. Истеъмолчига йўналтирилганлик.

2. Келгусига йўналтирилганлик. Ишлаб чиқарувчи маркетинг фаолиятини қисқа муддатли натижаларига эмас, балки узқ муддатли натижаларига мўлжални олган бўлиши керак.

3. Охирги амалий натижаларга эришишга йўналтирилганлик.

Маркетинг фаолияти натижаси ўлчамли бўлиши керак (бозор улуши, сотиш ҳажми, фойданинг ўсиши).

Маркетинг тамойиллари маркетинг асосини ва унинг моҳиятини очиб берувчи ҳолат, талабдир. Маркетингни моҳияти – товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш албатта истеъмолчига, талаб ишлаб чиқариш имкониятларини доимо бозор талабига мўлжаллашдан иборат. Маркетинг моҳиятидан қўйидаги асосий тамойиллар келиб чиқади:

- истеъмолчиларга нима керак бўлса ўшани ишлаб чиқариш керак;
- бозорга товарлар ва хизматлар таклифи билан эмас, балки истеъмолчиларн муаммоларини ечиш воситалари билан ишлаш;
- товар ишлаб чиқаришни эҳтиёж ва талабни тадқиқ қилгандан сўнг ташкил этиш керак;
- фирмани ишлаб чиқариш-экспорт фаолиятининг охирги натижаларига концентрлашганини кучайтириш;
- маркетинг концепцияси воситаларини қўллаш асосида маркетинг дастурини шакллантиришга олиб келувчи қўйилган мақсадларга эришиш учун комплекс ёндошиш ва мақсадли дастур услубини ишлатиш;
- товарни истеъмолчига силжитиши барча бўғинларини маркетинг билан қамраб олиш мақсадида бир вақтни ўзида мақсадли йўналтирилган таъсир асосида бозор талабига мос келувчи товар ишлаб чиқариш стратегия ва тактикасини қўллаш;
- корхона фаолиятини ва маркетинг хизматини бозорда товар хулқатворини башорат қилиши ва стратегик режалаштиришни амалга ошириш асосида самарали коммуникацияни узқ муддатли истиқболига мўлжал олиш;

- товарни яшаш даврини барча босқичларини ишлаб чиқариш ва товар тақсимлашни ижтимоий ва иқтисодий омилларини ҳисобга олиш;
- ташкилот ва тармоқлар режасига нисбатан бозорни бирламчи эканлигини эслаш;
- талаб ва таклифни баланслаштириш мақсадида режаларни тармоқлардо координациялаш ва ўзаро таъсирини ушлаб туриш;
- товар бозори ёки фирма имиджи (обрўйи) ва рақобатли афзалликни кидириш ва шакллантириш жараённада аниқ ҳолатда агрессивликка, хужумкорликка, фаолликка интилиш, умумий ҳолда маркетингнинг асосий тамойиллари – бу бозорни билиш, унга мослашиш ва бозорга таъсир ўтказишдан иборат.

Хулоса килиб айтганда, маркетингнинг моҳияти ва мақсадларидан қуйидагича асосий тамойиллари келиб чиқади:

- истеъмолчиларга йўналтирилган тамойил, яъни истеъмолчи шоҳдир;
- истиқболга йўналтирилган тамойил, яъни субъект фаолияти истиқболга йўналтирилган бўлиши зарур;
- пировард кўрсаткичга эришишга йўналтирилган тамойил, яъни бозор ҳиссасини, фойдани ошиши ва хоказолар.

Маркетинг концепциясини олиб бориш учун маркетинг функцияларини амалга ошириш орқали ҳал этилади. Маркетинг функциялари қуйидаги гурӯхларга бўлинади:

- маркетинг тадқиқотлари;
- маҳсулот ассортименти ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш;
- сотиш ва тақсимот функцияси;
- товарни силжитиши;
- нархни ташкил этиш функцияси;
- маркетинг-менежмент функцияси.

### **1. Маркетинг тадқиқотлари функциясида:**

- ҳалқаро бозорни таҳлил этиш;
- сотиш бозорини тадқиқ этиш;
- истеъмолчи эҳтиёжларини тадқиқ этиш;
- маркетинг операцияларини ўрганиш;
- ахборот тўплаш ва қайта ишлаш;
- маркетинг-микс комплексини тадқиқ қилиш;
- рақобатларни ўрганиш;
- бенчмаркетинг;
- талабни ва сотишни башпорат қилиш ва бошқалар ўрганилади.

Таҳлилий функцияда ташки мухит омиллари, бозор, унинг элементлари ва ҳолати, истеъмолчилар, бозорни тузилиши, товар ва товарни тузилиши, шунингдек фирманинг ички мухити таҳлил қилинади. Бунда фирма раҳбарияти томонидан назорат қилинадиган омиллар- технологик жараён, молиявий аҳволи, ташкилий тўзилиш, бозорни танлаш ва бошқалар ҳисобга олинади.

Ташки мухит омилларига истеъмолчилар, рақобат ҳукумат, иқтисодиёт, технология, мустақил оммавий ахборот воситалари каби назорат қилинмайдиган омиллар киради.

**2. Маҳсулот яратиш функцияси** орқали маркетинг фаолиятида янги маҳсулотларни яратиш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқариш соҳасига товар рақобатдошлиги ва сифатни бошқариш, шунингдек товар сиёсатини ишлаб чиқиши масалалари ҳал этилади.

**3. Сотиш функцияси** орқали товарни тақсимлаш ва сотиш сиёсатини ишлаб чиқиши, савдо-тақсимот тармоги орқали сотувни ташкил этиш, юқ ташишни ва омборга жойлаштиришни ташкил этиш, товар оборотини аниқлаш, тақсимот тизимини физик оқимларини назорат қилиш ва сотишни таҳлил этиш ўрганилади.

**4. Товарни силжитиши функцияси** натижасида сотишни рағбатлантириш ва реклама сиёсатини ишлаб чиқиш; сотишни рағбатлантиришни самарали воситаларини асослаш; товарни силжитиши түғрисида мультимедиа технологияларини асослаш; ички фирма рекламасини ташкил этиш; сотув ишларини рағбатлантириш; паблик рилейшнзни ташкил қилиш ва бошқалар түлиқ ўрганилади.

**5. Нархни ташкил этиш функцияси** орқали нархни шаклланиш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш; сотувни ҳар бир бозори учун ҳар бир маҳсулот учун яшаш даврини турли босқичларида нарх матрицасини тузиш; жорий нархлар ўзгариши механизмини тузиш; рақобатчи нархини таҳлил қилиш; янги маҳсулот учун нарх белгилаш кабилар ҳал этилади.

**6. Маркетинг-менежмент функцияси** эса маркетингни бошқариши ташкил этиш; назорат қилиш, маркетинг хизматини ташкилий тузилишини ишлаб чиқиш, маркетинг фаолияти тизимида бошқарув қарорларини оптималлаштириш, аудит, маркетинг хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолаш кабиларни ўрганади.

Маркетинг функциялари фирмани бошқа функциялари, яъни ишлаб чиқариш, кадрлар, моддий техника таъминоти, молиявий, бухгалтерия ҳисоби функциялари билан бирга амалга оширилади.

Маркетингнинг функциялари хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа функцияларидан фарқи шундан иборатки, маркетинг функциялари хўжалик юритувчи субъектлар, унинг истеъмолчилари, мижозлари ўртасида айирбошлиш жараёнини амалга ошириш ва ташкил этишга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам маркетинг функциялари доимо ўзгариб борадиган эҳтиёж ҳамда талабни шаклланиши, яратилиши ва ривожланишига таъсир этади.

Маркетинг - бозорда вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни фаоллаштириш услубларини, товарларни ишлаб чиқариш ҳамда сотиш муаммоларини яхлит, тизимли ечиш услубларини, бозорда вужудга келадиган ўзгаришларга тезда мослашиш, истеъмолчиларга табақали ёндашиш, рақобатбардош янги товарларни вужудга келтириш ва уларни ишлаб чиқариши ташкил этиш, конъюнктурани ўрганиш ва башорат қилиш ҳамда таъсирчан рекламани ривожланиши масалаларини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйгандир.

Бунга эришиш учун маркетинг қуидаги мухим вазифаларни ҳал этиши лозим:

- ҳаридорлар эҳтиёжини ўрганиш ва аниқлаш;
- нархнинг фаолиятини ҳаридорлар эҳтиёжига мослаштириш;
- аввало талаб ва таклиф түғрисида олинган маълумотлар асосида бозорни ўрганиш;
- товарлар рекламасини ташкил этиш, ҳаридорларни товарларни сотиб олишга қизиқишини орттириш;
- товар яратувчи ёки уни сотувчи нарх тадқиқотларини амалга ошириш учун маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш;
- товарни бозорга чиқаришдаги барча хизматлар түғрисида маълумотлар олиш;
- тўлдирувчи товарлар ва ўрнини босувчи товарлар түғрисида ахборот йиғиш;
- товарларга бўлган талабни истиқболлаш, уларни амалга оширишини назорат қилишдан иборатdir.

Маркетингни бош вазифаси корхонанинг мавжуд ва потенциал имкониятларини баҳолаш ва амалга ошириш ҳамда бозорда талаб ва таклифни мувофиқлаштириш мақсадида имкониятларни аниқлашдан иборат.

Маркетинг ёки тадбиркорлик фаолияти аниқ натижага эришиш мақсадида амалга оширилади. Маркетингни асосий мақсадлари фирманинг асосий мақсадлари билан ўзаро алоқадордир.

| Мақсадлар                    | Кўрсаткичлар   |
|------------------------------|--|
| Бозорни эгаллаш              | Бозор улуши, айланма, товарни роли ва аҳамияти, янги бозорларни қамраб олиш                        |
| Рентабеллик                  | Фойда, айланмага нисбатан рентабеллик, шахс капиталини рентабеллиги, умумий капитални рентабеллиги |
| Молиявий барқарорлик         | Кредитга лаёқатлиги, ликвидлиги, ўз-ўзини молиялаштириш даражаси, капитални тузилиши               |
| Ижтимоий мақсадлар           | Иш билан қониқиш, даромад даражаси ва ижтимоий ҳимоя, ижтимоий интеграция, шахсий ривожланиши      |
| Бозордаги позиция ва престиж | Мустакиллиги, имидж, сиёсий шароитга муносабати, жамиятни тан олиши                                |

#### 1.4 – расм. Корхонанинг асосий мақсади

Фирманинг асосий мақсадларига қуидагилар қиради:

- бозорни эгаллаш;
- рентабеллик;
- молиявий барқарорлик;
- ишлаб чиқаришни ижтимоий омилларини таъминлаш;
- бозордаги мавжуд ва престижни ташкил тадбик мустаҳкамлаш.



Маркетинг таркибини ишлаб чиқиша бош масала унинг бир бутунлиги, мақсадга эришишда муваффақиятни таъминловчи барча омилларнинг ўзаро алоқасидир.

Фирма, маркетинг ва бозор муносабатлари бир-бирига ўзаро таъсир ўтказиб, диалектик боғлиқликда харакатланиб боради. Фирма янги технологик жараёнларни эгаллашга, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга факат бозордаги муносабатлар сабаб бўлади.

Қуидаги 1.5-расмда маркетингнинг асосий моделлари турлари келтирилган.



1.5-расм. Маркетингнинг асосий моделлари турлари  
(кўлланилиш соҳаси бўйича)

Маркетинг иқтисодий категория сифатида ғояси серкиррадир. Унинг таркиби ёки фаолият соҳаларида куйидагича:

- ишлаб чиқариш воситалари маркетинги;
  - истеъмол товарлари маркетинги,
  - хизмат кўрсатиш маркетинги,
- сингари турларини кўрсатиш мумкин.

Бунинг ҳар бирининг фаолиятида умумий тамойиллар ва вазифалар сақланиб қолади, аммо бу йўналишларнинг ҳар бири ўзига хос томонлари билан ажralиб туради.

Ишлаб чиқариш воситалари маркетинги биринчи навбатда ишлаб чиқариш талабларини ҳисобга олишга асосланади. Шу сабабли мақсадга мувофиқлик макбуллик катъий үйгунлик энг биринчи ўринда туради.

Истеъмол товарлари маркетинги хилма хил талаб ва дидга эга бўлган истеъмолчиларнинг кенг доиралари билан боғлиқ.

Бу соҳада истеъмолчи феъл атворининг туб моҳиятини ўрганишга катта эътибор берилади. Хусусан истеъмолчиларни гурухлаш, реклама, маҳсулот сотишини уюштириш, буларнинг барчаси истеъмол товарлари бозорида маркетинг фаолиятининг асосий масалалари ҳисобланади. Масалан, дўконларда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тамойиллари истеъмол товарлари маркетинги самараси.

Истеъмол товарлари хизмати маркетинги ишлаб чиқарувчи билан истеъмол ўртасида бевосита алоканинг мавжудлиги билан ажralиб туради. Хизматларнинг кўпчилик қисми комплекс характерга эга. Масалан, меҳмонхоналар, жамоат овқат жойлари, экспурсион хизмат, едгорлик моллари сотиш ва хақозолар пайдо бўлиши ялпи туристик маҳсулот тушунчаси билан бевосита боғлиқдир. Шу сабабли кўрсатиш соҳасида маркетинг жуда катта йўналишга эга.

#### 1.4. Маркетингда нархнинг моҳияти ва унинг вазифалари

Маркетинг тизимида нарх тушунчаси ва нархнинг шаклланишини кўриб чиқамиз.

Маркетинг комплексида нарх иккинчи элемент бўлиб, даромадни белгилайдиган асосий кўрсатгичdir. Нарх деганда маҳсулот, хизматлар учун ва уни сотиб олиш учун истеъмолчи сарф қиласидан пул миқдорини тушунамиз. Лекин, нарх ҳамма вақт ҳам пул шаклида ифодаланмайди. Масалан, бартер натурал алмашишининг қадимий шакли ҳисобланади. Макроиктисодий назария бундан 150 йил илгари ҳам, товарни сотишга фақат нарх ёрдамида таъсир кўрсатиши мумкин деб уқтириб ўтган.

Бу вазиятни юкори баҳолашнининг асосий сабаби шундан иборатки, Адам Смит ва Давид Рикардолар даврида фақат бир хил хом-ашё ва бир хил истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, истеъмолчилар диқатини товарнинг маркаси, ўрами ва рекламаси ёрдамида жалб қилиш имконияти деярлик мавжуд бўлмаган. Иккинчидан, маҳсулот нархига асосий эътибор қаратилганлиги, пулни миқдор жиҳатидан осон ўлчаш мумкинлиги ва нархни сифатга нисбатан талаб ва таклифда осон қўллаш мумкинлиги билан тушунтирилади.

Нарх концепцияси кўринишидан оддий бўлсада, таҳлил этилган сари мураккаблашиб боради. Нарх турли шаклларда бўлиши ва турли усусларда таърифланиши мумкин. Нарх - бир томоннинг иккинчи томондан бирор бир қийматга эга нарсани олиш учун эвазига берадиган тўловдир. Нарх - маҳсулот ва хизматлар қанчалик фойдалилиги ва талабга жавоб бериш даражасини баҳоловчи қийматдир.

Нарх нима? Нарх доим ҳам пул ўлчовида белгиланмайди. Масалан, бартер жараённида маҳсулот нархи бошқа маҳсулот бирликларида ифодаланади. Нарх турли вазиятларда турлича номга эга бўлиши мумкин: моддий маҳсулотлар сотиб олишда - нарх, таълим муассасаларида -контракт

тўлови, бирор ускуна ёки турар жойдан вақтинча фойдаланишда - ижара, пулдан фойдаланишда - фоиз, меҳнат учун - иш хаққи, ноконуний харакатларда - пора кўринишида бўлади.

Нарх борасида қабул қилинган қарорлар истеъмолчиларга бевосита таъсир қилиши мумкин, шунинг учун маҳсулотнинг ҳаёт цикли давомида турли босқичлар учун турлича нарх белгилаш зарурияти туғилади. Нарх белгилашда бир неча муҳим омилларни хисобга олиш керак.

Улар:

- 1) нарх белгилаш мақсадлари
- 2) нархга истеъмолчилар ҳатти-харакатининг таъсири
- 3) нарх билан харажатлар ўртасидаги муносабат
- 4) маҳсулот хусусиятлари
- 5) рақобат муҳити
- 6) хукукий омиллар

Истеъмолчиларнинг ҳатти-ҳаракати нарх белгилаш усувлари ва жараёнига ўз таъсирини ўтказмасдан кўймайди. Агар нархлар кескин оширилса, талаб ҳам мувофиқ равишда пасайиши ва истеъмолчилар тарафидан қаршилик кучайиши мумкин. Бундай таъсир характерини аниқлаш учун икки хилдаги масалалар таҳлил этилиши керак: талаб таҳлили ва эластиклик таҳлили.

Талаб таҳлили ва сотув ҳажмига таъсир ўтказиш. Талабнинг умумий конунига мувофиқ нархнинг турли даражаларида талаб микдори ҳам турлича бўлиши керак. Одатда нарх ошган сари талаб камайиб боради. Бирок, қимматбаҳо ва юқори сифатли маҳсулотлар мисолида бунинг тескариси ҳам юз бериши мумкин, яъни нарх каттароқ бўлган сари талаб ҳам кучайиши мумкин. Бунда истеъмолчилар юқори нарх юқори сифатни англатади деб тасаввур киладилар.

Маҳсулот маълум бир микдорда сотилиши учун қанақа нарх белгилаш кераклигини аниқлаш муҳим вазифадир. Буни икки йўл билан аниқлаш

мумкин:

1. Синааб кўриш - яъни маҳсулотнинг турли нархларда сотилиш даражалари амалда синааб кўрилади.
2. Истеъмолчилар фикрини аниқлаш.

Эластиклик таҳлили ва истеъмолчилар фикри. Нарх эластиклигини аниқлаш нарх ўзгаришининг истеъмолчиларга қанчалик таъсир этишини акс эттиради. Эластиклик даражасини аниқлаш ҳам осон масала эмасdir. Масалан, нарх пасайтирилса ўзгариш ҳажми кўпроқ даромад келтириш даражасида бўладими ёки йўқми? Бу аксарият ҳолларда истеъмолчиларнинг бозордаги нарх тенденциялари ҳақида маълумотга эга эканликлари боғлиқдир. Баъзи ҳолларда истеъмолчилар қўп маҳсулотларнинг нархини аниқ эслай олмайдилар. Демак, нархни пасайтириш талабни оширмаслиги ҳам мумкин. Шунингдек, ҳар бир истеъмолчи ҳар бир маҳсулот учун резерв нархга эга бўлади, яъни ўзича тўловнинг максимум даражасини белгилаб олади. Баъзи истеъмолчилар бир хил маҳсулот учун бошқаларга нисбатан кўпроқ тўлашга тайёрdir, демак уларнинг резерв нархлари юқорироқ бўлади. Шунингдек, ҳар бир истеъмолчи ўзига яраша битим харажатларига эгадир, булар маҳсулот сотиб олиш учун сафар харажатлари, маблагни кўлга киритиш харажатлари, маркани алмаштириш ва номаълум маҳсулотни сотиб олиш хавфи харажатларидир.

Нархлардаги ўзгариш истеъмолчиларга турлича таъсир этиши мумкин. Куйидаги ҳолларда истеъмолчилар нархлардаги ўзгаришга озми-кўпми бефарқ бўладилар:

1. Маҳсулот ноёб бўлса;
2. Ўринбосар маҳсулотнинг борлиги ҳақида маълумотлари бўлмаса;



3. Махсулотларни нарх асосида тақкослашнинг иложи бўлмаса;
4. Нарх қийматининг умумий даромадга нисбати жуда кичик бўлса;
5. Нарх маҳсулотнинг умумий пировард харажатларига нисбатан жуда кичик бўлса;
6. Харажатларнинг бир кисми шериклар томонидан қопланса;
7. Маҳсулотнинг бир бўлаги аллақачон сотиб олинган бўлса;
8. Маҳсулот юқори сифатли, обрўли ва эксклюзив бўлса;
9. Истеъмолчилар маҳсулотни сақлашга имкониятлари бўлмаса.


Фирманинг нарх белгилашда таянадиган кўрсаткич - харажатларни қоплаштириб. Фойда даражаси эса кейинчалик харажатлар устига кўшилади. Бироқ, бу жараён шу даражада оддий эмасдир. Биринчи навбатда умумий харажатлар аникланилиб, кейин эса маҳсулотлар ассортименти бўйича тақсимланилади. Кўп ҳолларда харажатлар субсидияси амалга оширилади, яъни катта харажатли маҳсулотлар бошқа маҳсулотлар ҳисобига қопланади.

Нарх ўрнатиш тескари йўналишда ҳам бўлиши мумкин, янги маҳсулот чиқараётган фирма аввало, бозорда қанака нарх муваффақиятли бўлишини аниклайди ва қанча фойда олиш кераклигини белгилайди. Кейин эса колган суммага яраша харажатларни режалаштиради. Харажатлар даражасига хом ашё ва ярим фабрикатлар таъминотини ташкил этиш, дизайн ва ишлаб чиқариш жараёни хамда технология таъсир этади. Масалан, “Циннинати Милакрон” компанияси йирик станокларни қуришга ихтисослашган. У ўзининг “Максим 500” станокларини кайта ривожлантириб, фойдаланиладиган деталларни 30-40%га қисқартирган, олдинги 2542 кескич ўрнига 709 кескич билан дизайн амалга оширилган, станокни қуриш муддати 1800 соатдан 700 соатга туширилган ва бунинг натижасида умумий харажатлар 36%га қисқарган. Станокларни ўрнатишга ҳам икки ҳафта ўрнига икки кун сарфланадиган бўлди. Демак, ҳар бир ташкилотда харажатларни пасайтириш потенциали мавжуд бўлади, умумий сотув ҳажмига таъсир этмасдан тақсимот, маркетинг ва ишлаб чиқариш жараёнидаги самарасиз

харажатларни аниқлаш жуда синчков тахлилни талаб этади. Маҳсулот хусусиятларининг нарх билан боғлиқлиги

Маҳсулотларнинг учта асосий хусусиятлари нарх белгилаш вақтида ҳисобга олиниши керак:

1. Жойлаштириш ўрни;
2. Маҳсулот ҳаёт цикли босқичи;



3. Ёлғиз маҳсулот ёки маҳсулот линиясининг бир кисми эканлиги. Жойлаштириш. Маҳсулот нархи унинг бозордаги жойлаштирилишига караб ўзгариши керак. Масалан, Wall Street Journal ўтказган тадқиқотда истеъмолчилардан энг зўр ва элегант марка номини айтиш сўралган ва натижада энг обрўли маркалар номи аникланган. Бу маркалар эксклюзив маҳсулотлар бўлиб, уларнинг нархлари ракобатчиларнига нисбатан жуда юқори этиб ўрнатилади. Кўпларининг хусусиятлари ёки сифати бошқа маркалардан фарқ этмасада, уларнинг имижи жойлаштиришда асосий ўзгарувчи бўлиб хизмат киласи. Бунга тескари уларок, “Бик” ручка ишлаб чиқарувчи компанияси эса ўз маҳсулотларини энг арzon нархларда сотади, яъни ручкаларнинг жойлаштирилиши уларнинг паст нархларига эътиборни кучайтириб, кўп истеъмолчиларни ўзига жалб этишга қаратилган.

Маҳсулот ҳаёт цикли босқичи. Янги маҳсулот бозорга киритилиши босқичида нарх юқори қилиб белгиланади, чунки бозорда ҳали ўхшаш бирорта маҳсулот бўлмайди ва фирмада уни ишлаб чиқишга кетган харажатларни тезда қоплаш истаги бўлади. Ўсиш босқичида эса тармоққа кираётган янги фирмалар ҳисобга олинган ҳолда нарх пасайтириб борилади.

Етуклик босқичида эса нарх пасайиб кетади, чунки ракобат кучли бўлади; бозор ўринбосар маҳсулотларга тўлган бўлади. Пасайиш босқичида эса нархлар иложи борича паст қилиб белгиланади ва омбордаги маҳсулотларнинг ҳаммаси сотиб юборилишига ҳаракат қилинади. Ёлғиз маҳсулот ёки маҳсулот линиясининг бир қисми эканлиги. Агар маҳсулот линиясидаги ҳамма маҳсулотлар бир хил эҳтиёжни қондирса, бир маҳсулотнинг нархи оширилиши бошқа маҳсулотларга талаб оширилишини билдиради ва шунинг тескариси ҳам бўлиши мумкин. Маҳсулот ягона нусхада чиқарилганда эса нархлар ракобатчиларни хисобга олган ҳолда ўрнатилади.

Ракобатчиларнинг асосий хизмати улар фирма учун намунавий нархни белгилаб берадилар. Фирма ҳам шунақа кўрсаткичлар асосида ўз нархини белгилаши мумкин. Баъзи бозорларда истеъмолчилар нархга бефарқ бўлади ёки ҳамма нархларни эсларида сақламайди. Бундай бозорларда нархларнинг ракобатчиларга нисбатан пастлигининг реклама қилиниши ва тарғиб этилиши ўз самарасини йўқотади.

Фирмалар нарх борасида ракобатчилар фаолиятини доимий равища таҳлилдан ўтказиб боришлири шартдир. Рақобатчиларнинг нархлари, харажатлари ва фаолиятининг асосий томонларини таҳлилдан ўтказиш, ҳамда олинган натижаларни ўз фирмаси берилгандари билан солиштириш амалиёти «бенчмаркинг» дейидади. Бенчмаркинг сўзининг маъноси – маълум бир даражани ўлчаш мақсадида вертикал ҳолатдаги ўлчов асбобига ўлчов ораликларини белгилаб олиш. Бу сўз бизнесда ўз фирмаси ва ракобатчилар фаолиятининг асосий томонларини таққослаш маъносида ишлатилади.

Ракобатчилар нархи паст даражада бўлганда, корхона уларнинг



хар бир харажат статьялари бўйича сарфлаётган маблағларини таҳлил этади. Корхона қайси йўналишда ракобатчидан кўп сарфлаётганини аниқлагандан кейин, шу йўналишда харажатларни пасайтиришга ҳаракат қиласи. Бозор иқтисодиёти шароитида нарх бир қатор вазифаларни бажаради:

1. Бозор мувозанатини таъминлаш. Бунда нарх бозордаги талаб ва тақлифга таъсир кўрсатиш орқали уларни мувозанат ҳолатига келтиради.

Бозор нархи-бу мувозанатли, нарх бўлиб, у бозорда талаб ва тақлифларнинг мос тушганигини билдиради.

2. Иқтисодий регуляторлик функцияси. Нарх бозор иқтисодиётининг асосий механизмидир. Ишлаб чиқарувчилар нарх ўзгаришига қараб иш юритадилар. У барометр каби бозор ҳолатини кўрсатиб туради. Масалан: «А» товарга бўлган талаб ошса нарх ҳам ошади, бу эса тадбиркорларни шу товарни ишлаб чиқаришга йўналтиради ва аксинча.

3. Ракобат воситаси функцияси. Маълумки ракобат ҳам бозор иқтисодиётининг ривожланишида асосий рол ўйнайди. Рақобат турларининг энг муҳимларидан бири бу нарх воситасидаги курашдир. Нархни пасайтириш орқали бу курашда ютиб чиқиш мумкин.

4. Ҳисоб – китоб функцияси. Нарх – бу алмашув киймат, бошқача қилиб айтганда, товар учун тўланадиган пул миқдоридир. Шу асосида у ҳисоб-китоб функциясини бажаради.

5. Социал ҳимоя функцияси. Бозор иқтисодиётининг ўтиш босқи-чида ижтимоий ҳимоя вазифасини ўтовчи нархлар, ахолининг кенг қатламларини ҳаётий зарур истеъмолчилик товарлари билан минимал даражада таъминлаш мақсадида ҳам кўлланилади. Масалан, бизнинг мамлакатимизада 1991 йилдан 1995 йилгacha ун ва ун маҳсулотлари, қанд-шакар, гўшт, ўсимлик мойи, чой, совун каби маҳсулотлар дотациялашган нархларда чекланган миқдорда сотилди. Уларнинг дотацион ва ҳақиқий нархлари ўртасидаги фарқ бюджет маблағлари ҳисобига қоплаб борилди.

6. Қийматни хисобга олиш вазифаси. Товарни ишлаб чикаришга килинган харажатлар, олинган натижалар ва унинг нафлилиги нарх ёрдамида хисобга олинади.

7. Тақсимлаш вазифаси. Нарх воситасида даромадлар, маҳсулотлар ва иқтисодий ресурслар мулкдорлар, тармоқлар, соҳалар ҳамда худудлар ўртасида тақсимланади ва қайта тақсимланади.

### Қисқа хуносалар

**Нарх бу** – турли неъматларни айирбошлиш жараёнида намоён бўладиган шу неъматлар қимматини ифодалаш шаклидир. Қимматни ифодалаш нафақат пул шаклида, балки нотурал, фоизли ва бошқа шаклларда ҳам бўлиши мумкин. «Нарх» тоифасини тушунишда ҳал қилувчи фурсат – айирбошлишдир. Айирбошлиш миқёси ва қизгинлиги нарх шакллантириш миқёси ва объективлигини белгилаб беради.

Қиймат – бу товарга мужассамланган ижтимоий фойдали меҳнат сарфлари, ўртacha меҳнат шароитлари, мохирлик ва интенсивликка мос келувчи харажатлардир. Агар ҳар қандай товар меҳнатнинг натижаси бўлса, у холда барча товарларни сифат жиҳатдан бир хиллаштиради, бинобарин, киёсий ва тенглашувчан қиласди.

Бозор иқтисодиёти шароитида **нархни шакллантириш механизми** нархлар ва уларнинг динамикаси орқали намоён бўлади. Нархлар динамикаси иккита муҳим омиллар – стратегик ва тактик таъсири остида шаклланади.

Стратегик омил нархлар товарлар қиймати асосида ҳосил бўлиши билан ифодаланади. Қиймат доимий равища тебранишлар юз беради. Мазкур жараён жуда мураккаб.

Тактик омил муайян товарларнинг нархлари бозор конъюнктураси таъсири остида шаклланади.

**Нархни шакллантиришнинг бозор механизми** ракобат ва саноат ва савдода монополияни тугатиш учун шароит яратиши, ҳамда бу орқали уларнинг таркибини, шунингдек истеъмол таркибини кулайлаштиришга кўмаклакшиши лозим.

Нарх концепцияси кўренишидан оддий бўлсада, таҳлил этилган сари муракаблашиб боради. Нарх турли шаклларда бўлиши ва турли усусларда таърифланиши мумкин. Нарх – бир томоннинг иккинчи томондан бирор бир қийматга эга нарсани олиш учун эвазига берадиган тўловдир. Нарх – маҳсулот ва хизматлар қанчалик фойдалилиги ва талабга жавоб бериш даражасини баҳоловчи қийматдир.

### Назорат учун саволлар

1. Нима учун нарх иқтисодиётнинг асосий элементидан бири хисобланади?
2. Нархни шакллантиришнинг иккита тизими нималардан иборат?
3. “Қиймат” – тушунчаси деганда нимани тушунасиз?
4. Бозор муносабатлари шароитида нархни шакллантиришнинг механизми нималардан иборат?
5. Марказлаштирилган иқтисодиёт шароитида нархларни шакллантириш тамойиллари нималардан иборат?
6. Маркетингда нарх сиёсатининг аҳамияти нимадан иборат?
7. Маркетинг тамойиллари ва вазифаларининг бозордаги ўрни нимадан иборат?
8. Тадбиркорлик фаолиятида маркетингнинг ўрни ва аҳамияти.
9. Фирманинг асосий мақсадларига нималар киради?
10. Маркетингнинг туралари ва концепцияси нимадан иборат?

## Тест топшириқлари

### 1. Нарх – бу?

- А. Товарнинг пул ифодасидаги қиймати
- Б. Товар эквиваленти
- В. Сервис қиймати
- Г. Харажатлар қиймати

### 2. Кенг маънода нарх бу?

- А. Махсулот харид килиш билан боғлиқ истеъмолчининг барча объектив харажатлари
- Б. Тараб ва таклиф нисбати
- В. Харид учун муомала воситалари
- Г. Нарх ва сифат нисбати

### 3. Маркетинг тушунчаси бу:

- А. Маркетинг – айрбошлаш воситаси бўйича эҳтиёжларни кондиришга қаратилган инсон фаолияти тури
- Б. Харидор бозори
- В. сегментларни ўрганиш
- Г. комплекс реклама тизими

### 4. Маркетингнинг гоявий асослари остида нима тушунилади?

- А. Бизнес фалсафаси, ишбилармонлик хатти-харакати ва ҳаркатланиш қўлланмаси этикаси
- Б. Бу маркетинг концепциясининг учта жиҳати
- В. Бу маркетингнинг асосий хўжалик фаолияти
- Г. Фаол реклама жараёни

### 5. Маркетингнинг мақсадлари бу....

- А. Бозорга оид, шахсий – маркетингли, таркибий-бошқарув, таъминловчи, назорат килувчи
- Б. Истеъмолчиларни ўрганиш, бошқарувга оид таркибий-бошқарув тизими
- В. Таъминловчи ва назорат килувчи
- Г. Фирмани имкониятларини ўрганиш

### 6. Маркетингнинг моҳияти бу:

- А. “Боғлаб қўйишга уриниш эмас, савдодан топиладиганини ишлаб чиқариш” формуласи билан аникланади
- Б. Доимий харидорларнинг талабларига фаол мослашиб тактикаси ва стратегиясининг ўзаро боғликликда ва бирлиқда қўллаш
- В. Доимий мижозлар билан алоқа ўрнатиш
- Г. Якуний амалий натижага эришиш

### 7. Бозор муносабатлари шароитида қиймат қонуни ... ўз ифодасини топади

- А. Нарх ва нархни шакллантириш механизми
- Б. Товар ишлаб чиқариш ва товар сиёсати иеханизмida
- В. Сервис ва хизматлар механизми
- Г. Бозор конъюнктураси механизмida

### 8. Фирмаларнинг нарх сиёсати замирида ... тушунилади

- А. Тамойиллар асосида нархнинг асосини ташкил этиши ва фирманинг бош мақсадларига эришиш ва тегишли маркетинг масалаларини ҳал этиш учун нархни маневрлаштириш лозимлиги тўғрисидаги тасаввурлар тизими
- Б. Бозорда нархларни аниқлаш ва белгилаш
- В. Корхонанинг маркетинг мақсадлари
- Г. Ишлаб чиқариш нархи ва сифатини аниқлаш

### 9. Маркетингнинг умумий вазифаси бу:

- А. Махсулот ишлаб чиқариш, бозорни ўрганиш, бозорга таъсир чоралари
- Б. Савдони ташкил этиш
- В. Реклама ва коммуникацияни ташкил қилиш
- Г. Стратегик режани ташкил килиш қоидалари

### 10. Махаллий бозор хусусиятларига.... тааллуқли эмас

- А. Кўп сонли истеъмолчилар
- Б. Чекланган товар миқдори
- В. Савдо шакли сифатида чакана савдони
- Г. Транспорт харажатлари чекланганлиги

## **2 - БОБ. НАРХЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФИ**

### **2.1. Нарх турлари ва уларнинг таснифланиши**

Нархларни таснифлашнинг биринчи ва муҳим аломати туб муносабатининг хизмат кўрсатиш соҳасига мос равишда туркumlаниши хисобланади.

Мазкур аломатга боғлиқ ҳолда нархлар қўйидаги асосий турларга тақсимланади:

- саноат маҳсулотига улгуржи нархлар;
- қурилиш маҳсулотлари нархлари;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига харид нархлари;
- юқ ва йўловчи транспорти тарифлари;
- чакана нархлар;
- коммунал ва майший хизматлар тарифлари;
- ташки савдо айланмасига хизмат кўрсатувчи нархлар (экспорт ва импорт нархлари).

Нархларнинг вазифалари нима?

Функция мазкур тизимда бирор бир объектнинг ташки ҳусусиятини намоён этиш хисобланади. Функция реал воқеликда иқтисодий тоифанинг ички, чукур моҳиятини амалга оширишдир.

Нархнинг функцияси унинг ички таркибини ташки намоён этиш хисобланади. Нарх вазифаларига истисносиз ҳар бир муайян нархга хос бўлган ҳолатларгина киритилиши мумкин. Нархнинг бешта вазифасини ажартиш мумкин:

**1. Хисоб - китоб вазифаси** - ижтимоий меҳнат харажатларини хисоблаш ва ўлчаш вазифаси нархнинг моҳияти билан аниқланади, яъни

қийматнинг пулдаги ифодаси хисобланаб, нархлар бирор бир бошқа маҳсулотга муайян эҳтиёкларни қондириш миқдорини кўрсатади. Нарх товарни ишлаб чиқаришга қанча меҳнат, хомашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва ҳ.к. сарфланганлиги, меҳнатдан қандай самара билан фойдаланилганлигини ўлчайди. Пировардида нарх нафакат ишлаб чиқаришнинг ялпи харажатлари қиймати ва товарларни муомаласи, балки фойда миқдори ҳам ўлчанади.

Бироқ бозор муносабатлари шароитида нархнинг ушбу вазифасини охиргиси бозорга чиқишида товар ишлаб чиқарувчига таклиф этилувчи харажатлар ёки нархни ўлчашга киртиш мумкин эмас. Гап шундаки, бозор нархи кўплаб омиллар таъсирида харажатлардан маълум даражада чекиниши мумкин. Амалга оширилган харажатларнинг тўғрилигини тан олиш, уларнинг ижтимоий аҳамияти уларнинг манбаатлари тўқнаш келиши натижасида товар тайёрловчи ва харидорининг бевосита алоқасида бозорда юз беради. Ишлаб чиқарувчининг манбаати ўз товарини сотишдан катта тушум олишдан иборат, харидорлар эса энг кам харид нархидан манбаатдордирлар.

Шунинг учун якуний нарх товар ишлаб чиқарувчи олишни хоҳлаган нархдан сезиларли тарзда фарқланиши мумкин. Монополлашган иқтисодиёт, деформацияланган бозор, заиф рақобат шароитида ишлаб чиқарувчи нархларни белгилайди, уларни ўсишини факат маъмурйлаштирилган тартибга солиш сақлаб туриши мумкин.

Рақобатни сақлаб колиш учун товар ишлаб чиқарувчи ўз харажатларини мунтазам равишда назорат қиласди, уларни рақобатчиларнинг нархлари билан қиёслайди ҳамда ўз харажатларини камайтириш, шунингдек товар сифатини яхшилаш ҳисобига рақобатчилардан ўзид кетишга ҳаракат қиласди.

Мазкур вазифада нарх микдорий ва сифат кўрсаткичларига бўлиш мумкин бўлган барча микдорий кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқариш воситаси сифатида хизмат қиласди.

Микдорий кўрсаткичлар – ЯИМ, миллий даромад, капитал кўйилмалар ҳажми, товарайланмаси ҳажми, фирма, корхона ва тармоклар маҳсулотлари ҳажми.

Сифат кўрсаткичлари – рентабеллик, меҳнат унумдорлиги, фонд тушуми ва ҳ.к.

Нарх турли ҳўжалик жараёнларининг микдорий ҳисоби, уларнинг натижаларини ўлчашни ташкил этиш имконини берувчи иқтисодий восита сифатида иштирок этади. Масалан, фирманинг ишлаб чиқарилган ёки сотилган товар маҳсулотлари унинг маҳсулот ёки хизматлари нархи қийматига teng. Ҳисоб-ўлчаш вазифасини амалга оширган ҳолда нарх меҳнат харажатларидан келиб чиқсан ҳолда ўз истеъмол хусусиятлари бўйича турлича бўлган товар ва хизматларни қиёслаш имконини беради.

Ушбу вазифада нарх ишлаб чиқариш самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири сифатида иштирок этади, ҳўжалик қарорларини қабул қилиш учун максад, айниқса, бозор муносабатлари шароитида фирма ички режалаштиришнинг муҳим воситаси бўлиши мумкин.

**2. Нархнинг вазифасини рағбатлантиришнинг - моҳияти нархнинг турли товарларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишга рағбатлантирувчи**



ва тўхтатувчи таъсирида ифодаланади. Нарх фойдага киритилган қиймат орқали ишлаб чиқарувчига (ва ўта муҳим) рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади. Ҳўжалик ҳаётида нархлар бирор бир товарларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ортиши (ёки камайиши)га кўмаклашиши (ёки тўсқинлик) қилиши мумкин. Ишлаб чиқарувчилар учун ўз маҳсулотини бевосита сотадиган нархлар айниқса муҳимдир.

Нарх ёрдамида рағбатлантириш ёки камайтириш мумкин:

- илмий –техника жараёнини;
- ресурс харажатлари тежаш;
- маҳсулот сифатини ўзгартириш;
- ишлаб чиқариш ва истеъмол таркибини ўзгартириш.

Рағбатлантириш асосий нархга кўшимча ва чегирмаларни нархда юкори фойда адаражасини ўрнатиш орқали амалга оширилади.

Ишлаб чиқарувчига ўз маҳсулотини фойдали сотиш имконини берувчи бозор нархларига рағбатлантирувчи вазифа хосдир. Бундай вазифада бошқа товарларга нисбатан юкори фойдани таъминловчи нархлар янада самарапидир. Бозорларда амал қилувчи нархни шакллантирувчи механизм ёрдамида такрор ишлаб чиқариш жараёнларини рағбатлантириш имконияти янада самарапидир.

Илмий-техник тараққиёт нархларини рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу янги илғор техника, янада замонавий технологияни ишлаб чиқиши ва жорий этишда, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда, янги маҳсулотларни ўзлаштиришда ифодаланади, бу эса ўз навбатида меҳнат унумдорлигини маълум даражада ошириш, моддий ресурсларни тежаш имконини беради.

Нарх тадбирларини кўллаш орқали амалга оширилувчи ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг қулай таркиби рағбатлантирилади. Ишлаб чиқариш истеъмолининг оқилона таркиби фойдали самара бирлиги ҳисобида нархларнинг бир хил ёки турли даражаларини ўрнатиш йўли билан

махсулотнинг ўзаро алмашувчи турларига нархларнинг тегишли даражаси ва нисбатларини шакллантириш йўли билан амалга оширилади.

Аҳолининг шахсан истеъмолининг қуай таркибини рағбатлантириш билвосита солик ставкаларини фарқлаш ҳисобига (кўшимча қиймат солиги, акцизлар, савдо солиги ва х.к.), шунингдек махсулотлар таннархи, шартномавий нархлар тизимини калькуляция қилишда хомашени баҳолашнинг турли усусларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади.

Ҳозирги вакт шароитида бирламчи муҳимлик вазифаси ички сингари ташки бозор учун ҳам ракобатбардош товарларни ишлаб чиқариш нархларини рағбатлантириш ҳисобланади.

**3. Нархнинг тақсимловчи вазифаси кўплаб бозор омиллари** - таъсири остида нархнинг қийматдан оғиши имконияти билан боғлиқ. Унинг моҳияти, нархнинг ёрдамида миллий (соф) даромаднинг қуидагилар ўртасида тақсимланиши ва қайта тақсимланиши амалга оширишидан иборат:

- иқтисодиёт тармоклари;
- турли мулк шакллари;
- мамлакат минтақалари;
- жамғариш фондо ва истеъмол фонди;
- аҳолининг турли ижтимоий гурухлари.



Зеро, дабдаба предметлари ва нуфузли товарлар юқори чакана нархлар ёрдамида (заргарлик буюмлари, енгил автомобиллар ва х.к) аҳолининг кам таъминланган тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун фойдаланилган маҳсус

фондларни шакллантириш учун юқори даромад олувчи аҳоли маълум қисмининг пул маблаглари бюджет ёрдамида қайта тақсимлаш таъминланади.

Нархнинг тақсимланувчи вазифаси алоҳида товар гурухларига акциз нархлари, кўшимча қиймат солиги (КҚС) ҳисобини ҳам ва ижтимоий эҳтиёжларга турли даражали бюджетларга тушувчи марказлаштирилган соф даромаднинг турли шакллари ҳисобини ҳам кўзда тутади. Нархнинг ушбу вазифасига кўра жамиятнинг бошка ижтимоий вазифалари ҳам ҳал этилади.

Нархнинг ёрдамида аҳолининг алоҳида тоифалари ўртасида ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида яратилган қийматнинг қайта тақсимланиши амалга оширилади. Мазкур вазифа айниқса давлат томонидан тартибга солинадиган нархларда ифодаланади. Товар нархини унинг қийматида баланд қилиб белгилашда унинг бир қисми сотувчининг фойдасига тақсимланади, истеъмолчи мазкур товарни харид қилишда катта харажатлар киласи, сотувчи эса тегишли равишда юқори даромад олади.

Товар нархининг унинг қийматидан оғишиши савдо битимлари кўп бўлганилиги сабабли оммавий характерга эга. Бу муайян товарлар нархларининг улар қийматидан оғишиши қонунийлигидан далолат беради. Бироқ олди-сотди натижасида жами товар массаси бўйича нарх ва қиймат умумий ҳолатда мувозанатлаштирилади, бинобарин баъзиларнинг ютуклари бошкарларнинг мағлубиятига teng бўлиши лозим. Бинобарин, барча товарлар нархлари ва улар қийматининг йигиндиси тенглиги ҳар бир муайян товар бўйича нархнинг қийматдан оғишиши каби қонуний ҳисобланади.

Қайта тақсимлаш воситаси сифатида кўпинча тартибга солинувчи нархлардан фойдаланилади. Бироқ улар ягона тақсимлаш ва қайта тақсимлаш воситаси эмас. Молия ва кредит тизими бу ерда асосий ўринга эга. Зеро, маълум аҳоли тоифасининг турмуш даражасини ошириш масалаларини ҳал этишда аҳолининг пул даромадлари (иш ҳаки, пенсия, нафақалар)ни ёки

солиқ тұловлари ставкасини күриб чикиб, молиялардан фойдаланиш самаралироқдир. Мазкур ҳолатда нархлардан фойдаланиш камрок самара беради, бинобарин нархлар пасайтирилишидан одатда ахоли фойда күради.

**4. Талаб ва таклифни мувозанатлаштириш функцияси**, нархлар орқали ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш, талаб ва таклиф ўртасидаги алоқа амалга оширилади.

Нарх ишлаб чиқариш ва муомала соҳасидаги номутаносибликлар пайдо бўлганилиги ҳақида хабар беради ва уларни бартараф этиш бўйича зарур чораларни кўришни талаб этади. Нарх талаб ва таклиф ўртасида нисбатга эришиш учун қайишқоқ восита сифатида хизмат қилади. Хўжаликни ривожлантиришда номутаносибликлар, талаб ва таклиф ўртасида номувофиқлик пайдо бўлганда ўрта ўртасидаги мутаносиблик товар ишлаб чиқаришни кенгайтириш/қисқартириш, ёхуд нархнинг кўтарилиши ёки пасайиши орқали, ёки иккала усул билан бир ватқнинг ўзида эришилади.



Нарх ишлаб чиқарувчини сифатни ошириш ва талабга эга бўлган товарларнинг зарур ассортиментини бозорда кенгайтириш йўли билан қизиктириши лозим. Маъмурий-буйруқбозлик бошкарув тизими шароитида талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносиблик ишлаб чиқариш ва моддий-техник таъминот режалари билан тартибга солиб борилган. Талаб факат қисман алохида мода услубидаги товарларга янада юқори нархларни белгилаш ва талабга эга бўлмаган товарлар нархини пасайтириш, яъни мавсумий нархларни белгилаш орқали тартибга солиб борилган.

Бозор муносабатлари шароитида мазкур вазифадаги нарх ижтимоий ишлаб чиқаришнинг табиий тартибга солувчиси вазифасини бажаради:

талабга эга бўлмаган товар ишлаб чиқариш қисқаради, моддий ва пул ресурслари бозор учун зарур бўлган ва талабга эга бўлган товарларни ишлаб чиқаришга сафарбар этилади.

Талаб харидор томонидан унинг товар харид қилиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда товарга бўлган эҳтиёжи билан ифодаланади. Бу асосан бозор нархи ва харид қилинган товарлар миқдори ўртасидаги олди берди боғлиқликни ўрнатишида ифодаланади. Шунга ўхшаш бошка шароитларда харид қилинган товарлар сони уларнинг нарх даражасига боғлик. Нарх қанчалик юқори бўлса, товар шунчалик харидор томонидан кам харид қилинади, бинобарин сотилиган товарлар ҳажми пасаяди. Нархлар пасайганида товарларга талаб ортади. Товарлар танқислиги аҳамият касб этган ҳолда талабнинг ортишида уларнинг нархлари ҳам ўсиши муқаррар. Товарлар ортиқча бўлган шароитда уларнинг савдоси фақатгина нархлар пасагандагина амалга оширилиши мумкин.

Таклиф, бозорга чиқарилган товар нархи ва сифати ўртасидаги бевосита боғлиқлик билан тавсифланади. Нархлар оширилганда сотувга таклиф этилган товарлар ҳажми кўпаяди ва аксинча. Россиядаги хозирги шароитларда қуидаги парадокс аҳамият касб этади: аксарият товарлар нархлари узлуксиз ўсади, уларни ишлаб чиқариш қисқаради. Ортиб борувчи талаб импорт билан таъминланади.

Шундай қилиб, нарх талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатлаштирувчи вазифани товарлар етишмаганда таклиф ортиши рагбатлантирувчи ва товар ортиқча бўлганда талабни пасайтирувчи нарх бажаради.

Бозор тузилмалари барпо бўлиши ва рақобатни ривожлантириш, талаб ва таклиф ўртасида мутаносибликка эришишда нархларнинг оширилиши товар ассортиментини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш билан ифодаланиши лозим.

Бозор муносабатларини, эркин тадбиркорлик ва ракобатни ривожлантириш нархнинг бу вазифаси янада кучаяди ва вақт ўтиши билан

бозор хўжалигига нарх ва товарларни шакллантиришда устунликка эришади.

**5. Мамлакатни бозор иқтисодиётига ўтишида ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш мезони сифатида нархнинг вазифаси.** У янада юкори фойда олиш учун нархлар механизми ёрдамида капиталларнинг бир иқтисодий сектордан бошқасига ҳамда алоҳида секторлар ичидаги – фойда меъёри юкори бўлган томонга “қўйилиши” амалга оширилишида намоён бўлади. Капиталларнинг бундай оқими фирмалар томонидан рақобат ва талаб коунини таъсирида мустакил равишда амалга оширилади. Факат корхона ўз капиталини қайси фаолият соҳаси, қайси тармоқ ёки иқтисодиёт соҳасига киритишини ўзи ҳал этади. Бунга чукур маркетинг тадқикотлари, яъни барча иқтисодий омиллар, шу жумладан нархни ўрганиш ҳолатлари намуна бўла олади.

Хозирги вактда маблағлар савдо-воситачилик фаолиятига кўйилмоқда, бунда уларнинг айланиши ва фойда меъёри бошқа тармоқларга нисбатан юқоридир. Шунинг учун тадбиркорлар маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ўз капиталлардан фойдаланишда уларни ушбу фаолият турига киритишини афзал кўрадилар. Бундай ҳолатда капиталлар савдо капитали шаклига эга бўлади. Мазкур фаолият соҳасида турли товар гурӯхлари савдо бозори учун ҳар хил концерн, бирлашма ва фирмалар ўртасида ўта кучли рақобат аҳамият каеб этади.

Ишлаб чиқариш даври етарлича узоқ ва инфляция шароитида ишлаб чиқариш туридаги фаолиятга капиталлар киритиш ушбу соҳага кўйиладиган маблағлар билан таъминлашни келтириб чиқаради.

Нархнинг юқорида санаб ўтилган барча вазифалари бир бирлари билан ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсиrlашади, қатор ҳолатларда эса зиддият ҳам юзага



келади. Зеро, нархнинг рағбатлантирувчи вазифаси талабга эга бўлган товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга кўмаклашган ҳолда талаб ва таклифни мувозанатлаштиришни кучайтиради. Бироқ нарх акс вазифа, яъни рағбатлантирмаслиги ҳам мумкин, бу эса товар таклифи қисқаришини келтириб чиқаради. Ўз навбатида бу таклиф талабдан юкори бўлган ҳолатларда талаб ва таклифни мослаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Нархнинг тақсимловчи вазифаси маълум товарларга юкори талаб намоён бўлувчи ва нисбатан юкори фойда меъёри юзага келаётган иқтисодиётнинг тармоқ ва секторларига капиталлар “қўйилишига” кўмаклашган ҳолда ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш мезони сифатида нархнинг вазифалари билан ўзаро таъсиrlашади.

Нархнинг хисоб вазифаси кўпинча деярли барча вазифалари, айниқса, рағбатлантирувчи ва тақсимловчи, шунингдек, талаб ва таклифни мувозанатлаштириш вазифалари зиддиятга уйрайди, чунки бозор шароитларида кўплаб омиллар таъсирида нарх кўпинча ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларидан сезиларли оғишиади. Хўжалик хаётида нархнинг турли вазифалари ўртасидаги ўзаро алоқа ва ўзаро боғликлар селиларли даражада мураккаб ва турли туман бўлади, бу эса корхона (фирма)ларнинг маркетинг хизматларини тадқиқот объектига айланиши лозим.

## 2.2. Саноат маҳсулотларига бўлган нархлар

Бозор иқтисодиёти шароитида қатор иқтисодий белгиларга боғлиқ ҳолда барча нархлар турлари бўйича таснифланади.

Саноат маҳсулотларига улгуржи нархлар – саноат корхонаси, фирма ва ташкилотларининг маҳсулотлари улгуржи айланма тартибида мулк шаклидан қатъи назар сотилади ва харид қилинади. Маҳсулот мулк шаклини ўзгаритириш орқали катта микдорда кўтарасига сотилади ва харид қилинади, бундай ҳолат маъмурий нарх шаклланишида кузатилмади. Бозор

муносабатларига ўтиш шароитидаги улгуржи нархларнинг фарки ҳам айнан шундадир.

Саноат маҳсулотига улгуржи нархлар ўз навбатида иккита кичик турга бўлинади:

- корхонанинг улгужи нархи (чиқариш нархи);
- саноатнинг улгуржи нархи.

Корхонанинг улгуржи нархи (чиқариш нархи) – корхона ишлаб чиқарган маҳсулотини улгуржи-савдо ташкилотларига ёки бошқа корхоналарга сотадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчининг нархи. Бозорга ўтиш шароитларида бу нархлар корхона ва ташкилотларга келгуси хўжалик фаолиятини юритиш имконини таъминлайди. Бошқача айтадиган бўлсак, ўз маҳсулотларини улгуржи нархларда сотган ҳолда корхона ёки фирмалар ўз ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини қоплашлари ҳамда уларга бозор шароитда сақланиб қолиш имконини берувчи фойда меъёрига эришишлари лозим. Фойда нархнинг муҳим элементи ҳисобланади.

Фойда олиш – ҳар қандай тадбиркорлик шаклининг асосий ундовчи мотивидир. Бозор иқтисодиёти, ракобат шароитида катта фойда олишга объектив йўналиш мавжуд.

Корхона (фирма) учун фойданинг зарур микдори уни ривожлантириш эктиёjlари билан аниқланади ва одатий такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи рухсат этилган даражадан кам бўлмайди. Акс ҳолда кескин ракобат шароитида корхона инқирозга юз тутиши мумкин.

Агар режали иқтисодиётда бюджетдан дотациялар ҳисобига яшовчи паст рентабелли ва норентабель корхоналар фаолият юритган бўлса, у ҳолда бозор шароитларида бундай корхоналар деярли мавжуд эмас, давлат устувор тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни кўллаб-куватлаш мақсадида ушбу тармоқ корхоналарига дотациялар ажратишга мажбур бўлади.

Арzonлаштирилган трансферт нархлари баъзан божхона божларини камайтириш учун ҳам қўлланилади. Бироқ бу монополияга қарши қонунчиликка зид бўлиши ва жазога тортилиши мумкин.

Саноатнинг улгуржи нархлари – корхона ва истеъмолчи –ташкилотлар улгуржи савдо ва таъминотчи ташкилотларнинг маҳсулотларига тўлайдиган нархлар.

Саноатнинг улгуржи нархи улгаржи (чиқиши) нархидан ташқари савдо-таъминот (улгуржи) нархи ёки чегирма ва ККС ни ҳам ўз ичига олади. Савдо-таъминот (улгуржи) нарх ёки чегирма – бу таъминот ва савдо бўйича хизматлар нархи; ҳар қандай нарх сингари у савдо-саноат ёки улгуржи ташкилотларнинг харажатларини қоплаши ва уларнинг фойдасини таъминлаши лозим.

Агар маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг нархлари ишлаб чиқаришга интилса, у ҳолда саноатнинг улгуржи нархлари муомала соҳаси (улгуржи савдо) билан янада узвий боғлик.



Саноат улгуржи нархининг турли туманлиги биржа товари нархи (ёки биржа битимлари) ҳисобланади. Бу нарх биржа котировкалари ва устамалари ёки ундан чегирмалар асосида товар сифати ва биржа шартномасида кўзда тутилган етказиб бериш жойидан товар масофасига боғлиқ ҳолда шаклланади.

Одатда оммавий товар товар ҳаракатининг уч босқичидан ўтади:

- корхона – улгуржи савдо;
- улгуржи савдо – чакана савдо;
- чакана савдо – истеъмолчилар.

Товар ҳаракатининг мазкур босқичларига уч турдаги нарх мос келади:

- корхонанинг улгуржи нархи (чикиш нархи), уни ишлаб чиқарувчининг инархи деб ҳам аташади;
- саноатнинг улгуржи нархи;
- чакана нарх (у ҳақда кейинрөк тўхталиб ўтамиз).

Курилиш маҳсулотлари нархи. Курилиш маҳсулотлари уч турдаги нарх бўйича баҳоланади:

1) смета қиймати – ҳар бир обьект қурилишига сўнгги харажатлар миқдори;

2) прейスクант нархи – қурилиш обьектининг якуний маҳсулот бирлигининг ўртача смета қиймати (уй-жой майдонининг 1 кв.м, фойдали майдоннинг 1 кв.м, бўёқчилик ишлари 1 кв.м ва х.к);

3) буюртмачи ва пудратчилар ўртасидаги келишуви бўйича ўрнатилган шартнома нархи; мазкур нархнинг харакат соҳаси бозор муносабатларини ривожлантириш орқали янада кенгаяди, уларнинг қурилиш маҳсулотларига бошқа нарх турларининг таъсир соҳаси эса сезиларди тарзда қисқаради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига харид нархлари – бу қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермалар ва аҳоли томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиладиган (улгуржи) нархлар.

Амалиётда алоҳида хўжаликлар учун нархлари турли савдо каналлари бўйича сотилган маҳсулот нархи ва миқдори хисобга олинган ҳақиқатта ўртача сотиш нархига



ўзгарилилади (тайёрлаб берувчи ташкилотларга, чакана савдо билан тўғридан-тўғри алокалар бўйича, колхоз бозорида ва бошк.). Харид нархлари

- шартномавий (эркин) нархлар, улар талаб ва таклиф нисбатига боғлиқ ҳолда ўрнатилади.

Таркибига кўра харид нархлари, биринчидан, таннархга, иккинчидан хўжалик фаолиятини нафақат оддий, балки кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шароитида амалга ошириш давом эттириш учун зарур бўлган фойда миқдори, учинчидан, ҚҚСдан иборат.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун саноат ва қишлоқ хўжаликлари ўртасида маҳсулот алмашишда нарх паритетини, мазкур айирбошлиш эквивалентлигини таъминлаш, шаҳар ва қишлоқ ўртасида нарх зиддиятига йўл қўймаслик масаласи мухим ҳисобланади. Мазкур паритет нарх орқали қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат учун ҳеч қандай зарарларсиз саноат ва қишлоқ хўжалиги ўртасида ўзаро фойдали маҳсулот айирбошлишни таъминлаши лозим.

Нарх паритети узоқ вакт давомида доимий равишда бузуб келинган, бу эса қишлоқ хўжалигига сезилардли йўқотишларни келтириб чиқарди ва унинг иқтисодиётига салбий таъсир этган, мазкур тармоқнинг ривожланишига тўсқинлик қилди.

Нарх шаклланиши жараёнини расмда кўринишида куйидагича тасвирлаш мумкин:



| Корхона<br>харажатлари<br>(танинрх)  | Фойда | Савдо-тъмминот ёки<br>улгуржи, нарх<br>(чегирма) |       | Савдо устамаси |       |
|--------------------------------------|-------|--|-------|----------------|-------|
|                                      |       | Харажатлар                                       | Фойда | Харажат        | Фойда |
| Корхонанинг улгуржи<br>(чикиш) нархи |       |  |       |                |       |
| <b>Саноатнинг улгуржи нархи</b>      |       |  |       |                |       |
| <b>Чакана нарх</b>                   |       |  |       |                |       |

### 2.1 – расм. Нархнинг шаклланиш жараёни

Чакана нархлар – товарлар ахоли, корхона ва ташкилотларга чакана савдо тармоқлари бўйича сотиладиган нархлардир. Улар якуний хисобланади, ушбу нархлар бўйича товарларни муомала соҳасидан чикарадилар ва уй хўжалиги ёки ишлаб чиқаришда истеъмол қилинади.

Чакана нархнинг таркиби куйидаги иқтисодий элементлар, уни хосил килувчи: саноатнинг улгуржи нархи, ККС ва савдо устамаси ва чегирмаси, шунингдек савдо солиги билан тавсифланади. Савдо устамаси савдо ташкилотларининг харажатлари ҳамда улар фаолиятини давом эттириш учун фойдадан иборат. Савдо устамаси чакана савдо корхоналари томонидан товарни харид қилиш нархига фоизларда ўрнатилади (ККС).

### 2.3. Нарх шаклланиши жараёни

Ҳар бир кейинги нарх тури кейингиларини ўз ичига олишини сезиш қийин эмас.

Қайд этиш жоизки, товарни ҳар бир сотиш босқичи(айланмаси)да нархга қўшимча равишда қўшимча қиймат солиги, шунингдек, товар ишлаб

чиқарувчи корхона томонидан бюджетга тўланувчи акциз (акцизости товарлар бўйича) киритилади.

Билвосита солик ҳисблangan ҳолда ККС товар харакатининг ҳар бўғинида ҳосил бўлади ва чакана нархда аккумуляцияланади. У якуний истеъмолчи, яъни ахоли ёки давлат томонидан тўланади. Мазкур солик, одатда, 20 %ни ташкил этади, лекин алоҳида товар гурухлари бўйича унинг имтиёзли ставкалари ҳам мавжуд (баззи озик-овқат, тибиёт асбоблари, болалар ассортименти товарлари ва баъзи бошқалари).

Билвосита товарлар учун нархда алкоголь маҳсулотлари бўйича 90%дан ва асосий озик-овқат маҳсулотлари бўйича 10%гача эришилади.

Сотув нархидан ташкари, истеъмол нархи ёки истеъмол харажатлари ҳам мавжуд. Гап шундаки, эҳтиёжни қондириш учун товар харид қилишнинг ўзи етарли эмас. Асосан узок фойдаланилайдиган аксарият товарлар бўйича хизмат кўрсатиш, таъмиrlаш, эҳтиёт қисмлари, ёнилғи, электр энергияси ва ҳ.к.га фойдаланиш-харажатлари бўйича харажатларни амалга ошириш ҳам зарур. Шунинг учун истеъмолчининг харажатлари икки қисмдан – товарнинг бозор нархи ва товар истеъмоли билан боғлиқ харажатларни ўз ичига оловчи истеъмолчининг нархи. Узок фойдаланилайдиган товарлар бўйича истеъмол нархи, одатда, савдо нархидан анча юқоридир. Бутун хизмат кўрсатиш муддати давомида фойдаланиш бўйича умумий харажатлардан савдо нархи, масалан, енгил транспорт харажати 20 %ни, майший музлаткич – 1 %ни ташкил этади.

Товарга нисбатан паст нархлар у харидор учун фойдалилигидан далолат беради. Бозор нархи нисбатан арzon бўлиши мумкин, бироқ, буюмдан фойдаланиш бўйича харажатлар (истеъмол нархи) етарлича юқори бўлиши мумкин. Натижада ялпи нархи юқори бўлиши мумкин. Шунинг

учун истемол нархи баъзан исталган товарнинг муҳим ракобатбардошлиқ омили бўлиб хизмат қиласди.

Бозор шароитларида нархни шакллантиришда товарнинг фойдалилиги



муҳим аҳамият касб этади. Гап шундаки, харидорни товарнинг ўзи эмас, балки мазкур товарнинг унинг эҳтиёжларини қай даражада кондириши, товарнинг фойдалилиги қизиктиради. Одатда товарни ёки хизматни эмас, балки ундан олиш мумкин бўлган фойдани харид қиласдилар.

Харидорни бозорда эҳтиёжларини кондириши мумкин бўлган турли варианtlар қарши олади. Мазкур варианатларни қиёслаган ҳолда у ўз учун маъқулорини танлайди. Харидор танловининг асосий чекловчиси уни нг пул даромадлари ҳисобланади. Харидор пул даромадлари чекланган ҳолда максимал фойда олишга интилади, яъни товар ёки хизматга юқори самара билан пул сарфлашга ҳаракат қиласди.

Умумий ва охирги фойдалиликни фарқлайдилар. Фойдалилик муаммосининг назарий ишланмасини инглиз иқтисодчилари У. Джевонс ва А. Маршалл, австриялик К. Менгер, Ф. фон Визер ва Е. Фон Бём-Бавек, швецариялик Л. Вальрас ва бошқалар амалга оширганлар.

Мазкур назарияга мувоғик ҳар бир товар ёки хизматнинг қимматлик қиймати якуний истемолчи учун унинг фойда қиймати билан аниқланади. Бунда фойдалилик қиймати эмас, балки товар ёки хизматнинг охирги фойдалилиги аниқланади.

Товар ёки хизматнинг охирги фойдалилиги – бу мазкур товар ёки хизмат турининг мавжуд бирлигидир.

Умумий фойдалилик – бу охирги фойдалилик қиймати (ёки мавжуд товар ва хизматларнинг фойдалилиги).

Истемолчи ихтиёридаги товар ёки хизматларининг умумий миқдори ортиши билан охирги фойдалилик камаяди, умумий эса ортади. Охирги

фойдалилик зарур эҳтиёжларни кондиришдан нисбатан камрок зарур бўлган эҳтиёжларни кондиришга ўтишда камаяди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, истемолчини танлаш доим даромад, шунингдек нархлар билан чегараланган. Харидор учун тенг фойдали самарани куйидаги нисбатан билан ифодалаш мумкин:

$$\frac{\Pi_A}{\Pi_A} = \frac{\Pi_B}{\Pi_B}$$

бунда  $\Pi_A$  ва  $\Pi_B$  – А ва В товарнинг охирги фойдалилиги

$\Pi_A$  ва  $\Pi_B$  – А ва В товарлар нархи.

Харидор нархнинг охирги фойдалилигига нисбатан товар ёки хизматларни харид қилган ҳолда катта фойда олишга интилади.

Хўжалик юритиш амалиётида товар нархи ва фойдалилиги нисбати, хусусан, нархни шакллантиришнинг параметрик усусларидан фойдаланиш орқали ҳисобга олинади:

- 1) солиштирма нарх усули;
- 2) баллик усуул;
- 3) регрессион тахлил усули.

Коммунал ва майший хизматлар тарифлари – аҳолига кўрсатилаётган майший ва коммунал хизматлар билан турли хизматлар учун тўлов. Уларга кирхона, сартарошхона, қимёвий тозалаш, кийим бош ва пайафзал таъмиirlаш нархлари, шунингдек хона, телефон ва бошқалар учун тўловлар.

Бу хизматларнинг нархлари фойда ҚҚС, танирахни ўз ичига олади.

Ташқи савдо айланмасига хизмат кўрсатувчи нархлар (экспорт ва импорт нархлар), куйидаги ўзига хос қирраларга эга:

- 1) давлатнинг бошқа мамлакатлар билан ташқи савдо айланмаларини акс эттиради;
- 2) жаҳон хўжалиги ишлаб чиқариши ва амалга ошириш шароитларини акс эттирувчи жаҳон бозори нархларига боғлиқ ҳолда бўлади.

Ташки савдо нархлари товарлар экспорти ва уларни импорт килишда кўлланилади. Ташки савдо битимлари, одатда, асосий жаҳон товар бозорлари нархлари асосида амалга оширилади.

Жаҳон нархи товарнинг жаҳон байналмилал қийматининг пулдаги ифодасидир. У жаҳон бозорида бирор-бир товар талаби ва таклифи, валюта куралри ўзгариши таъсирида шаклланади.


Нархларнинг амал килиш худудига боғлиқ ҳолда таснифланади. Ушбу белгиларга мувофиқ тарзда куйидагиларга фарқланади:

- ягона ёки минтақавий нархлар;
- минтақавий ва маҳаллий нархлар.

Ягона ёки минтақавий нархлар давлат органи томонидан ўрнатилади ва тартибга солинади. Гап газ, электр энергияси, транспорт, уй-жой тўлови ва шу каби бошқа хизматлар ва маҳсулотлар турлари тўғрисида бормокда.

Минтақавий ва маҳаллий нархлар минтақавий ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан тартибга солинади. Шаклланиш жараёнида бу нархлар мазкур минтақада юзага келувчи ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларига йўналтирилади. Аҳолига кўрсатилаётган аксарият коммунал ва маший хизматлар нархи ва тарифлари минтақавий хисобланади.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотга харид нархлари ҳам минтақавий хисобланади.



#### **2.4. Товарнинг янгилик даражасига боғлиқ ҳолда нархларни таснифлаш**

Товарнинг янгилик даражасига боғлиқ ҳолда нархларни таснифлашни қўйидагича ифодалаш мумкин.

Мазкур белгисига кўра, янги товарлар ва бозорда нисбатан кўпроқ вакт сотилаётган товарларнинг нархларини фарқлайдилар. Янги товарлар бўйича аксарият мамлакатларнинг бозор нархларини шакллантириш амалиёти нарх ҳосил бўлишини маълум усулу ва турлари ишлаб чиқилди.

Бозорга янги товарни чиқаришда корхона ёки фирма, одатда, иккита муқобил стратегиядан бирини танлайди – “қаймогини олиш” ёки “бозорга кириб бориш”.

1. “Қаймогини олиш”. Ушбу усула га мувофиқ бозорда янги товар пайдо бўлиши ва тайёрланишида дастлаб ушбу товарни айнан шундай нархда сотиб олишга тайёр истеъмолчини назарда тутган ҳолда унга юкори нарх белгиланади.

Нарх юкори нарх бўйича талаб кондирилгандан сўнггина пасайтирилади. Нархнинг пасайтирилиши савдо худудини кенгайтириш – янги харидорларни жалб этишни талаб килади.

“Қаймогини олиш” усулининг устунликлари:

1) юкори нарх ҳатто товарни ишлаб чиқаришнинг бириничи даврида мавжуд харажатлар юзага келганда ҳам катта фойда олишни таъминлади.

2) юкори нарх харид талабини саклаб қолиш имконини беради, чунки нархлар паст бўлганда корхона (фирма) ўз ишлаб чиқариш имкониятлари чекланганлиги туфайли товарга эҳтиёжни тўлақонли қондира олмайди.;

3) юкори дастлабки нарх сифатли товар имижини яратишга кўмаклашади, бу эса келгусида нархлар пасайтирилганда уларнинг сотилишини сезиларли енгиллаштириши мумкин.

4) оширилган нарх нуфузли товарга талабни оширишга кўмаклашади.

5) оширилган нархдаги хато уни пасайтириш йўли билан – харидорлар нарх оширилишидан кўра унинг пасайтирилишига мойилроқдирлар.

6) Нарх шаклланишининг ушбу стратегиясидаги асосий камчилик юқори нарх рақобатчиларни жалб этиши ҳисобланади. Шунинг учун “қаймогини олиш” нархини рақобатни маълум чеклашда муваффақияли кўллаш мумкин. Юқори талаб ҳам муваффақият шарти ҳисобланади.



2. “Бозорга кириш (жорий этиш)” нархи. Ушбу усул ёрдамида корхона (фирма) рақобатчиларнинг шунга ўхшаш товарлари нархига нисбатан пастроқ нархни ўрнатади. Бундай нархдан фойдаланиш, кўпроқ харидорларни жалб этиш ва кўпроқ бозор улушкини эгаллашга қаратилган. Бундай стратегия алоҳида буюмларга зарарларни қоплаш имконини берувчи товарларни катта ҳажмда ишлаб чиқаришда кўллаш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, маълум молиявий харажатларни талаб этади, бу “бозорга кириш нархини” бундай молиявий имкониятларга эга бўлмаган ўрта ва кичик корхона (фирма)лар учун жуда ноқулайдир. Ушбу усуслан фойдаланиш талаб қайишқоқлигига, шунингдек, ишлаб чиқариш ҳажми ўсишида харажатлар камайишини таъминлаши билан самара беради.

3. “Психологик” нарх. Сотувчи нархни белгилаб, харидор томонидан нархни идрок этилиш психологиясини ҳисобга олиши лозим. Товарга “психологик” нарх одатда умумий кийматдан бироз пастроқдир. Аксарият маркетологлар, нарх тоқ сон билан ифодаланиши лозимлигига ишонадилар. Масалан 1000 сўм эмас, балки 99 сўм, 600 сўм эмас, балки 599 сўм. Натижада харидорда қўйидаги тасаввур ҳосил бўлади:

а) ишлаб чиқаришга харажатларни аниқ белгилаш ва айирбошлиш имконисиз;

б) жуда арzon нарх, харидорга чегирмалар ва унинг учун фойда келтириши. Бошқа психологик ҳолатни ҳам назарга тутган ҳолда харидорлар қайтимини олишни ёқтирадилар.

Аслида сотувчи фойда қиласи: унда сотилган товарлар сони ва тегишли равиша олинган фойда ортади.

4. Тармоқ ёки бозорда “етакчини ортидан эргашиш”. Нарх шаклланишининг мазкур стратегиясига мувофиқ товар нархи асосий рақобатчининг – одатда, бозорда устунликка эга тармоқнинг етакчи фирмаси нархлари даражасида ўрнатилади. Бунда нарх етакчи, яъни асосий рақобатчилар томонидан таклиф этилган нархидан ошмаслиги лозим. Ўзаро айирбошлинидиган маҳсулотларга бир хил нархлар ўрнатилади. Агар товарлар истеъмол тавсифлари бўйича бир бирига яқин бўлса (масалан, автомобиллар), у ҳолда нархларда баъзи фарқлар кузатилиши мумкин. Нархлардаги етакчилик, агар фирма рақобатчилар олдида ёхуд товар ишлаб чиқариш ҳажми, ёки харажатлар даражаси бўйича аниқ устунликларга эга бўлсалар нархларда етакчиликка эришиш мумкин.

5. Ишлаб чиқариш харажатларини қопловчи нархлар. Мазкур ҳолатда фирма ўз товарига нархни бозор ёки тармоқда ишлаб чиқариш харажатлари ва ўртача фойда меъёрига асосланган ҳолда белгилайди. Нарх кўйиаги формула бўйича ўрнатилади:

$$Ц = И + Р + Н (И + Р)$$

бунда И – ишлаб чиқариш харажатлари;

Р – маъмурй харажатлари ва савдо харажатлари.

Н – мазкур бозор ёки тармоқда ўртача фойда меъёри.

6. Нуфузли нарх бетакрор хусусиятларга эга (мазкур ҳолатда – моделлар) таниқли фирмалар томонидан юқори сифатли товарлар (масалан, модельерлар Зайцев, Юдашкиннинг кийимлари)га белгиланади. Нархлар ўта юқори даражада белгиланади.

Нарх белгилашнинг санаб ўтилган усуулларидан бирини танлаш фирма раҳбари томонидан амалга оширилади; бунда кўплаб омиллар ҳисобга олиниши лозим, қуийдагилар улардан асосийларидир:

- бозорга янги товарни жорий этиш тезлиги;
- ушбу фирма томонидан назорат қилинаётган савдо бозорининг улуши;
- сотилаётган товарнинг табиати ( янгилик даражаси, бошқа товарлар билан ўзаро алмашувчанлиги ва х.к.);
- инвестицияларнинг қопланиш даври;
- бозорнинг муайян шартлари ( монополлашиш даражаси, талабнинг нарх қайишкоклиги, истеъмолчилар доираси ва б.);
- тегишли тармоқда фирманинг ҳолати (молиявий ҳолати, бошқа ишлаб чиқарувчилар билан алоқалари ва х.к.).
- бозорда сотилаётган товарларга нисбатан узоқ вакт қуийдаги нарх турлари белгиланади:

1. Ўзгарувчан ёки пасаювчи нарх деярли талаб ва таклифнинг нисбатига боғлиқ ҳолда ўрнатилади. Бозорни тўлдириш бўйича у пасайтирилади (айниқса улгуржи нарх; чакана нарх нисбатан баркарор бўлиши мумкин). Нарх белгилашнинг бундай усули кўпинча зарур товарларга нисбатан кўлланилади. Ушбу ҳолатда товарлар нархлари ва уларни ишлаб чиқариш ҳажмлари узвий равишда ўзаро таъсирлашади. Махсулот ишлаб чиқариш ҳажми канчалик юкори бўлса, фирманинг харажатларни камайтириш ва пировардида нархни пасайтириш имконияти янада кенгаяди.

2. Узоқ муддатли нарх оммавий талабга эга товарларга ўрнатилади. У узоқ вакт мобайнидаги ўзгаришлар билан тасдиқланмаган. Бирок, бозор конъюнктурасига боғлиқ ҳолда товарларга нархларни ўзgartирмаган ҳола ўзгаришишлар киритиш (уларнинг ҳажми камайиши, сифати сезиларсиз ёмонлашиши) мумкин.

3. Бозор истеъмол сегменти нархлари. Нарх белгилаш ушбу усулининг моҳияти қуийдагилардан иборат: турли даромад даражасига эга аҳолининг турли ижтимоий гурухларига сотиладиган таҳминан бир хил товар ва хизматлар турларига ҳар хил нархлар белгиланади – масалан, енгил автомобилларнинг турли моделлари, авиаҷипталар, театр чипталари ва х.к. Мазкур ҳолатдаги асосий муаммо сифатига кўра турли товар ва хизматларга нархларнинг тўғри нисбатани белгилашдан иборат.

4. Эгилувчан нарх бозордаги талаб ва таклиф нисбатига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Қисқа вақтларда талаб ва таклифнинг кучли тебранишларида бундай нархдан, масалан, тез бузилувчи (сабзавот, янги балик, сут маҳсулотлари, гуллар ва х.к.) маҳсулотларни сотишда кун давомида фойдаланиш мумкин.

### Қисқа хуносалар

Нархларни таснифлашнинг биринчи ва муҳим аломати туб муносабатининг хизмат кўрсатиш соҳасига мос равиша туркумланиши ҳисобланади.

Мазкур аломатга боғлиқ ҳолда нархлар қуийдаги асосий турларга тақсимланади:

- саноат маҳсулотига улгуржи нархлар;
- қурилиш маҳсулотлари нархлари;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига харид нархлари;
- юқ ва йўловчи транспорти тарифлари;
- чакана нархлар;
- коммунал ва майший хизматлар тарифлари;
- ташки савдо айланмасига хизмат кўрсатувчи нархлар (экспорт ва импорт нархлари).

Илмий-техник тараққиёт нархларини рагбатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу янги илгор техника, янада замонавий технологияни ишлаб

чикиш ва жорий этишда, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда, янги маҳсулотларни ўзлаштиришда ифодаланади, бу эса ўз навбатида меҳнат унумдорлигини маълум даражада ошириш, моддий ресурсларни тежаш имконини беради.

Нарх тадбирларини қўллаш орқали амалга ошириувчи ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг қулай таркиби рағбатлантирилади. Ишлаб чиқариш истеъмолининг оқилона таркиби фойдали самара бирлиги ҳисобида нархларнинг бир хил ёки турли даражаларини ўрнатиш йўли билан маҳсулотнинг ўзаро алмашувчи турларига нархларнинг тегишли даража ва нисбатларини шакллантириш йўли билан амалга оширилади.

Нархнинг тақсимланувчи вазифаси алоҳида товар гурухларига акциз нархлари, қўшимча қиймат солиги (ҚҚС) ҳисобини ҳам ва ижтимоий эҳтиёжларга турли даражали бюджетларга тушувчи марказлаштирилган соғ даромаднинг турли шакллари ҳисобини ҳам кўзда тутади. Нархнинг ушбу вазифасига кўра жамиятнинг бошқа ижтимоий вазифалари ҳам ҳал этилади.

Нархнинг тақсимловчи вазифаси маълум товарларга юқори талаб намоён бўлувчи ва нисбатан юқори фойда меъёри юзага келаётган иқтисодиётнинг тармок ва секторларига капиталлар “куйилишига” кўмаклашган ҳолда ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш мезони сифатида нархнинг вазифалари билан ўзаро таъсирлашади.

Нархнинг ҳисоб вазифаси кўпинча деярли барча вазифалари, айниқса, рағбатлантирувчи ва тақсимловчи, шунингдек, талаб ва таклифни мувозанатлаштириш вазифалари зиддиятга уйрайди, чунки бозор шароитларида кўплаб омиллар таъсирида нарх кўпинча ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларидан сезиларли оғишади. Хўжалик ҳаётида нархнинг турли вазифалари ўргасидаги ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқликлар селиларли даражада мураккаб ва турли туман бўлади.

## Назорат учун саволлар

1. Нархнинг қандай турларини биласиз?
2. Нархнинг функцияси ва таркибий қисмларини айтиб беринг.
3. Нархнинг қандай вазифаларини биласиз?
4. Нархнинг микдорий ва сифат кўрсаткичларида қандай тафовутлар мавжуд?
5. Саноат маҳсулотларига бўлган нархларнинг турларини айтиб беринг.
6. Корхонанинг ултуржи чиқариш нархига тавсиф беринг.
7. Курилиш маҳсулотига бўлган нархларнинг смета ва прейскурант нархларининг фарки нимада?
8. Нархларнинг шаклланиш жараёни нимада?
9. Товарнинг янгилик даражасига бўлган нархлар қандай тавсифланади.
10. Бозорнинг истеъмол сегменти нархларига тавсиф беринг.

## Тест топшириқлари

### 1. Нархни ўсишига қайси омиллар таъсир этади?

- A. Таклифни талабдан кўплиги.  
B. Давлат томонида таъсир ўтказиши.  
B. Талабни таклифдан кўплиги, иш хақини меҳнат унумдорлигидан тез ўсиши, асосий капитал, ишчи кучи ва ердан самарасиз фойдаланиш ва хоказолар.  
Г. Харажатларни хаддан ташқари ошиб кетиши.

### 2. Талаб нима?

- A. Кишига бирон-бир нарсани етишмаслигидир.  
B. У харид қувватига эга бўлган эҳтиёждир.  
B. У кишини бирон бир товарга бўлган мухтоҷлигидир.  
Г. Эҳтиёжни қондирилган қисми.

### **3. Нарх сиёсати нималарни эътиборга олиши керак?**

- А. У талабни эътиборга олиши керак.
- Б. У товарни сифатини эътиборга олиши керак.
- В. У ижтимоий-иқтисодий ривожланишни, харид қувватини ва истеъмолчи хуљк-авторини эътиборга олиши керак.
- Г. У таклифни эътиборга олиши керак.

### **4. Нархларнинг хисоб-китоб вазифаси бу:**

- А. Мехнат ҳаражатларини ўлчаш ва маҳсулотга бўлган муайян эҳтиёжларни қондириши.
- Б. Илмий – техник даражаси ва ресурс ҳаражатларини тежаш.
- В. Ташки савдо айланмасига хизмат кўрсатувчи нархлар
- Г. Қишлоқ хўжалигининг айланма нархлари.

### **5. Сифат кўрсаткичлари бу:**

- А. Рентабеллик, меҳнат унумдорлиги, фонд тушуми.
- Б. Маҳсулотнинг техник даражаси.
- В. Эҳтиёжни қондирадиган маҳсулот.
- Г. Товарнинг эргономик ҳусусиятлари.

### **6. Қайси маркетинг вазифалари корҳоанинг муваффақиятли бизнеси учун маълум аҳамиятга эга?**

- А. Таҳлилий функция, товар функцияси, савдо функцияси, бошқарув ва назорат функцияси
- Б. Ишлаб чиқариш функцияси, бозорни тпдкиқ этиш функцияси
- В. Ахборот тўплашни ташкил этиш, товар функцияси
- Г. Бошқариш ва назорат қилиш функцияси, истеъмолчиларни ўрганиш

### **7. Маркетингнинг таҳлил вазифасига нималар киради?**

- А. Бозони ўрганиш, истеъмолчиларни ўрганиш, фирманинг тузилишини ўрганиш, товарнинг тузилишини ўрганиш
- Б. Фирманинг хўжалик фаолияти таҳлили
- В. Сегментлашни ўрганиш
- Г. Харидорларнинг эҳтиёжлари ва хатти-ҳаракатларини ўрганиш

### **8. Товарнинг энг юкори нархи .... аталади:**

- А. Талаб қиймати ялпи
- Б. Ҳаражатлар даражаси
- В. Ушбу товарга рақобатчиларнинг нархлари билан
- Г. Ушбу ишлаб чиқариш тармоғида ҳам мавжуд бўлган фойдага муҳим шикоятлар билан

### **9. Пассив талаб товарлари бу:**

- А. бу товарлар мавжудлигини истеъмолчи билади, бироқ уларни харид қилиш ҳакида ўйламайди ҳам (кутилмаганда уларга эҳтиёж пайдо бўлиб қолганда ёки катта маркетинг ҳаракатлари амалга оширилган холларда харид қилинади)
- Б. бу товарларни истеъмолчи бошка ўхшаш товарлар билан таққослаш ва танлаб олишда қийинчилликларсиз сотиб олади
- В. бу товарларни истеъмолчи харид қилиш жараённида бошка товарлар билан ярокилилиги, сифати, нархи, дизайн бўйича таққослайди
- Г. бу товарларни харид қилиш учун истеъмолчи кўпроқ қўшимча куч сарфлашга мажбур бўлади

### **10. Саноат маҳсулотига улгуржи нархларга нималар киради?**

- А. биржа товари нархи (ёки биржа битимлари) нархи
- Б. Улгуржи нархлар
- В. Тармоклар ичидаги нархлар
- Г. Курилиш маҳсулотлари нархи.

## **З-БОБ. БОЗОРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА НАРХНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ**

### **3.1. Турли бозорларда нархнинг ташкил этиш шакллар**

Бозор объектини ишлаб чиқарилган хилма – хил товарлар ва хизматлар эгаллади. Ўз обьекти жиҳатидан бозорни бир неча турга бўлиш мумкин:

- 1) *Истемол товарлари бозори;*
- 2) *Ишлаб чиқарши воситалари ва ресурслари бозори;*
- 3) *Иичи кучи ёки меҳнат бозори;*
- 4) *Молия бозори;*
- 5) *Интелектуал товарлари бозори;*

*Истемол товарлари бозори* – кишиларнинг кундалик турмуши учун зарур бўлган товарлар ва хизматлар бозоридир. Бу бозорда кенг истемол буюмлари, маданий – майший ва коммунал хизматлари олди – сотди шакллари олиб боради. Бу бозорда деярли барча фуқаролар иштирок этади. Бу бозорнинг аниқ кўринишлари қуидагилардан иборат: магазинлар, дўконлар, савдо уйлари, фирмалар, супермаркетлар, гипермаркетлар, ошхона, кафе-барлар, салонлар, ҳар хил устахоналар, буюм бозорлар ва дехқон бозорлари ва бошқалардир.

*Ишлаб чиқарши воситалари ва ресурслари бозори* – ишлаб чиқаришга мўлжалланган барча нарсалар бозоридир. Бу бозорда улгуржи савдо тизими юз беради. Мазкур бозор савдо фирмалари, савдо уйлари, воситачи ташкилотлар, биржалар фаолиятида, ер ва бошқа кўчмас мулк савдосида намоён бўлади. Бундай бозорда ресурсларга талабгорлар ресурс етказувчилар билан шартномалар асосида алоқа қиласидар. Ресурс бозорининг бош бўғини товар биржаси хисобланади. Товар биржаси улгуржи савдо билан шугулланувчи тижорат мажмуасидир.

*Иичи кучи ёки меҳнат бозори.* Иш кучи олди-сотди килинадиган бозордир. Ишчи кучи маҳсус товар бўлганидан унинг бозори ўз хусусиятига эга. Агар оддий товар сотилганда унинг эгаси ўзгарса, ишчи кучи сотилганда унинг эгаси ўзгармайди, чунки уни инсон жисмидан ажратиб бўлмайди.



*Меҳнат бозори* меҳнат биржалари, ишчи ёлловчи воситачи фирмалардан ва ниҳоят, кишиларни бевосита ишга жалб этувчи корхоналарнинг ўзидан иборат.

*Молия бозори.* Молия ресурсига айланган пул маблағлари ва уларга тенглаштирилган кимматбаҳо қоғозлар бозори тушунилади. Молия бозори таркибини кредит бозори, кимматли қоғозлар бозори ва валюта бозоридан иборат. Аукционлар, кредит пуллари аукционлари, банклар, молия компаниялари, фонд биржалари ва бошқалардир.

*Интелектуал товарлар бозорлари.* Бу ақлий меҳнат маҳсулни бўлган товарлар ва хизматлар бозоридир. Бу бозорда илмий ишланмалар, гоялар техникавий лойиҳалар ва чизмалар, ахборот, санъат, адабиёт ва илмга тегишли асарлар, ижрочилик хизмати ва турли томоша хизматлари сотилади. Бу бозорнинг муҳим унсури патент ва лицензия бозори ва ҳозирги кунда шоу-бизнес ва кино бозорларидир.



Ушбу бозорлар турларида нархнинг шаклланиши энг асосий омил хисобланади. Чунки ушбу бозорларни тебратиб турувчи ва ҳаракатта келтирувчи туртки – нарх хисобланади.

Бозорларда нархларнинг шаклланиши – бозорлар фаолиятининг ҳаётий давридир.

Нархни шакллантирувчи асосий

омиллар қиймат (харажатлар) ва муайян товарнинг истеъмол қиймати (эҳтиёжларни қондириш қобилияти) хисобланади. Амалиётда улар маълум нархда (ишлаб чиқарувчи ва сотувчи томонидан фойдалилик) ва унинг талаб кўринишидаги афзаллиги (мақсадли бозорнинг маълум қисми учун ушбу нарх бўйича товар харини амалга ошириш имконияти). Бу шартлар ушбу омиллар таъсири остида ҳақиқий нархдан оғишадиган нарх базасини белгилайди. Таъкидлаш жоизки, нарх шаклланиши тенденциясига таъсир этувчи умумжаҳон бозорининг муҳим омиллари маҳсулот бирлигига вақтинчалик харажатларни пасайтириш ва ижтимоий зарур меҳнат харажатлари бирлигига истеъмол қиймати ўсиши қонуни хисобланади. Нарх таркибида интеллектуал меҳнат харажатлари катта улушни эгаллади.

Бозор конъюнктураси, компания нархлари учун таҳдид ва тўсқинликларни ни ўрганиб чиқибгина, тармоқли нарх шаклланишининг меъёрий асосини, товарнинг хусусияти ва йўлдош хизматларни билиб, компаниянинг умумий стратегик бозор мақсадларини шакллантириб, стратегик маркетинг нарх шаклланишига киришиш мумкин.

Нарх шаклланишининг ишлаб чиқариш омиллари

Маркетинг нарх шаклланишининг муҳим омил ва чекловларидан бири ишлаб чиқариш хисобланади. Қўйидаги ишлаб чиқариш омилларини ажратиб кўрсатиш мумкин: ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари, фирманинг ишлаб чиқариш имкониятлари (кучлари), компанияда молиявий муаммолар мавжудлиги ва унинг хўжалик динамикаси.

### **1. Харажатлар товар чиқарилишига мўлжалланган нарх даражасини белгилайди (эҳтимол факт қисқа муддатли пасайиш).**

Унга қўра қўйидагилар ҳам фарқланади:

- ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари;
- доимий (вақтинчалик фаолият тўхтаб қолган ҳолатларда ҳам фирма ижара ҳаки ва иссемқлик таъминоти учун ҳак тўлайди) ва вақтинчалик (ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлганлар);

- тўлиқ (товарнинг жами миқдори) ва оралиқ (товар сонининг бир бирликка ҳар бир ортишида);

- муқобил харажатлар: харажатлар қиймати (сафланганларни) ва олинмаган даромад (кам фойда келтирувчи товар ишлаб чиқариш харажатлари кўпроқ фойда келтирувчи товар ишлаб чиқариш учун айнан шу ресурслардан фойдаланишнинг йўқотилган имкониятини англатади).

Фирманинг асосий максадларидан бири – талаб ва фойдани оптималлаштириш мақсадида нарх маневрларининг имкониятларини кенгайтириш учун барча харажат турларини камайтириш.

**2. Ишлаб чиқариш имкониятлари:** agar firma кўпчиликка қулай бўлса, у холда савдо ўсишига тайёр бўлиши лозим, шов-шувли талабга эга бўлиши мумкин.

**3. Молиявий муаммолар** (масалан, тезкор айланма ёки нақд пуллардаги эҳтиёж) ва **хўжалик динамикаси**(гуллаб-яшнаш ёки турғунлик даври) фирманинг қумматли хатарлар қобилиятига таъсир этади.

### **3.2. Бозорнинг рақобатли тузилиши**

Ҳар бир тармоқ ўзининг бозор ўзига хосликларига эга – турли товарлар ишлаб чиқарилади, ишлаб чиқарувчилар таркиби, корхоналар ҳажми, технологиялар хусусиятлари, истеъмолчилар таркиби, рақобат хусусиятлари ва х.к. турлича бўлади.

Бозор моделларини умумлаштириш асосида фирманинг у ёки бу муайян бозор шароитларида хулиқ-



атвор стратегиясини танлашида амалиё ахамиятга эга бўлган муайян тавсиялар ишлаб чиқилади.

Рақобат таҳлилиниң обьекти тармоқ, яъни товарлар (хизматлар) ишлаб чиқарадиган ва бевосита бир-бiri билан рақобат қиласидиган рақобатчилар гурухи саналади. Таҳлилдан мақсад фирманинг рақобатли устунликларини аниқлаш ва рақобат стратегиясини танлаш ҳисобланади.

Рақобатли бозор структурасининг 4 хил тури кўриб чиқилади:

- соф (мукаммал) рақобат
- соф монополия
- монополистик рақобат
- олигополия

Рақобатли структураларни таснифлашнинг асосида ётадиган белгилар:

### **1. Бозордаги сотувчилар (ишлаб чиқарувчилар) сони**

Тармоқ фойдалилиги (бозордаги фаолиятдан фойда олиш имкониятлари) ва тармоқда амал қиласидиган бозор тўсиқлари билан белгиланади.

Бозор тўсиқлари – бозорга янги рақобатчилар кири боришидаги тўсиқлар (кириш тўсиқлари), шунингдек, бозорда фаолият юритаётган фирма учун бозордан чиқиб кетишининг иқтисодий оқибатлари (чикиш тўсиқлари) ҳисобланади.

Жиддий бозор тўсиқлари бозорда янги рақобатчилар пайдо бўлишига тўскинилк килиб, уларнинг сони ортишига халал бериши мумкин. Сезиларсиз тўсиқлар, аксинча, потенциал рақобатчиларнинг шиддат билан тармоққа кириши ёки ундан чиқиб кетиши ва бунда жиддий зиён кўрмаслиги учун имконият яратади.

### **Кириш тўсиқлари турлари:**

**Миқёсда тежаш.** Тармоқда ижобий миқёс самараси амал қилиши ёки кенг кўламда бизнес бошлиш (бу катта миқдорда инвестициялар талаб қиласиди ва катта риск билан боғлиқ бўлади), ёки масалан, рақобатчини сиқиб

чиқариш учун нархларни пасайтириш йўли билан амалдаги ракобатчиларга қаршилик кўрсатувчи рақиблар ҳаракатларини кутишдан бирини танлашга мажбур қиласиди.

### **Махсулотни дифференциация қилиш.**

**Стандарт маҳсулот** – турли сотувчилар (ишлаб чиқарувчилар) томонидан таклиф қилинадиган, лекин харидорлар томонидан истеъмол нутқи назаридан бир хил турдаги маҳсулот сифатида қабул қилинадиган маҳсулот.

**Дифференциация қилинган маҳсулот** – турли сотувчилар (ишлаб чиқарувчилар) томонидан таклиф этиладиган ва харидорлар томонидан турли маҳсулот сифатида қабул қилинадиган маҳсулот. Дифференциациянинг асосида товарларда бошқалардан ажратиб турадиган тавсифнома (техник-эксплуатацион кўрсаткичлар, дизайн, сифат, сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш ва б.) мавжудлиги ётади.



Фаолият юритаётган ишлаб чиқарувчилар машхур савдо маркаларига (brand name) эга бўлиб, харидорларнинг мальум бир товар турига мойиллигига таянади, бу эса мақсадли маркетинг ва харидорлар анъаналарининг натижаси ҳисобланади. Янги рақобатчилар истеъмолчиларнинг барқарор афзал кўришларини ўзгариши учун кўп куч сарфлашига тўғри келади. Дифференциация қилинган маҳсулот бозорида конверсия ҳаражатларини – харидорнинг таъминотчини ўзгариши билан боғлиқ бир марталик ҳаражатларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади (масалан, ишлаб чиқариш технологиясини ўзгаришида бу – янги технологик асбоб-ускуналар харид қилиш, персонални қайта ўқитиш ҳаражатлари, ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиш риски).

· **капиталга эхтиёж.** Тармокка кириш учун катта микдорда – ишлаб чиқариши ташкил қилиш, маҳсулотни тақсимлаш каналлари яратиш ва ҳ.к. учун бошлангич инвестициялар талаб этилади.

· **бошқа тўсиқлар** – патентланган технология ва Know-How, ресурсларга кулий шароитларда эга бўлиш, фойдали жойлашув, тажриба, маҳсулотни тақсимлаш каналлари, давлат протекционализми.

Кириш тўсиқларидан ташқари потенциал рақобатчилар чиқиш тўсиқларини, яъни бозорга муваффақиятсиз кириш оқибатида учраши мумкин бўлган йўқотишлар – конверсия харажатларини ҳам хисобга олиш керак (Sunk Costs – корхонани тугатища колган харажатлар).

## 2. Харидорлар сони.

Кўриб чиқилаётган барча бозор моделлари учун харидорлар сони кўп сонли сифатида қабул қилинади.

Ўзига хос ҳолат бу – монопсония бўлиб, унда кўплаб сотувчилар (ишлаб чиқарувчилар) товарни битта харидорга таклиф этади.



## 3. Маҳсулот тури (стандарт ёки дифференциация қилинган).


Маҳсулотга талаб тавсифномасини белгилаб беради. Айрим бозорларда сотиладиган маҳсулот тури тафовутлар мавжуд бўлиши мумкинлигига қарамай, харидорлар томонидан стандарт маҳсулот сифатида қабул қилинади. Бошқа бозорларда эса харидорлар маҳсулотни дифференциация қилинган маҳсулот сифатида қабул қиласди. Бунда дифференциация қилинган маҳсулот харидорлар томонидан ўринбосар-товарлар сифатида қабул қилиниши мумкин.

## 4. Сотувчиларнинг (ишлаб чиқарувчиларнинг) мақсадлари.

Барча таҳлил қилинадиган структураларда кўзда тутилади, ишлаб чиқарувчилар ягона мақсад – максимал фойда олишни кўзлайди.

Иқтисодий фойда (рента) – ялпи даромад ҳамда ошкора ва яшириш харажатлар йигиндиси ўртасидаги фарқ.

Нормал фойда иқтисодий моҳияти бўйича ушбу бизнесни танлаш нархини ифодалайди (opportunity costs). Нормал фойда тадбиркор бизнесга киритилаётган капитал ва ўзининг тадбиркорлик ҳаракатларидан фойдаланиш муқобил варианtlари орасида олиши мумкин бўлган, кўлдан чиқарилган фойда микдоридан кам бўлиши мумкин эмас.



3.1 – расм. Бозор асосий моделларига хос кирралар

Бозор натурал хўжалиқдан битта муҳим фарққа эга. бу хўжалиқда истеъмолчига кўпинча унинг хоҳиши бўйича у ёки бу неъматни танлаш имконияти тақдим этилмайди. Бозор эса унинг қатнашчиларига товарлар ва пул эгалари эгалик қиласди иқтисодий эркинликларни максимал даражада таъминлай олади.

Бозор структураси бу – бозорга хос бўлган асосий жиҳатлар бўлиб, бу қаторга бозорда фаолият кўрсатаётган фирмалар сони ва ҳажми, турли фирмалар товарларининг ўхшашлик даражаси ёки тафовутлари, бозорга янги сотувчилар кириши ва чиқиб кетиши осонлиги, бозор ахборотларининг очиқлиги киради.

Бозор структураси элементлари бирикувининг хилма-хил варианatlари мавжуд, бошкacha қилиб айтганда, турли бозор моделлари мавжуд бўлиши мумкин бўлиб, уларга қараб тадбиркорлар рақобат курашига киришади ёки киришмайди. Тадбиркорларнинг иқтисодий манфаатлари мотиви бир хил – олинадиган фойдани максималлаштириш – бўлганида рақобат кураши натижалари турлича бўлиши мумкин, бу эса рақобат характерига боғлиқ бўлади.

Фирманинг бозордаги хулқ-атвори, маҳсулотга нарх белгиланиши ва



ишлаб чиқариш ҳажмининг танланиши фирма фаолият юритаётган бозор турига боғлиқ. У ёки бу бозор фаолият кўрсатиш шартларини белгилаб берадиган энг кучли омил рақобатнинг ривожланганлик даражаси ва бунинг натижаси сифатида фирманинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот нархини назорат қилиш имконияти ҳисобланади. Фирмалар ўртасида истеъмолчиларнинг чекланган талаби учун кураш бозор рақобати деб аталади. Ўз манфаатларига эришиш учун рақобат кураши давомида бошқаларнинг манфаатларини ҳам ҳисобга олишга тўғри келади, чунки бозор фақат истеъмолчига керак бўлган ва арzonроқ нархда соитладиган товарларнигина қабул қиласи. Рақобат муносабатларининг ривожланиши фирманинг бозор устидан иқтисодий ҳукмронлик қилиш кучи билан қалин алоқада бўлади. Бозорда рақобат

қанчалик кучсиз бўлса, ишлаб чиқарувчининг ҳукмронлик килиш имконияти шунчалик катта бўлади ва аксинча, ушбу товар ишлаб чиқарувчилари сони қанчалик кўп бўлса, истеъмолчининг пировардида унинг эҳтиёжлари ва бюджетига энг мос келадиган товарни танлаш имконияти шунчалик юқори бўлади. Рақобатнинг ривожланиш даражаси бўйича мукаммал рақобат бозорлари ва номукаммал рақобат бозорлари фарқланади, буларнинг кейингиси эса, ўз навбатида, монополия, олигополия ва монополистик рақобат бозорларига бўлинади. Шундай қилиб, бозорнинг тўрт хил асосий тури мавжуд: 1) мукаммал рақобат бозори, бунда ҳар бир фирмага бозорнинг кичик бир улуши тўғри келади; 2) монополия ва рақобатнинг уйғунлашуви билан тавсифланадиган монополистик рақобат бозори; 3) кам сонли сотувчи- фирмалар кўп сонил харидорлар билан алоқа қиласидиган олигополия бозори; 4) тармоқда факат битта фирма мавжудлиги билан тавсифланадиган монополия бозори. Тўртта асосий бозор моделларига хос бўлган жиҳатлар куйидаги кўринишига эга:

Шунингдек, нисбатан камроқ тарқалган бозор моделлари ҳам мавжуд, чунончли:

- монопсония (битта харидор бозори, факат битта иш берувчи мавжуд, меҳнат бозорида ишчи кучи тўлалигича ёлланади; масалан: завод «АвтоВАЗ»);


- олигопсония (бир нечта йирик харидорлар бозори, бир нечта фирма бозорда ишчи кучининг мутлак кўпчилигини ёллади; масалан: модель бизнеси, спорт, телевидение).

Турли бозор шаклларининг тавсифномаси куйидаги кўринишда акс эттирилиши мумкин:

### 3.1 – жадвал

#### Бозор моделларига хос бўлган жиҳатлар

| Бозорга хос жиҳатлар                  | Бозор моделлари          |  |   |   |
|---------------------------------------|--------------------------|--|---|---|
|                                       | Соф ракобат              | Монополистик ракобат   | Олигополия  | Соф ракобат   |
| фирмалар сони                         | жуда кўп                 | Кўп  | бир нечта   | битта   |
| маҳсулот турни                        | Стандарт (бир турдаги)   | Дифференциация килинган (кўп турдаги)                              | Стандарт ёки дифференциация килинган (бир турдаги ёки кўп турдаги)      | Уникал  |
| нарх устидан назорат                  | Йўқ                      | жуда кам   | ўзаро боғлиқлик билан чекланган   | сезиларли   |
| тармолка кириш шартлари               | жуда енгил, тўсиклар йўқ | нисбатан енгил   | жиддий тўсиклар мавжуд  | кириш тўсилган  |
| нарх билан боғлиқлик бўлмаган ракобат | Йўқ                      | реклама, савдо алокалари, марка ва х.к.га катта эътибор қаратилади | намунивий   | рекламага, фирманинг бирлашган ташкилотлар билан алокаларига катта эътибор қаратилади |
| мисоллар                              | кишлоқ хўжалиги          | чакана савдо, кийим-кечай ва оёқ кийими ишлаб чиқариш              | пўлат, автомобиллар, кишлоқ хўжалиги анжомлари, ускуналар ишлаб чиқариш | маҳаллий корхоналар   |



3.2 – расм. Нархни ташкил этиш жараёнинг босқичлари

Нарх шакллантириш жараёни қуйидаги кетма-кетлиқда амалга оширилади:

#### Биринчи босқич

- 1) Товарга талабни, унинг ҳажми ва динамикасини аниқлаш
- 2) Муайян сотув бозорларида ҳар бир товарлар гурухи бўйича нархга нисбатан талаб эгилувчанлиги кўрсаткичларини аниқлаш
- 3) Харидорнинг товарни таклиф этилган нарх бўйича харид қилиш имкониятларини аниқлаш. Хусусан, айрим фирмалар харидорларга янги товар нархини ўzlари белгилашни таклиф киласди ва товарни шу нархда бозорда таклиф киласди, бу эса истеъмолчилар кўз ўнгидаги фирма нуфузини оширади ва дурустгина реклама бўлиб хизмат киласди.

#### Иккинчи босқич

- 1) Корхона учун энг фойдали бўлган, белгиланган сотув ҳажмига кўпайтирганда максимал фойда даражасини таъминлайдиган нарх танлаш, яъни мазкур босқичда нархни белгилашда фирма учун максимал даражада фойдали бўлган шартлар таклиф этилади.



- 2) Харажатлар таркиби кисмларини хисоб-китоб килиш, таҳминий нархни аниқлаш учун чиқариладиган товар харажатларига тўғридан-тўғри киритиш усулидан фойдаланиш. Ишлаб чиқариш харажатлари даражасидан сотувчининг бозор ва истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш имкониятлари кўрсаткичи сифатида фойдаланиш зарур.

#### Учинчи босқич

- 1) Товар нархи даражасини ва унинг структурасини ракобатчи фирмаларнинг айн шундай товарлари билан таққослаш асосида аниқлаш,

бунда сифат техник-иктисодий кўрсаткичлари ва бошка рақобатбардош таркибий қисмлари бўйича нархга тузатиш киритиши амалга ошириш. Бундай таққослаш рақобатчилардан товар харид қилиш, харидорлар ўртасида сўров ўтказишни назарада тутади.

2) Нархни умумий шартларга келтириш: етказиб бериш муддати, тўлов шартлари ва валютаси

3) Рақобатчиларнинг эҳтимолий реакциясини ҳисобга олган ҳолда нархга тузатиш киритиши. Бу ҳолатни писанд қиласлик ёки етарли даражада ҳисобга олмаслик фирманинг нарх сиёсатини шакллантириш ва унинг тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини пасайтиришга олиб келиши мумкин.

#### **Тўртинчи босқич**

1) Нархнинг энг юкори ва энг қуи чегарасини, шунингдек, нархни пасайтириш шартлари ва чегараларини белгилаш. Масалан, бозорнинг товарга тўйиниш ёки рақобатчиларнинг мос келувчи ҳаракатлари, талаб даражасининг ўзгариши натижасида товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш босқичида нархни пасайтириш имкониятлари аниқланади. Бозор улуши қисқарган ҳолларда нархларни пасайтириш (агрессив нарх рақобати), етакчи ҳолатга эга бўлиш истаги, омборларнинг товарга тўлиб қолиши асосли деб ҳисбланади.

2) Нарх динамикаси, нархнинг товар ҳаётийлик даври босқичига боғлиқлигини аниқлаш



#### **Бешинчи босқич**

1) Товарлар ва уларнинг модификациялари ўртасидаги нисбатни аниқлаш (товар ассортименти доирасида нарх белгилаш). Таннархдаги, ушбу товарларнинг истеъмолчилар томонидан баҳоланишидаги ва рақобатчилар нархларидағи тафовутлар эътиборга олинади. Айнан ўхшаш товарлар ўртасида катта фарқ бўлган ҳолларда истеъмолчи мукаммалроқ товарни, нарх ўртасида фарқ бўлмаган ҳолатда эса – унчалик мукаммал бўлмаган товарни танлайди.

2) Товарларни нарх доирасида сотиш билан боғлиқ нарх линияларини аниқлаш. Нарх доираси асосан қуий, ўрта ва юкори сифатида белгиланади. Сотувчининг асосий вазифаси шундан иборатки, харидорлар ҳис киладиган товарлар сифат фаркини, уларнинг нархидаги фарқлар учун асос бўлиб хизмат қиладиган моделларини аниқлаш лозим бўлади.

3) Истеъмолчилар моделлар ўртасидаги сифат тафовутларини ҳис қила олиши учун аниқ ва яқин бўлган муайян нархлар чекланган сонини белгилаш. Юқори доирадаги нархлар тақсимланмаслиги лозим, чунки истеъмол талаби бу ерда унчалик эластик бўлмайди. Товар гурухлари ўртасида аниқ тафовутларни сақлаш мақсадида ишлаб чиқариш ҳаражатларининг ўсиши шароитларида нархлар нисбатини кўллаб-куватлаш зарур. Нарх линиялари нафакат истеъмолчилар учун, балки товар ҳаракатланиши канали қатнашчилари учун хам афзал кўрилади, чунки уларга танлов варианtlари тақдим этилади.

4) Кўшимча ва ёрдамчи материаллар нархини, шунингдек, бутун ассортиментнинг, бир-бири билан боғлиқ бўлган товар гурухларининг, товар турлари ва уларнинг модификациялари нисбатини аниқлаш. Бунда уларнинг нархи алоҳида белгиланадиган кўшимча бўладиган товарларни, шунингдек, уларнинг нархи асосий товар нархига киритиладиган товарларни танлашга алоҳида эътибор қаратилади.

5) Мажбурий предметлар – рўйхатни тўлдирадиган аксессуарлар (масалан, эҳтиёт қисмлар, мажбурий асобоб-ускуналар) нархини белгилаш. Натижада мураккаб нархлар тармоги ҳосил бўлади. Асосий маҳсулот нархини пасайтириш ва фирманинг иш самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш чиқитлари ва ёрдамчи маҳсулотлар нархлари белгиланади.

6) Нарх структурасини, яъни нархни ўлчаш бирлигини (қайси тамойил бўйича, уни қандай самарали белгилаш) шакллантириш. Масалан, автомобиль ижара нархини қуйидаги структура бўйича шакллантириш мумкин: босиб ўтилган масофа учун (километрда), бир кун ижара учун ва х.к.

#### **Олтинчи босқич**



1) Нарх тактикасини ишлаб чиқиш:

- ягона нарх линияси – бир вақтнинг ўзида битта залда турли товарлар битта белгиланган нарх бўйича таклиф этилади;
- пасайиб борадиган етакчи тактикаси - фирма асосий маҳсулотни пасайтирилган нархда реклама килади ва сотади, шу тариқа истеъмолчилар эътиборини асосий товарлар билан биргаликда арzonлаштирилан нархда сотиладиган бутун товарлар ассортимент гурӯхларига қаратади
- мавсумлар оралиғида сотиб битказишни ташкил килиш

2) Барча чегирма ва устама варианtlарини хисоб-китоб килиш

Чегирмалар умуман олганда ракобатчиларнинг паст нархларига жавоб қайтариш, захираларни қисқартириш, товар қолдикларини тугатиш мақсадида фойдаланилади

Куйидаги чегирма турлари мавжуд:

- умумий (оддий) чегирма – прейсквант нархидан чегирма;
- бонусли чегирма – доимий харидорларга йил давомида эришилган сотову айланмасига қараб тақдим этилади;

- прогрессив чегирма – харидорларга амалга оширилган харид хажми, миқдори учун тақдим этилади;

- мавсумий чегирма – харидорларга сотову фаол бўлмаган мавсум даврида товарни харид қилишда тақдим этилади;

- маҳсус чегирма – сотовчи улардан энг мафаатдор бўғанхаридорларга тақдим этилади

#### **Еттинчи босқич**

1) товар сотилиши мумкин бўлган шартнома анрхини аниклаш

2) товарнинг экспорт нархини аниклаш


3) нафақат товарнинг қийматини, балки сотовчининг уни транспорт воситасида ташиб мажбурияти ва сугуртани хам хисобга оладиган нарх базавий шартларини белгилаш.

Иқтисодий фойда, агарда у мусбат бўлса, тармоққа янги рақобатчилар кириб келиши учун стимул ҳисобланади. Агар фирманинг иқтисодий фойдаси манфий бўлса (бунда хўжалик фойдаси мусбат бўлиши хам мумкин, яъни бухгалтерия хисоботлари бўйича фирма зиён кўрадиган ҳисобланмасада), фирма тармоқни тарк этишга ҳаракат қиласди.

Келгусида фирма фойдаси деганда айнан иқтисодий фойда тушунилади.

### **3.3. Талаб - нархнинг шаклланиши омили сифатида**

Фирма нархининг маркетинг сиёсатининг муҳим омили нархга харидорнинг талаби ёки таъсири ҳисобланади. Нарх ва харидлар ўртасидаги



ўзаро алоқа нархлар бўйича қарорларни ҳисобга олиш зарур бўлган бир неча тавсифлар билан анқиланади.

### 1. Талаб қонуни

Нархлар бўйича маркетинг қарорларига таъсир этувчи мухим омиллардан бири: талаб қонуни ҳисобланади.

**Талаб қонуни:** паст нархлар бўйича кўпроқ товар харид қилинади, яъни нарх қанчалик паст бўлса, товар шунчалик қулай ва талаб шунчалик юкори бўлади.

Соф кўринишида ушбу қонун макродаражада ва кучли агрегацияланган товарлар гурухи даражасида амал қиласди. Муайян товар даражасидаталаб қонуни факат кучларнинг асосий жойлашувини белгилаб беради: шунга ўхшаш бошқа шароитларда харидорлар юкори нархга нисбатан паст нархда кўпроқ товар кила оладилар. Мазкур ҳолатда талаб даромад даражасининг натижаси сифатида, яъни харидларнинг молиявий имкониятлари сифатида намоён этилган.

Зарур харидлар, ракобатли шароитлар, истеъмолчининг марказга муносабати ва бошқа омиллар битта даромадли харидорлар гурухи доирасида талабга таъсир этади.

Схема кўринишида жараён: дастлаб даромад даражаси харидорга унга керак товарнинг қулай нарх даражасини белгилаш, кейин эса ушбу нархлар даражаси билан товарлар гурухи доирасида иккиламчи омилларни ҳисобга олган ҳолда исталган нархни танлаш имконини (юкори-паст) беради.

Муайян товарга нархларни оширишда талабнинг ўсиши қуйидаги ҳолатларда кузатилиши мумкин:

- маҳсулотнинг бетакрорлиги;
- товарнинг нуфузи;



-товарни сотиш, унинг нархи сифатнинг асосий кўрсаткичи сифатида қабул қилинади;

- нисбатан қиммат товарларга келгуси харажатларни пасайтириш мақсадида инфляцияон кутишлар;

- ўта зарур бўлган арzon товарлар (тартибда янада қимматроқ субинститутларнинг ўрнини босиш мақсадида).

### 2. Талабнинг чекланиши

Агар харидорларнинг даромадлари чекланган бўлса, у ҳолда фирма ўз товарига нархларни чексиз ошира олмайди.



Талабнинг чекланмаганлиги инфляция шароитлари учун хосдир (инфляция спирали – нархларнинг ўсиши иш ҳақининг ўсишни келтириб чикаради).

### 3. Нархга сезирлик даражаси

Нархга сезирлик даражасига боғлиқ ҳолда истеъмолчиларнинг қуйидаги турлари фарқланади:

- а) тежамли харидорлар (биринчи навбатда нарх даражасига йўналтирилган).
- б) апатик харидорлар (нархлар паст эмас, асосийси- қулайлик, нуфузлилик ёки сифат).
- в) оқилона харидорлар (маҳсулот сифати ва нархи мослиги нуқтаи назаридан харидни баҳолайдилар).

Оқилона харидорлар вариантларидан бири – нархларга нисбатан маҳсулотнинг қиёфаси янада мухимроқ бўлган персоналлаштирилган, лекин улар харидга сезиларли таъсир этади. Хатти-харакатнинг оқилоналиги қуйидагиларга ҳам боғлиқ;

- бозорнинг кўзга ташланувчанлик даражаси (барча эҳтимолий варианtlар маълумми);
- истеъмолчининг талаб даражаси (чекланган оқилоналик – яхши эмас, балки қониқарли муқобил);
- психологик хусусиятлари (юқори хатарнинг мағурулуги туфайли янада қиммат товарни ноқилона ҳариди);

Келириб ўтилган таснифда ажратилган истеъмолчиларнинг турларига турли харидорлик мотивлари мос келади:

### 3.2 - жадвал

#### Нархга нисбатан харидорларнинг турларига хос бўлган харид мотивлари матрицаси

|  |             | Харидорлик мотивлари |                 |                |                |              |                                 |                |
|--|-------------|----------------------|-----------------|----------------|----------------|--------------|---------------------------------|----------------|
|  |             | Оқилон алиқ          | байлашув истаги | ажратиш истаги | қулайлик хисси | таклид қилиш | Оила, якинларни ҳакида ҳайгуруш | устунлик хисси |
| <b>Нархга нисбатан харидорлар тури</b> | тежам лилик | √                    | √               |                |                |              |                                 |                |

|  |                  | Харидорлик мотивлари |                 |                |                |              |                                 |                |
|--|------------------|----------------------|-----------------|----------------|----------------|--------------|---------------------------------|----------------|
|  |                  | Оқилон алиқ          | байлашув истаги | ажратиш истаги | қулайлик хисси | таклид қилиш | Оила, якинларни ҳакида ҳайгуруш | устунлик хисси |
| <b>Нархга нисбатан харидорлар тури</b> | мосла шувчанилик |                      |                 | √              | √              | √            | √                               | √              |
|  | оқилона          | √                    | √               |                | √              |              | √                               |                |

#### a) Оқилоналик

Ҳар бир харидор бирор-бир даражада тежамкорлик қилишга интилади ва бунда ўзи учун жавоб берга олдмайди. Истеъмолчиларнинг онгида “Бир тийин сўмни тежайди” деган нақл сингиб кетган бўлиб; замонавий немислар “Sparen macht Spass”, бу сўзма-сўз таржима қилинганда “Тежаш- бу роҳат бағишлайди” деган маънони англатади.

#### б) Байлашиш истаги

Икки минг сўм учун байлашишдан мислсиз роҳатланадиган ва хариддан чукур қоникиш ҳосил қиласидиган истеъмолчилар сегменти мавжуд.

#### в) Ажралиб туриш истаги

Ажралиб туриш истаги аёллар билан бирга юзага келади! Авваламбор бу ташки киёфада оригинал бўлишга интилишда ифодаланади, бу ерда устбош, либослар асосий аҳамият касб этади. Ҳозирги вактда оммавий кўринишдаги (“ширпотреб”) моделларни кийишни истамаслик ҳолатларида пойхатхдаги модалар уйлари ёки бугунги кунда кенг тарқалган бутикларга назар ташлаш мумкин.

#### г) Қулайлик хисси

Ҳозирги турмуш тарзida ва доимий ховлишиларда комфорт – бу миллионлаб кишилар интилаётган ҳолатдир. Аксарият ишлаб

чиқарувчилар доимий харидорларда, комфорт – жуда якин жойда деган хисни юзага келтирувчи қиёфа ва жумлаларни рекламада кўллайдилар. Фақат уларгина реклама қилинган маҳсулотни харид қиласидилар ва шу ондаёқ қула йликини хис қиласидилар. Киш ювиш машиналари, шовқин бўлмаслиги, дадасининг хуррак тортиши, мушукчаларнинг хуриллаши... баъзи моделлар эса ўз хўжайнларига кир ювиш жараёни қачон якунлангани тўғрисида хабар берадиган даражада интеллектуалдир. Бирок қулайлик хисси моддийлаштирилмаган характерга эга бўлиши мумкин: ... Баунти ... орол ...



куёш ... зангори дарё ... кум ... пальма ... бир сўз билан айтганда, “Жаннат лаззати”.

д) Тақлид қилиш

Кўпинча харидларни амалга ошириш учун инсон томонидан фикрини хурмат қилган инсонининг маслаҳати ёки шахсий тажрибасидан фойдаланиш этишмайди. Юз териси парвариши учун крем “Қора марварид” рекламасида Актриса Вера Алентова “қирқ ўшдан кейин ҳаёт бошланади” деган иборани ишонч билан тъкидлаганки, бунга ишонмасликнинг иложи йўқ.

Аксарият компаниилар реклама сиёсатининг бир кисми, масалан L’Oreal ва Pepsi-Cola, машхур кишиларни реклама роликларида иштирок этиш учун доимий равишда жалб этиш ҳисобланади. Рекламанинг бундай усули учун маҳсус атама – “тестемониум”, ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак, “гувоҳнома” топиш.

е) Оила, яқинлари ҳақида қайгуриш

Умумий ҳисобда оладиган бўлсак, ҳар бир киши эртами-кечми – оила, яқинлари – бу яшаш, ишлаш, улар ҳақида қайгуриш ҳаёт мазмуни эканлигини англаб етади. Бу далил кўпинча тижорат максадларида қўлланилади: бактерияларга қарши совун “Safeguard” ўз ойлангизни турли зарарли бактериялардан ҳимоя қилишга чакиради, унинг иккинчи вакили Domestos, яъни шу номдаги шарбат ва майонез ишлаб чиқарувчи марка номи “Моя семья” номининг ўзи қандай фойдали эканлиги якъол кўрсатиб турибди.

ж) Афзаллик хисси

Ажralиб туришни хоҳловчи кишига хосдир! Айнан шу мотив Lexus автомобилини харид қилишни хоҳловчи лар томонидан илгари сурилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундай ҳолатда сизга чин дилдан хавас қилишлари, ҳатто атрофдагиларнинг



ҳасадли қарашларини ҳис этиш этиш жуда ёқимли тўғрими. Кимнидир нозик асаб толасига тегиб кетиш учун ишлаб чиқарувчилар “Етакчилардан бўл!” каби турли шиорлардан фойдаланадилар.

Реклама, маркаларга содиклик нархларга сезгириликни пасайтиради. Қарашларнинг субъективлиги ҳам, масалан, бири учун паст нархда муваффақиятли харидни, бошқасига – паст сифатни англатиши маълум таъсир этади.

#### 4. Талабнинг эластиклиги

Нархлар бўйича маркетинг қарорларига таъсир этувчи муҳим омиллар нарх ёки даромад бўйича талаб қайишқоғлиги ҳисобланади. Ушбу параметрларга сезгирилик нархларни ошириш имконини бермайди, бу вактда қайишқоқ талаб шароитида нархлар ўсиши даромад ортишига олиб келади. Талаб эластиклиги кузатиш даражасининг маълум сонини млониторинг ва таҳлил қилишни талаб этади.

#### 3.4 Рақобат бозори ва нархни шакллантириш

Тадбиркорлар фаолиятини рақобатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам у иқтисодиётни ривожлантирувчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Рақобат инсон фаолиятининг деярли барча турларида учрайди. Рақобатда ракобатлашаётган тарафлар ягона максад учун ўзаро



беллашадилар. Бунда хўжалик юритувчи субъектлар товарларни ишлаб чиқариш ва сотишда бир-биридан яхши шароитларни яратиб мумкин қадар кўпроқ фойда олишга интиладилар. Рақобат муҳити мавжуд бўлган иқтисодиётда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти эркин бўлади, яъни истаган товарлар

бозорида фаолият кўрсатишлари ва улардан ўз хоҳишлири бўйича чиқиб кетишлари мумкин. Рақобат ривожланган сари одамларнинг турмуш даражаси яхшиланиб боради, рақобатнинг йўқ қилиниши эса иқтисодиётни инқирозга ҳамда одамларнинг турмуш даражасининг тушиб кетишига олиб келади. Фақатгина рақобат воситасида нархи арzon ва сифати юкори бўлган товарлар ишлаб чиқилади ҳамда реализация қилинади. Инсоғли рақобатда хўжалик юритувчи субъект ахлоқ-одоб, иш муомаласи одатлари ҳамда қонун хужжатлари нормаларига риоя қилган ҳолда фаолият юритади. Бунда хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорда товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир этиш имконияти ўзаро мусобақалашаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг сони кўп бўлганлиги сабабли объективиравища мумкин бўлмай қолади.

Рақобат бозор иқтисодиётининг ва умуман товар хўжалигининг энг муҳим белгиси, ривожлантириш усули ҳисобланади.

Рақобатнинг иқтисодий мазмунини тушуниб олиш унга турли томондан ёндошишини талаб қиласди. Мустақил товар ишлаб чиқарувчилар (корхоналар) ўртасидаги рақобат товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нарҳда сотиш, умуман иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашдан иборат. Бунда улар керакли ишлаб чиқариш воситалари, ҳом ашё ва материаллар сотиб олиш, ишчи кучини ёллаш учун ҳам курашади. Ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат охир-окибатда истеъмолчилар учун курашдир.

**Ресурсларни етказиб берувчилар ўзларининг иқтисодий ресурсларини** (капитал, ер-сув, ишчи кучи) юкори баҳоларда сотиш учун рақобат қиласдилар. Ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб берувчилар ўртасидаги рақобат бозор муносабатлари ривожланган, иқтисодиёт тўлиқ эркинлашган шароитда ёрқин намоён бўлади.

Рақобат истеъмолчилар ўртасида ҳам юз беради; улар товарларни қулай ва арzon баҳоларда сотиб олишга ҳаракат қиласдилар, яъни харидор ҳар

бир сарфланган пул бирлиги эвазига кўпроқ нафлиикка эга бўлишга ҳаракат қиласди. Арзон ва сифатли товарни тезроқ сотиб олиш учун курашади. Шундай қилиб, рақобат кўп қиррали иқтисодий ҳодиса бўлиб, у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодалайди.

**Рақобат-бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юкори фойда ва кўпроқ нафлиикка эга бўлиш учун курашни англатади.** Бунда ишлаб чиқарувчилар ўртасида сарфланган харажатларининг ҳар бир бирлиги эвазига кўпроқ фойда олиш учун кураш боради. Мана шу фойда орқасидан қувиши натижасида товарларни сотиш доиралари, яъни қулай бозорлар учун, арzon ҳом ашё, энергия ва арzon ишчи кучи манбалари учун улар орасида кураш боради.

Ўз навбатида харидорлар, яъни истеъмолчилар сарфлаган ҳар бир сўм харажати эвазига кўпроқ нафлиикка эга бўлиш учун курашадилар, уларнинг ҳар бири арzon ва сифатли товар ва хизматларга эга бўлишга ҳаракат қиласди. Ишлаб чиқарувчиларнинг фаолият кўрсатувчи тадбиркор ва мулк эгаси сифатида эркин ва мустақил бўлиши рақобатнинг иқтисодий асосини ташкил этади. Чунки ҳар бир мулк эгасининг ўз манфаати бўлиб, улар шу манфаатга эришиш учун интилади. Мулк эгасининг товар ишлаб чиқариш ва барча бошқа соҳалардаги фаолияти шу манфаатга бўйсундирилган бўлади. Бу жихатдан қараганда рақобат эркин иқтисодий фаолият қилувчи субъектлар манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлишини аник ҳарактерлайди. Рақобат мавжуд бўлишининг бошқа шарти товар-пул муносабатларининг маълум даражада ривожланган бозор тизимида амал қилишидир.

Рақобатнинг асосий соҳаси бозор, чунки унда эркин иқтисодий субъектларнинг алоҳидалашган манфаатлари тўқнашади.

Рақобат курашининг мазмуни тўғрисида тўларок тушунчага эга бўлиш учун унинг асосий шакллари ва белгиларини кўриб чиқиш зарур. Ўз

микёсига кўра рақобат энг аввало икки турга-тармоқ ичидаги рақобатга ва тармоқлараро рақобатта бўлинади.

Иқтисодий адабиётларда бир тармоқ ичидаги рақобатнинг **тўртта шакли** алоҳида ажратилиб кўрсатилади. Булар эркин рақобат, монополистик рақобат, монополия ва олигополиядир.

Эркин рақобат икки даражада намоён бўлади: тармоқ ичидаги, яъни бир хил товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги рақобат ва тармоқларо, яъни турли тармоқлардаги корхоналар ўртасидаги рақобат. Тармоқлар ичидаги рақобат ишлаб чиқариш ва сотишнинг кулийроқ шароитига эга бўлиш, кўшимча фойда олиш учун бир тармоқ корхоналари ўртасида боради. Ҳар бир тармоқда техника билан таъминланиш даражаси ва меҳнат унумдорлиги даражаси турлича бўлган корхоналар борлиги сабабли шу корхоналарда ишлаб чиқарилган товарларнинг индивидуал (алоҳида) қиймати бир хил бўлмайди.

Тармоқ ичидаги рақобат товарларнинг ижтимоий қийматини, бошқача айтганда, бозор қийматини аниқлайди ва белгилайди. Бу қиймат, одатда, ўртacha шароитда ишлаб чиқарилган ва муайян тармоқ товарларининг анчагина қисмини ташкил этадиган товарларнинг қийматига мос келади.

Тармоқлар ичидаги рақобат натижасида техникавий даражаси ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлган корхоналар кўшимча фойда оладилар ва аксинча, техника жиҳатдан ночор корхоналар эса, ўзларида ишлаб чиқарилган товар қийматининг бир қисмини йўқотадилар ва зарар кўрадилар.

Тармоқлараро рақобат турли тармоқлар корхоналари ўртасида энг юқори фойда нормаси олиш учун олиб бориладиган курашдан иборат. Бундай рақобат фойда нормаси кам бўлган тармоқлардан фойда нормаси юқори тармоқларга капиталларнинг оқиб ўтишига сабаб бўлади. Янги капиталлар кўпроқ фойда келтирувчи соҳаларга интилиб, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига, таклиф кўпайишига олиб келади. Шу асосда, нархлар пасая бошлайди. Шунингдек, фойда нормаси ҳам пасаяди. қам фойда

келтирувчи тармоқлардан капиталнинг чиқиб кетиши тескари натижага олиб келади: бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаради, товарларга бўлган талаб улар таклиф қилишидан ошиб кетади, бунинг оқибатида нархлар кўтарилади, шу билан бирга фойда нормаси ошади. Натижада тармоқлараро рақобат объектив равишида қандайдир динамик мувозанатни келтириб чиқаради. Бу мувозанат капитал қаерга сарфланганлигидан қатъий назар, тенг капитал учун тенг фойда олинишига интилишни таъминлайди. Демак, тармоқлараро рақобат капитал қайси тармоқка солинмасин, худди шу тармоқ фойда нормаларини ўртacha фойда нормасига «бараварлаштиради».

Эркин рақобат шароитида бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқда жуда кўп сонли корхоналар мавжуд бўлади. Юқори даражада ташкил килинган бозорда кўплаб сотувчилар ўзларининг маҳсулотларини таклиф қиласидилар.

Эркин рақобатли бозорда алоҳида корхоналар маҳсулот нархи устидан сезиларсиз назоратни амалга оширади. Чунки ҳар бир корхонада умумий ишлаб чиқариш ҳажми унча катта бўлмайди. Шу сабабли алоҳида корхонада ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ёки камайиши умумий таклифга, демак маҳсулот баҳосига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Эркин рақобат шароитида янги корхоналар тармоқка эркин кириши, тармоқда мавжуд бўлган корхоналар эса уни эркин ташлаб чиқиши мумкин. Хусусан янги корхоналарнинг пайдо бўлиши ва уларнинг рақобатли бозорда маҳсулотларини сотишга хукукий, технологик, молиявий ва бошқа жиддий иқтисодий тўсиқлар бўлмайди.

Монополияда тармоқ битта фирмадан иборат бўлиши сабабли, у мавжуд маҳсулот (хизмат) нинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади ва якка хукмонлик шаклланади.

Монополия шароитида фирма нарх устидан сезиларли назоратни амалга оширади. Бунинг сабаби оддий. У маҳсулот (хизмат)нинг ягона ишлаб

чиқарувчиси хисобланади ва демак, таклифнинг умумий ҳажми устидан назорат қиласди.

Рақобатдаги нарх. Фирманинг нарх стратегиясини танлашдаги эркинлиги икки омилга: сектордаги рақобатчилар сонига боғлиқ бўлган рақобат вазияти ва харидорлар томонидан хис қилинадиган товар қийматнинг ролига боғлиқдир.

Рақобат вазияти: монополия шароитида фирманинг нарх мустақиллиги жуда катта бўлиб, соф рақобатда энг кичик бўлади. Олигополия ва монополистик рақобат бу икки вазиятнинг оралигидан ўрин олади.

Товарнинг хис қилинадиган қиймати: фирманинг ташки рақобатли устунликка эриши мақсадида дифференциацияга интилиш билан белгиланади. Агар харидор дифференциация элементини қиймат деб хис қилса, у юкорироқ нархни тўлашга ҳам тайёр бўлади. Демак, фирма нархга нисбатан маълум даражада мустақилликка эришади (3.3 –жадвал).

Нархга боғлиқ қарорларнинг рақобатли мухитнинг характеристига боғлиқлиги

### 3.3 –жадвал

#### Нархга боғлиқ қарорларнинг рақобатли мухити

| Товарнинг<br>хис       | Рақобатнинг                                   | интенсивлиги   |
|------------------------|---|----------------|
| қилинадиган<br>қиймати | паст  | юкори          |
| қўйи                   | дифференциалланмага<br>н олигополия           | соф рақобат    |
| юкори                  | монополия<br>дифференциалланган<br>олигополия | ёки<br>ракобат |

Ушбу икки омил икки хил даражада кўриб чиқилади, у эса нарх белгилаш муаммоси турлича ҳал қилинадиган тўрт хил вазиятни ажратиб олишга имкон беради. Реал воқелиқда бу осон кечмаса ҳам, ўз товари учун ушбу тўрт квадратдан бирида жой топиш нарх белгилаш муаммосини тўғри тушуниш учун фойдалан холи бўлмайди.

\* агар рақобатчилар кам бўлса ва товарнинг хис қилинадиган қиймати катта бўлса, вазият монополия ёки дифференциалланган олигополияга яқин бўлади.

\* рақобатчилар кўп бўлиб, товарлар бир хил бўлса, вазият соф ёки мукаммал рақобатга яқин бўлади, бозор нархи талааб ва таклифнинг ўзгаришига боғлик бўлади.

\* рақобатчилар кам ва хис қилинадиган қиймат паст бўлса, дифференциалланмаган олигополиязага келади. Бунда пешқадамга яқинлашиб олиб, унга эргашиш таклиф қилинади.

\* кўплаб рақобатчилар томонидан кучли дифференциалланмаган товарлар таклиф қилинаётган бўлса, монополистик ёки номукаммал рақобат вужудга келади, нарх белгилашдаги эркинлик рақобатнинг кескинлигига боғлик бўлади.

Рақобатчиларнинг ҳатти-харакатини олдиндан билиш учун кўпгина вазиятларда рақобатчилар бир-бирига кучли таъсири кўрсатади ва улар учун асосий бўлган “бозор нархи” мавжуд бўлади.


Нарх соҳасида рақобатни таҳлил қилишдан максад - рақобатчиларнинг бирор харакат ёки қарши харакат қилиш қобилиятини таҳлил қилишдир. Бунда биринчи навбатда энг хавфли рақобатчи реакциясининг эластиклиги аниқланади.

Янги товарлар учун нарх ўрнатиш бу - бошқа товарлар билан солиширишдан ҳам қийин бўлган муаммодир. Бошлангич нарх фундаментал маънога эга, ишлаб чиқаришнинг тижорат ва моддий ҳаётига катта таъсири кўрсатади. Талаб, харажат, рақобат таҳлилини олиб боришда фирма куйидаги

икки стратегиянинг бирини танлаши шарт: а) юқори бошланғич нарх стратегияси, талабдан “қаймоқ олиш” учун ва б) энг паст нархни қўллаб бозор ичига тез “ёриб кириш” стратегияси.

Товар ишлаб чиқарувчилар юқори рақобатбардошликка эришиш учун ишлаб чиқариш жараённада моддий техника, молия ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишга ҳаракат қиласидилар. Улардан самарали фойдаланиш эса жамият манфаатларига ҳам мос келади, чунки ресурслар ёки бошкача айтганда, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган воситалар ҳар қандай жамиятда чекланган.

Бозорда фирмалар ресурсларни арzon олиш ва товарларни кимматроқ сотишга интиладилар ҳамда фойдани кўпроқ олиш учун курашадилар. Харидор молларни бозорда арzon олмоқчи бўлса, сотовчи кимматроқ пуллашга ҳаракат қиласи.



Рақобатда аниқ мақсадлар қандай бўлмасин, натижага даромад ортиришдан иборат. Шу сабабли рақобатда барча иқтисодий фаол кишилар қатнашадилар. Рақобат курашида енгиб чиқиш ёки мағлуб бўлиш шарт-шароити ишлаб чиқаришда хозирланади. Аммо рақобат курашида ўз товарига харидор топа билиш ҳам энг муҳим масалалардан биридир.

А.Ўлмасов ҳалол рақобатга қуидагича таъриф берган: “Қонуний йўл берилган ва ҳамма тан олган, инсоний усувлар билан ўзаро беллашувидир”<sup>2</sup>.

Иқтисодиёт ривожланган мамлакатларда товар сифатини ошириш орқали рақобатлашув катта аҳамият касб этади, чунки аҳолининг харид қобилияти юқори бўлиб, киммат товарларни сотиб олишга ҳам қурби этади.

Товар сифатини ошириб бориш доимий равишда товарлар таркибини янгилаб туришни ҳам талаб этади.

Ҳалол рақобатда хўжалик юритувчи субъект ахлоқ-одоб, иш муомаласи одатлари ҳамда қонун хужжатлари нормаларига риоя қилган холда фаолият юритади. Бунда хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорда товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир этиш имконияtlари мусобакалашаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг сони кўп бўлганлиги туфайли объектив равишда мумкин бўлмай қолади.

Рақобат шароитида хўжалик юритувчи субъектлар қанчалик ҳаракат килишмасин, улар бозорда товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир этиша олмайди. Чунки рақобат узлуксиз кечадиган жараёндир. Хўжалик юритувчи субъект рақобатда енгиб чиқиб устун мавкега эга бўлганда ҳам, уни бозорда товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир этиши антимонопол қонун хужжатлари билан тақиқлаб кўйилган. Ушбу қонун хужжатларига риоя этмаслик хўжалик юритувчи субъектни молиявий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўла олади.

Рақобатбардошлик тушунчасини куйидаги тарзда ифодалашимиз мумкин: рақобатбардошлик иқтисодий категория бўлиб, иқтисодий фаолиятни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмол жиҳатларининг вазиятли ёндашувини ифодалайди. Рақобатбардошлик иқтисодий тизимнинг барча элементлари учун хос бўлсада, бозор муносабатларининг тақсимлаш жараённида пайдо бўлади.

Рақобатбардошликтининг маълум таърифларини таҳлил қиласар эканмиз, рақобатбардошликтининг моҳиятини очиб берувчи куйидаги хусусиятларни очишга олиб келди:

- хизматлар ракобатбардошлиги - унинг истеъмолчи учун жалб эта олиш қобилиятининг ўлчовидир;

<sup>2</sup> А.Ўлмасов. «Иқтисодиёт асослари». –Т.: Адолат, 2010 (Янги таҳрир). 94-б.

- хизматларнинг жозибадорлиги турли даражадаги талабларнинг кондирилиш даражаси билан ифодаланади;

- таклиф этилаётган талабларнинг таркиби, уларнинг устунлиги хизматларнинг турига ва истеъмолчиларига боғлик;

- рақобатбардошлик иқтисодий категория сифатида айнан бир бозорни ва айнан аналог хизматни кўриб чиқиши талаб этади.;

- рақобатбардошлик динамик хусусиятга эга-яни рақобатбардошлик муайян вакт оралигига, бозор коњуонктурасининг ўзгаришини эътиборга олган ҳолда кўриб чиқиши талаб этади;

- рақобатбардошлик таҳлил килинаётган хизматларнинг хаётий циклининг қайси босқичидалигига боғлик.

Рақобат жамият учун зарур товар ва хизматларнинг бозор ва харид нархини белгилайди. Рақобат таъсирида товар ва хизматларнинг индивидуал қиймати шаклланади, даромадлар хажмининг меҳнат сарфи бўйича дифференцияси юзага келади. Тармоқлараро жиҳатдан рақобат фойданнинг ўртача меъёрини юзага келтиради, жамият эҳтиёжи учун энг аҳамиятли ва зарур бўлган тармоқларга капитал оқишини рағбатлантиради. Шубҳасиз, рақобат бозор учун хизмат киласи: қачон, қандай ва қанча товар ва хизматларни таклиф килиш ва кўрсатишни белгилайди<sup>3</sup>.

Бозорда рақобат даражаси ва интенсивлиги қанчалик юкори, фирмаларнинг нарх ҳолатини назорат қилиш имкониятлари шунчалик паст бўлади.

Муайян фирманинг нарх сиёсати қатор рақобатли омилларга боғлик:

<sup>3</sup> Е. М. Жих, А. П. Панкрухин, В. А. Соловьев. Маркетинг: как завоевать рынок? – С.: Лениздат, 2014.-49-б

- рақобатчилар-сотувчилар сони, ҳажми ва улар сиёсатининг кескинлиги;

- харидорлар томонидан рақобатли мухит мавжудлиги;

- рақобатли ва тўлдирувчи товарларнинг нархлари ўзгариши.

Сотувчилар рақобати нархни шакллантириш омили сифатида турли шаклларда намоён бўлади:

1. Полиполия, ёки соф рақобат – бир товар ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлган бозордаги ҳолат (масалан, озиқ-овқат маҳсулоти).

Нарх даражаси талаб ва таклифни чамалайди, нархларнинг ўзгариши эса ишлаб чиқарувчиларнинг сўзсиз розилиги билан аниқланади. Умумқабул килинган нархдан қимматроқка сотишнинг иложи йўқ (арzon жойдан харид киладилар), паст нархда – фойдасиз (хаммасини байлашмай сотиб оладилар). Бундай бозорнинг ҳолати бекарор – умумий таклифлар ўсиши нархлар тушишини келтириб чиқаради (янги рақобатчи бозорга осонгина киради).

2. Монополия – монополчи бозорнинг асосий улушкини камраб олувчи ҳукуқ асосида ёки далили бўйича фақат иккита шартни хисобга олган ҳолда белгиланадиган бозордаги ҳолат:



- режалаштирилган товар ишлаб чиқариш ҳажмини сотиш учун зарур истеъмолчилар сони шу нархни тўлаши мумкин;

- арzon субинститутлар мавжуд эмас.

Нархларнинг пасайиши янги савдо бозорларига чиқиш билан синалади (кам даромадли истеъмолчи). Нарх чекловлари мавжуд бўлмаган шароитда монополистлар ҳушёрикни йўқотадилар ва шу орқали динамик

“аутсайдерлар” уларни бозор кисмидан сикиб чиқаришлари ёки нарх ҳолатига сезиларли таъсир этишлари мумкин.

3. Олигополия – бир нечта йирик фирмалар бозорнинг асосий қисмини ўзаро тақсимлайдилар.



Бундай бозорда, одатда, нархларга оид битимлар амалда синаб кўрилмокда: хавфли доимий битта-рақобатчининг пайдо бўлишини бартараф этувчи ҳар бир олигополист учун фойдали бўлган нарх ўрнатилади. Бозор таъсир худудига бўлинади ва нархсиз рақобат кучга киради (нархга нисбатан хавфсизрок).

### Қисқа хуносалар

Бозор обьектини ишлаб чиқарилган хилма – хил товарлар ва хизматлар эгаллади.

Истеъмол товарлари бозори – кишиларнинг кундалик турмуши учун зарур бўлган товарлар ва хизматлар бозоридир. Бу бозорда кенг истеъмол буюмлари, маданий – майший ва коммунал хизматлари олди – сотди шакллари олиб боради. Бу бозорда деярли барча фуқаролар иштирок этади. Бу бозорнинг аниқ кўринишлари қўйидагилардан иборат: магазинлар, дўконлар, савдо уйлари, фирмалар, супермаркетлар, гипермаркетлар, ошхона, кафе-барлар, салонлар, ҳар хил устахоналар, буюм бозорлар ва дехқон бозорлари ва бошқалардир.

Ҳар бир тармок ўзининг бозор ўзига хосликларига эга – турли товарлар ишлаб чиқарилади, ишлаб чиқарувчилар таркиби, корхоналар ҳажми, технологиялар хусусиятлари, истеъмолчилар таркиби, рақобат хусусиятлари ва х.к. турлича бўлади.

Бозор моделларини умумлаштириш асосида фирманинг у ёки бу муайян бозор шароитларида хулқ-атвор стратегиясини танлашида амалиё аҳамиятга эга бўлган муайян тавсиялар ишлаб чиқилади.

**Талаб қонуни:** паст нархлар бўйича кўпроқ товар харид қилинади, яъни нарх қанчалик паст бўлса, товар шунчалик қулай ва талаб шунчалик юкори бўлади.

Соф кўринишида ушбу қонун макродаражада ва кучли агрегацияланган товарлар груҳи даражасида амал қиласди. Муайян товар даражасидатаб қонуни факат кучларнинг асосий жойлашувини белгилаб беради: шунга ўхшаш бошқа шароитларда харидорлар юкори нархга нисбатан паст нархда кўпроқ товар қила оладилар. Мазкур ҳолатда талаб даромад даражасининг натижаси сифатида, яъни харидларнинг молиявий имкониятлари сифатида намоён этилган.

Рақобат муҳити мавжуд бўлган иқтисодиётда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти эркин бўлади, яъни истаган товарлар бозорида фаолият кўрсатишлари ва улардан ўз хошишлари бўйича чиқиб кетишлари мумкин. Рақобат ривожланган сари одамларнинг турмуш даражаси яхшиланиб боради, рақобатнинг йўқ қилиниши эса иқтисодиётни инкиrozга ҳамда одамларнинг турмуш даражасининг тушиб кетишига олиб келади. Фақатгина рақобат воситасида нархи арzon ва сифати юкори бўлган товарлар ишлаб чиқилади ҳамда реализация қилинади. Инсоғли рақобатда хўжалик юритувчи субъект ахлоқ-одоб, иш муомаласи одатлари ҳамда қонун хужжатлари нормаларига риоя қилган холда фаолият юритади. Бунда хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорда товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир этиш имконияти ўзаро мусобақалашаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг сони кўп бўлганлиги сабабли обьектив равишида мумкин бўлмай қолади.

### **Назорат учун саволлар**

1. Бозорнинг қандай турларини биласиз?
2. Тури бозорларда нархни ташкил этиш шакллари нималардан иборат?
3. Нархнинг шакллантириш омиллари нималардан иборат?
4. Нархнинг шакллантиришда ишлаб чиқариш омиллари нималардан иборат?
5. Товарнинг ракобатбардошлиқ даражаси қандай аниқланади?
6. Фирманинг стратегик максадлари нималардан иборат?
7. Товарнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
8. Полиполия ва соф ракобатнинг фарқи нимада?
9. Бозорда ракобат даражаси қандай аниқланади?
10. Талаб қонуни нима?

### **Тест топшириқлари**

#### **1. Бозор турлари бу:**

- A. Истеммол товарлари бозори, ишлаб чиқариш бозори, интелектуал мулк соҳиблари бозори, меҳнат бозори ва бошқ.
- B. Биржа бозори, молия бозори, интелектуал мулк соҳиблари бозори, меҳнат бозори ва бошқ.
- B. Ишчи кучи бозори, истеммол товарлари бозори, ишлаб чиқариш бозори, ижтимоий соҳалар бозори
- G. Ижтимоий соҳалар бозори, Биржа бозори, молия бозори, интелектуал мулк соҳиблари бозори, меҳнат бозори ва бошқ.

#### **2. Товарнинг нарх даражасини белгилайди:**

- A. ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари, муқобил харажатлар ва бошқ.
- B. имкониятларини кенгайтириш
- B. Молиявий муаммолар ва хатарлар
- G. муҳим омил ва чекловлари

### **3. Қандай ракобат турларини биласиз?**

- A. соф (мукаммал) ракобат, соф монополия, монополистик ракобат, олигополия
- B. Фирром ракобат, монополия, омилли ракобат, соф монополия
- B. Соф монополия, монопсония, олигополия, даражали ракобат
- G. Омилли ракобат, фирром ракобат, соф монополия, олигополия

### **4. Талаб ўзгариши ва талаб ҳажмининг ўзгариши ўртасида фарқ нимада?**

- A. талаб ўзгариши талаб ҳажми ўзгариши йигиндисидан иборат
- B. талаб ўзгариши бу – талаб эгри чизигининг силжиши, талаб ҳажми ўзгариши эса – талаб эгри чизиги бўйлаб ҳаракат
- B. талаб ҳажмининг ўзгариши нарх билан боғлиқ бўлмаган омиллар ўзгариши оқибатида рўй беради
- G. талаб ўзгариши бу – талаб эгри чизиги бўйлаб ҳаракат, табаб ҳажмининг ўзгариши эса – талаб эгри чизигининг силжиши

### **5. Нархни ташкил этиш босқичлари**

- A. Талаб ҳажми динамикасини аниқлаш, сотув ҳажми, товарнинг нарх даражаси ва бошқ.
- B. Ҳаражатларни хисоб – китоб қилиш, тўлов шартлари, нарх даражаси ва бошқ.
- B. Товарнинг хаётйлик даврига караб нархлаштириш, Талаб ҳажми динамикасини аниқлаш ва бошқ.
- G. Товарлар ва уларнинг модификациялари ўртасидаги нисбати, Истеммолчилар моделлар ўртасидаги сифат, бозор ҳажмини аниқлаш ва бошқ.

### **6. Талаб қонуни бу:**

- A. паст нархлар бўйича кўпроқ товар харид килинади, яъни нарх қанчалик паст бўлса, товар шунчалик кулай ва талаб шунчалик юқори бўлади
- B. дастлаб даромад даражаси харидорга унга керак товарнинг қулай нарх даражасини белгилайди
- B. Зарур харидлар, ракобатли шароитлар, истеммолчининг марказга муносабати ва бошқа омиллар
- G. Муайян товарга нархларни оширишда талабнинг ўсиши

## **7. Рақобатбардошлик тушуучаси бу:**

- А. рақобатбардошлик иқтисодий категория бўлиб, иқтисодий фаолиятни лойихалаш, ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмол жиҳатларининг вазияти ёндашувини ифодалайди.
- Б. рақобатбардошлик динамик хусусиятга эга-яъни рақобатбардошлик муайян вакт оралигига, бозор конъюнктурасининг ўзгаришини эътиборга олган ҳолда кўриб чиқиши талаф этади
- В. рақобатли ва тўлдирувчи товарларнинг нархлари ўзгариши
- Г. Сотувчилар рақобати нархни шакллантириш омили сифатида товарларга бўлган муносабатига айтилади

## **8. Фирмаларнинг нарх сиёсати замирида ...тушунилади**

- А. Тамоиллар асосида нархнинг асосини ташкил этиши ва фирманинг бош мақсадларига эришиш ва тегиши маркетинг масалаларини ҳал этиш учун нархни маневрлаштириш лозимлиги тўғрисидаги тасаввурлар тизими
- Б. Бозорда нархларни аниқлаш ва белгилаш
- В. Корхонанинг маркетинг мақсадлари
- Г. Ишлаб чиқариш нархи ва сифатини аниқлаш

## **9. Маркетингнинг умумий вазифаси бу:**

- А. Маҳсулот ишлаб чиқариш, бозорни ўрганиш, бозорга таъсир чоралари
- Б. Савдони ташкил этиш
- В. Реклама ва коммуникацияни ташкил қилиш
- Г. Стратегик режани ташкил қилиш коидалари

## **10. Рақобатга таъсир этувчи асосий омиллар:**

- А. Нарх, сифат ва харажат
- Б. Сифат, харажат ва бозор инфратузилмаси
- В. Харажат ва бозор сегментацияси
- Г. Истеъмолчилар диди, истаги ва сифат

## **4-БОБ. НАРХНИНГ КОМПАНИЯ МАРКЕТИНГИ КОМПЛЕКСИДАГИ ЎРНИ**

### **4.1. Компания маркетинги комплексида нархнинг ўрни**

Ҳакикат шундан иборатки, нархни шакллантиришнинг маркетинг таркиби қисми нимани намоён этишини ҳали ҳам етарлича англаб олмадилар. Маркетинг – бу асосий воситаси реклама хисобланган товарларни илгри суриш тўғрисидаги фандир.

Баъзилар маркетингни қатъян маркетинг тадқиқотлари билан тенглаштиради, бундан бугунги кунда кенг тарқалган ва ўз моҳиятига кўра жуда бемаъни “маркетинг бозорини килиш” деган ифодадир. Ҳозирги вактда маркетинг бўлимлари хажмига кўра йирик ва ўрта компанияларда фаолият юритмоқда. Савдо ёки реклама бўлимларини яратиб кичик фирмалар бой маркетинг воситасининг бир қисмидан фойдаланадилар. Менежерларнинг анъанавий фикрлари, бошқарув бўгинининг малакасизлиги, маркетингга дастлабки харажатларнинг маълум миқдори – тадбиркорлик бизнесида маркетингни жорий этиш ва ривожлантириш йўлидаги асосий тўсиқлардир. Бунга маркетингни имкониятларини унинг амалиёти билан дискредитациясини ҳам киритиш мумкин: катта унумсиз харажатлар (самарасиз), маркетинг мақсадларини савдо бўлимлари мақсадлари билан таққослаш, маркетиологлар харакатининг самаадорлик кўрсаткичларига кизиқиши йўқлиги. Лекин, шунга қарамай, маркетинг жорий этилмоқда!

Маркентингни жорий этиш миллий бозорларга хос катор йўналишлар кўмаклашади:



1. Илфор махаллий ишлаб чикарувчилар ишлаб чиқариш кучларини түлиқ юклаб олдилар, ишлаб чиқаришни қайта қуроллантиришнинг қўйидаги оқимлари учун қўшимча инвестициялар талаб этилади.

2. Бозорлар чегараси шаклланди: турли бозорларга кириш тўликлари янада кўтарилиб бормоқда.

3. Товарлар савдосидан даромадлик камаяди.

4. Тижорат ахбороти ҳажми бир неча бор ортди.

5. товар ва хизматларнинг ассортимент оқими фаол кенгайиб бормоқда.

6. Истеъмол маданияти даражасиўсиб бормоқда, у билан бирга эса – харидорларнинг товар ва хизматларга талаби сифат жиҳатдан ўзгариб бормоқда.

7. Харидорларга хизмат кўрсатиш стандартлари муракаблашиб бормоқда ва бошқалар.

Маркетинг ўзаро боғлиқ амалий элементларни ўз ичига олади:

- маркетинг қарорларини қабул қилиш жараёнини ахборот-тахлилий таъминоти, бозорнинг ҳолати ва ривожланишини ўрганиш ва башоратлаш;

- янги истеъмолчиларни яратиш ҳамда қулай тижорат самарасини таъминлаш мақсадида ижтимоий-иктисодий дастаклари ёрдамида бозор

жараёнларини маркетингли тартибиға солиш;

- объектив бозор жараёнларига мослашини омиллари ва шароитларини баҳолаш;

- товар ва хизматларни савдоси бўйича фаолиятни бошқаришда стратегик ва тезкор иштирок этиш;

- харидорларнинг мавжуд ва

кўзланаётган эҳтиёжларини ижобий қондирилиши.



Бунда маркетингнинг асосий таъсир обьекти истеъмолчи ва харидорларнинг бозордаги ҳатти-ҳаракатларини белгилаб берувчи турли омилларни ҳисобга уларнинг эҳтиёжларига кўра туркумланиши ҳисобланади.

Бундан маркетингга қўйидаги таърифларни келтириш мумкин:

Маркетинг – бу истеъмолчига йўналтирилган бозорни ўрганиш ва тартибиға солиш тизимиdir.

Демак, умуман маркетинг фаолиятида иккита амалий таркибий қисмлар ажратилади:

- маркетинг тадқиқотлари, инструментарий ёрдамида компания истеъмолчилар (масалан, унинг психографик сурати, мотивациялар хусусияти, харидорлик қобилияти, компаниянинг товарлари ва маркетинг дастурларига таъсири), рақобатчилар (масалан, нархлар даражаси, ассортимент сиёсати) ва бозорнинг бошқа иштирокчиларини ўрганиб чиқади. Қатор ихтинослаштирилган статистик ППП (масалан, SPSS, Statistika) кўплаб маълумотлар сонини қайта ишлашни осонлаштиради ва тизимлаштиради;

Маркетинг амалда

Текин хақиқатдан ҳам текинми?

Иктисодчилар дунёда текин ёки харажатсиз маҳсулот йўклигини таъкидлайдилар. Бироқ, аксарият Интернет компаниялар ўз хизматларини бепул етказишга ҳаракат қилмоқдалар ва бу ўз-ўзини муваффакият билан окламоқда. Буюк Британиянинг Dixons электрон маҳсулотлари сотадиган компанияси худди шундай янги интернет провайдери – Freeserve ни яратди, Freeservенинг хизматлари тамоман бепул қилиб белгиланди. Freeserve 5 ой ичida 1 млн. га яқин мижозларни жалб эта олди. Энг кучли рақобатчи AOL компанияси интернетни тўлиқ бепул бермаслиги сабабли, мижозлар янги компанияга ўтиб кета бошлади.

Хақиқатда, Freeserve компаниясини юритиш билан боғлиқ харажатлар мавжуд эмас деб бўлмайди. Бироқ, Freeserve мазкур харажатларни мижозлар

хисобидан эмас, балки British Telecom телефон компанияси хисобидан коплади. Мижозлар интернетта боғланишда телефон линиясидан фойдаланишга мажбурдирлар, маҳсус шартномага кўра Freeserve телефон хизматлари даромадининг 45% ини олиб турди. Шунингдек, даромад реклама ва е-тижорат воситасида шкаллантирилади, яъни турли тиҷорат компаниялари ўз маҳсулотларини реклама қилишида Freeserve нинг хизматларидан фойдаланадилар. Ўртacha олганда, бир мижоз ойига 92 та вебсаҳифага кирап экан. Бу эса реклама ва тиҷорат учун кенг йўл очади, яъни вебсаҳифалар тепасидаги баннерларга реклама хабарлари юборилиб турилади. Демак, мижозлар учун икки йўл мавжуд:

Биринчи вариантда мижозлар бепул интернет хизматларидан фойдаланадилар, аммо реклама баннерлари тўхтовсиз айлантириб турилганлиги сабабли интернетнинг иш тезлиги пасаяди. Шунингдек, электрон почта кутисига ҳам тўхтовсиз реклама хабарлари юборилиб турилади.

Иккинчи вариантда мижоз пулли интернет хизматларидан фойдаланади ва бунда реклама муаммоси бўлмайди.

Истемолчиларнинг хатти-ҳаракати нарх белгилаш усуслари ва жараёнига ўз таъсирини ўтказмасдан қўймайди. Бундай таъсири характеристикини аниклаш учун икки хилдаги масалалар таҳлил этилиши керак: талаб таҳлили ва эластиклик таҳлили. Фирма нарх белгилашда таянадиган қўрсаткич - ҳаражатлар. Фойда даражаси ҳаражатлар устига кўшилади. Биринчи навбатда умумий ҳаражатлар аниқланилиб, кейин эса маҳсулотлар ассортименти бўйича тақсимланилади. Кўп ҳолларда ҳаражатлар субсидияси амалга оширилади, яъни катта ҳаражатли маҳсулотлар бошқа маҳсулотлар ҳисобига қопланади. Аввал бозор нархи аниқланиб, ҳаражатлар унга мослаштирилса, бу тескари нарх белгилаш дейилади. Маҳсулотларнинг учта асосий ҳусусиятлари нарх белгилаш вақтида хисобга олиниши керак: жойлаштириш ўрни; маҳсулот ҳаёт цикли босқичи; ёлғиз маҳсулот ёки маҳсулот

линиясининг бир қисми эканлиги. Рақобатчиларнинг асосий хизмати улар фирма учун намунавий нархни белгилаб берадилар. Фирма ҳам шунаقا қўрсаткичлар асосида ўз нархини белгилаши мумкин. Нарх белгилаш фаолиятининг қарийб хамма аспектлари хуқуқий омиллар таъсирида бўлади. Бундай таъсири қўйидаги соҳаларни қамраб олади: нархни келишган ҳолда белгилаш, нарх дискриминацияси, алдовчи нархлардан фойдаланиш, қармоқ ва оғдириш, олдинги нархга таққослаш, қотил нархлар.

## 4.2. Маркетинг тадқиқотлари. «4 Р» концепцияси

Маркетинг тадқиқоти ёки маркетинг ахборот-таҳлилий таъминоти маркетинг фаолиятининг ажрадмас бир қисмидир. Ахборот ва унинг таҳлилини маркетингдан ажратиб бўлмайди. Маркетинг тадқиқоти – маркетинг амалий воситасидир.

Маркетинг тадқиқоти маркетингнинг ахборот эҳтиёжларини қондириши, кўзда тутилган тадқиқотчилик фаолияти турини ифодалайди.

Замонавий маркетинг асосларидан бири Ф.Котлернинг таърифи бўйича: “Маркетинг тадқиқотлари деб, турли йўналишларни тизимли равишда тайёрлаш ва ўтказиш, компания олдига кўйилган конкрет маркетинг вазифасига мос бўлган натижа ва хуносаларга эга бўлиш учун олинган маълумотларни таҳлил этиш жараёни”<sup>4</sup> тушунилади.

Иқтисодиёт тармокларини диверсификация ва модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқариш



<sup>4</sup> Котлер Ф. Маркетинг менеджмент. 11-изд. СПб.: Питер, 2013 – 155 б.

кувватларини ривожлантирган холда экспорт ҳажмини оширишда замонавий корхоналар фаолиятини устувор ривожланишини таъминлаш ҳамда бу соҳада маркетинг фаолиятини такомиллаштириш ўз ечимини кутаётган бугунги куннинг энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Авваламбор, корхоналар фаолиятида биринчи навбатда “маркетинг тадқиқотлари” тушунчасини, унинг назарий ва услубий аҳамиятини янада очиб бериш билан унинг корхоналарда тутган ролини ошириш орқали корхона фаолиятида ўз бозорини тўларок ўрганишига муҳим замин яратади. Лекин, бугунги кунда мамлакатимиздаги иқтисодиётнинг барча тармокларида фаолият юритаётган корхоналарнинг иқтисодиётдаги улушкини ошириш талаб этилади. Уларнинг имкониятларини янада кенгайтириш, ракобатардош янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва янги бозорларга чиқиш, ички бозорга импортнинг ўрнини босувчи ва экспорт ҳажмини оширишга хизмат қилувчи товарлар ишлаб чиқариш талаб этилади.

Маркетинг тадқиқотлари тушунчасига батафсил тўхталадиган бўлсак, тор маънода бозорни ўрганувчи фан соҳаси ҳисобланади, кенг маънода маркетинг тадқиқотлари тушунчаси товар ва хизматларни айирбошлиш йўли билан эҳтиёж ва талабларни қондиришга йўналтирилган инсон фаолиятининг бир турини тушунишимиз мумкин, бозордаги барча қатнашчиларнинг ўзаро манфаатларига асосланган харакатларини, талабларини шакллантириш ва қондириш учун бирлаштиришdir. Маркетинг тадқиқотлари корхоналарда маркетинг фаолиятини жорий қилиш, уни бошқариш, режалаштириш ва назорат этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Маркетинг тадқиқотларининг юкори даражада ташкил этилиши, уларнинг қўлами, таҳлилий ва қайта ишлаш жараёнларида фойдаланиладиган услублар йигиндиси, бевосита корхона ва ташкилотларнинг маркетинг стратегиясини белгилашда, амалга оширишда, дастлабки босқич ҳисобланади. Истеъмол бозори тобора янги товарлар ва хизматлар билан бойиб бораётган бугунги кунда янги марраларни аниқлаш ва улардан

оқилона фойдаланишда маркетинг тадқиқотларининг аҳамияти кун сайн ортиб бормокда.

**Маркетинг тадқиқотининг мақсади – маркетингнинг ахборот-таҳлилий эҳтиёжларини қондиришига йўналтирилган ҳар қандай тадқиқотчилик фаолиятидир.**

Шунингдек, маркетинг тадқиқотларининг мақсади – ахборот – таҳлилий базани яратиш билан бирга, ноаниқлик даражасини пасайтиришга олиб келувчи маркетинг борасидаги қарор қабул қилиш ечимиға айтилади.

Маркетинг тадқиқотларининг асосий мақсади бу – бозор тузилиши ва динамикаси қонуниятларининг умумий кўринишдаги концепцияни ишлаб чиқиш, маълум бир корхонанинг вазифалари ва имкониятларини ишлаб чиқаришга самарали мослашишни, технологиялар ва тузилмалар, шунингдек, пировард истеъмолчи ҳоҳиш- истакларини қондира оладиган товар ва хизматларни бозорга тақдим этишdir.

Маркетинг тадқиқотларининг мақсад ва вазифалари шуни тақазо этадики, маркетинг ахборотларини тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишдан иборат. Уни мақсадида товар бозорида жорий муаммоларни ҳал этиш ва маркетингга оид керакли қарорларни қабул қилиш учун мўлжалланган жараёнлар ётади.

Бозорни тадқиқ эишига кўра маркетинг тадқиқотлари қуйидагилар билан ажralиб туради: истеъмолчиларни, ракобатчиларни, сотишни, товарларни, товар харакатини, нархни ва корхонанинг ички муҳитини тадқиқ қиласиди.

Шунинг учун, бозорни тадқиқ қилишдан кўра, маркетинг тадқиқотларини ўтказишида кўпроқ ахборот тўплаш ва вакт омилини талаб этади. Тўлақонли ва



объектив маркетинг ахборотлари корхонанинг бозордаги муваффакиятини ифодалайди.

*Баъзи пайтларда маркетинг тадқиқотларини ўтказишда барча шароитлар мавжуд бўлсада, баъзи холларда баъзи сабаблар ушбу тадқиқотлар жараёнини тўхтатиб қўйши мумкин. Ушбу сабаблар:*

- мавжуд хисоботлардан олинган тўлақонли маълумотлар;
- тадқиқот ўтказиш учун вақтнинг етишмовчилиги;
- тадқиқот учун керакли ресурсларнинг мавжуд эмаслиги;
- тахмин килган натижалар, кутилган самарага эришиш учун харажатларнинг кўпайиб кетиши ва хоказолар.

Маркетинг тадқиқотларини ўтказишдан олдин, корхона учун асосий муаммо нимадан иборат эканлиги ва уни ечимини топишни шакллантириб олиш керак.

Асосий муаммонинг ўрганиш ва уни ечимини топиш учун қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

- фойданинг ўсиши ва сотув ҳажмининг ошишига;
- бозорда рақобатчиларнинг позициясини кучайишига олиб келувчи омиллар таҳлили ва уларнинг асосий сабабларини ўрганиш;
- бозорга янги товарни чиқиши;
- истеъмолчилар хулк-атворини ўрганиш ва уларнинг фирма маҳсулотига бўлган муносабатини ўрганиш.



Ундан ташкири, маркетинг тадқиқотларининг муаммолари товарнинг маҳсус ишлатилишига, бозорнинг тўйинганлик даражасига, товар ҳаракатининг каналларини танлашга, рақобатчиларнинг фаоллигига, талабни башорат қилишга, рекламанинг самарадорлигига, баҳо даражасига,

салоҳиятли истеъмолчиларни аниқлаш ва бошқа бозорнинг конъюнктура хусусиятларига боғлиқ.

Маркетинг тадқиқотларини ўтказишни асослаш учун, тадқиқотнинг қимматлилиги ва кутилган натижаларнинг алоҳида белгиларини таққослаш ва унга кетган ресурс ва вақтни таҳлил қилиш зарур.

Маркетинг тадқиқотларининг объектларига қуйидагилар киради:

- сотиш ҳажми;
- ўз товарларининг бозордаги жойлашуви;
- ракобатчи – товарлар ва ўринбосар товарлар;
- янги товар ва янги қадоқлашни бозор қабул қилиши;
- реклама тадбирларининг самардорлиги ва бошқалар.

Маркетинг тадқиқотлари вазифаси – бозорнинг хулк-атворини олдидан айтиб бериш мумкинлигига эришишdir.

Маркетинг тадқиқотларида кенг тарқалган вазифалардан:

- Бозорни ўрганиш ва унинг тавсифини билиш;
- Бозор сифимини аниқлаш ва унинг салоҳият имкониятларини белгилаш;
- Асосий рақобатчилар ўртасида бозор улушкини таҳлил қилиш;
- Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сотиш динамикасини таҳлили;
- Асосий рақобатчиларнинг ишбилармон фаоллиги тенденциясини тадқик қилиш;
- Компания маҳсулоти истеъмолчиларини ўрганиш;

Бозорда нарх ва товарни силжитиш сиёсатларини ўрганиш ва бошқалар.

**Маркетинг-микс 4Р аҳамияти.** Маркетинг тизимида қўйилган мақсадга эришиш учун харидорлар ва бошқа субъектларга таъсир этиш учун маркетинг воситалари, яъни маркетинг усуллари йигиндиси, услублари зарурдир. Шундай воситалардан маркетинг-микс, маркетинг комплекси ҳисобланади. Буларни маркетинг назариясига 1964 йилда биринчи бўлиб

Гарвард бизнес мактаби профессори Борден киритган. Маркетологлар тайёrlаsh тизимида маркетинг комплекси 4 “Р” деб номланиб, бу модель Маккарти томонидан 1960 йилда таклиф этилган. Ушбу моделда маркетингнинг тўртта асосий элементлари ажратиб кўрсатилган: товар (product), нарх (price), сотиш (place), реклама-рагбатлантириш (promotion).

Маркетинг фаолиятида эҳтиёж ва муҳтожликни айирбошлиш орқали қондириш жараёнида албатта инсон иштирок этади. Шунинг учун юқорида кўрсатиб ўтилган маркетинг элементлари таркибига 5 “Р” хам киритилиб, у кишилар (people) эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилгандир.

1968 йилда Ф.Котлер маркетинг-микс элементлари таркибига паблик-рилейшнз (public relations) ва сиёсатни (politics) қўшиб, олдинги 4 “Р” ни 6“Р” га кенгайтириб кўрсатди.

4“Р” моделини қўлланишини чекланганлигига қарамасдан, маркетинг назариясини шаклланиши ва амалиётини ривожланишида илғор роль ўйнайди.

Маркетинг-микс кенг қўлланадиган шаклда 4 та маркетинг субмиксини ўз ичига олади. Булар қўйидагилар: товар микси, шартнома микси, коммуникатив микс, тақсимот микси. Товар микси товар сиёсатини шакллантиради, товар билан боғлик бўлган чора-тадбирларни ўз ичига олади. Бу чора-тадбирлар: дизайн, уни безатилиши, маҳсулот сифати, ўрови, харидорлрга хизмат кўреатиш, кафолат хизмати сиёсати, товар диверсификацияси, ассортимент сиёсати ва ҳоказо.

-маркетинг комплекси – “4Р” концепцияси билан бирлаштирилган 4 восита. Мустақил элементлар – Price (Нарх сиёсати), Product(Товар сиёсати), Place (Савдо сиёсати), Promotion (Коммуникациялар сиёсати) – булардан бирга фойдаланиш, тўғри конфигурацияни танлаш ва оқилона муомала



килиш ҳолатида ҳар компаниянинг ракобатбардошлигини сақлаб колиши ва ҳаёт фаолиятини таъминлашда тенги йўқ рдамчига айланиши мумкин.

#### 4.1-жадвал

#### “4Р” КОНЦЕПЦИЯСИ

| Price | Нарх сиёсати            | Бозорга йўналтирилган нарх даражаси ва ҳатти-харакатини, савдо рагбатлантиришининг нархли усуслари ишланмаси  |
|-------|-------------------------|---|
|       | Товар сиёсати           | Бозорга йўналтирилган товарлар ассортимент, уларни хоссалари (сифати), қадоги, марка имижи ва х.к. ишланмаси  |
|       | Савдо сиёсати           | Оптимал савдо канналари ва савдо воситачилари, уларнинг ўзаро муносабатлар шаклини таналаш, товарларни жўнатиш ва саклаш                                |
|       | Коммуникациялар сиёсати | Доимий мижозларни ахборотлаштириш тизими, турли усуслар воситасида фирма (реклама, сервис ва х.к.) ва товар (хизмат)лар тўғрисида ижобий фикрни яратиш, |


Барча санаб ўтилган элементлар бир бири билан узвий ўзаро алоқада бўлади ҳамда компаниянинг умумий маркетинг стратегиясига мос келиши лозим. Зеро, нарх сиёсати ҳаракатсиз бўлиб қолади ёки ҳатто товар, савдо ва коммуникатив сиёсат доирасида аниқ режалаштирилмаган ҳаракатларсиз салбий натижаларга олиб келади.

Юқорида санаб ўтилганлар қаторида яқин кунларда пайдо бўлган “5 Р” концепцияси People – муносабатлар сиёсатини ўз ичига олади ва компаниянинг кадрлар сиёстини ишлаб чиқилш (мижозлар ва фирма

максадларига мүлжалланган ходимларни танлаш ва ўқитиш), талабни шакллантириш ва доимий мижозлар билан муносабатларни сақлаб қолиши тизимини яратиш ва долзарблаштиришни англатади.

“4Р” базавий концепциясini янада такомиллаштиришга уриниш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Personal (персонал), package (кадоқлаш), purchase (харид), probe (тадқиқ этиш, таҳлил қилиш), public relations (жамоатчилик билан алоқалар) каби элементларнинг киритилиши ушбу концепцияни “6Р”, “7Р” ва ҳ.к. концепциялар билан модификациялаш имконини беради.

“4С” концепцияси ҳам кенг тарқалган бўлиб унинг моҳияти – “корхонанинг бутун маркетинг фаолияти оғирлиги марказини маҳсулотдан харидорга ўтказиш”дан иборат.



**4.1-расм. “4Р” ва “4С” концепцияларини тубдан ўзгартириш схемаси**

Концепциянинг амалий қиммати – 4 та Р-инструментларни мақсадли истеъмолчининг сўровларига “ўлчаб кўриш” имкониятидир. Зеро, агар истеъмолчи нуктаи назаридан Cost элементи жуда юкори бўлса, у ҳолда “4 Р” концепцияси доирасида ишлаб чикилган нарх сиёсатини ўзгартириш зарур.

Ҳар бир концепцияда нарх асосий маркетинг воситасидан бири хисобланади. Бинобарин нарх жуда муҳимдир. Энг оддийси: сиз бир дона шоколадни 100 сўмга сотиб олишга тайёрмисиз, қачронки унинг чакана нархи 17 сўмни ташкил этса? Лекин, сизни очлик кийнаётган вактда сиз шу харидни амалга оширишингиз мумкин... лекин бу вақтда 8-9 сўмни кўзингиз қиймайди.... Бунда “хасислик синдроми” ишга тушади: сиз ширинликни хуш

кўрмасангизда уни захира ёки кимнидир мөхмон қилиш учун харид қилишингиз мумкин.

#### **4.3. Бозор нархларининг иқтисодий моҳияти ва турлари**

Нархни шакллантириш масалалари маркетинг йўналишига эга, менежмент ва қасбий фаолиятининг исталган босқичига “маркетингли дунёкараш” хос бўлган компания учун алоҳида аҳамият қасб этади: истеъмолчи, унинг эҳтиёжлари, қизиқиш ва истаклари хар қандай қарорни қабул қилиш учун асосий нуқтага айланиб бормокда.



Маркетинг дунёкарашига эга бўлган компания учун нарх – нафақат корхона тижорат фаолиятининг муҳим иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларидан бири, нафақат унинг сақланиб қолиш шарти. Улар учун нарх – бу харидлар тўғрисидаги истеъмол қарорларининг муҳим омили, бинобарин фирманинг рақобатбардошлиги ва имижи элементидир. Бунда, нарх хариднинг белгиловчи, асосий мотиви сифатида хизмат қилади, бинобарин қатор асосий иқтисодий қонунлар ва қонунчиликлар билан боғлиқ, унинг асосида харидорнинг бозор хатти-ҳаракати қурилади (талаб қонуни, талабнинг даромадга боғлиқлиги, талабнинг нархи тебранувчанлиги). Бунда, нарх (айникса чакана савдода) – бу очик-ойдин, кучли ҳаракатланувчи, талабдан тезкор таъсирланишни келтириб чиқарувчи тартибга солиш воситасидир. У эҳтиёткорона муносабат, чукуртаҳлил асосида нархлар бўйича қарорлар қабул қилишни талаб этади. Нархга оид қарорларни қабул қилишдаги хатолар маҳсулот ёки хизматларни юритиш лдойихалари учун, баъзан эса компания мақсадлари муввафқияти учун кескинлашиши мумкин.

Маҳаллий тадбиркорларимиз, нарх – бу брендни ўзгармас жойлаштириш элементи деб тан олишдан аввал улар бир қанча хатоликларга йўл кўйишган.

Хорижлик маркетологларнинг тадқиқотлари, рақобатчиларнинг нархлари ва нархни шакллантириш тўғрисидаги ахборотларининг қиммати компания учун хатто ахборотнинг стратегик қимматини оширганини кўрсатмоқда, респондент-компанияларнинг қарийб 90%и маркетинг тадқиқотлари доирасида нархлар таҳлили билан шугулланадилар. Баъзи маҳаллий тадқиқотларнинг маълумотларига кўра, нарх узок фойдаланиладиган товарларни танлашда тўртта муҳим харидорлик мотивларидан бири хисобланади. Аксарият маҳаллий фирмалар рақобат курашининг ахборот таъминоти, рентабелликни ошириш имкониятларини амалга ошириш, нарх нишасини аниқлаш ва ҳ.к. мақсадида бозорда юзага келган нархни ўрганмоқдалар. Ҳатто рақобатнинг етарлича тезкор эмаслиги ва суст тўйинтирилган бозор шароитида нархни ўрганиш – мамлакатимиз ахолисининг аксарият қисмининг паст турмуш даражаси ни хисобга олган ҳолда айниқса объектив заруратга айланмоқда.

Сўнгги йилларда бизнес субъектларининг иқтисодий ва рақобат муҳити фаол ўзгарган. Бу технологик жараённи жадаллаштириш ва товарнинг ҳаёт даври қисқариши, ассортиментни доимий янгилаш ва кенгайтириш, суст дифференциацияланган маркалар кўплиги билан боғлиқ. Хомашё, инфляция нархи ўсишида ахолининг харидорлик қобилияти пастлигича қолмоқда. Бунинг барчаси нархнинг стратегик ролини кучайтироқда: товар тезкорликда ўзини қоплаши (нархдаги хато жуда



танкидийдир) лозим, нархнинг сезиларсиз ўзгаришлари марканинг идрок этилишини сезиларли ўзгартериши мумкин, бунда харидорлар нархга нисбатан ўта эътиборли бўлишлари керак. Кўпинча кескин иқтисодий менежмент заруратга айланмоқда, савдо воситаси сифатида нархни роли ортиб бормоқда.

Нархлар бўйича қарорларнинг муҳимлиги ва мураккаблиги ортиши, улар фирма бошқарувининг юкори даражасида қабул қилишга олиб келди. Айниқса бу кичик компаниялар учун хосдир. Йирик чакана ташкилотларда нархни шакллантириш муаммолари одатда ассортимент гурухлари бўйича бошқарувчилар шугулланмоқда, дистрибутор-компанияларда нархлар бўйича бошқарувчилар ва маҳсус бўлимлар мавжуд. Лекин бу ерда юкори раҳбарият нарх стратегиясини белгилайди ва кўпинча ўрта менежмент таклиф этган нархни тасдиқлайди.

Маркетингли нарх шаклланишининг хусусияти, у истеъмолчилик афзаликлари ва имкониятлари, бозор конъюнктураси ва ўзига хослигига қаратилгандигидан иборат, нархни белгилашга тизимли ва тебранувчан ёндашувдан фойдаланадилар. Бу, нарх маркетологлар томонидан харидорга таъсир этиш воситаси ва бир вактнинг ўзида ўрганиш учун барча қулай омиллар ва боғлиқликларни хисобга олган ҳолда тадқиқот обьекти сифатида кўриб чиқилган. Фирманинг харажатли ва ишлаб чиқариш имкониятлари маркетингли нарх шакулланишининг табиий чекловларилари сифатида қабул килинади, уларни хисобга олишади ёки заруратга кўра бартараф этишга ҳаракат қиласидар.

Нарх сиёсатини ишлаб чиқиш жараённида маркетологлар маълум изчилликда маркетингли нарх шаклланиши босқичлари занжирини ҳосил қиласидар:

- компания товар гурухлари, худудлар, корхона турлари ва мақсадли истеъмолчилар даражасида иш олиб борувчи бозор ва нархни шакллантириш омиллари таҳлили;


- максадли бозорнинг ўзига хослигини хисобга олган ҳолда ассортимент гурӯҳлари ва корхоналар портфели учун нарх стратегияларини ишлаб чиқиш;
- тармоқнинг анъаналари ёки ишлаб чиқариш, савдо, рақобатли вазиятнинг хусусиятини хисобга олган ҳолда нархни шакллантириш усулини танлаш;
- талаб рағбатлантириш тактик нарх услублари, нархни ижро этмасликдан суғурталаш усулларини ишлаб чиқиш.



#### 4.2-расм. Маркетингли нарх шаклланиши босқичлари

Агар иктисодиётнинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, у ҳолда, нарх унинг энг биринчи элементи хисобланишини кузатиш мумкин, бинобарин, ўзига хос иктиномий алокалар тизими сифатидаги иктисодиёт товарлар алмашуви акти кўринишида юзага келади.

Маржинализмни ривожлантириш қийматнинг меҳнат назариясини мафкуравий нокулай ривожлантириш, саноат миқёсларига ишлаб чиқаришни кўтариш, савдо инқизозларини тартибга солиш асосида юз берган. Шунинг ёрдамида унинг йўналишини изоҳлаш мумкин.



4.3-расм. Маржинализм гоялари ва нарх назариясини ишлаб чиқиши билан шуғулланувчи энг машҳур мактаблар

Маржинализм замонавий иктисодий назарияда маълум ўринга эга, унинг асосида машҳур иктисодий мактаблар шаклланган. Аржинализмнинг асосий тоифалари замонавий назарияларда кўлланилади: нарх, талаб, фирмалар, бозор мувозанати. Микдорий таххилининг мутлақлаштириш – ўзига хос кирралардир.

#### Қисқа хуносалар

Маркетинг – бу асосий воситаси реклама хисобланган товарларни илгри суриш тўғрисидаги фандир. Баъзилар маркетингни қатъян маркетинг тадқиқотлари билан тенглаштиради, бундан бугунги кунда кенг тарқалган ва ўз моҳиятига кўра жуда бемаъни “маркетинг бозорини қилиш” деган ифодадир.

Маркетинг тадқиқоти ёки маркетинг ахборот-тахлилий таъминоти маркетинг фаолиятининг ажralmas бир қисмидир. Ахборот ва унинг

тахлини маркетингдан ажратиб бўлмайди. Маркетинг тадқиқоти – маркетинг амалий воситасидир.

Маркетинг тадқиқоти маркетингнинг ахборот эҳтиёжларини қондириши кўзда тутилган тадқиқотчилик фаолияти турини ифодалайди.

Маркетинг тадқиқотлари тушунчасига батафсил тўхталаған бўлсак, тор маънода бозорни ўрганувчи фан соҳаси ҳисобланади, кенг маънода маркетинг тадқиқотлари тушунчаси товар ва хизматларни айирбошлаш йўли билан эҳтиёж ва талабларни қондиришга йўналтирилган инсон фаолиятининг бир турини тушунишимиз мумкин, бозордаги барча қатнашчиларнинг ўзаро манфаатларига асосланган ҳаракатларини, талабларини шакллантириш ва қондириш учун бирлаштиришдир. Маркетинг тадқиқотлари корхоналарда маркетинг фаолиятини жорий қилиш, уни бошқариш, режалаштириш ва назорат этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Маркетинг тизимида қўйилган мақсадга эришиш учун харидорлар ва бошқа субъектларга таъсири этиш учун маркетинг воситалари, яъни маркетинг усуслари йигиндиси, услублари зарурдир. Шундай воситалардан маркетинг-микс, маркетинг комплекси ҳисобланади. Буларни маркетинг назариясига 1964 йилда биринчи бўлиб Гарвард бизнес мактаби профессори Борден киритган. Маркетологлар тайёрлаш тизимида маркетинг комплекси 4 “Р” деб номланиб, бу модел Маккарти томонидан 1960 йилда таклиф этилган.

Маркетинг-микс кенг қўлланадиган шаклда 4 та маркетинг субмиксини ўз ичига олади. Булар куйидагилар: товар микси, шартнома микси, коммуникатив микс, тақсимот микси. Товар микси товар сиёсатини шакллантиради, товар билан боғлик бўлган чора-тадбирларни ўз ичига олади. Бу чора-тадбирлар: дизайн, уни безатилиши, маҳсулот сифати, ўрови, харидорлрга хизмат кўрсатиш, кафолат хизмати сиёсати, товар диверсификацияси, ассортимент сиёсати ва ҳоказо.

### Назорат учун саволлар

1. Компанияда нархнинг ўрни қандай?
2. Маркетингни жорий этиш миллий бозорларга хос қатор йўналишлари нималардан иборат?
3. Маркетингнинг асосий тамойиллари ва вазифалари нималардан иборат?
4. Компания фаолиятига нарх омиллари қандай таъсири этади?
5. Маркетинг тадқиқотлари деб нимага айтилади?
6. Маркетинг тадқиқотларини ўтказишида нарх сиёсатининг аҳамияти нимадан иборат?
7. Ахборот тўплаш усуслари нималардан иборат?
8. Маркетинг комплекси ёки 4 Р нинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
9. “4Р” концепциясидаги – Price (Нарх сиёсати) ўз ичига нималарни олади?
10. “4Р” ва “4С” концепцияларининг мазмуни нималардан иборат?

### Тест топшириклари

1. Сиз маркетинг мажмуасининг қайси элементларини айтиб берса оласиз?
  - А. маҳсулот, нарх, маҳсулотни истеъмолчигача етказиш ва маҳсулотни илгари суриш
  - Б. Нарх ва маҳсулотни истеъмолчигача етказиш
  - В. маҳсулотни истеъмолчигача етказиш ва маҳсулотни илгари суриш
  - Г. Маҳсулот ва нарх
2. Компания фаолиятининг оммавий мақсади – бу
  - А. Фирманинг миссияси
  - Б. Ижтимоий неъматларни ошириш
  - В. Фирма стратегияси
  - Г. Компания фаолиятининг асосий мақсади

**3. Чегирмалар тизимини қўллашнинг асосий аҳамияти:**

- А. Ижобий иқтисодий самара
- Б. Эскирган товарни утиллаштириш
- В. демпинг
- Г. Кўшимча мижозлар базасини жалб этиш

**4. Истеъмолчиликнинг харид қобилияти ва истеъмол тузилишига таъсир этувчи омиллар йигиндиси – бу...**

- А. Иқтисодий мухит
- Б. Демографик мухит
- В. Сиёсий мухит
- Г. Маданий мухит

**5. Нархни шакллантиришнинг асосий усуслари:**

А. Ишлаб чиқариш харажатлари асосида, товарнинг қийматига қараб; рақобатга қаратилгандигига; ишлаб чиқариш харажатлари ва бозор ҳолати ўртасидаги мувозанатни топиш асосида

Б. “таннарх плюс фойда” усули  
В. товар ва хизматларнинг амалий йўналиши ва мураккаблиги бўйича ўхшаш бозорда нарх билан маъкулланган нарх даражасини белгилаш  
Г. Қаймоғини олиш усули

**6. Нархни синааб кўриш тўғридан-тўғри усуслари камчилиги шундан иборатки:**

А. истеъмолчи маҳсулотлар ва уларнинг нарх даражасида мўлжал топиши кийин;  
Б. интервью олувчичи натижаларга таъсир этиши мумкин;  
В. истеъмолчи ундан маҳсулот учун қанча пул тўлашга тайёр эканлигини билиш истагида эканликларини осон билиб олиши мумкин;  
Г. ушбу усуслар факат in-hall усули билан амалга оширилиши мумкин.

**7. Нарх рақобати бу ...**

А. Бозорда сотувчининг устунлиги билан қўлланади (талабнинг таклиф ва харидорларнинг янада интенсив рақобатларидан юқорилиги)

Б. Бозорда харидорнинг устунлиги билан қўлланади  
В. Бозорда харидорнинг устунлиги билан қўлланади  
Г. Бозорда товар ишлаб чиқарувчининг устунлиги билан қўлланади

**8. Фирманинг нарх стратегиялари – бу?**

- А. Фирма томонидан нархни шакллантириш соҳасида эҳтимолий йўналишлардан асосийсини ажратиш
- Б. Маълум бозор сегментида ихтисослантириш
- В. Рақобатчилар олида устунликка эга бўлиш.
- Г. Корхона жиҳозларини қуввати бўйича

**9. Маркетинг категориялари**

А. ишлаб чиқариш маркетинги, хизмат кўрсатиш маркетинги ва х.к.  
Б. бозор, талаб, таклиф, бозор конъюнктураси, сотиш, реклама ва коммуникация, истеъмолчилар кўлами  
В. ишлаб чиқариш, истеъмол килиш, мутаносиблик  
Г. рақобатчилар, савдо воситачилари, табий омиллар, сиёсий –хукукий омиллар

**10. Реклама воситалари турларини санаб беринг ва энг кенг тарқалган, хамда энг афзал турини изоҳлаб беринг**


А. табло, витрина, газета ва журнallар, оммавий ахборот воситалари ва х.к.  
Б. сервис, дизайн, газета ва радио, ОАВ  
В. ОАВ, Интернет, Хукукий кўрсатмалар, табло ва витрина  
Г. газета ва журнallар, истеъмолчилар диди ва истаги асосида яратилган fojolar

## 5-БОЗ. БОЗОР ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА НАРХНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ

### 5.1. Нархни шакллантириш омиллари

Нархни шакллантирувчи асосий омиллар қиймат (харажатлар) ва муайян товарнинг истеъмол қиймати (эҳтиёжларни қондириш қобилияти) ҳисобланади. Амалиётда улар маълум нархда (ишлаб чиқарувчи ва сотувчи томонидан фойдалилик) ва унинг талаб кўринишидаги афзаллиги (мақсадли бозорнинг маълум қисми учун ушбу нарх бўйича товар харини амалга ошириш имконияти). Бу шартлар ушбу омиллар таъсири остида ҳақиқий нархдан оғишадиган нарх базасини белгилайди. Таъкидлаш жоизки, нарх шаклланиши тенденциясига таъсир этувчи умумжаҳон бозорининг муҳим омиллари маҳсулот бирлигига вактинчалик харажатларни пасайтириш ва ижтимоий зарур меҳнат харажатлари бирлигига истеъмол қиймати ўсиши қонуни ҳисобланади. Нарх таркибида интеллектуал меҳнат харажатлари катта улушни эгаллади.

Нархни шакллантириш омиллари – мутахассислар товар нархини белгилашда ҳисобга олинадиган ижтимоий-иктисодий омиллар (масалан, ишлаб чиқариш салоҳияти, ушбу бозорда рқобатнинг зичлиги).



5.1 –расм. Компанияда нарх шаклланишининг янада муҳим омиллари

Бозор конъюнктураси, компания нархлари учун таҳдид ва тўскинилларни ни ўрганиб чиқибгина, тармоқли нарх шаклланишининг меъёрий асосини, товарнинг хусусияти ва йўлдош хизматларни билиб, компаниянинг умумий стратегик бозор мақсадларини шакллантириб, стратегик маркетинг нарх шаклланишига киришиш мумкин.

*Нарх шаклланишининг ишлаб чиқарши омиллари.* Маркетинг нарх шаклланишининг муҳим омил ва чекловларидан бири ишлаб чиқариш ҳисобланади. Куйидаги ишлаб чиқариш омилларини ажратиб кўрсатиш мумкин: ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари, фирманинг ишлаб чиқариш имкониятлари (кучлари), компанияда молиявий муаммолар мавжудлиги ва унинг хўжалик динамикаси.

## 5.1-жадвал

### Нархни шакллантириш омиллари

| Омиллар  | Мазмуни/асосий таркибий элементлар   |
|--|--|
| <b>Нарх шаклланишининг ишлаб чиқариш омиллари</b>            | Харажатлар<br>Фирманинг ишлаб чиқариш имкониятлари<br>Молиявий муаммолар<br>Хўжалик динамикаси   |
| <b>Талаб</b>   | Талаб қонуни<br>Талабнинг нарх қайишқоғлиги<br>Талабнинг даромадлар бўйича чекланганлиги нархга сезигирлик даражаси бўйича истемолчиларни сегментлар   |
| <b>Бозорнинг рақобатбардошлик даражаси</b>                   | Рақобатчи-сотувчилар сони, ҳажми, улар сиёсатининг кескинлик даражаси<br>Харидорлар томонидан рақобат мухити мавжудлиги<br>Рақобатли нархлар ва қўшимча товарларни нархлари ўзгариши   |
| <b>Товарнинг хусусияти</b>                                   | Товар тури ва бетакрорлиги<br>Товарнинг ҳаётйлик даври босқичи<br>Махсулот сифати  |
| <b>Товар харакати канали иштирокчиларининг ўзаро таъсири</b> | Тартибга солинмайдиган нарх шаклланиши тартибга солинадиган нарх шаклланиши (нархларни вертикаль бошқариш, нархлар бўйича тавсиялар, нарх битимлари)   |
| <b>Давлат назорати</b>                                       | Солиққа тортиш дифференциацияси<br>Давлат корхоналари ва монополиялари нархларини белгилаш орқали эркин нархлар тизимига таъсири<br>Кескин преискурантлари белгилаш<br>Монопол нархлар даражасини чеклаш<br>Бозор нархларини вақтинчалик “музлатиш”<br>Нархга устумулар белгилаш<br>Нархларнинг сўнгги даражасини белгилаш<br>Нархлар таркиби элементларини ўрнатиш<br>Нархларни бир марта ошириш шартларини чеклаш<br>Нарх камситилишига чеклов<br>Демпингга чеклов<br>Ноодилона нарх рекламаси чеклови |
| <b>Фирманинг стратегик мақсадлари</b>                        | Максимал жорий нархлар<br>Мавжуд бозорни кенгайтириш ёки янгиларини камраб олиш<br>Мавжуд ҳолатни ва бошқалдардан фойдаланиш   |

1. Харажатлар товар чиқарилишига мўлжалланган нарх даражасини белгилайди (эҳтимол фактат қисқа муддатли пасайиш).



Унга кўра  
куйидагилар  
хам  
фарқланади:  
- ишлаб чиқариш ва  
муомала харажатлари;  
- доимий  
(вактинчалик) фаолият

тўхтаб қолган ҳолатларда хам фирма ижара ҳаки ва иссмёлик таъминоти учун ҳак тўлади) ва вактинчалик (ишлаб чиқариш ҳажмига боғлик бўлгандар);

- тўлиқ (товарнинг жами миқдори) ва оралиқ (товар сонининг бир бирликка ҳар бир ортишида);

- муқобил харажатлар: харажатлар қиймати (сафланганларни) ва олинмаган даромад (кам фойда келтирувчи товар ишлаб чиқариш харажатлари кўпроқ фойда келтирувчи товар ишлаб чиқариш учун айнан шу ресурслардан фойдаланишнинг йўқотилган имкониятини англаради).

Фирманинг асосий мақсадларидан бири – талаб ва фойдани оптималлаштириш мақсадида нарх маневрларининг имкониятларини кенгайтириш учун барча харажат турларини камайтириш.

2. **Ишлаб чиқариш имкониятлари:** агар фирма кўпчиликка қулай бўлса, у ҳолда савдо ўсишига тайёр бўлиши лозим, шов-шувли талабга эга бўлиши мумкин.

3. **Молиявий муаммолар** (масалан, тезкор айланма ёки нақд пуллардаги эҳтиёж) ва **хўжалик динамикаси** (гуллаб-яшнаш ёки турғунлик даври) фирманинг қимматли хатарлар қобилиятига таъсир этади.

## 5.2. Талаб - нарх шаклланиши омили сифатида

Фирма нархининг маркетинг сиёсатининг муҳим омили нархга харидорнинг талаби ёки таъсири хисобланади. Нарх ва харидлар ўртасидаги ўзаро алоқа нархлар бўйича қарорларни хисобга олиш зарур бўлган бир неча тавсифлар билан анқиланади.

### 1. Талаб қонуни

Нархлар бўйича маркетинг қарорларига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири: талаб қонуни хисобланади.



Талаб қонуни: паст нархлар бўйича кўпроқ товар харид қилинади, яъни нарх қанчалик паст бўлса, товар шунчалик қулай ва талаб шунчалик юкори бўлади.

Соф кўринишида ушбу конун макродаражада ва кучли агрегацияланган товарлар гурухи даражасида амал қиласди. Муайян товар даражасидатаб конуни факат кучларнинг асосий жойлашувини белгилаб беради: шунга ўхаш бошқа шароитларда харидорлар юкори нархга нисбатан паст нархда кўпроқ товар кила оладилар. Мазкур холатда талаб даромад даражасининг натижаси сифатида, яъни харидларнинг молиявий имкониятлари сифатида намоён этилган.

Зарур харидлар, ракобатли шароитлар, истеъмолчининг маркага муносабати ва бошқа омиллар битта даромадли харидорлар гурухи доирасида талабга таъсир этади.

Схема кўринишида жараён: дастлаб даромад даражаси харидорга унга керак товарнинг қулай нарх даражасини белгилаш, кейин эса ушбу нархлар даражаси билан товарлар гурухи доирасида иккиламчи омилларни хисобга олган ҳолда исталган нархни танлаш имконини (юкори-паст) беради.

Муайян товарга нархларни оширишда талабнинг ўсиши қуйидаги ҳолатларда кузатилиши мумкин:



- маҳсулотнинг бетакрорлиги;
- товарнинг нуфузи;
- товарни сотиш, унинг нархи сифатнинг асосий кўрсаткичи сифатида кабул қилинади;
- нисбатан қиммат товарларга келгуси харажатларни пасайтириш мақсадида инфляциян ошишлар;
- ўта зарур бўлган арzon товарлар (тартибда янада қимматроқ субинститутларнинг ўрнини босиш мақсадида).

### 2. Талабнинг чекланиши

Агар харидорларнинг даромадлари чекланган бўлса, у ҳолда фирма ўз товарига нархларни чексиз ошира олмайди.

Талабнинг чекланмаганлиги инфляция шароитлари учун хосдир (инфляция спирали – нархларнинг ўсиши иш ҳакининг ўсишни келтириб чиқаради).

### 3. Нархга сезгирилик даражаси

Нархга сезгирилик даражасига боғлиқ ҳолда истеъмолчиларнинг қуйидаги турлари фаркланди:

а) тежамли харидорлар (биринчи навбатда нарх даражасига йўналтирилган).



б) апатик харидорлар (нархлар паст эмас, асосийси – қулайлик, нуфузлилик ёки сифат).

в) оқилона харидорлар (маҳсулот сифати ва нархи мослиги нұктай назаридан харидни баҳолайдылар).

Оқилона харидорлар вариантынан бири – нархларга нисбатан маҳсулоттинг қиёфаси янада мұхимроқ бўлган персоналлаштирилган, лекин улар харидга сезиларли таъсир этади. Хатти-харакаттинг оқилоналиги куйидагиларга ҳам боғлик:

- бозорнинг кўзга ташланувчанлик даражаси (барча эҳтимолий варианtlар маълумми);

- истеъмолчининг талаб даражаси (чекланган оқилоналик – яхши эмас, балки қониқарли мүкобил);

- психологик хусусиятлари (юкори хатарнинг мағрурлиги туфайли янада қиммат товарни ноқилона хариди);

Нарх белгилаш фаолиятининг қарийб ҳамма аспектлари ҳуқуқий омиллар таъсирида бўлади. Бундай таъсир куйидаги соҳаларни қамраб олади:

1. Нархни келишган ҳолда белгилаш - рақобатчилар бир хил нарх белгилашга келишганларида эрkin рақобат мұхитига зарар етказган бўладилар.

2. Нарх дискриминацияси - турли истеъмолчилар учун турлича нарх белгилаш стратегияси.

3. Алдовчи нархлардан фойдаланиш - истеъмолчиларни адаштириш максадида амалга ошириладиган нарх ўрнатиш фаолияти. Булар ичига куйидагилар кириши мумкин:

а) қармок ва оғдириш. Бу фаолият реклама килувчи ўзи аслида сотишга хоҳиши бўлмаган маҳсулотни энг яхши шартлар асосида таклиф этишини тарғиб этишидир, яъни ишлаб чиқарувчи маҳсулот учун энг арzon нархни реклама қиласи (қармок) ва истеъмолчининг келишини таъминлайди. Истеъмолчи келгандан кейин, уни юқоригоқ нархга эга бўлган маҳсулотни сотиб олишига кўндиради (оғдириш). Бу пастрок нархли маҳсулоттинг сифатини танқид қилиш орқали, маҳсулот мавжуд эмаслигини баҳона қилиб

кўрсатиш, маҳсулотни сотишдан бош тортиш ва маҳсулотни етказиб беришнинг энг нокулай вақтни кўрсатиш орқали амалга оширилади.

б) олдинги нархга таққослаш. Кўп сотувчилар маҳсулот нархи ёнида олдинги юкори нархни ҳам акс эттирадилар, яъни нархлар нисбатан жуда пасайланлигини таъкидлайдылар. Акс эттирилган олдинги нарх қиймати маҳсулоттинг узқ вақт давомида сотилиш нархи бўлган тақдирда бу нотўғри эмасдир, бироқ баязи ҳолларда олдинги нархлар “осмондан олиниши” ҳам мумкин.

в) нархларни таққослаш. Баъзи фирмалар reklamasida уларнинг нархлари атрофдаги фирмалар нархларидан фалон миқдорда ва фоизда паст деб жар солишиларининг гувоҳи бўлиш ҳам мумкин. Бунда асос қилиб олинадиган “бошқалар нархи” асосиз юкори қилиб кўрсатилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

г) чакана нархлар. Ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини реклама қилганда нархнинг маълум бир миқдорда эканлигини билдирадилар, бунда улар чакана савдо ташкилотларига сотишга маслаҳат берилган нарх даражасига суннадилар. Аммо, чакана савдо ташкилотлари бу маҳсулотларни бошқача нархларда сотиши ҳам мумкин. Бунда ишлаб чиқарувчилар даъво этаётган нархлар нотўғри бўлиб чиқади.

д) кўп фирмалар бир маҳсулотни сотиб олинганида иккинчисини текинга ёки ярим нархига берилади деб сотувни рағбатлантиришга харакат киладилар. Бундай рағбатлантириш маҳсулот сифати атайн пасайтирилмаганда, ҳажми кичрайтирилмаганда ва нарх шунга яраша оширилмаганда адолатлидир. Масалан, “Картер” бўёқ ишлаб чиқарувчи фирма бир бўёқ сотиб олингандан иккинчисини текинга беришга вайда қилган, аслида эса бўёқнинг нархи олдингига нисбатан икки баравар ошириб қўйилган.

4. Қотил нархлар. Маҳсулотга шундай паст нархлар белгиланади, бунда рақобатчиларни бизнесдан чиқариб юборишга ҳаракат қилинади.

Нарх белгилаш усуллари

Нарх белгилашда уч турдаги усуллар көнгүйләниләди: харажатларга асосланган, харидорга асосланган ва рақобатта асосланган усуллар.

Харажатларга асосланган усуллар.

Харажат + фойда усули. Бу энг оддий усул бўлиб, маҳсулот таннархига фойда даражасини қўйиши орқали нарх шакллантирилиши амалга оширилди. Масалан, радио ишлаб чиқарувчи корхонанинг ишлаб чиқариш харажатлари қўйидагича бўлиши мумкин:

Ўзгарувчан харажатлар 10 ёвро

Доимий харажатлар 3000 000 ёвро

Маҳсулот сони 50 000.

Маҳсулот таннархи қўйидагига teng бўлади:

Доимий харажат 300 000

$$\text{Таннарх} = \text{Ўзгарувчан харажат} + \dots = 10 + \dots - 16$$

Маҳсулот сони 50 000 Харидорга асосланган нарх белгилаш усули. Корхоналар маҳсулотга харидор фикрида қиймат асосида нарх белгилаш хам мумкин. Нарх-харидорлар тўлашга тайёр бўлган миқдор асосида белгиланади. Бунда нарх белгилаш учун мижозлар эҳтиёжлари ўрганиләди, ва уларнинг маҳсулот хусусиятларига берадиган аниқланади. Шу қиймат асосида нарх даражаси топилади ва корхона харажатлари шу нарх чегарасида бўлиши таъминланади.

Рақобатга асосланган нарх белгилаш усули. Рақобат бозорда нарх белгилаш жараёнига таъсир этиши шубҳасизdir. Бунда фирманинг харажатлар структураси қандай бўлишидан қатъи назар, рақобатчи нархлари асосий кўрсаткич қилиб олинади. Нарх даражаси рақобатчилар нархи ўзгаришига мос холда ўзгаририлиб борилади. Кичик фирмалар доимо бозор лидери орқасидан эргашади. Олигополистик бозорларда эса, бир хил

стандарт маҳсулот сотувчи компаниялар нархлари бир хил даражада белгиланади.

Ҳар бир харидор бирор-бир даражада тежамкорлик қилишга интилади ва бунда ўзи учун жавоб бера олдмайди. Истеъмолчилар онгиди “Бир тийин сўмни тежайди” деган нақл сингиб кетган бўлиб; замонавий немислар “Sparen macht Spass”, бу сўзма-сўз таржима қилинганда “Тежаш- бу роҳат бағишлайди” деган маънени англатади.

б) Байлашиш истаги

Икки минг сўм учун байлашишдан мислсиз роҳатланадиган ва хариддан чукур қоникиш ҳосил қиласидиган истеъмолчилар сегменти мавжуд.

в) Ажралиб туриш истаги

Ажралиб туриш истаги аёллар билан бирга юзага келади! Авваламбор бу ташки қиёфада оригинал бўлишга интилишда ифодаланади, бу ерда устбош, либослар асосий аҳамият касб этади. Ҳозирги вактда оммавий кўринишдаги (“ширпотреб”) моделларни кийишни истамаслик ҳолатларида пойхатхдаги модалар уйлари ёки бугунги кунда көнг тарқалган бутикларга назар ташлаш мумкин.

г) Қулайлик хисси

Ҳозирги турмуш тарзида ва доимий ховлиқишинларда комфорт – бу миллионлаб кишилар интилаётган ҳолатdir. Аксарият ишлаб чиқарувчилар доимий харидорларда, комфорт – жуда яқин жойда деган хисни юзага келтирувчи қиёфа ва жумлаларни рекламада кўллайдилар. Факат уларгина реклама қилинган маҳсулотни харид қиласидар ва шу ондаёқ қулайликни хис қиласидар. Киш ювиш машиналари, шовқин бўлмаслиги, дадасининг хуррак тортиши, мушукчаларнинг хуриллаши... баъзи моделлар эса ўз хўжайниларига кир ювиш жараёни қачон якунлангани тўғрисида хабар берадиган даражада интеллектуалdir. Бироқ қулайлик хисси моддийлаштирилмаган характерга эга бўлиши мумкин: ... Баунти ... орол ...

куёш ... зангори дарё ... кум ... пальма ... бир сўз билан айтганда, “Жаннат лаззати”.

#### д) Тақлид қилиш

Кўпинча харидларни амалга ошириш учун инсон томонидан фикрини хурмат қилган инсонининг маслаҳати ёки шахсий тажрибасидан фойдаланиш этишмайди. Юз териси парвариши учун крем “Қора марварид” reklамасида Актриса Вера Алентова “қирқ ёшдан кейин ҳаёт бошланади” деган иборани ишонч билан тъкидлаганки, бунга ишонмасликнинг иложи йўқ.

Аксарият компанииялар реклама сиёсатининг бир кисми, масалан L’Oreal ва Pepsi-Cola, машхур кишиларни реклама роликларида иштирок этиш учун доимий равишда жалб этиш ҳисобланади. Рекламанинг бундай усули учун маҳсус атама – “тестемониум”, ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак, “гувоҳнома” топиш.

#### е) Оила, яқинлари ҳакида қайгуриш

Умумий ҳисобда оладиган бўлсак, ҳар бир киши эртами-кечми – оила, яқинлари – бу яшаш, ишлаш, улар ҳакида қайгуриш ҳаёт мазмуни эканлигини англаб етади. Бу далил кўпинча тижорат максадларида қўлланилади: бактерияларга қарши совун “Safeguard” ўз оиласизнин турили зарарли бактериялардан химоя қилишга чакиради, унинг иккинчи вакили Domestos, яъни шу номдаги шарбат ва майонез ишлаб чиқарувчи марка номи “Моя семья” номининг ўзи қандай фойдали эканлиги якъол кўрсатиб турибди.

#### ж) Афзаллик хисси

Ажralиб туришни хоҳловчи кишига хосдир! Айнан шу мотив Lexus автомобилини харид қилишни хоҳловчилар томонидан илгари сурилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундай ҳолатда сизга чин дилдан хавас қилишлари,

хатто атрофдагиларнинг ҳасадли қарашларини хис этиш жуда ёқимли тўғрими. Кимнидир нозик асаб толасига тегиб кетиш учун ишлаб чиқарувчилар “Етакчилардан бўл!” каби турли шиорлардан фойдаланадилар.

Реклама, маркаларга содиклик нархларга сезгиликни пасайтиради. Қарашларнинг субъективлиги ҳам, масалан, бири учун паст нархда муваффақиятли харидни, бошқасига – паст сифатни англатиши маълум таъсир этади.

#### 4. Талабнинг эластиклиги

Нархлар бўйича маркетинг қарорларига таъсир этувчи муҳим омиллар нарх ёки даромад бўйича талаб қайишқоғлиги ҳисобланади. Ушбу параметрларга сезгилик нархларни ошириш имконини бермайди, бу вактда қайишқоқ талаб шароитида нархлар ўсиши даромад ортишига олиб келади. Талаб эластиклиги кузатиш даражасининг маълум сонини млониторинг ва таҳлил қилишни талаб этади.

#### 5.3. Рақобат даражаси ва нархни шакллантириш

Бозорда рақобат даражаси ва интенсивлиги қанчалик юкори, фирмаларнинг нарх ҳолатини назорат қилиш имкониятлари шунчалик паст бўлади.

Муайян фирманинг нарх сиёсати катор рақобатли омилларга боғлик:

- рақобатчилар-сотувчилар сони, ҳажми ва улар сиёсатининг кескинлиги;
- харидорлар томонидан рақобатли мухит мавжудлиги;
- рақобатли ва тўлдирувчи товарларнинг нархлари ўзгариши.

Сотувчилар рақобати нархни шакллантириш омили сифатида турили шаклларда намоён бўлади:

1. Полиполия, ёки соф рақобат – бир товар ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлган бозордаги ҳолат (масалан, озиқ-овқат маҳсулоти).

Нарх даражаси талаб ва таклифни чамалайди, нархларнинг ўзгариши эса ишлаб чиқарувчиларнинг сўзсиз розилиги билан аникланади. Умумқабул қилинган нархдан қимматроққа сотишнинг иложи йўқ (арzon жойдан харид қиласидилар), паст нархда – фойдасиз (хаммасини байлашмай сотиб оладилар). Бундай бозорнинг ҳолати бекарор – умумий таклифлар ўсиши нархлар тушишини келтириб чиқаради (янги рақобатчи бозорга осонгина киради).

2. Монополия – монополчи бозорнинг асосий улушкини қамраб оловчи хуқук асосида ёки далили бўйича фақат иккита шартни ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган бозордаги ҳолат:

- режалаштирилган товар ишлаб чиқариш ҳажмини сотиш учун зарур истеъмолчилар сони шу нархни тўлаши мумкин;
- арzon субинститутлар мавжуд эмас.

Нархларнинг пасайиши янги савдо бозорларига чиқиш билан синалади (кам даромадли истеъмолчи). Нарх чекловлари мавжуд бўлмаган шароитда монополистлар хушёрикни йўқотадилар ва шу орқали динамик “аутсайдерлар” уларни бозор қисмидан сикиб чиқаришлари ёки нарх ҳолатига сезиларли таъсир этишлари мумкин.

3. Олигополия – бир нечта йирик фирмалар бозорнинг асосий қисмими ўзаро тақсимлайдилар

Бундай бозорда, одатда, нархларга оид битимлар амалда синаб кўрилмоқда: хавфли доимий битта-ракобатчининг пайдо бўлишини бартараф этувчи хар бир олигополист учун фойдали бўлган нарх ўрнатилади. Бозор таъсир худудига бўлинади ва нархсиз рақобат кучга киради (нархга нисбатан хавфсизрок).

Қиммат товарларни кичик партияларда сотиш, “доллар” ёки “евро” бирликларини қўллаш ҳисобига ҳақиқий нархни визуал камайтириш, ёзув ва рамлар



ёрдамида нархни алоҳида белгилаш, чорловчи нархлардан фойдаланиш, нархни текислаш ёки тўлдириш, психологик нарх бўсағасини кўзда тутувчи усулларни қўллаш, қимматбаҳо товарни харид қилишда салмоқли совға тақдим этиш – нархларни ўзгаришиш бўйича бу усуллар улар таснифининг учинчи мезони – нархнинг психологик жозибадорлигини фарқлаш имконини беради. Нархларни ўзгаришиш усулларининг ҳар бир грухини алоҳида кўриб чиқамиз.

Демак, иқтисодий боғлиқликларни ҳисобга олган ҳолда қуидагилар фарқланади:

- чегирмалар.

Нархни мослаштириш бўйича ушбу усульдан бирор марта хам фойдаланмаган компанияни топиши мушкул. Чегирмалар доираси жуда кенг. Куйида уларнинг бир қисмини келтирамиз:

- мавсумий чегирмалар.

*Мисол. “Янги йил учун арzonлаштирилган савдо”, “Рождество чегирмалари”, “Ёзги коллекциянинг арzonлаштирилган савдоси” ва ҳоказо ёзуви плакат ва эълонлар товарларни харид қилишида мавсумий чегирмаларнинг тақдим этилиши ҳақида хабар беради. Масалан, доменли номларни рўйхатга олиши билан шуғулланувчи iName компанияси сайтида 2005*

*йил арафасида “2004 йилдаги доменли номлар коллекциясининг янги йил учун арzonлаштирилган савдоси” ўтказилди. “Ҳамма хоҳловчиларга исталган дид*



учун бекиёс чегирмадаги доменли номларни харид қилиши имконияти яратылды”<sup>5</sup>.

миқдорий чегирмалар (олдиндан белгиланган товарга нисбатан ортиб борувчи товар миқдорини харид қилишда бир буюртма ёки давр учун).

Мисол. *Acronis* компанияси ва “IC” фирмасининг ҳамкорликдаги лойиҳаси доирасида ҳамкор ва фойдаланувчиларга миқдорий чегирмалар тизими тақлиф этилади. Демак, буюртмачи томонидан таисилотга бирдан ортиқ дастурий маҳсулот харид қилинганда у миқдорий чегирмадан фойдаланиши мумкин.

■ янги (замонавий) товарни харид қилишда харидорнинг эскирган товариқийматини хисобга олиш.

Мисол. Бу ҳолат мураккаб техникали товар, масалан, уяли телефон савдоси билан шугулланувчи компанияларда, қоидабиноан, амалиётда қўлланилади. Бу маҳсулот бозорида кўпнича “Эски телефонингни қўшиимча тўлов билан янгисига ўзгартириш” акцияси ўтказилади.

*Hyundai* компаниясининг сайтида расмий дилерлар тақдим этиувчи *Trade-in* хизмати ҳақида ахборот чоп этилган: “Ишлатилган машинанингизни қўшиимча тўлов билан янгисига алмаштиришингиз мумкин.

*Trade-in* хизматидан фойдаланган ҳолда эски машинани сотии осонлашиб, янги машинани харид қилиши сезиларлича тезлашади. *Trade-in* тизими бўйича машина харид қилиши учун қўйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. *Hyundai* компаниясининг расмий дилерига мурожаат этиши.
2. Дилерлик маркази мутахассислари автомобилни баҳолайдилар.
3. *Trade-in* шартномаси тузилади.
4. Автомобиль ҳисобдан чиқарилади.
5. Қўшиимча тўлов амалга оширилади.

<sup>5</sup> Манба: iName компаниясининг Интернет сайтини [http://iname.com.ua/ny\\_sale.php](http://iname.com.ua/ny_sale.php), май 2015.

6. Янги *Hyundai* автомобили олинади.

*Hyundai* автомобиллари учун ишлаб чиқарилган йил ва двигатель ҳажми чекланмаган. Бундан ташқари, маҳсус чегирмалар дастури амал қилиб, у ишлатилган машиналарни сотишдаги эҳтимолий йўқотишларни қоплаш имконини беради. *Hyundai* компаниясининг расмий дилерлари харидорни топши, реклама жойлаштириши ва якуний ҳужжатларни расмийлаштириши билан боғлиқ ҳамма харажатларни ўз зиммаларига оладилар”<sup>6</sup>.

| Ace&Base хизматларидан фойдаланиш бўйича абонентлик “стажи” (тўлиқ календарь ойлари ёки ийларида ўлчанади) | Бонус, %да |
|--|------------|
| 6 ой   | 2%         |
| 1 йил  | 5%         |
| 2 йил  | 8%         |
| 3 йил  | 11%        |
| 4 йил  | 15%        |

■ маҳсус (алоҳида, бекиёс) чегирмалар.

Мисол. “... *WatchGuard* компанияси давлат муассасалари ва ўқув муассасаларига *Firebox* тармоқлароро экранларининг ҳамма моделларига 10%лик маҳсус чегирма тақдим этади”.

■ устамалар;

■ қадоқ, тара учун устама нарх.

Мисол. Кўпгина харидорлар дала ҳовлида фойдаланиши учун уни челакларда харид қилишини афзал кўрадилар. Бу ишлаб чиқарувчига оширилган нархни белгилаши имконини беради.

■ алоҳида буюртма учун устама;

<sup>6</sup> Манба: *Hyundai* компаниясининг Интернет сайтини <http://www.hyundai.ru/ru/services/trade-in/>, май 2015.

- юкори сифат учун устама;
- түлөвни узайтириш учун устама;
- агар буюртма ҳажми таъминотчи учун мақбул буюртмадан кам бўлса, махсус устама;
- сифатли элементларни ўзгартириш учун устама;
- қўшимча хизматлар учун устама.

■ “ёрдамчи товар учун заарли нарх” харидорларни бошқа товарлар усиама билан сотилувчи (нархдан паст – талаб юкори) дўконга жалб этиш максадида кўлланилади.

*Мисол.* “Патэрсон” компанияси Тверь бозорига чиққан ҳолда “тармоқдан ташқари маҳаллий кичик дўконларга нисбатан асосий товарларга 15-20 %дан паст нархлар белгилаб”, унда “тўғри” нархларни “ўрнатди”<sup>7</sup>.

■ масалан, сутка вакти, турлари ва дўконлар жойлашуви, масалан, шаҳарнинг “тинч” (товарга эҳтиёж юкори ёки унинг етишмаслиги – нарх юкори) ҳудудларида жойлашган ёки элита дўконларига боғлик ҳолда ўзгарувчан нархлар тактикаси.

*Мисол.* 24 соат ишловчи дорихоналардаги дориларнинг нархи оддий тартибда ишловчи дорихоналарга нисбатан юкори.

Нархларни ўзгартириш усувларининг иккинчи гурӯҳи “**нарх-сифат**” нисбатининг истеъмолчи томонидан идрок этилишига кўра гурухланган:

■ дўконга янги келиб тушган товарнинг нархини сифатга номувофиқ имижни кўллаб-куvvatловчи товар даражасига **асосиз ошириш**.

*Мисол.* Элита дўконига келиб тушган 100% полиэстердан иборат нисбатан паст сифатли товарга юкори нарх белгиланган. Бироқ бундай товарлар дўкон ассортиментида сезиларсиз жой эгаллайди.

- чакана савдода “**нархли градация**” тактикаси – дўконда чакана сифат даражасини кўзда тутувчи нарх ҳудуди кўлланилади.

*Мисол.* Савдо залидаги эркаклар шими секциясида 500 рубль, 1000 рубль, 3000 рубль стандарт нархли 3 та устун жойлаширилган. Тегишили сифат даражасини мўлжалловчи ёки молиявий муаммолар мавжуд эмаслигини намойиш этишини истовчи харидорлар “3000” рубли устунни кузата бошлайдилар. “Юқори старт” даражаси бошқа устунлардаги товарлар сифатига “менсимаслик” муносабати ва дастлаб ёқсан товарни танлашга мойилликни белгилайди.

Бундан ташқари, ягона нархли, лекин турли сифатдаги устунларда жойлаширилган моделлар нисбати – пастроқ сифат даражасидаги товарлар фойдасига бўлади, бу харидор томонидан танланши (ва сотувчининг мос равишда тежами) эҳтимолини оширади. Масалан, 3000 рублии товарлар орасида ассортиментли турдаги 60 % товар бошқа шароитда 2100 рублга, 20 % товар 2500 рублга, 20 % товар эса 3200 рублга сотилиши мумкин. Бунда сифатдаги фарқ ноаниқ бўлади (харидорларда, одатда, товаршунос кўникмаси мавжуд эмас).

Истеъмолчилик тажрибаси ва истеъмол маданияти ортиши билан чакана нархларни ўзгартиришда психологик таркибий қисмнинг таъсири кучайиб боради. Шу муносабат билан таснифнинг яна бир мезони – нархнинг **психологик жозибадорлик даражасини** кўриб чиқиш мумкин:

■ қимматбаҳо товарларни кичик партияларда сотиш.

*Мисол.* Қимматбаҳо товарлар, яъни қуруқ мевалар, салатлар, тортиб сотилувчи чойни кичик партияда, масалан, 100 граммдан харид қилиши мумкин. Бунда у товарни чекланган миқдорда харид қилиши имконияти мавжуд савдо шоҳобчаларида товарни йирикроқ партияда қадоқлаб сотувчи дўконларга нисбатан сезиларлича қимматга тушади. Лекин камроқ (масалан 10 марта кам) қадоқдаги товар нархи даражаси харид қийматини психологик баҳолашига визуал таъсир этади.

<sup>7</sup> Манба: Анастасия Матвеева ““Патэрсон” кўрик ердан бормоқда” номли мақола, //Эксперт, №5, 2015.

■ ҳақиқий нархни “доллар” ёки “евро” ни қўллаш ҳисобига визуал камайтириш.

Мисол. “1000” рақами “35” рақамига нисбатан жозибасиз кўринади... 1000 – рублдаги, 35 эса АҚШ долларидағи нарх эканлиги муҳим эмас, катта ҳисобда бу икки белги мутлақо ўхшаш. Асосийси, 35ни 1000га нисбатан ҳисоблаш осон: ҳариднинг фойдасини ҳис этиш кафолатланган.

■ нархни (ёзув, ёркин расмлар билан) алоҳида чиқариш.

“бундан кам нарх бўлмайди”. “Ишлаб чиқарувчи завод нархлари бўйича савдо”! ва ҳатто ундан паст нархда... Шундай қилиб, “ишлаб чиқарувчи завод нархи бўйича” ибораси товарга ҳақиқатда паст нархлар кафолати ҳисобланади. Унинг ёрдамида, аввало, нарх ҳариднинг етакчи сабаби ҳисобланган салоҳиятли ҳаридолар учун қизиқиши уйготади. Ҳақиқатда иборас “Ишлаб чиқарувчи завод тавсия этган нархлар бўйича” деган маънени англастиши мумкин.

Мисол. “Центргаз” савдо уйи ЁАЖ сайтида қўйидаги мазмундаги эълон жойлаштирилган: “Эътиборингизга Новомосковский керамика материаллари заводида ишлаб чиқарилган қоплама плитка тақлиф этишидан ҳурсандмиз. Россия бўйлаб етказиб берии эҳтимоли мавжуд. Плитка ишлаб чиқарувчи завод нархлари бўйича тақлиф этилади”<sup>8</sup>.

“Бизда киммат! Сен буни ўзингга раво кўра оласанку?!”

“Совға нархи!”

Мисол. “Янги йил арафасида “Анарион” салонларида Nokia va Siemens телефонларига совға нархлари белгиланган. Нархлар нафақат кимгайдир совға қилиши, балки асосан совға қўлувчи кишилар учун мўлжалланган. Ўзингиз кўринг ва ажабланинг: Nokia 1100 телефони 2150 рубль, Nokia 3100 телефони 3450 рубль, Nokia 3220 телефони 6350 рубль, Siemens M65 6780 рубль, Siemens A57 2070 рубль, Siemens SL65 10 050 рубль туради. Совға

нархлари бўйича телефонлар ассортименти доимий ўзгаради, агар ўзингиз учун мос модель таңлаган бўлсангиз, тезроқ ишга киришинг!”.<sup>9</sup>

Манба: Rasprodaja.ru <http://www.rasprodaja.ru/item-print.php?ItemID=100013020>

“Охирги нарх!”

■“чорловчи” нархлардан фойдаланиш.

Баъзи компаниялар товар номенклатураси нархларини мослаштириш мақсадида вақти-вақти билан “чорловчи” нарх белгиланган (бошқача айтганда, ўта жозиоадор) алоҳида товар бирлекларини реклама қиласди. Ушбу усуднинг самарадорлиги паст нархларда россиялик оила классик рационидаги реклама қилинувчи товарларнинг тез-тез ўзгариши ҳисобига эришилади.

Мисол. “Чорраҳа” ТД сайтидаги ахборот

■ муқобил усуллар – нархни текислаш ёки майдалаш:

- “текисланган” нархни истеъсолчи оддий қабул қилиб, осон қабул қиласди ва қиёслайди (паст нархлар 0 ёки 5 билан, юқори нархлар бир неча нол билан тугаши мумкин);

- “текисланмаган” нарх (6 ўрнига 5,9 рубль) арzonлашув таассуротини уйготади, рақамлар охирида 9 ўрнига 7 бўлса, кўпроқ самара беради (297 рубль нархда 299 рублга нисбатан, кўпинча эса 300 га нисбатан кўпроқ ҳарид қилинади, бунда товар бирлигига фойда ҳаридор учун деярли ўзгармайди, ялпи фойда сезиларлича ошади). Бу усул аклий қобилиятлари етарлича баҳоланмаяпти деб ҳисболовчи маълум турдаги ҳаридорларни узоқлаштиради;

- “нотўғри” нархлар “тўғри”роқ нархлар сифатида (кейинги ўнлиқдан бирмунча кам, у 20га нисбатан 19га кўпроқ киритилади);

<sup>8</sup> Манба: <http://www.tdcentrgaz.ru/content/news/plitka/>

<sup>9</sup> Манба: “Чорраҳа” ТД сайти <http://www.perekrestok.ru/>

■ психолигик нарх бўсағасини ҳисобга олувчи усуулар (аксарият харидорлар томонидан чегара сифатида идрок этилади). Агар зарурат бўлса, сотовучи уни иложи борича оширмаслиги керак, у ҳолда янги нарх бу бўсағадан узоқ бўлиши керак (масалан, А товар учун бўсаға 20 минг рубль бўлса, у ҳолда заруратга кўра нарх қўйидагича ошиши мумкин: 19,5-19,7-19,9-22,5). Бундай узилишнинг устунлиги бўсағани оширмаслик бўйича зиённи қоплаш ва бўсаға эталон мавқеини йўқотишида ифодаланади.

■ қимматбаҳо товарни харид қилишда обрўли совға тақдим этиш.  
*Мисол. Ҳамма BOSCH маркасидаги кир ювии машиналари харид қилганларга чанг ютич совға тариқасида берилади.*

#### 5.4. Корхонада нархни белгилаш шакллари

Корхона нархни белгилар экан, харажатларнинг жами манзараси кўриб чиқиладиган, зарар кўрмасликни таъминлайдиган таҳлил усулидан фойдаланилади. Бундай таҳлил нархларни белгилашда фойдали восита ҳисобланади, аммо тор ишлаб чиқариш ихтисослашув шароитида ўзгарувчан харажатларни осон ҳисоблаш мумкин бўлган пайтларда уни қўллаш яхши натижка беради. Зарар кўрмасликни таҳлил қилишда асосий эътибор маҳсулот сотиш ҳажми нуқтасига, тўлиқ даромад тўлиқ харажатларга тенг бўлган, яъни на фойда, на зарар бўлмаган нуқтага қаратилади. Маркетологлар бир катор ҳар хил нархларни таддилар, сўнгра ҳар бир нарх учун зарурий ҳажмлар қиёсланади.

Асосан нархни ўзгартириш йўли билан талабга таъсир кўрсатиш рақобатнинг нарх билан боғлиқ устунликларини яратади. Нарх билан боғлиқ бўлмаган рақобат усууларида фирмалар ўз маҳсулотининг ўзига хос хислатларига зўр беради, маҳсулот сотиш, товарлар ҳаракати, реклама, маҳсулотни жойлаштириш, сервис каби маркетинг қисмларига катта эътибор беради.

Нархни чегаравий харажатлар бўйича белгилаш усулини қўллаш билан фирма маҳсулотининг қўшимча ҳажм бирлигини бу маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг алоҳида қийматига сотади, бу ҳолда харажатларнинг фақат бир қисми қопланади, фойда амлга ошмайди. Нарх белгилашнинг бу стратегияси агар фирма ишни тўхтатиши хавфи остида қолган ва ишчи кучини саклаб қолишни ҳоҳлаган шароитларда наф келтириш мумкин.

Савдода дўконларга харидорларнинг келишини кўпайтириш учун сотовчилар айрим товарларни тўлиқ харажатларидан пастрок баҳолаб, “жалб этувчи” нархлар яратадилар. Харидорлар оқими кўпаяди, улар арzon нархдаги товарлар билан бирга нархи меъёрда бўлган товарларни ҳам харид киладилар.

Товарнинг “кабул қилинадиган қиймати” тушунчаси. Товарнинг “кабул қилинадиган қиймати” товарнинг пировард истеъмолчи томонидан қандай фойдаланилишини тўлиқ билиш ва тушунишга асосланади. Ушбу ёндашувнинг асосий ғояси шуки, харидор товарни сотиб олишдан олдин хариднинг афзаллукларини ва унга кетаиган харажатларни солишириб кўради. Бу ғоя бир томондина оддий кўринсада, унинг амалда қўлланиши доим ҳам осон бўлавермайди.

Харидор товар учун қандай нархни тўлашга тайёр эканлигини ыилиши учун товар таъминлайдиган коникиш хисси ёки у қурсатиши мумкин бўлган хизматларнинг турли шаклларини ҳамда уни сотиб олишга кетадиган харадатларни яхши билиши керак бўлади.

Шу ерда максимал мақбул нарх тушунчасини киритиш мақсадга мувофиқдир. Максимал мақбул нарх бу харажатлардан тежаш нолга тенг бўлганинархdir. Нарх ушбу чеегарадан қўтарилиган сари, товар харидор учун қимматлашиб боради ва аксинча, нарх ушбу кўрсаткичдан камайса, харидорнинг унга бўлган қизиқиши ортади. Ушбу ёндашувда куйидаги харакатлар кетма-кетлигига риоя қилиш таклиф қилинади:

\* товарнинг қандай мақсадда ва қандай шароитларда ишлатилишини аниқлаш;

\* товарнинг харидор учун нархга боғлиқ бўлмаган афзаликларини аниқлаш;

\* харидорнинг товардан фойдаланишдаги нархга боғлиқ бўлмаган барча (объектив ва субъектив) харажатларни аниқлаш;

\* “афзалик-харажатлар” мувозанитининг максимал мақбул нархга тўғри келадиган даражасини белгилаш.

Агар мақсадли бозор сегментланган бўлса, бундай таҳлил барча харидорлар гурухлари учун олиб борилиши керак.

“Қаймогини олиш” нарх стратегияси. Бу стратегиядан аксарият бозорга янгимахсулотни жорий қилишда фойдаланилади. Бунда нарх қандайдир бир юқори даражада белгиланади, маҳсулот эса сегментация натижасида асосий деб эътироф этилган бозорда сотилади. Бозорнинг тўйинишидан сўнг истеъмолчиларни жалб қилиш мақсадида нарх пасайтирилади. Шундай йўл билан тўлиқ даромад энг кўп миқдорга етказилади.

Ушбу стратегия янги товарни юқори нархжা сотишни олдиндан қўра билади, шундай нархни тўлашга тайёр бўлган маълум бир сотиб оловчилар гурухи билан белгиланган ва пул тушумларининг тез тушишига эришишдир.

Бу стратегиянинг хислатлари кўп бўлиб, унинг муваффакияти учун куйидаги шартларни бажариш зарур:

\* янги товарнинг ҳаётйлик цикли қисқа бўлиши ва рақобатчиларнинг уни тез қайтаришига олиб келади дейиш учун асослар мавжуд;

\* товар қанчалик янги бўлса, сотиб оловчида таққослаш базаси шунчалик кам бўлади ва бозорнинг ривожланиши секинлашиб, талаб ноэластик бўлади ҳамда бу нарса фирма учун юқори нархни белгилаш кейинчалик рақобат нархларига мослашиш устунликларини қизикиш уйготишга сабаб бўлади.

Янги товарни юқори нархда ишлаб чиқариш турли нарх эластиклигига эга бўлган бозорни турли сегменларга бўлади. Бошлангич нархда камроқ нархни сезиш хусусиятига эга бўлган сотиб оловчилардан “қаймоқ олиш” мумкин. Нархнинг кейинги пасайишлари сегментларга катта эластиклик билан кириб боришга йўл кўяди. Бу нархларнинг вақтинча дискриминациясига асосланади.

Талаб қийинчилек билан баҳолашга ва таваккал нархни тушишда бозорнинг кенгайиши ҳақида прогнозлар тузилишига берилади. Бундай муаммо, масалан ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ бўлмаганда ва харакатлар кутилаётган даражадан ошиб кетиши хавфи бўлганда келиб чиқади.

Фирма кенг миқёсда янги товарларни ишлаб чиқаршида керакли бўлган айланма воситалари, имкониятлари йўқ ва унинг сотилиши юқори нархда уни олишга олиб келиши мумкин.

Фирма бозорда янги товарлар таклиф қилишда монопол ҳолатда бўлса, талаб таклифдан юқори, баланд нарх харидорлар томонидан юқори сифатлитовар белгиси деб қабул қилинган вақтларда бу стратегия ўзини оқлайди.

Нархни “ёриб кириш” стратегияси. Нархнинг “ёриб кириш” ёки “паст нарх” стратегияси бошидан бозорнинг энг катта улушини эгаллаб олиш мақсадида энг паст нархни ўрнатишидан иборатдир. Товарлар бошлангич нархи паст ўрантилиб, талаб рагбатлантирилади, рақобатда ютиб чиқилади, рақиблар товарини бозордан сикиб чиқарилади, унда асосий улушни эгаллайди ва кейин товар нархини ошира бошлайди. Аммо “харидорлар” бозорида бу стратегияни кўллаш жуда кийин, факат “тўйинмаган сотувчилар” бозорида бирор натижага эришиш мумкин. Бу интенсив сотиш тизимини таҳлил қиласи. Бу стратегия йирик бошлангич, тез орада қайтарилимайдиган инвестицияларга қаратилган стратегиядир. Куйидаги шартлар ушбу стратегияни таъминлашга қаратлигандир:

\* талаб нарх бўйича жуда эластикб устунлик сегментлари мавжуд эмас, шунинг учун ҳам ягона стратегия - кенг доирадаги сотиб оловчиларни қондириш мақсадида етарли даражадаги нарх билан бутун бозорга мурожаат этиш;

\* сотувнинг катта ҳажми ҳисобига маҳсулотнинг бир-бирига кетадиган паст харажатларга эриши имкониятлари мавжуд;

\* янги товарга бозорга чиккандан сўнг тез орада кескин ракобатнинг юзага келиш хавфи пайдо бўлади;

\* киммат товарлар сегменти тўйинган бўлади, у ҳолда бозор ривожланишидаги ягона сиёsat бу “ёриб кириш” стратегиясидир.

Товарни харид килишнинг тўла қиймати. Илгари айтиб ўтилганидек, харидорнинг асл харажатлари фақат тўланган нарх эмас, балки айирбошлиш шартлари билан ҳам белгиланади. Бу харажатлар эгалик ҳукуқининг ўтишидаги муайян жараённи: тўлов тартиби, етказиб бериш шартлари ва муддатлари, сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш ва ҳоказоларни тўлигича қамраб олади. Баъзи ҳолларда, масалан, агар сотувчи бошқа минтақада бўлса, харидор нархларни таққослаш, музокаралар олиб бориш ва битимни имзолаш жараёнида катта маблағларни сарфлайди. Худди шунга ўхшаб, агар харидорнинг техник талаблари муайян ишлаб чиқарувчига мўлжалланган бўлса ва у шу пайтда етказиб берувчиларни алмаштиrsa, ўтиш харажатлари унинг учун катта бўлиши мумкин. Ўтиш харажатларининг асосий манбалари куйидагилардир:

-ишлаб чиқариладиган товарларни янги етказиб берувчининг маҳсулотига мослаштириш мақсадида янгилаш харажатлари;

-товарни истемол қилиш ёки ундан фойдаланиш одатларидаги ўзгаришлар;

-фойдаланувчиларни ўқитиш ёки қайта тайёрлаш харажатлари;

-янги товарлардан фойдаланиш учун зарур бўлган янги асбоб-ускуналарга ажратилган инвестициялар;

-кайта ташкил қилиш ва ўзгаришлар билан боғлиқ руҳий муаммоларга кетадиган харажатлар.

Ўтиш харажатлари мавжуд бўлганда харидор учун реал қиймат товарнинг сотув нархидан бир неча баравар юкори бўлади.

Шундай килиб, харидорнинг нуқтаи назаридан қараганда, нарх тушунчаси номинал баҳо доирасидан четга чиқиб, харидор оладиган барча фойдаларни ва унинг барча харажатларини ўз ичига олади. Шунинг учун харидорнинг нархга сезгирилик даражасида монетар нарх билан бир каторда барча кўрсатиб ўтилган фойда ва харажатлар ҳисобга олинини лозим.

Нарх бўйича стратегик карорларнинг муҳимлиги қуйидагилардан иборат:

\* ўрнатилган нарх - талабнинг даражаси ва сотувнинг ҳажмини аниклади. Жуда юкори ёки паст нарх товарнинг муваффакиятига таъсири кўрсатиши мумкин;

\* сотув нархи бутун иш фаолиятининг рентабеллигини аниклади, фақатгина фойданинг даражасини эмас, балки унинг сотув ҳажми орқали аниклади. Нархнинг маълум бир даражада ўзгариши рентабелликка катта таъсири кўрсатиши мумкин;

\* сотув нархи умумий қабул қилинишига ёки маркасига таъсири этади ва потенциал сотиб оловчиларнинг кўз олдида марканинг имиджини ташкил этувчилардан бири ҳисобланади;

\* нарх марканинг бошқа компонентларига қараганда бу рақобатли товарлар ва маркаларни таққослаш учун қулай асос ҳисобланади. Нархнинг озгина ўзгариши бозор орқали тезгина сезилади ва бу ҳолат бозорнинг мувозанатини бузиши мумкин. Нарх бу рақобат сирларининг ўзаро боғланишида асосий нуқта ҳисобланади. Нарх стратегияси маркетинг стратегияси ташкил этувчилари билан ўзаро боғлиқ бўлиши керак. Нархнинг ичida товар позициясини мустахкамлайдиган товарни кадоқлаш, ривожланиши ва реклама харажатлари бўлиши шарт.

Хар бир фирманинг мақсади шундан иборатки, у ўзининг рентабеллигини таъминлаш ва фойданинг катта ҳажмда келишига қаратилади. Бу кенг мақсадлар турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин.

Нарх талаб нұктаи назаридан. Бозор иқтисодиётида қайси товарнинг сотилиши бу охирига қарор қилиш хукуқига эга бўлган сотиб оловчига боғлиқ бўлади. Шунинг учун бозорни бошқарувчи фирма ўзининг бозорга тўғри келадиган қарорларида нархдан келиб чиқиши лозим.

Эгилевчан нарх стратегияси. Кўп ҳолда фирмалар турли бозор шароитларида ягона нархни қўлламасдан, балки бир қатор нархларни қўллашади. Агар маҳсулот ҳар хил сотиб оловчиларга турли нархларда сотилса, бу нархлар эгилевчан хисобланади. Бу ҳол сотиб оловчиларнинг ҳар хиллигидан келиб чиқиб, уларнинг нархга бўлган муносабатларига боғлиқ бўлади. Нархларнинг эгилевчанлиги минтақаларга, сотилаётган вақтига (куз, қиши, баҳор, ёз) ёки маҳсулотнинг сегмент ёки шаклларига боғлиқ бўлади. Иқтисодиёт тили билан айтганда, бу нархлар дискриминацияси деб аталади.

Нархнинг бозорга караб эгилевчанлиги. Бу ғоя фойдали бўлиши учун фирма қўшимча ишлаб чиқариш кувватларига эга бўлиши ва маҳсулотни у учун янги бўлган сегментда харажатларни қўпайтирмасдан сотиш имконияти бўлиши керак. Фирма имкони борича энг кичик нархни қўйса ҳам, қилинган тўғри харажатлар ҳам қопланиши керак. Бундай карашни рўёбга чиқариш, экспорт қилиш, сотувчи маркаси остида қўйиладиган товарлар ёки маҳсулотни баъзи турдаги ахолига, яъни - талабалар, болалар, қарияларга сотиш билан боғлиkdir. Энг муҳими, бу ҳолда паст нархда сотиб оловчилар маҳсулотни юқори нархда сотиб олиб асосий бозорга ҳалакит беришларини таъқиқлаш керак.

Мавсумийлик эгилевчан нарх. Мавсум боши ва охирига караб қандай нарх қўйилиши керак, қайси вақтда нарх кабул қилинади? Баъзи сотиб оловчилар маҳсулотни мавсум бошида сотиб олишга тайёр бўлиб, унинг

нархига ахамият бермайдилар; бошқалар бўлса, қачон бўлса ҳам сотиб олишга тайёр бўлиб, маҳсулотнинг нархига катта ахамият қаратадилар.

Бу ҳолда фирма мавсум бошида катта нарх қўйиб, мавсум охирига келиб нархни пасайтиради. Шу сабабдан замонавий маҳсулотларга мавсумий нарх пасайтириш, эрталабки спектаклларга нархни пасайтириш ва ҳоказолар қўлланилади.

Мавсумий нарх пасайтиришнинг асосий коидаси - уларнинг сотиб оловчиларнинг ракамларига боғлаб, доимий бўлишидир.

Харажат, талаб, рақобат нұктаи назаридан нарх

Харажатларни таҳлил қилиш - бу сўзиз нарх стратегиясини ишлаб чиқишига энг табиий ёндашишдир. Ишлаб чиқарувчи товарни ишлаб чиқаришга кетган харажатларни қоплайди. Аввало, у тўғри ва доимий харажатларни қоплашни таъминлашга ҳамда фойда олишда нархнинг диапазонини аниқлашга интилади.

Харажатлар асосида хисобланган нарх “харажатлардан келиб чиқсан нарх” хисобланади. Харажатлар ва рентабелликни қоплайдиган уч турдаги нархларни ажратиш мумкин.

Чегарланган нарх - тўғри (ўзгарадиган) харажатларга тўғри келади. У факат харажатларни қоплайди, яъни чекланган фойда нолга тенг бўлади.

Чекланган нарх Тўғри харажатлар

Техникавий нарх ёки нарх зарарсизлиги. Техникавий нарх зарарсизлик нұктасига мос келади. Техникавий нарх доимий харажатларни қоплаш ва маҳсулотларни алмаштириш учун кетган харажатларни қоплаш деган тушунчани билдиради.

Техникавий нарх қ Тўғри харажатлар Қ Доимий харажатлар

Шундай қилиб, техникавий нарх аниқ ҳажмдаги маҳсулотни сотиш харажатларини қоплайди ва бошқа ҳажмга таалукли бўлмайди.

Мақсадли нарх - техникавий нархга баъзи қўшимчалар орқали ҳамда инвестиция қилинган капиталга қараб қўйиладиган нархдир.

## Қисқа хулосалар

Нархни шакллантирувчи асосий омиллар қиймат (харажатлар) ва муайян товарнинг истеъмол қиймати (эҳтиёжларни қондириш қобилияти) ҳисобланади. Амалиётда улар маълум нархда (ишлаб чиқарувчи ва сотовучи томонидан фойдалилик) ва унинг талаб кўринишидаги афзалиги (мақсадли бозорнинг маълум қисми учун ушбу нарх бўйича товар харини амалга ошириш имконияти). Бу шартлар ушбу омиллар таъсири остида ҳакиқий нархдан оғишадиган нарх базасини белгилайди. Таъкидлаш жоизки, нарх шаклланиши тенденциясига таъсир этувчи умумжаҳон бозорининг муҳим омиллари маҳсулот бирлигига вактингчалик харажатларни пасайтириш ва ижтимоий зарур меҳнат харажатлари бирлигига истеъмол қиймати ўсиши қонуни ҳисобланади. Нарх таркибида интеллектуал меҳнат харажатлари катта улушни эгаллайди.

Бозор конъюнктураси, компания нархлари учун таҳдид ва тўсқинликларни ни ўрганиб чиқибгина, тармоқли нарх шаклланишининг меъёрий асосини, товарнинг хусусияти ва йўлдош хизматларни билиб, компаниянинг умумий стратегик бозор мақсадларини шакллантириб, стратегик маркетинг нарх шаклланишига киришиш мумкин.

*Нарх шаклланишининг ишлаб чиқариши омиллари.* Маркетинг нарх шаклланишининг муҳим омил ва чекловларидан бири ишлаб чиқариш ҳисобланади.

## Назорат учун саволлар

1. Нархни шакллантирувчи асосий омилларга нималар киради?
2. Бозор салоҳияти деганда нимани тушунасиз?

3. Компанияда нарх шаклланишининг янада муҳим омиллари нималардан иборат?
4. Нарх шаклланишининг ишлаб чиқариш омилларига нималар киради?
5. Фирма нархининг маркетинг сиёсатининг муҳим омили нима ҳисобланади?
6. “нарх-сифат” деганда нимани тушунасиз?
7. Корхонада нархни белгилаш шакллари нималардан иборат?
8. Нарх бўйича қандай стратегик карорларни биласиз?
9. Эгибувчан нарх стратегияси деганда нимани тушунасиз?
10. Харажатлар қандай таҳлил қилинади?

## Тест топшириқлари

### 1. Бозор салоҳияти бу...

- А. янги маҳсулотлар, фирманинг потенциал истеъмолчиларнинг рўйхати, талаб турлари, ахборот манбалари
- Б. Йирик фирмаларнинг мақсадга эришиши
- В. Потенциал харидорлар йигиндисидан иборат
- Г. талаб турлари, ахборот манбалари

### 2. Маркетинг-микс мажмуи .... ўз ичига олади

- А. Воситалар йигиндиси (товар, нарх, савдо, илгари силжиш)
- Б. товарни амалга ошириш шартларини танлаш
- В. Корхонани бошқариш
- Г. маркетингни бошқариш ва назорат қилиш

### 3. “Бозор омиллари таъсирида нарх чекинишлари ” қайси функцияга тааллуқли....

- А. Нархнинг тақсимлаш вазифаси
- Б. Нархни ҳисоблаш вазифси
- В. Талаб ва таклифни мувзанатлаштириш вазифастд
- Г. Ишлаб чиқаришнинг рационал жойлашуви

**4. Тайёрловчи турли нархлар бўйича бир хил маҳсулотларни таклиф этиши – бу..**

- А. нарх дискриминацияси (камситилиши)
- Б. нарх барқарорлиги
- В. нархлар мантиги
- Г. нарх сиёсати

**5. Географик тамойилига кўра нархлар модификацияси..**

- А. Катта худудларни эгаллаб турган мамлакатларнинг алоҳида худудлари ёки бозорида фирма фаолият юритадиган алоҳида мамлакатлар иsteъmolчиларининг талабларини хисобга олади
- Б. Ушбу минтақа бўйича ишлаб чиқарувчиларнинг талабларини хисобга олади
- В. Бошқа минтақаларнинг воситачилари талабларини хисобга олади
- Г. Хорижлик харидорларнинг талабларини хисобга олади

**6. Тармоқда кўпроқ бозор улушига эга корхона қандай аталади?**

- А. Бозор етакчиси
- Б. Бозор даъвогари
- В. Бозор издоши
- Г. Бозор нишасида амал қилувчи ташкилотлар

**7. Товарга талаб ... боғлиқ эмас:**

- А. Қўлланилган ишлаб чиқариш технологиялари
- Б. Истемолчилар кутишлари
- В. Истемолчилар дидлари
- Г. Боғлиқ товарлар нархи

**8. Бозорни эгаллаш учун нархни шакллантиришнинг қайси стратегиясини танлаш лозим?**

- А. Кириш нархи стратегиясини

- Б. “каймоини олиш” стратегиясини
- В. Нархлар дискриминацияси (камситилиши)
- Нарх чизиклари стратегиясини

**9. Нархни ишлаб чиқариш харажатлари юкори  $x\%$  га белгиланганда нархни шакллантириш усули қандай номланади**

- А. Харажат+устама нархларини шаклланиши
- Б. Талаб асосида нарх шаклланиши
- В. Мақсадли нарх шаклланиши
- Г. Нарх дискриминацияси

**10. Фирма нархи шаклланишига таъсири этувчи ички омиллар**

- А. Фирманинг бозор стратегияси ва тактикаси, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хусусияти, ишлаб чиқариш жараёни хусусияти, бозор сифими, унинг динамикаси, тузилиши
- Б. Бошқарув тизимининг мукаммаллик даражаси, иқтисодий турмуш холати, истемолчиларнинг харид хатти-харакати
- В. Товар ишлаб чиқарувчининг имижи, бозорга кириш имконияти даражаси, нарх ракобати холати
- Г. Фирманинг бозор стратегияси ва тактикаси, нархларни давлат томонидан тартибга солиш, бозордаги хатти-харакат этикаси ва маданияти

## 6-БОБ. НАРХ ШАКЛЛАНИШИ: НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТҮГИРЛАШ ВОСИТАЛАРИ

### 6.1. Маркетингда нарх стратегияларининг шаклланиши

Инсон фаолиятининг хар бир соҳасига татбиқан “стратегик ёндашувнинг муҳимлиги”, “стратегик қарорни қабул қилишнинг муҳимлиги” ҳакидаги фикрларни эшлиш мумкин... Тактика нисбатан стратег бўлиши муҳимрок кўриниши мумкин... Албатта, тактик хатоларнинг оқибатлари бўйича стратегик хатолар билан киёслашнинг иложи йўқ. Лекин тўғри белгиланган стратегия ҳақида гап кетса, у ҳолда тактик усувларни амалга ошириш дастури масаласи қатъий муҳим масалага айланади. Шубҳасиз, нархлар бўйича маркетинг қарорлариниқабул қилувчи менежерларнинг масъулият даражасига нисбатан ҳам дилемма юзага келади.

“Стратегия” ва “тактика” тушунчалари нимани англатади? Улар орасида қандай боғлиқлик мавжуд? Уларнинг хар бирида асосланган нуктаи

назар топилади: айнан шу сабабдан бир қанча таъриф ва дарсликлар мавжуд. Кўпинча бу бир мөхият, лекин у бошқачароқ шаклда ифодаланган. Фарқлар бу тушунчаларнинг кўпланиш соҳаси билан ҳам аниқланади.


Бу ҳолатда дарсликнинг мавзу доираси компания нарх сиёсатини доира билан белгилаш соҳасини чеклади.

**Нарх шаклланиши стратегияси** – нарх шаклланишининг асосий принципи, эҳтимолий даражаси, йўналиш, тезлик ва компаниянинг бозор мақсадларига мувофиқ нархлар ўзаришининг даврийлиги ҳакидаги узок муддатли қарор.



Нарх шаклланиши стратегияси, коидаги биноан, компания янги бозорларга чиқиши ёки нарх конъюнктураси ўзгаришида янги, шунингдек, “эски”товарларга нарх шаклланиши принципларини белгилайди. Нарх стратегиясини танлаш масаласининг алоҳида аҳамияти унинг товарни жойлаштиришга бевосита таъсири билан ифодаланган. Нархли жойлаштириш мақсадли бозорнинг имконият ва эҳтиёжлари билан белгиланади. Унинг мөхияти шундаки, нархнинг бирор-бир даражаси (нарх сегменти) ёрдамида моделнинг эксклюзивлик даражаси ёки сифати ҳакидаги фикр шаклланади.

Ҳозирги кунда мутахассислар томонидан компания сиёсати учун танланган муҳим мезонлар нуктаи назаридан нарх стратегиялари мазмун жиҳатидан мутлақо турли-туманлиги фарқланади. 6.1-расмда қатор белгилар бўйича стратегияларнинг маркентинг амалиётида кўпроқ ажратилувчи муаллифлик гуруҳи тасвирланган.



6.1-расм. Нархлар стратегияси тўплами

Тартиб бўйича хар бир стратегия гурухини кўриб чиқамиз. Демак, компания бирор-бир янги товарни бозорга чиқариши ёки компания учун классик товар билан янги бозор сегментига чиқишига уринганда унинг ихтиёрида товарга дастлабки даражани шакллантириш бўйича стратегиялар гурухи мавжуд бўлиб, у “кириш нархи” стратегияси, “қаймогини олиш” стратегияси, “ўртacha бозор нархлари” стратегиясини ўз ичига олади.

### 6.1-жадвал

#### “Кириш нархи” стратегияси

|                                       |  |
|---------------------------------------|--|
| <b>Стратегиянинг<br/>моҳияти</b>      | товар нархини сезиларлича камайтириш   |
| <b>Кўзланган мақсад</b>               | оммавий бозорни эгаллаш  |
| <b>Кўллаига хос<br/>шартлар</b>       | <b>харидор</b><br>оммавий, паст ёки ўртacha даромад билан, нархга таъсирчан, сифат бўйича талаб эластиклиги кам  |
|                                       | <b>товар</b><br>кенг истеъмолдаги, тан олинувчи, ўрин босарлари йўқ (нархни янада ошириш имкониятини таъминловчи шартлар)  |
|                                       | <b>фирма</b><br>мавжуд ишлаб чиқариш кувватлари, ошган талабни қондиришга қодир (паст нархлар туфайли), нархни ошириш муаммосини ҳал этиш имконияти ва тажрибасига эга кучли фирма |
| <b>Стратегиянинг<br/>афзалликлари</b> | корхонага бозорда вакт жиҳатидан баркарорликка эга бўлиш имконини берган ҳолда рақиблар учун бозорнинг жозибадорлигини камайтиради   |
| <b>Стратегиянинг<br/>камчиликлари</b> | эгалданган бозор ҳажмини саклашда нархнинг янада ошиши бўйича жиддий муаммо мавжуд   |

### 6.2-жадвал

#### “Қаймогини олиш” стратегияси

|                                  |  |
|----------------------------------|--|
| <b>Стратегиянинг<br/>моҳияти</b> | нархни қисқа муддатда конъюнктурали ошириш   |
| <b>Кўзланган мақсад</b>          | фойдани ошириш   |
| <b>Кўллаига хос<br/>шартлар</b>  | <b>харидор</b><br>нархга таъсирчан бўлмаган мақсадли бозор сегменти; янги ёки модали товарга эга бўлишни истовчи новатор ёки билимдонлар |
|                                  | <b>товар</b><br>қиёслаш асосига эга бўлмаган қатъий янги, ёхуд юкори талаб, эластик талабга эга товар,                                   |

|                                       |   |
|---------------------------------------|---|
| <b>фирма</b>                          | патентланган товар, юкори ва доимий ошуви сифат ва қисқа ҳаётий даврга эга товар (ишлаб чиқариши ракиблардан чеклаш мақсадида)  |
|                                       | машхур ва юкори сифат имижига эга ёки танилмаган ҳамда маҳсулотни кўллаш пайтида сотувни рагбатлантириш бўйича кампанияни ўтказади; товарнинг ҳаётий даврини такрорлашга қодир рақибларга эга, бу сарфланган маблағларни қайтаришни кийинлаштиради; ишлаб чиқариш жараёни ишлаб чиқилмаган ва талаб ва рисклар кийин баҳоланиши шарти билан харажатлар кутилаётган даражадан ошиши мумкин нархлар камайганда бозорни кенгайтириш прогнозини тузиш; фирма янги товарни кенг миқёсда кўллаш учун зарур айланма маблагларга эга эмас, юкори нарх бўйича савдо уларга эга бўлиш имконини беради |
| <b>Стратегиянинг<br/>афзалликлари</b> | агар бозор товарни юкори нарх бўйича “қабул килган” бўлиб, товарнинг истиқболи яхши: нархни оширишдан пасайтириш осон бўлса, маркетинг харажатларини қисқа муддатда коплаш ва капитални бўшатиш имконини беради   |
| <b>Стратегиянинг<br/>камчиликлари</b> | юкори нарх фирма бозорда ўз жойини мустаҳкамлашига вакт бермай, рақибларни жалб этади   |

### 6.3-жадвал

#### “Ўртacha бозор нархлари” стратегияси

|                                       |   |
|---------------------------------------|---|
| <b>Стратегиянинг<br/>моҳияти</b>      | ўртacha нарх бўйича янги товарлар чиқариш                                     |
| <b>Кўзланган мақсад</b>               | мавжуд ҳолатдан фойдаланиш  |
| <b>Кўллаига хос<br/>шартлар</b>       | <b>харидор</b><br>ўртacha даромадли, нархга таъсирчан мақсадли бозор сегменти |
|                                       | <b>товар</b><br>мевърдаги ҳаётий даврга эга стандартланган, кенг истеъмолдаги |
|                                       | <b>фирма</b><br>ўртacha тармоқли ишлаб чиқариш кувватларига эга               |
| <b>Стратегиянинг<br/>афзалликлари</b> | нисбатан тинч рақобат вазияти   |
| <b>Стратегиянинг<br/>камчиликлари</b> | товарнинг кийин идентификацияси   |

Демак, нархнинг дастлабки даражаси танланди. Агар хар бир компания ўзгача вакуумда фаолият юритса, у ҳолда бунда тўхташ мумкин бўларди. Лекин бозор воқелиги ўзгача. Компаниялар тури кучлар таъсирини ҳис этган ҳолда фаолият юритиб, уларнинг фаоллигини (масалан, ўз харидор ва ракиблари ҳаракатини) энг яхши ҳолатда тартибга солиши мумкин, баъзан эса уларга (демак, компаниялар ўз фаолиятида инфляция, таҳдиди, демография вазияти, ўз мақсадли сегментининг даромад даражасига) таъсир этиш имконига эга бўлмайди.

Бундан ташқари, товарлар ҳаётий даври боскичлари хам ўзгаради, хар бир боскичда эса, маълумки, илгари белгиланган маркетинг ҳаракатларининг маълум кўшимча “кирраси” талаб этилади.

Компания бозорга мутлақо янги бекиёс товар чиқарди деб таҳмин қилинди. Ракиблар уни тайёрлаш технологиясини топиб, ўзлаштиргунга қадар товар бозорда юқори нархда сотилади. Лекин бозорда унга ўхшаш товарлар пайдо бўлганда илгари белгиланган нарх стратегиясини ўзgartiriш зарур. Маълум вақт ўтгач, бекиёс товарни ишлаб чиқарувчи компания унинг ассортимент чизигини кенгайтиришга қарор қиласди. Ушбу ҳолатда у нарх сиёсатини ўзгарувчан “ўйин” қоидаларига мослаштиришга мажбур бўлади. Бирмунча вақт ўтгач, компания ўз товарига талаб камайланлигини кузатади, бу нархни яна ўзgartiriш кераклигини англатади.

Компания ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини муносиб баҳолаш имкониятига эга бўлган ҳолда (шубҳасиз, истеъмолчилик идрокини ҳисобга олган ҳолда) товарни жойлаштиришга кучли таъсир этиб, товар



сифатига муносиб ва номуносиб турли нархларни белгилashi мумкин. Шу тарика, нисбий нарх даражаси стратегияси долзабликка эга бўлади.

Қоидага биноан, компаниялар “кўнизиш” ни ўрганишга мажбур бўлган биринчи жиҳат ракибларнинг мавжудлик шартидир. Тезкор рақобатга эга бозорда фаолият юритувчи фирмалар Хитой компартияси собиқ раиси Мао Цзединнинг қўйидаги фикрларидан шиор сифатида фойдаланишлари мумкин: “Душман бостириб келса, биз ҳечинамиз. Душман лагерни бузганда хавотирланамиз. Душман чарчаганда биз ҳужум қиласмиз. Душман қочади, биз қувамиз”<sup>10</sup>. Нисбий нархлар даражаси стратегияси ракибларни ҳисобга олган ҳолда “имтиёзли нарх” бўйича фаол стратегия ва “ракиб изидан бориш” бўйича пассив стратегияни ўз ичига олади.

#### 6.4-жадвал

##### “Имтиёзли нарх” стратегияси

|                                       |   |
|---------------------------------------|---|
| <i>Стратегиянинг<br/>моҳияти</i>      | ракибларга нисбатан устунликка эришиш                                     |
| <i>Кўзланган мақсад</i>               | ҳужум ёки ракиблар ҳужумидан ҳимояланиш                                   |
| <i>Кўллашга хос<br/>шартлар</i>       | <b>харидор</b> бошқа фирмалар билан илгаридан шуғулланувчи бозор сегменти |
|                                       | <b>товар</b> кенг истемолдаги, ўринбосарларга эга                         |
| <i>Фирма</i>                          | <b>фирма</b> истеъмолчи учун яққол рақобат шароитида ишлайди              |
|                                       | ракобат ҳолатининг мажбурий мониторинги                                   |
| <i>Стратегиянинг<br/>афзалликлари</i> | ракиб хатти-ҳаракатига боғлиқлик  |
| <i>Стратегиянинг<br/>камчиликлари</i> | нарх ракибнидан юқори (сифат бўйича устунлик)                             |
| <i>Стратегия тuri</i>                 |   |

Нисбий нарх даражаси стратегиясига нархнинг товар ёки харидор дифференциацияси принципидан талабни рағбатлантириш бўйича маркетинг воситаси сифатида фойдаланувчи стратегиялар ҳам киради.

<sup>10</sup>Райс Э., Траут Ж. Маркетинговые войны. – СПб.:Питер, 2014 г. С.129.

## 6.2. Нархни шакллантириш стратегияси: тактик усуллар

Нарх ўзгариши ва даражаси шаклланишига стратегик ёндашув товарни сотиш бўйича узоқ муддатли фойлалиликни таъминлайди. Лекин нархнинг ягона даражаси муайян шароитга (маҳаллий бозор шароитлари, истеъмолчининг қўшимча ҳақ тўлашга тайёрлиги ёки бирмунча тежаш истагига) боғлиқ ҳолда ўзгартиришни талаб этади. Ушбу параграф бозордаги нарх бирор-бир сабабга кўра мослашувни талаб этган шароитда компания фойдаланувчи чора-тадбирларнинг турли-туманлиги ҳакида муфассал тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Асосчийси – мос усулни танлаш ва ундан изчил фойдаланиш режасини ишлаб чикиш.



**Тактик нарх шаклланиши** – қисқа муддатли, танланган нарх стратегиясига зид бўймаган, конъюнктура, сервис имкониятлари, харидорлик ҳатти-харакати, хусусиятлари нукаи назаридан талабни рағбатлантириш бўйича чоралар.

Нархларни ўзгартириш усуллари йигиндинини бир неча белгилар бўйича таснифлаш мумкин. Демак, иктисодий боғлиқларни хисобга олган ҳолда чегрма, товарларни кредитга сотиш, устама, “ёрдамчи товарга зарали нарх”, “ўзгарувчан нархлар” тактикаси фарқланади. “Нарх-сифат” нисбатининг истеъмолчи томонидан идрок этилиш мезони сифат бўйичанархнинг асоссиз оширилиши ва “narх градацияси” тактикаси сифатида та тактик нарх усулларини алоҳидалаш имконини беради.

## 6.3. Турли-туман стратегиялар. Бошланғич нарх даражасини шакллантириш бўйича стратегия

6.5 -жадвал

### “Ўзаро боғлиқ товарларга нархлар дифференциацияси” стратегияси

|                                       |                                    |   |
|---------------------------------------|------------------------------------|---|
| <b>Стратегиянинг<br/>моҳияти</b>      |                                    | субститутлар нархлари, қўшимча ва комплектдовчи товарларнинг кенг доирасидан фойдаланиш   |
| <b>Кўзланган мақсад</b>               |                                    | харидорларда истеъмолга хоҳиш уйғотиш   |
| <b>Кўллашга<br/>хос<br/>шартлар</b>   | <b>харидор<br/>товар<br/>фирма</b> | ўртacha ёки юкори даромадли оммавий истемолдаги ўзаро боғлиқ товарлар кенг доирадаги товарлар билан ишловчи   |
| <b>Стратегиянинг<br/>афзалликлари</b> |                                    | маҳсулот портфелини оптималлаштириш имконияти   |
| <b>Стратегия тури</b>                 |                                    | энг харидоргир товарнинг нархи юкорилиги (жозибадор, имижли товар): ассортиментнинг турли-туманлиги харажатлари ортиши ва арzon ёки янги товарларга кўйи нархлар кўллашни (мазкур стратегия кийим-кечак, кометика, ширинликлар, сувенирлар савдосида кўлланилади) |

6.6-жадвал

### “Нарх чизиклар” стратегияси

|                                       |                                    |  |
|---------------------------------------|------------------------------------|--|
| <b>Стратегиянинг<br/>моҳияти</b>      |                                    | товарнинг ассортиментли турлари нархларнинг кескин дифференциациясидан фойдаланиш  |
| <b>Кўзланган мақсад</b>               |                                    | харидорларнинг нархга таъсирчанлик даражасини хисобга олган ҳолда сифатдаги қатъий фарқ ҳакида тасаввур ҳосил қилиш  |
| <b>Кўллашга<br/>хос шартлар</b>       | <b>харидор<br/>товар<br/>фирма</b> | талабнинг юкори нархли мослашувчанлигига эга истеъмолчи томонидан бир хилда белгилаш учун мураккаб, ассортимент тўплами ва сифатига эга тажрибали маркетолог, кимматбаҳо тадқиқотларни амалга ошириш имкониятига эга |
| <b>Стратегиянинг<br/>афзалликлари</b> |                                    | маҳсулот портфелини оптималлаштириш  |

|                               |   |
|-------------------------------|---|
| Стратегиянинг<br>камчиликлари | <p>Нархлардаги психологик тўсиқни белгилаш мушкул.</p> <p>Нархлардаги психологик тўсиқлар “нархларга ишонч” доирасини белгилайди. Қўйи бўсағадаги нархларни белгилаш товарнинг сифат жиҳатидан мукаммаллиги, юқори чегарада эса харид заруратига шубҳа уйғотади.</p> <p>Қоидага биноан, фирма тегишли нархлар даражасида маълум сифат даражасидаги (масалан, ўртача) товарлар билан ишлайди. Маркетолог бу доирада нарх оралиқларини топиши керак, улар доирасида нарх ўзгарганда талаб ўзгармайди (нарх бўйича талабнинг психологик ноэластиклиги)</p> |
|-------------------------------|---|

Дифференцияланган стратегиялар гурухига “нарх дискриминацияси” стратегиясини киритиш мумкин.

#### 6.7-жадвал

#### “Нарх дискриминацияси”

|                                       |                |   |
|---------------------------------------|----------------|---|
| Стратегиянинг<br>моҳияти              |                | <b>бир товарни турли мижозларга ҳар хил нархларда сотиши ёки баъзи мижозларга нархли имтиёzlар тақдим этиши</b>   |
| Кўллашга<br>хос шартлар               | <b>ҳаридор</b> | доимий мижоз, осон идентификатланади, турли истеъмолчилардаги талаб эластиклиги сезиларлича фарқланади  |
|                                       | <b>товар</b>   | бекиёс, тенг нархли ўринбосарларга эга эмас   |
|                                       | <b>фирма</b>   | мавжуд ёки мавҳум   |
| <b>Кўлланиш<br/>афзалликлари</b>      |                | товарни “арzon” бозордан “кимматбаҳо” бозорга қўшимча сарф-харажатларсиз ёки эркин жойлаштиришнинг иложи ўйқ  |
|                                       |                | ишлиб чиқарувчilar кам харажат билан турли истеъмолчilar гурухи эҳтиёjlарига мувоғик товар тузилиши ва дизайнини ўзgartiriш имкониятини кўзда тутишлари керак |
| <b>Стратегиянинг<br/>афзалликлари</b> |                | мавжуд шароитда талабни оптималлаштириш   |
| <b>Стратегия тури</b>                 |                | доимий ҳамкорларга имтиёzlар, франчайзи (воситачилик тузилмаларига жорий этиш мақсадида)  |

Нисбий нарх даражаси стратегиялари вақт бўйича нарх ўзгиришини ҳисобга олган ҳолда гурухларга ажратиш ҳам мумкин.

#### 6.8-жадвал

#### “Баркарор нархлар” стратегияси

|                                       |  |
|---------------------------------------|--|
| <b>Стратегиянинг моҳияти</b>          | <b>бозор шароитининг ҳар бир ўзгиришида ҳам нархлар ўзгармайди</b>   |
| <b>Кўзланган мақсад</b>               | <b>ҳаридор</b>   |
|                                       | доимий ва нуфузли, бирмунча консерватив, унга нархлар доимийдиги мухимдир  |
|                                       | <b>товар</b>   |
|                                       | нуфузли, кимматбаҳо  |
|                                       | <b>фирма</b>   |
|                                       | нархларнинг тез-тез ва кескин сакраши анъанавий равишда “нолойик” ҳисобланган тармоқда ишлайди                             |
| <b>Стратегиянинг<br/>афзалликлари</b> | юқори нисбий фойда (товар бирлигидан)  |
| <b>Стратегиянинг<br/>камчиликлари</b> | фирма харажатларни камайтириш учун, имкони борича аввалги сифат даражасини сақлаган ҳолда доимий захирага эга бўлиши керак |

#### 6.9-жадвал

#### “Кириш нархининг ошиш” стратегияси

|                                       |   |
|---------------------------------------|---|
| <b>Стратегиянинг моҳияти</b>          | <b>кириш нархи стратегияси амалга оширилгач, нарх ошиши</b> |
| <b>Кўзланган мақсад</b>               | эгалланган бозор улуши, мавжуд ҳолатдан фойдаланиш          |
|                                       | <b>ҳаридор</b>  |
|                                       | оммавий, доимий (марка тарафдори)                           |
| <b>Кўллашга<br/>хос шартлар</b>       | <b>товар</b>  |
|                                       | танилган, ўринбосарлари йўқ                                 |
|                                       | <b>фирма</b>  |
|                                       | кучли, тажрибали маркетологларга эга                        |
| <b>Стратегиянинг<br/>камчиликлари</b> | куйи даражадан сўнг нархларни оширишдаги қийинчилик         |

Товар нархининг сифатига мослиқ даражаси нарх стратегияларини гурухларга ажратишнинг яна бир белгиси ҳисобланади.


Маркетинг соҳасидаги етук олим Ф. Котлер сифатли-нархли жойлаштириш стратегиясининг куйидаги таснифи муаллифи ҳисобланади:

## 6.10-жадвал

### Сифатли-нархли жойлаштириш стратегияси<sup>11</sup>

| Сифат |                                | Нарх                            |                                    |  |
|-------|--------------------------------|---------------------------------|------------------------------------|--|
|       | Юкори                          | Ўртча                           | Паст                               |  |
| Юкори | Мукофот устамалари стратегияси | Бозорга чукур кириш стратегияси | Оширилган нарх белгиси стратегияси |  |
| Ўртча | Оширилган нарх стратегияси     | Ўртча даража стратегияси        | Сифатлилик стратегияси             |  |
| Паст  | Талон-тарож стратегияси        | Йозаки ярқираш стратегияси      | Паст нарх белгиси стратегияси      |  |

Муаллифлик талқини күйидаги:



6.2 -расм. Товар сивати ва нархи мослигини хисобга олган ҳолда турұхланған нарх стратегиялари матрицаси

## 6.11-жадвал

### “Сунъий пасайтирилган нарх” стратегияси

|                       |         |  |
|-----------------------|---------|--|
| Стратегиянинг моҳияти |         | юкори сиватли товар пасайтирилган нархда сотилади  |
| Күйланған мақсад      |         | бозорни әгаллаш, харидорларни жалб этиш  |
| Күллашға              | харидор | шахсийлаштирилган, яғни биринчи навбатда, юкори сиватли товарни харид килишдан манфаатдор, бирок бунда текашни истовчи |

<sup>11</sup>Котлер Ф. Основы маркетинга / Пер. с англ. – М.: Прогресс, 2017. С.379.

| хос шартлар                       | товар   | юкори симфатли, оммабоп                                  |
|-----------------------------------|---|--|
|                                   | фирма   | оммавий ишлаб чиқарилған ёки янги бозорда “ном” қозонған |
| <b>Стратегиянинг ағзаллуклари</b> | бир вақтнинг ўзида “имиж” га ишлеш билан бирга дастлабки юкори технологик стандартлар |  |
| <b>Стратегиянинг камчиликлари</b> | Сарф-харажатлар ва рентабеллік жиһатидан чекловлар                                    |  |

Нарх хилма-хил турлардан иборат бўлсада, улар бир-бири билан ўзаро боғланган, чунки уларда жамиятдаги иктисодий ресурсларнинг ишлатилиш самараси ўз ифодасини топади.

Тартибга солиш вазифаси. Бозор холати (конъюнктураси) талаб ва таклиф ҳамда уларнинг нисбатига боғлик. Талабнинг ортиши муайян товарни ишлаб чиқаришни кенгайтириши, асқинча ҳол эса товар ортиқчалигини, уни ишлаб чиқаришни қысқасырриш зарурлигини билдиради. Нарх товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятига уларнинг даромадлари орқали таъсир кўрсатади. Муайян ишлаб чиқариш харажатлари сақланган ҳолда нарх юкори бўлса, фойда миқдори ортади, нарх тушса, фойда камаяди ва ҳатто ишлаб чиқарувчилар зарар қўриши ҳам мумкин. Бу ишлаб чиқарувчилар фаолиятига таъсир кўрсатади. Нарх ошса ишлаб чиқариш кенгаяди. Бошка капиталлар ҳам фойда юкори бўлган соҳа ва тармокларга оқиб кела бошлади. Хуллас, нарх ишлаб чиқаришни тартибга солиб, уни ўзгартириб туради ва ривожини таъминлайди.

### Қисқа хulosалар

“Стратегия” ва “тактика” тушунчалари нимани англашади? Улар орасида қандай боғлиқлик мавжуд? Уларнинг ҳар бирида асосланған нұқтаи назар топилади: айнан шу сабабдан бир қанча таъриф ва дарслклар мавжуд. Кўпинча бу бир моҳият, лекин у бошқачароқ шаклда ифодаланған. Фарқлар бу тушунчаларнинг қўлланиш соҳаси билан ҳам аникланади. Бу холатда

дарсликнинг мавзу доираси компания нарх сиёсатини доира билан белгилаш соҳасини чеклайди.

**Нарх шаклланиши стратегияси** – нарх шаклланишининг асосий принципи, эҳтимолий дараҷа, йўналиш, тезлик ва компаниянинг бозор мақсадларига мувофиқ нархлар ўзгаришининг даврийлиги ҳақидаги узоқ муддатли қарор.

Нарх шаклланиши стратегияси, коидаги биноан, компания янги бозорларга чиқиши ёки нарх конъюнктураси ўзгаришида янги, шунингдек, “эски”товарларга нарх шаклланиши принципларини белгилайди. Нарх стратегиясини танлаш масаласининг алоҳида аҳамияти унинг товарни жойлаштиришга бевосита таъсири билан ифодаланган. Нархли жойлаштириш мақсадли бозорнинг имконият ва эҳтиёжлари билан белгиланади. Унинг моҳияти шундаки, нархнинг бирор-бир даражаси (нарх сегменти) ёрдамида моделнинг эксклюзивлик даражаси ёки сифати ҳақидаги фикр шаклланади.

### Назорат учун саволлар

1. “Стратегия” ва “тактика” тушунчалари нимани англатади?
2. Нарх шаклланиши стратегиясининг асосий тамоиллари нималардан иборат?
3. Бозорга кириб бориш стратегияси деганда нимани тушунасиз?
4. “Қаймогини олиш стратегияси”нинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
5. “Ўртacha бозор нархлари” стратегиясининг асосий моҳияти нимада?
6. Компания ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати нимага боғлиқ бўлади?
7. “Имтиёзли нарх” стратегияси деганда нимани тушунасиз?

8. “Нарх чизиклар” стратегияси деганда нимани тушунасиз?
9. Тактик нарх шаклланиши элементларига нималар киради?
10. Турли бозорларда нархнинг ташкил этиш шакллари нималардан иборат?

### Тест топшириқлари

#### 1. Маркетинг стратегияси – бу:

- A. Ишлаб чиқилаётган маркетинг режасининг деярли барчи жиҳатлари боғланиши лозим бўлган корхона фаолиятининг бош стратегик йўналиши
- B. Маҳсулотни куляй бошқариш
- C. Ташкилот ресурслари ва кўнгилмалари уйғунлиги
- D. Ресурсларни куляй тақсимлаш

#### 2. Стратегия -бу:

- A. Узоқ муддатли асосий маркетинг қарорлари ва тамоиллари
- B. Корхона низоми
- C. Маркетинг фаолияти дастури ва режаси
- D. Бизнес-режанинг маркетинг бўлими

#### 3. Стратегик маркетингнинг мақсади... ҳисобланади

- A. Белгиланган бозорнинг эволюциясини кузатиш, қодиришга муҳтоҷ эҳтиёжларни таҳлил қилиш асосида мавжуд ёки доимий бозорларни ёки уларнинг сегментларини аниглаш
- B. Вазифани аниқлаб олиш, ривожланиш мақсадларини белгилаш, компанияни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.
- C. Компания қондириши лозим бўлган эҳтиёжларни аниглаш
- D. Фирма имижини шакллантириш

#### 4. Маркетинг стратегияси услуби:

- A. Корхона мақсадлари + SWOT таҳлил + корхонанинг маркетинг мақсали маркетинг режаси ва стратегияси
- B. Маркетингнинг асосий йўналишлари ва маркетинг режалари
- C. Маркетинг дастурини ишлаб чиқиш + маркетинг мақсадлари
- D. Маркетинг мақсадларини шакллантириш + маркетинг режаси

**5. Корхоналарда стратегияларни ишлаб чиқиш учун маркетингнинг икки тури мавжуд**

- А. стратегик ва операцион маркетинг жараёни
- Б. Маркетинг сиёсати ва маркетинг муҳити
- В. Тадбиркорлик ва маркетингни бошқариш
- Г. Мафкуравий ва амалий маркетинг

**6. Интеграцияланган маркетинг жараёни – бу**

- А. Англаш ва стратегик режалаштириш бўйича кўрсатилган иш операцион режалаштиришдан фарқланади ва унинг иштирокчиларидан бошка қобилиятларни талаб этади
- Б. Фирманинг барча босқичларининг стратегик маркетинг жараёнида иштирок этишини таъминлашни вазифалароро мувофиқлаштириш
- В. Маркетинг операцияси ва учта вазифасини бирлаштириш
- Г. Тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш харажатлари чиқарилгандан сўнг кутилган даромад олинади

**7. Маркетинг стратегиялари ... доирасида амалга оширилувчи тадбирларни уйғулаштириш асосида шакллантирилади:**

- А. маркетинг комплекси: маҳсулот, савдо жойи, нархи, тақсимлаш, персонал
- Б. маркетинг концепциялари
- В. реклама акциялари ва илгари суриш
- Г. Маркетинг функциялари

**8. Дифференциацияланган нархлар стратегияси ... кўзда тутатди:**

- А. Ўртача нархлар даражасига эҳтимолий чегирма ва устамалар тизимини ўрнатиш;
- Б. Дастреб талабни рағбатлантириш, сўнг уларни оширувчи рақобатчилари сикиб чиқариш максадида паст нархлар бўйича товарлар савдосини
- В. Дастреб ишлаб чиқариш харажатларидан юкори нархлар бўйича товар савдосини, сўнг эса уларнинг босқичма-босқич пасайишини
- Г. Узок вақт давомида ўзгармаган нархлар бўйича товарлар савдосини

**9. Юқори нархлар стратегияси... кўзда тутади**

- А. Дастреб ишлаб чиқариш харажатларидан юкори нархлар бўйича товар савдосини, сўнг эса уларнинг босқичма-босқич пасайишини
- Б. Дастреб талабни рағбатлантириш, сўнг уларни оширувчи рақобатчилари сикиб чиқариш максадида паст нархлар бўйича товарлар савдосини
- В. Ўртача нархлар даражасига эҳтимолий чегирма ва устамалар тизимини ўрнатиш
- Г. Узок вақт давомида ўзгармаган нархлар бўйича товарлар савдосини


**10. Нархсиз рақобат бу ....**

- А. ўз товарини рақобатчиларнинг қатор товарлари орасидан ажратиб олиши, унга харидорлар учун бетакрор хусусиялар беради, техник хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, илгор савдо шаклларини ривожлантириш
- Б. ўз товарини рақобатчиларнинг қатор товарлари орасидан ажратиб олиши
- В. ўз товарини асл харидорлар гурӯҳи учун чиқаради
- Г. ўз товарини эксклюзив серияда чиқаради

## 7-БОБ. МАРКЕТИНГДА НАРХНИ ШАКЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

### 7.1. Нархнинг дастлабки даражаси усулини танлаш

Нархнинг дастлабки даражасини ҳисоб-китоб қилиш усулини танлаш танланган стратегияга боғлиқ бўлиб, тармоқа нарх шакллантириш анъанавлари ва кўплаб омилларни ҳисобга олади. Амалий нарх шакллантириш кўпинча оптималлаш усулларига эмас, балки аста-секинлик билан, тўлиқсиз ахборотдан фойдаланган ҳолда у ёки бу даражада мақбул келадиган нарх излаб топишга асосланади. Сотувчи ўзи истаётган ва бозорга таклиф этиши мумкин бўлган нархни аниқлаши ва асосла бериши лозим. Нарх харажатларни қоплаши ва етарли даражада фойда келтириши, харидорлар кенг оммаси томонидан кабул қилиниши ва ракобатчилар стратегиясига дош бера олиши лозим.



7.1-расм. Нарх шакллантириш усуллари «хазинаси»

7.1-расм номида «хазина» сўзининг ёдга олиниши тасодифий эмас: нарх шакллантириш жараёни «олтин қоидалар»ни ҳисобга олган ҳолда

(расмда кимматбаҳо металла куймаси кўринишида ифодаланган) компаниянинг узқ муддатли муваффакиятлари гарови, кўплаб йиллар давомида фойда олиш шарти ҳисобланади. Қоидаларга риоя қилиш нарх стратегиясини амалга оширишда муваффакиятга эришиш имконини беради. Натижада компания учун тўғри белгиланган нархнинг аҳамияти дунёдаги энг қимматбаҳо металлардан бири (платина) билан таққосланиши мумкин бўлади.

Барча характеристлар йигиндисини битта нархга киритиш қийин, шу сабабли нархни дастлабки белгилашда устувор йўналиш танлаб олиниши зарур: харажатлар, харидорлар ёки ракобат йўналиши. Харажатларга, талабга ва ракобатчиларга йўналтирилган усуллар шунга мувофиқ фарқланади.

#### Нарх шакллантиришининг харажатлар усуллари

Харажатлар усули нархни харажатлар ва таннархга устама йигиндиси сифатида аниқлайди (прогрессив калькуляция), баъзида «ўртача харажатлар плюс фойда» номи остида учрайди.

Усулининг моҳияти қўйидагича: товар ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш харажатларини (таннарх, муомала харажатлари ва б.) аниқлайди ва кутилаётган фойда микдорини (улуш, фоиз) қўшади, товар ҳаракатланиши бошқа қатнашчилари харид нархига ўзининг савдо устамасини қўшади.

$$\text{НАРХ} = \text{Таннарх} + \text{Фойда улуши } \times \text{Таннарх}$$

$$\text{НАРХ} = \text{Таннарх} + \text{Фойда}$$

#### ҲИСОБ-КИТОБГА МИСОЛ

Фирма янги хизматни ишга тушишини режалаштирумокда. Сотув нархини аниқлаш зарур. Бошлангич маълумотлар: истеъмолчи ташкилотлар сони – 500 та, фирманинг бозор улуши – 20%, лойихалаш умумий харажатлари – 50 000 рубл, товар бирлиги учун моддий харажатлар – 6 000 рубл, савдо агентлари сони – 5 та, битта савдо агентининг харажатлари – 2 000 рубл, товар бирлигидан режалаштирилган фойда – 1 000 рубл.

Дастлаб янги харидорлар сонини ҳисоблаб чиқиш зарур:

$$n = 500 \times 0,2 = 100$$

Энди товар бирлигини лойиҳалар ва тарқатиш харажатларини ҳисоблаб чиқамиз:

$$\text{Лойиҳалашга сарфланадиган маблағ} \\ \text{харидорлар сони}$$

$$\text{Лойиҳалаш харажатлари} = \frac{50000}{100} = 500$$

$$\text{Тарқатиш харажатлари} = \frac{\text{агентлар сони} \times \text{агентлар харажатлари}}{\text{харидорлар сони}}$$

$$\text{Тарқатиш харажатлари} = \frac{5 \times 2000}{100} = 100$$

Товар нархини ҳисоб-китоб қилиш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

Товар нархи = моддий харажатлар + лойиҳалашга сарфланадиган маблағлар (товар бирлигига) + тарқатишга сарфланадиган маблағлар (товар бирлигига) + фойда

$$\text{Товар нарх} = 6000 + 500 + 100 + 1000 = 7600$$

Товар нархи 7600 рублни ташкил қилади.

Мазкур усул нарх мақсадли истеъмолчи учун катта роль ўйнамаган шароитларда оптимал бўлиши мумкин. Бу усулни кўллашга ноёб ва камёб товарлар – буюртма товарлар, нуфузли товарлар, умуман янги товарлар, эҳтимол, синов намунаси ишлаб чиқарувчи корхоналар интилади. Улгуржи савдода харид нархи осон аниқланиб, бу айниқса мазкур усулдан фойдаланишга мойил қиласди. Усул шунингдек, битта маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар учун ҳам харажатларни (бу ҳолатда зарап кўрмаслик нуқтаси – товар айланмаси харажатлар миқдорига teng бўладиган ишлаб чиқариш ҳажми аниқланиши мумкин). Усул харажатлар асосида нарх шакллантириш анъаналарига эга бўлган тармоқларда ёки харажатлар соҳасида рақобат бўлган тармоқларда кўлланади.

Усулни куйидагилар учун кўллаб бўлмайди: бозор шархи юкори бўлган корхоналарнинг индикатор-маҳсулотлари учун, харажатлар структураси фойда келтирмайдиган – технологик ёки ташкилий камчиликларга эга бўлган корхоналар учун. Нарх шакллантиришда бундай харажатларга йўналганлик корхонанинг бозордан чиқиб кетишига ёки қолоқ харажатлар структурасини мустаҳкамлашга олиб келади.

Усулнинг афзаллиги – ҳисоб-китоб қилиш осонлиги (ишлаб чиқарувчидаги ўз харажатлари ҳакида маълумот доимо мавжуд), бундан ташқари, агар рақобатчи фирмаларнинг катта қисми бу усулдан фойдаланадиган бўлса, тармоқда нархлар бир-бираiga якин бўлади ва нарх рақобати муаммоси юзага келмайди; усулни шунингдек, харидорларга нисбатан ҳам, сотувчиларга нисбатан ҳам адолатли деб аташ мумкин.

Харажатлар асосида нарх шакллантириш анча оммавий ва кенг тарқалган эканлигига қарамай, мазкур усул жорий талабни, товар ва унинг субститутлари (ўринбосар товарлар) истеъмол хусусиятларини ҳисобга олмайди, бу эса оммавий истеъмол товарлари тўйинган шароитларда жиддий камчилик ҳисобланади – нарх бозор томонидан қабул килинмаслиги мумкин.

## 7.2. Мақсадли фойдани таъминлаш асосида нархни шакллантириш

Қоидага кўра, фирманинг маҳсулот портфели бир нечта элементдан иборат бўлиб, бу харажатлар усулини соғ кўринишида кўллашни қийинлаштиради. Доимий харажатларни маҳсулотлар ўртасида тақсимлаш муаммоси юзага келади. Ҳар бир товарга сотув нархини белгилашнинг турили схемалари мавжуд:

1) **Тўлиқ харажатлар асосида ҳисоблаб чиқиш** (Full Cost Pricing, Target Pricing). Мазкур усул шундан иборатки, халқаро тўлиқ миқдорига (доимий ва ўзгарувчан, тўғридан-тўғри ва билвосита харажатлар) фойда

меъёрига мос келадиган маълум бир сумма қўшилади. Устамага билвосита солиқлар ва божхона божлари киритилади.

Нарх = Тўлиқ харажатлар +

Фойда меъёри х Тўлиқ харажатлар

Усул ҳисоб-китоб вариантларига эга. Доимий харажатлар куйидагиларга пропорционал равища тақсимланади:

а) ҳар бир маҳсулотнинг ўзгарувчан харажатлари

"*A*" товар нархи = "*A*" товар узгарувчан харажатлари + "*A*" товар доимий харажатлари ×  
компания доимий харажатлари  
компания узгарувчан харажатлари

б) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари (Cost Plus Pricing),

в) қайта ишлаш қиймати (Conversion Cost Pricing) ва бошқалар.

Тўлиқ харажатлар усули барча харажатларни тўлиқ қоплаш ва режалаштирилган фойда олишни таъминлади. Усул жуда кенг тарқалган бўлиб, товар дифференциацияси яққол ифодаланган корхоналарда қўлланади, рақобатбардошлиги паст товарлар нархини ҳисоб-китоб қилишда энг самарали ҳисобланади.

Усулнинг камчиликлари:

а) маҳсулотларнинг бозорда турлича жойлашувини ҳисобга

олмайди;

б) киммат маҳсулотлар янада қимматлашади;

в) сотув пасайганда нарх таркибида доимий харажатлар улуши ортади, бу эса нархнинг ўсишига олиб келади ва товар рақобатбардошлигини янада ёмонлаштиради;

г) сотув ҳажми, харажатлар даражаси ёки ассортиментнинг ўзгариб туриши усулнинг қўлланишини қийинлаштиради.



Харажатлар микдорида доимий харажатлар улуши ва аталбаниклиланмагунга қадар нарх белгиланиши мумкин эмас, талабни эса нарх белгиламасдан аниқлаб бўлмайди. Шу сабабли ҳисоб-китобда ўтган авр маълумотлари ёки зарур нисбатлар ҳақида эксперплар тасаввурлари фойдаланилади.

Ушбу усул камчиликларини бартараф қилиш учун куйидаги вариантлар қўлланиши мумкин:

➤ энг самарали эмас, балки ўртача маҳсулот чиқариш ҳажми учун таннарх ҳисоблаб чиқиш, бу сотув пасайганда устаманинг ўсишини айланиб ўтишга имкон беради, лекин харажатлар қопланишини кафолатламайди;

➤ харажатларни уларнинг турлари ва вужудга келиш жойлари бўйича ҳисобга олиш ва уларни маҳсулотлар қаторига киритиш (муайян маҳсулотга ҳамма харажатларни ҳам киритиб бўлмайди);

➤ доимий харажатларни маҳсулотлар ўртасида тенг тақсимлаш ёки уларни фақат айрим товарлар устами нархи ҳисобига қоплаш.

### ТЎЛИҚ ХАРАЖАТЛАР АСОСИДА НАРХНИ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШГА МИСОЛ

Фирма «А», «Б» ва «В» маркали кондиционерлар сотиш билан шуғулланади. Маълумки, уларнинг амалдаги сотув нархи мос равища 9, 8, 10 минг рублни ташкил қиласи, «А» маркали кондиционерларга талаб – йилига 200 минг дона, «Б» маркали кондиционерларга талаб – йилига 500 минг дона ва «В» маркали кондиционерларга талаб – йилига 300 минг дона, «А» марканинг тўғридан-тўғри харажатлари 1300 млн рубл, «Б» марканинг тўғридан-тўғри харажатлари – 2800 ва «В» марканинг тўғридан-тўғри харажатлари – 2000 млн рублни ташкил қиласи. тўлиқ харажатлар асосида ҳисоб-китоб қилиш усули билан кондиционерлар ассортиментини сотишдан оилнадиган фойдани аниқлаш, шунингдек, фойдалилик нуқтаи назаридан ассортимент тўпламини оптималлаш зарур.

## 7.1-жадвал

Тұлиқ харажатлар асосида нархни ҳисоб-китоб қилишга

| №<br>п/<br>п |                                  | ўлч.бир<br>л. | Ечим   | A    | B    | V    | I    |
|--------------|----------------------------------|---------------|--|------|------|------|------|
| 1            | Сотув<br>нархи                   | минг<br>сум   |  | 9    | 8    | 10   |      |
| 2            | Сотув                            | минг<br>дона  |  | 200  | 500  | 300  |      |
| 3            | Тушум                            | млн сум       | Сотув нархи x<br>Сотув                                       | 1800 | 4000 | 3000 | 8800 |
| 4            | Тұғридан-<br>тұғри<br>харажатлар | млн<br>сум.   |  | 1300 | 2800 | 2000 | 6100 |
| 5            | Доимий<br>харажатлар             | млн<br>сум.   | 0,4 x тұғридан-тұғри<br>харажатлар                           | 520  | 1120 | 800  | 2440 |
| 6            | Фойда                            | млн<br>сум.   | Тушум – Тұғридан-<br>тұғри харажатлар –<br>Доимий харажатлар | -20  | 80   | 200  | 260  |

Агар нарх шакллантириш тұлиқ харажатлар бүйіча нархни ҳисоб-китоб қилиш асосида амалға оширилганида әди, «A» маркалы кондиционерлар фойда келтирмайдын деб тоцилган ва ассортиментдан чиқарып ташланған бўларди.

2) **Үзгарувчан харажатлар асосида ҳисоб-китоб қилиш, ёки маржинал харажатлар усули** (Marginal Cost Pricing): доимий харажатлар маҳсулотга киритиш имконияти бүйіча бўлинади (нарх маҳсулот ишлаб чиқарып бүйіча харажатларни қоплади, улар ўртасидаги фарқ эса қолган харажатларни қоплашга хисса ҳисбландади). Бунда факат үзгарувчан харажатларни ажратып тұлиқ харажатларни қоплаш ва фойда олиш вазифасини ҳал қылмайди.

$$Narx = \frac{\text{Үзгарувчан харажатлар} + \text{Коплаш}}{\text{Ишлаб чиқарып хажми}}$$

Қоплаш микдори (маржинал даромад, қўшилган қиймат) тушум микдоридан тўғридан-тўғри харажатлар микдорини айириш йўли билан аниқланади, олинган сумманинг бир қисми доимий харажатларни қоплашга сарфланади, қолдик эса фойда ҳисбландади.

*Маржинал даромад = Тушум – Тўғридан-тўғри ўзгарувчан харажатлар*

Маржинал нарх шакллантиришда устама факат ўзлаштириб бўлинган товарнинг ҳар бир қейинги бирлигини ишлаб чиқариш харажатлари жуда юкори бўлганда қилинади. Бу усул факат қўшимча харажатларни қоплаш учун нисбатан юкори нархда сотиш кафолатланган ҳоллардагина ўзини оқлади.

## ҮЗГАРУВЧАН ХАРАЖАТЛАР АОСИДА НАРХНИ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШГА МИСОЛ

Бундан олдинги мисолга қайтамиз, фақа қўшимча шарт сифатида шуни айтиш керакки, компания ассортиментидан фойда келтирмайдиган «A» маркали кондиционерлар чиқариб ташланган. Үзгарувчан харажатлар асосида ҳисоб-китоб қилиш усули билан кондиционерлар тузатиш киритлган ассортименти сотишдан олинадиган фойдани аниқлаш зарур.

## 7.2-жадвал

Үзгарувчан харажатлар асосида нархни ҳисоб-китоб қилишга

| №<br>п/<br>п |                                  | ўлч.<br>бирл. | Формула             | B    | V    | 2    |
|--------------|----------------------------------|---------------|---------------------|------|------|------|
| 1            | Сотув<br>нархи                   | минг<br>сум   |                     | 8    | 10   |      |
| 2            | Сотув                            | минг<br>дона  |                     | 500  | 300  |      |
| 3            | Тушум                            | млн<br>сум    | Сотув нархи x Сотув | 4000 | 3000 | 7000 |
| 4            | Тұғридан-<br>тұғри<br>харажатлар | млн<br>сум    |                     | 2800 | 2000 | 4800 |

|   |                      |             |   |  |      |
|---|----------------------|-------------|---|--|------|
| 5 | Доимий<br>харажатлар | млн<br>сум. |   |  | 2440 |
| б | Фойда                | млн<br>сум. | Тушум – Түгридан-түгри<br>харажатлар – Доимий<br>харажатлар |  | -240 |

Агар товар ассортиментига нарх шакллантириш түлик харажатлар асосида амалга оширилганида ва фойда келтирмайдыган «A» товар ассортимент таркибидан чиқарилганды, компания зиён күрган бўларди (240 млн рубл), чунки «A» товар нархи таркибидаги доимий харажатлар қисми ассортиментдаги қолган товарларга юкланган бўларди.

3) **Мақсадли фойдани таъминлаш асосида нарх шакллантириш** эҳтимолий ишлаб чиқариш ҳажми, тушум ва харажатлар ўзаро алоқаларини хисобга олган ҳолда берилган фойда ҳажмида зарурий нарх даражасини аниқлади. Турли нарх варианtlари, уларнинг зарар кўрмаслик даражасидан ўтиш ва мақсадли фойда олиш учун зарур бўлган сотув ҳажмига таъсири кўриб чиқилади:

$$\text{Нарх} = \frac{\text{Умумий харажатлар} + \text{Режалаштирилган фойда}}{\text{Ишлаб чиқарии ҳажми}}$$

Зарар кўрмаслик даражаси – фирма зиён кўрмаслиги учун берилган нарх даражасида эришиш лозим бўлган сотув ҳажми. Бундай хисоб-китоблар турли ишлаб чиқариш ҳажми учун ўтказилади ва энг яхши нисбат танлаб олинади.

Усулнинг моҳияти шундан иборатки, фирма маҳсулоти нархи уни ишлаб чиқариш харажатлар плюс башорат килинган сотув ҳажмида сотув мақсади сифатида белгиланган фойда миқдорига эришишга имкон берадиган маълум бир устама фоизига тенг килиб белгиланади. Фирма фаолиятининг зарар кўрмаслик нуқтаи назаридан устама фоизи хавфсизлик маржасидан бошқа нарса эмас.

Усулнинг асосий камчилиги: ишлаб чиқариш ҳажми нархга боғлик бўлади, шу сабабли уни ҳисоб-китоб қилиш учун ундан фойдаланиш тўғри эмас.

#### 4) **Инвестициялар рентабеллиги усули** (Return on Investment Pricing):

Мазкур усул шунга асосланадиу, лойиха карз маблағлар даражасидан паст бўлмаган рентабелликни таъминлаши лозим. Бунинг учун товар ишлаб чиқариш түлик харажатларини баҳолаш ва уни белгиланган нарх бўйича сотиш кредит маблағларни қоплашга имкон берадиган ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлаш зарур.

$$\text{Нарх} = \frac{\text{Умумий харажатлар}}{\text{Ишлаб чиқарии ҳажми}} + \text{Фойда}$$

бу ерда

$$\text{Фойда} = \text{Кредит учун фоиз} \times \frac{\text{Инвестиция килинган капитал}}{\text{Ишлаб чиқарии ҳажми}}$$

ёки

$$\text{Фойда} = \text{Кредит туловлари} = \frac{\text{Кредит миқдори}}{\text{Ишлаб чиқарии ҳажми}} + \frac{\text{Фоиз ставкаси} \times \text{Кредит миқдори}}{\text{Ишлаб чиқарии ҳажми}}$$

Ушбу усул кўпинча ҳар бири ўзининг ўзгарувчан харажатларини талаб киладиган маҳсулот ассортименти кенг бўлган корхоналар томонидан фойдаланилади.

Усулнинг асосий камчилиги инфляция шароиларида вақт бўйича шартли саналадиган фоиз ставкаларидан фойдаланишdir.

#### 7.3. Талабга қаратилган усуллар

Нархни талабга йўналтирилган ҳолда аниқлаш усули товарнинг харидор учун қимматлилиги: харидор у ёки бу товарни қандай нархда ва қанча миқдорда, қанадӣ шароитларда сотиб олишга тайёр эканлигини

истеъмолчи ёки экспертлар баҳолашига асосланади. Шундай килиб, нарх шакллантириш истеъмолчилар ўртасида сўровлар ўтказиш, экспертлар баҳолари ва экспериментга асосланади.

Талабга йўналтирилган қуидаги усуллар нарх ва товар ҳажми ўртасидаги боғлиқликни аниқлаб, шу асосда оптималь нарх белгилашга имкон беради.

#### 1) Нархни истеъмолчилар вакиллари танланмаси ўртасида сўров ўтказиш асосида аниқлаш

Усулнинг кўлланишига хизмат қиласиган шартлар:

истеъмолчи – оммавий;

товар – кенг истеъмол товари, айрим хусусиятлари бўйича янги, кўп сонли ўринбосар-товарларга эга;

фирма – нотаниш ёки тўйинган бозорда, жиддий ракобат шароитларида ишлайди, қимматбаҳо тадқиқотлар ўтказиш учун мутахассислар ва молиявий имкониятларга эга.

Усулнинг камчилиги: сўров натижалари аниқлиги сўровда табиий тижорат муҳити йўқлиги (бозор конъюнктураси, сотовуни рағбатлантириш бўйича кампаниялар жавобларига таъсир) ва харид вакти аниқ эмаслиги (жавоблар ҳеч нарсага мажбур қилмайди) туфайли бузуб кўрсатилади.

2) аниқланган боғлиқликлар асосида шунингдек, оптималь нарх кийматини хисоб-китоб қилишининг бошқа, нарх бўйича талаб эластиклигига (Э) асосланган усули фойдаланилиши мумкин:

$$P = \frac{\mathcal{E}}{1+\mathcal{E}} - \frac{\mathcal{E}}{1+\mathcal{E}} \times \text{харажатлар}$$

бу ерда  $\frac{\mathcal{E}}{1+\mathcal{E}}$  - тўғридан-тўғри харажатларга устама, агар  $|\mathcal{E}| > 1$  га яқинлашадиган бўлса, нархлар даражаси максимал бўлади.

Усулнинг моҳияти «тўғри» нарх ва эҳтимолий нархнинг энг юкори нуқтаси, нарх ўзгаришига реакция ва нархларни дифференциация қилиш ҳақида тасаввурни аниқлаш мақсадида истеъмолчилар танланмасини амалга оширишдан иборат.

3) Маркетинг амалиётида энг тарқалган талабга оид нарх шакллантириш усуларидан бири **параметрик усул** – истеъмолчиларнинг сифатни баҳолашига мувоғик нарх шакллантириш тамоилилига асосланган усул.

Усулнинг моҳияти компаниянинг таҳлил қилинаётган (янги) товари ва базавий (этalon) товар асосий кўрсаткичларига берилган истеъмолчилар балл баҳоларини таққослашдан иборат. Янги нарх базавий нарх билан худди сифат билан бўлгандаги каби нисбатда бўлиши лозим.

#### 4) Аукцион (кимошиби савдоси) усули

Ноёб, нуфузли товарларга нарх белгилашда фойдаланилади, талабни бир жойга мужассам этишга имкон беради, нарх таркибига берилиб қизиқиб кетиш элементи, аукцион ўтказиш харажатлари ва ташкилотчилар фойдасини киритиши мумкин.

Аукционларнинг уч хил тури ажратиб кўрсатилади:

- нарх ошириб бориладиган аукцион (товар харидорлар таклиф этган нархларнинг энг юкориси бўйича сотилади);

- «пасайтириладиган» аукцион – вейлинг савдоси, ёки «голландча тизим» (таклиф нархи энг юкори, масалан, пасайиб борадиган нарх тизими бўйича Москвада федерал амалдорлар хорижий автомобиллари сотилган);

- «муҳранган конверт» усули – аризаларни муҳранган конвертда топширилган ҳолдаги аукцион, бунда бошқа харидорларнинг сўровлари билан олдиндан таққослаш имконияти йўқ.

#### 5) Эксперимент, синов тариқасида сотиш усули



Нарх истемолчилар реакциясини кузатиш, масалан, белгиланган нархлар кичик ўзгаришларини кузатиб бориш ва «түшум – сотов ҳажми» биркувини оптималлаш асосида турли нарх вариантларини бирма-бир кўриб чикиш йўли билан белгиланади. Усулни кўллашдан олдин мақбул келадиган нарх чегаралари аникланади.

6) **Нархни синаб кўриш** нарх шакллантириш усули сифатида сўров ва эксперимент усуллари тамойилларини бирлаштиради. Замонавий мутахассислар кўпинча етарлича «ишлов берилган» ва хилма-хил синов ўтказиш услубиятларидан фойдаланишга мурожаат қиласди. Шубҳасизки, уларнинг асосий устунлиги маълумотларнинг реал истемолчи хулк-авторига ва эҳтиёжларига максимал даражада яқинлиги ҳисобланади.

#### **Нарх шакллантиришнинг рақобат усуллари**

Бу усуллар кучли рақобат шароитларида ва бошқа усуллар асосида нарх шакллантириш муваффакиятсизликка учраганда қўлланади: нарх рақобатчилар нархи ёки ўртacha тармок бўйича нарх даражасигача ўзгаради.

1. **Рақобатли нарх шакллантириш параметрик усули.** Юкорида келтирилган нарх шакллантиришнинг параметрик усули маркетинг амалиётида фаол қўлланадиган рақобатли нарх шакллантириш усулларидан бири ҳисобланади.

Ушбу ҳолатда усул компаниянинг таҳдил қилинаётган (янги) товари ёки асосий рақобатчининг айнан шундай товари (ёки бир нечта рақобатчи товарлар) асосий кўрсаткичларига берилган экспертлар балл баҳоларини тақослашга асосланади. Янги нарх рақобатчи товар нархи билан худди сифати билан бўлгани каби нисбатда бўлиши лозим.

2. **Рақобат нархлари мониторинг усули** – нарх асосий рақобатчининг нархи даражасида белгиланади ва ушлаб турилади.

3. **Конкурс усули.** Конкурс – сотувчиларнинг мажбурий нархга оид рақобати. Конкурсдан мақсад – талабни марказлаштириш, бозор шарҳланувчанлиги, ташкилотчилар (буюртмачилар) учун нархни пасайтириш имконияти. Конкурс ўтказишнинг албатта риоя қилиниши лозим бўлган шартлари қуидагилар ҳисобланади: маҳсулот бир хил турдалиги, уни аниқ тавсифлаш имконияти, рақобатчилар тақлифлари ҳакида билмаслик. Қатнашчилар ўз навбатида, турли нархлар буюртма олиш эҳтимолини баҳолаш асосида энг арzon рақобатчининг нархидан пастроқ, максимал нархни аниклаши лозим. Амалиётда олдинги конкурслан билан тақослаганда ёки ички ҳисларга асосланган ҳолда рақобатчиларнинг у ёки бу нарх белгилаш эҳтимоли билан чекланилади.

Агар корхона рақобат бозорига унда мавжуд бўлган товар билан рақобатчилар нарх келишуви бўлмаган ҳолда чиқадиган бўлса (ушбу товарнинг сотов нархи талабга мос келади), талаб ва рақобатчиларга асосланган усулларни қўллаш бир-бирига яқин натижалар беради. Муайян усулни танлаш корхонанинг молиявий ва кадрлар имкониятларига ҳамда унинг стратегик режаларига боғлиқ бўлади.

#### **Нарх шакллантиришнинг аралаш усуллари**

1. **Агрегат усули** алоҳида деталлардан иборат бўлган товар (масалан, қандил) ёки тугалланган маҳсулот (мебель гарнитураси) нархини бу таркибий қисмлар нархлари йигиндиси сифатида белгилайди. Агар бир нчета товар умумий агрегатга эга бўлса (масалан, миксер – кофе майдалагич), нарх ушбу блок нархи ва алоҳида элементлар мавжудлиги учун устама йигиндиси сифатида аниқланиши мумкин.

2. **Тескари калькуляция усули** харажатларни йўл кўйиш мумкинлиги нуқтаи назаридан реал ёки режалаштирилган нархни назорат қилиш учун хизмат қиласди.

*Йўл қўйши мумкин бўлган харажатлар = Сотув нархи –  
– йўртака тармоқ (ёки мақсадли) фойда*

**3. Калькуляцион тенглаштириш** харажатларни қоплайдиган нарх бозор томонидан қабул қилинмаган ёки аксинча, талаб харажатларни қопламайдиган холларда қўлланади. Дастурда ҳар бир маҳсулотнинг аҳамияти турлича, шу сабабли бир маҳсулотдан даромад юқорилиги кўпинча бошқа маҳсулот даромади пастлигини ёпиб кетади. Фирманинг маҳсулот портфелидаги айрим товарларга нархни мажбуран пасайтириш режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажмида кутилаётган фойдага эришиш имконини бермайди. Бу мақсадда корхона харидоргир товар нархини кўтаради.

Режалаштирилган нархи бозор томонидан қабул қилинмаган товарлар бўйича:

- a) Режадаги сотув x Реал нарх = Амалга ошириладиган тушум
- б) Амалга ошириладиган тушум – Режса тууумы = Тўлик қопламаслик.

Бу усул варианлари:

- ассортиментни текислаш «ўзаро боғлик товарлар нарх дифференциацияси» стратегияси доирасида қўлланади;
- истеъмолчилар имтиёзлари бўйича вакт бўйича текислаш дискриминацион стратегиялар доирасида фойдаланилади.

**4. Маржинал даромад даражаси**, сотув ҳажми ва эласиклини ҳисобга олган холда нарх шакллантириш усули.



Кўпинча эластик талаода нарни пасайтириш фойдали бўлади, чунки бу арzon нархда сотишдан олинадиган йўқотишлардан кўра катта миқёсда сотувдан олинган тушумнинг ортишини таъминлайди.

Шу боисдан турли эластиклик даражаларида нархни пасайтириш ҳажмини аниқлаш вазифасини ҳал қилиш заруратта айланади. Мълумки, маржинал фойда (тушум ва ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги фарқ) агар сотувнинг ўсиш фоизи маҳсулот бирлигига тўғри келадиган фойданинг пасайтириш фоизини қоплайдиган даражада катта бўлса, нархни пасайтириш натижасида ўсади. Ва аксинча, агар маҳсулот бирлигига ортиш фоизи сотувнинг пасайтириш фоизини қоплаш учун етарли даражада катта бўлса, нархнинг ортиши натижасида маржинал фойда ўсади. Шу сабабли нарх ўзгаришларини режалаштиришда куйидаги назорат формулаларини ҳисобга олиш керак:

1) агар куйидаги тенгсизлик бажариладиган бўлса, нархнинг пасайтиши маржинал фойдани оширади:

$$\% \Delta q > [\% \Delta p / (\% r - \% \Delta p)] \times 100\%,$$

бу ерда  $\% \Delta q$  – сотув ҳажмининг ўсиш фоизи;

$\% \Delta p$  – нархнинг пасайтириш фоизи;

$\% r$  – маҳсулот бирлигига маржинал фойда жорий фоизи.

2) агар куйидаги тенгсизлик бажариладиган бўлса, нархнинг ўсиши маржинал фойда ўсишига хизмат қиласи:

$$\% \Delta q < [\% \Delta p / (\% r + \% \Delta p)] \times 100\%,$$

$\% \Delta q$  – сотув ҳажмининг пасайтириш фоизи;

$\% \Delta p$  – нархнинг ўсиш фоизи;

$\% r$  – маҳсулот бирлигига маржинал фойда жорий фоизи.



Талаб эластик бўлган товарлар сотишдан олинадиган маржинал даромад (маржинал фойда) нарх пасайтиришда ортади. Бироқ шу нарса ҳам аниқки, нархни чексиз пасайтириб бўлмайди, чунки сотув ҳажмининг ўсиши билан

бирга товар ишлаб чиқариш ва сотиш ўзгарувчан харажатлари ҳам ўсади.

Агар нарх махсулот бирлиги ишлаб чиқариш ва сотиш ўзгарувчан харажатлари даражасигача тушиб кетадиган бўлса, маржинал даромад нолга тенг бўлади, бу даражадан ҳам пасайишида эса умуман манфий бўлади. Шу сабабли унда маржинал даромад максимал бўладиган нарх мавжудлигини кутиш мумкин.

Талаб ноэластик бўлганда нархи истеъмолчилар бундан кейин ушбу товардан фойдаланишдан воз кечадиган чегарагача ошириб бориш мақсадга мувофик. Шундай қилиб, бу ерда ҳам маржинал даромад энг катта бўладиган оптимум мавжуд.

Профессор Шуремов Е.Л. томонидан нарх ўзгаришининг сотув ҳажми, сотувдан олинган тушум ва маржинал даромадга таъсирини таҳлил қилиш учун модель ишлаб чиқилган. Модель кўрсаткичлари:

$X_0$  ва  $X$  – натурал ифодада базавий ва режа даврида сотув ҳажми;

$R_0$  ва  $R$  – базавий ва режа давридаги сотувдан олинган тушум;

$p_0$  ва  $p$  – базавий ва режа даврида товар сотуви ўртча нархи;

$V_0$  ва  $V$  – базавий ва реал даврдаги умумий ўзгарувчан харажатлар;

$M_0$  ва  $M$  – базавий ва реал даврдаги маржинал даромад;

$\alpha$  – талаб эластиклиги коэффициенти;

$\alpha \times 100\%$  - базавий давр билан таққослаганда режа даврида нархнинг ўзгариш фоизи.

Моделдан фойдаланиш максади энг самарали нарх сиёсати таъминланадиган ( $\alpha$ ) нарх ўзгариш кийматини танлаш хисобланади.

### 7.3-жадвал

#### Нарх ўзгаришларининг сотув ҳажмига, сотувдан олинган пул тушумига ва маржинал даромадга таъсирини таҳлил қилиш модели

| Боскич   | Кўрсаткичлар  | Шартлар/чекловлар/формулалар  |
|--|---|---|
| Базавий давр бошлангич маълумотлари берилади                       | сотув ҳажми ( $X_0$ )<br>сотувдан олинган тушум ( $R_0$ )<br>ўзгарувчан харажатлар ( $V_0$ )  |   |
| Базавий давр хисоб-китоб кийматлари берилади                       | сотув ўртча нархи ( $p_0$ )<br>маржинал даромад ( $M_0$ )<br>сотув бирлигига ўзгарувчан харажатлар ( $\gamma$ )   | $p_0=R_0/X_0$<br>$M_0=R_0-V_0$<br>$\gamma=V_0/X_0$<br>$\gamma$ режа даврида ўзгарамасдан колади   |
| Режа даврида ( $\alpha$ ) нарх ўзгариши улуши киймати берилади     | режалаштирилган нарх ( $p$ )  | $p = p_0(1+\alpha)$<br>Агар $\alpha > 0$ бўлса, нархнинг ўсиши режалаштирилади, агар $\alpha < 0$ бўлса – нарх пасайиши режалаштирилади |
| Талаб эластиклиги ( $\vartheta$ ) коэффициенти кийматлари берилади | $p$ нархда тахмин килинган сотув ҳажми ( $X$ )<br>режадаги даврда сотувдан олинган тушум ( $R$ )<br>режадаги давр умумий ўзгарувчан харажатлари ( $V$ )<br>маржинал даромад ( $M$ ) | $X=X_0(1-\alpha \times \vartheta)$<br>$R=p \times X$<br>$V=\gamma \times X$<br>$M=R-V$  |

Формула  $X$  талаб эластиклигини ҳисобга олган ҳолда  $p$  формула билан аниқланадиган нарх ўзгаришига мос келадиган сотув ҳажми ўзгаришини белгилаб беради. Агар нарх кўтариладиган бўлса ( $\alpha > 0$ ) – сотув ҳажмининг қискариши кутилади. Агар нарх пасайдиган бўлса ( $\alpha < 0$ ) – унинг базавий давр билан таққослаганда ортиши кутилади.

Тақдим этилган ҳисоб-китоблар нарх сиёсатини тартибга солиши бўйича умум эътироф этилган тавсияларга мос келади: талаб эластиклиги коэффициенти 1 дан катта бўлганда сотувдан олинадиган тушумни ошириш учун нархи пасайтириш, талаб эластиклиги 1 дан кичик бўлганда эса – ошириш керак. Бироқ агар тушумнинг ўзи эмас, балки маржинал даромад

ортишини эътиборга оладиган бўлсак – ҳамма нарса бу кадар узил-кесил эмас.

Тадқиқ этилаётган кўрсаткичлар ўзгариш характерини яққолроқ намойиш этиш учун унда бирданига бир нечта кетма-кетлиқдаги нарх ўзгаришида уларнинг ўзгариши акс этадиган мураккаброқ жадвал тузамиз.

Умумий гоя шундан иборатки, бир вактнинг ўзида нарх ўзгаришлари ва уларнинг асосий кўрсаткичларга таъсири бўйича маълумотлар битта экранда бир вақтда акс эттирилиши лозим. Нарх ўзгаришларини атиги иккита кўрсаткичга боғлаб қўйиш хисобига зарур сегментни тезроқ ажратиш ва унинг таркибига кирадиган қийматлар тадқиқ этилаётган кўрсаткичларга таъсирини таҳлил қилиш мумкин.

**Талабнинг нархга боғлиқлик модели ва маржинал даромад даражасини хисобга олган ҳолда нарх шакллантириш усули.**

Қисқартирган харажатлар усулини маркетинг баҳолаш усули билан боғлашга имкон берадиган ёндашувни кўриб чиқамиз. Унинг асосий гояси шундан иборатки, талабнинг нархга боғлиқлиги таҳлилидан келиб чиқиб аникланадиган сотовдан олинадиган тушум потенциал ҳажми ва ўгарувчан харажатларни таққослашдан келиб чиқкан ҳолда маржинал даромадни максималлаштирадиган нарх топиш лозим.

Оддий мантиқий мулоҳазалардан кўриниб турибдики, талабнинг нархга боғлиқлигини «қулаётган» эгри чизик кўринишида акс эттириш мумкин. нолга teng (ёки унга якин) нархда талаб жуда катта бўлади ва эгри чизик кескин «юқорилаб» кетади. Нарх жуда юқори бўлганда, аксинча, талаб кескин пасаяди ва деярли нолга яқинлашади. Бундай боғлиқликни таҳлилий тавсифлашнинг энг оддий усули қўйидаги формула билан аникланадиган намунали функция хисобланади:

$$X=bm^p$$

бу ерда

$X$  – товарга талаб

$p$  – товар нархи

$b$  ва  $m$  – коэффициентлар.

Нарх ўсганда талаб пасайиши, нарх паст бўлганда эса талабнинг катта бўлиши сабабли:  $b>0$  ва  $0 < m < 1$  шартлар бажарилиши лозим. Бу холатда нарх юқори бўлганда талаб «деярли» нолгача пасаяди.

Ўзгарувчан харажатлар сотилган товар ҳажмига тўғри пропорционал бўлади:

$$V=vX,$$

бу ерда  $v$  – товар бирлиги ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари

$$M = R - V = (p - v)X = (p - v)bm^p.$$

Формулага мувофиқ маржинал даромад  $M$  битта ўзгарувчи – сотув нархи ( $p$ ) функцияси хисобланади. Максимумга эришиладиган нарх топишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Функция ҳосиласи қўйидагига teng:  $M'(p) = bm^p(1 + p\ln(m) - v\ln(m))$ , бу ерда  $\ln(m)$  – натурал логарифм  $m$ . У  $p = (v\ln(m)-1)/\ln(m)$  бўлганда нолга teng бўлади. Функцияning иккинчи ҳосиласи қўйидагига teng:

$$M''(p) = bm^p \ln(m)(2 + p\ln(m) - v\ln(m)).$$

Юқорида кўрсатилган нисбат билан аникланадиган  $p$  да қавс ичидаги ifoda 1 га teng.  $0 < m < 1$  эканлиги сабабли  $\ln(m) < 0$ . Шунда  $b > 0$  эканлиги сабабли иккинчи ҳосила ушбу нутқада манфий бўлади. бундан хуласа чиқариш мумкинки,  $p$  нутқада функция  $M(p)$  максимумга эришади. Шундай қилиб, талабнинг нархга боғлиқлик шарти  $X=bm^p$  формуласи билан белгиланиши, товарнинг ўзгарувчан харажатлари эса доимий ва  $v$  га teng эканлиги шартида формула  $p$  маржинал даромадни максималлаштирадиган нархни белилаб беради.

Таъкидлаш жоизки, формула  $p$  факат  $v\ln(m) < 1$  бўлган холатдагина ҳакикатда йўл қўйиш мумкин бўлган натижада беради. Ахир формула маҳради манфий. Шу сабабдан сурат ҳам манфий бўлиши лозим, бу эса факат


кўрсатилган тенгизлигий амал килинганда ўринга эга бўлиши мумкин. Акс холда юкорида кўрсатилган формула бўйича ҳисоблаб чиқилган нарх манфий бўлиб чиқади, ваҳоланки бундай бўлиши мумкин эмас. Агар ушбу формула бўйича ҳисоб-китоблар натижасида нарх манфий бўлиб чиқадиган бўлса, бу шуни англатадики, ёки талаб эгри чизиги кўрсаткичлари нотўғри белгиланган, ёки маҳсулот бирлигига ўзгарувчан харажатлар шу кадар каттаки, ушбу талабнинг нархга боғлиқлигига ҳатто ўзгарувчан харажатларни хам қоплаб бўлмайди ва шу сабабли ушбу товар ассортиментдан тўлиқ чиқарилиши лозим.

Баъзан кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш учун объектив маълумотлар олиш мақсадида бир нечта давр учун сотув ҳажми ва нархлар ҳақида статистика маълумотлари мавжуд бўлиши зарур. Улар бўйича регрессия тенгламаси тузилади. Регрессия тенгламаси тузиш учун жадвалнинг умумий кўриниши 7.4-жадвалда келтирилган.

7.4-жадвал

#### Регрессия тенгламаси тузиш учун ҳисоб-китоб маълумотлари

|   | A                    | B           | C     | D     | E | F   | G | I | J        | K | L |
|---|----------------------|-------------|-------|-------|---|---|---|---|----------|---|---|
| 1 | Амалдаги маълумотлар | Ҳисоб-китоб |       |       |   |   |   |   |          |   |   |
| 2 | Нарх                 | Сотув       | Сотув | Оғиши |   | Амалдаги маълумотлар кийматлари жўфтликлар сони           |   |   | 6        |   |   |
| 3 | 40                   | 1088        | 1130  | -4%   |   | регрессия тенгламаси даражали функциясининг асоси ( $m$ ) |   |   | 0,949773 |   |   |
| 4 | 42                   | 1035        | 1019  | 2%    |   | Коэффициент ( $b$ )                                       |   |   | 8877,395 |   |   |
| 5 | 43                   | 998         | 968   | 3%    |   |   |   |   |          |   |   |
| 6 | 45                   | 896         | 873   | 3%    |   |   |   |   |          |   |   |
| 7 | 47                   | 768         | 788   | -3%   |   |   |   |   |          |   |   |
| 8 | 49                   | 705         | 711   | -1%   |   |   |   |   |          |   |   |



Таъкидлаш жоизки, реал воқеликда оғиши бундан ҳам жиддий бўлиши мумкин. Улар қанчалик катта ҳажмга эга бўлса, модель бўйича ҳисоб-китоб натижаларига шунчалик эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак эканлиги тушунарли, албатта.

Талаб эгри чизиги тайёр бўлганидан сўнг маржинал даромадни максималлаштирадиган нарх формуласига амал килиб, оптималь нархни ҳисоб-китоб қилиш жадвалини тузиш мумкин (7.5-жадвал).

7.5-жадвал

#### Талаб эгри чизиги маълумотлари ва унга боғлиқ бўлган кўрсаткичлар бўйича оптималь нарх ҳисоб-китоб қилиш жадвали

|   | A                      | B     |
|---|------------------------|-------|
| 1 | Оптималь нарх          | 46,41 |
| 2 | Сотув ҳажми            | 812   |
| 3 | Сотувдан олинган тушум | 37696 |
| 4 | Ўзгарувчан харажатлар  | 21932 |
| 5 | - маҳсулот бирлигига   | 27    |
| 6 | Маржинал даромад       | 15763 |

Қайд этамизки, тузилган модель мутахассиснинг мулоҳаза юритиши учун қўшимча озиқа берадиган воситадан бошқа ҳеч нарса эмас. У бўйича ҳисоб-китоблар аниқлиги кўп жиҳатдан турли омилларга боғлиқ бўлади. Энг аввало, бу талаб эгри чизиги кўрсаткичларини баҳолаш сифатидир. Агар юзага келадиган амалдаги маълумотларининг ҳисоб-китоб маълумотларидан фарқ қилиши (оғиши) бир эмас, ўнлаб фойзни ташкил қиласиган бўлса, модель асосида оптималь нарх белгилашга катта эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак. Олинадиган баҳолар объективлиги ушбу товарни сотиш бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар даражасига хам жиддий равишда боғлиқ бўлади. Агар, масалан, бу кийматни бизнинг шартли

мисолимиз маълумотларига ўзгарирадиган бўлсак, колган кўрсаткичлар унга жиддий боғлиқ эканлигини кўриш мумкин бўлади.

Агар ушбу усуllар асосида нарх шакллантириш муваффақиятсизликка учраган бўлса ёки олинган нарх даражасини аниқлаштириш мақсадида санаб ўтилган усуllарнинг ҳар бири бошқа усуllар ортидан қўлланиши мумкин.

#### 7.4. Сўровнома асосида нархни белгилаш

Замонавий иқтисодий воқелик шароитларида компаниялар учун нарх шакллантириш қанчалик мухим эканлигини муносиб баҳолаш қийин эмас. Талабга йўналтирилмаган нархлар компания учун молиявий йўқотишларга олиб келади, маҳсулотни жойлаштиришга зиён етказади. Компания мақсадли мулокот доирасининг бир кисмини йўқотади. Бунга қўшимча равишда компания имиджи азият чекади. Истеъмолчининг нархни кабул килишга тайёрлик даражаси – маркетинг нарх тадқиқотларининг бу ва бошқа кўрсаткичлари ҳар қандай компания учун ракобатли бозорларда долзарб хисобланади.

Куйида келтириган истеъмол ўртасида сўров ўтказиш усуllари таснифи истеъмол бозори таҳлилчиларининг нашрларини, консалтинг компаниялари томонидан тақдим этилган тадқиқотлар материалларини таҳлил қилишга асосланади.

Ҳар бир усул тавсифи нафақат сўровнома шакллантиришнинг асосий тамойилларини, балки бирламчи ахборотни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш нисбий кўрсаткичларини ҳам қамраб олади.

#### 1. «Энг юқори нарх» усули



Танланган истеъмолчилар панелидаги ҳар бир респондент ушбу товар учун бундан кўп тўлашга тайёр бўлмаган энг юқори нархни айтади.

#### 7.6-жадвал

##### Харидорлар жавобларининг тақсимланиши

|                      |     |     |       |     |       |
|----------------------|-----|-----|-------|-----|-------|
| Энг юқори нархлар    | $P$ | ... | $p_i$ | ... | $p_n$ |
| Тўплangan тез-тезлик | $N$ | ... | $n_i$ | ... | $n_n$ |

#### 2. «Сотувни ошириш нархлари» усули

Танланган истеъмолчилар панелидаги ҳар бир респондент икки ва ундан ортиқ бундай товар ҳарид килишга рози бўладиган нархни айтади.

#### 7.7-жадвал

##### Харидорлар жавобларининг тақсимланиши

|  |     |     |       |     |       |
|--|-----|-----|-------|-----|-------|
| Сотувнинг ўсиш нархи<br>( <b>«фойдали»</b> ) | $P$ | ... | $p_i$ | ... | $p_n$ |
| Тўплangan тез-тезлик                         | $N$ | ... | $n_i$ | ... | $n_n$ |

#### 3. «Психологик нарх» усули

Ушбу ёндаув илк бора тадқиқотчи Штецел (Stoetzel) томонидан таклиф этилган. Бу ёндаув истеъмолчи маҳсулот сифатидан шубҳа қилмайдиган минимал йўл қўйиш мумкин бўлган нархни ва истеъмолчи тўлашга тайёр бўлган максимал нархни топишга имкон беради. Ушбу ўлчов иккита савол ёрдамида амалга оширилади:

- «Сиз қандай нархда ушбу маҳсулот жуда қиммат деб қарор қилган ва уни ҳарид қилишдан воз кечган бўлардингиз?»
- «Сиз қандай нархда ушбу маҳсулот жуда арzon деб хисоблаган, унинг сифатидан шабҳалangan ва ҳариддан воз кечган бўлардингиз?»

### 7.8-жадвал

Харидорлар жавобларининг тақсимланиши

|   |       |     |       |     |       |
|---|-------|-----|-------|-----|-------|
| <i>Жуда юқори нарх туфайли рад қилиши нархи («жуда қиммат»)</i> | $p_1$ | ... | $p_i$ | ... | $p_n$ |
| <i>Тўпланган тез-тезлик</i>                                     | $n_1$ | ... | $n_i$ | ... | $n_n$ |
| <i>Жуда паст нарх туфайли рад қилиши нархи («жуда арzon»)</i>   | $p_1$ | ... | $p_j$ | ... | $p_m$ |
| <i>Тўпланган тез-тезлик</i>                                     | $n_1$ | ... | $n_j$ | ... | $n_m$ |

4. Ван Вестерндорп усули (Van Westerndorp)

Мазкур ёндашув истеъмолчилар нархни қабул қилишининг иккита бошқа элементини тадқиқ этишдан иборат: «юқори нарх» ва «фойдали нарх», улар қуидаги саволлар ёрдамида аниқланади:

- «Қайси нархдан бошлаб сизга маҳсулот қимматлашган бўлиб кўринади?»
- «Қайси нархдан бошлаб сизга маҳсулот арzonлашган бўлиб кўринади?»


### 7.9-жадвал

Харидорлар жавобларининг тақсимланиши

|  |       |     |       |     |       |
|--|-------|-----|-------|-----|-------|
| <i>Юқори нарх туфайли чегаралаш нархи («қиммат»)</i> | $p_1$ | ... | $p_i$ | ... | $p_n$ |
| <i>Тўпланган тез-тезлик</i>                          | $n_1$ | ... | $n_i$ | ... | $n_n$ |
| <i>Паст нарх туфайли чегаралаш нархи («арzon»)</i>   | $p_1$ | ... | $p_j$ | ... | $p_m$ |
| <i>Тўпланган тез-тезлик</i>                          | $n_1$ | ... | $n_j$ | ... | $n_m$ |

5. Price Sensitivity Meter (PSM) усули. Ушбу усул харидорларнинг нарх сезувчанлигини аниқроқ ўлчашга имкон беради ва сўровга 4 та савол киритиб, бундан олдинги икки ёндашувни бирлаштиради. Олинган жавоблар асосида тузиладиган эгри чизиклар кесишуви тўртта мухим нукта ўрин олади. «Жуда арzon» ва «қиммат» чизиклари кесишуви маҳсулотнинг энг юқори арzonлик нуктасини ҳосил қиласди (PMC - Point of Marginal Cheapness). Бу эса шуни англатадики, бундан арzonроқ нархда маҳсулот сифатидан шубҳа қиласидиган харидорлар улуши кескин орта бошлайди. Энг юқори қимматлик нуктаси (PME - Point of Marginal Expensiveness) «жуда қиммат» ва «арzon» эгри чизиклари кесишуви ётади. Бундан қимматроқ нархда кўплаб харидорлар хариддан воз кеча бошлайди. «Қиммат» ва «арzon» эгри чизиклари кесишиадиган жойда бефарқлик нуктаси (IDPP - Indifference Price Point) жойлашади. Бу харидорларнинг кўпчилиги юқори ҳам, қуйи ҳам ҳисобламаган нархдир. Оптимал нарх нуктаси (OPP - Optimum Price Point) «жуда қиммат» ва «жуда арzon» эгри чизикларининг кесишуви билан белгиланади. бунда маҳсулот нархи даражаси энг кам одамларни қайтаради.

График кўринишида модель 7.2-расмда акс эттирилган.



7.2 – расм. PSM услубиятининг амалга оширилиши

2017 йилнинг ёзида Москвада ўтказилган осон тайёрланадиган озиқовқат маҳсулотлари бозори маркетинг тадқиқотлари материалларида бирмунча модификация килинган PSM услубиятининг амалга оширилишини намойиш этамиз (7.2-расм).

Оптимал нарх белгилашнинг қўйидаги схемаси қўлланди: бир қути чучваранинг базавий нархи 35 рублни ташкил килди («арзон» ва «қиммат» чизиклари кесишуви), нархни 2 рублга ошириш талабнинг 10% пасайишига олиб келади; оптимал нарх – 40 рубль («қиммат» чизиги бўйича аниқланади), шундан кейин қарийб 20% пасайиш келади, оптимал нарх бу – нархнинг ўзи ва бозор қамрови оптимал уйғунлашувида максимал фойда ҳажмига эришиш имконини берадиган нарх.

#### 6. Метод Randomised Buying Response (RBR)

Ушбу усул PSM усулининг ривожи бўлиб, худди ўша мақсадларга эришишга йўналтирилади. Усульнинг моҳияти шундан иборатки, респондентга синовдан ўтаётган маҳсулотнинг барча эҳтимолий нархлари тасодифий тартибда тақдим этилади ва ундан маҳсулотни ушбу нарх бўйича сотиб олиши ёки сотиб олмаслиги сўралади. Салбий жавоб олинган ҳолларда ундан харидни рад қилиш сабабларини кўрсатиш сўралади: нарх жуда қиммат ёки нарх даражасининг жуда пастлиги сифатдан шубҳа қилишга мажбур киласди. Агар респондент маҳсулотни харид қилишга тайёр бўлса, ундан ушбу нарх кўпроқ паст; нормал ёки кўпроқ юкори хисобланишини аниқлаш сўралади.

#### 7.10-жадвал

##### RBR усули бўйича кузатув сўров варақасининг намунаси

| № | Сиз Y товарни X рубль нархida сотиб оласизми? |                             |                            |  |  |
|---|---|-----------------------------|----------------------------|--|--|
|   | ҲА  |                             |                            | ЙЎҚ  |  |
| 1 | нарх мен учун <b>арzon</b>                    | нарх мен учун <b>нормал</b> | нарх мен учун <b>юкори</b> | бу жуда <b>арzon</b> , мен шубҳалана бошлайман | бу мен учун жуда <b>жуда</b> <b>қиммат</b> |

«Офис-Премьер» компанияси томонидан 2017 йил ўтказилган сўров материаллари бўйича (RBR усули асосида) истеъмолчиларнинг берилган диапазонда лазерли принтерлар учун импорт ишлаб чиқарилган қоғозни қандай қабул қилиши саволига жавобларни тақсимлаш эгри чизиклари тузилди.

#### 7. «Нархлар пиллапояси» (Price ladder) усули

Кўйидаги савол варианлари таклиф этилади:

- а) «Бу маҳсулотнинг ҳ микдори (гр., дона ва х.к.) учун қанча микдорда пул тўлашга тайёрсиз?»
- б) «Бу маҳсулотнинг ҳ микдорини (гр., дона ва х.к.) у рублга сотиб олишга тайёрмисиз?»
- в) Рангларга ажратувчи саволлар:
  - «Сиз бу маҳсулотнинг ҳ микдорини (гр., дона ва х.к.) у рублга сотиб олишингиз эҳтимоли қанча?»
  - «Товарнинг мана бу тавсифномаларига қаранг. Сиз уни у рублга сотиб олишингиз эҳтимоли қанча?»

Истеъмолчилар танланма панелидан ҳар бир респондент белгланган нархда товарни харид қилиш эҳтимолини аниқлайди (харид қилмаслигим аниқ, харид қилишим аниқ, эҳтимол харид қиласман, харид қиласам керак). Кейинги савол ҳам худди шунака, фақат нарх ўзгаради, холос. Усул

унумдорлиги берилган маҳсулот тавсифи билан чегараланади, у бозордаги вазият ёки маҳсулот ўзгаришларини ҳисобга олмайди.

### 7.11-жадвал

#### Нарх даражаси бўйича товарни харид қилиш эҳтимоли ҳақида жавоблар тақсимланиши

| Харид килмаслигим аниқ | Харид қилишим аниқ | Эҳтимол харид киламан | Харид килмасам керак | Нарх  |
|------------------------|--------------------|-----------------------|----------------------|-------|
| $n_{11}$               | $n_{21}$           | $n_{31}$              | $n_{41}$             | $p_1$ |
| ...                    | ...                | ...                   | ...                  | ...   |
| $n_{1j}$               | $n_{2j}$           | $n_{3j}$              | $n_{4j}$             | $p_j$ |
| ...                    | ...                | ...                   | ...                  | ...   |
| $n_{1m}$               | $n_{2m}$           | $n_{3m}$              | $n_{4m}$             | $p_m$ |

#### 8. «Нарх преференциялари» усули

Усул харид вазиятини моделлаштиришга асосланади: респондентларга товар ўрови учун мос келувчи ажратилган маблагф (бу маҳсад учун маҳсус тайёрланган қалбаки пулда) тўлаш таклиф этилади. in-hall тест ўтказишда респондентларга  $p_j$  рублдан  $p_1$  рублгача камайиб бориш тартибида кетма-кетликдаги нарх қийматлари маълум қилинади. Шундан кейин респондентларга  $p_i$  рублдан  $p_n$  рублгача ўсиб бориш тартибида нарх катори ўқиласди. ў (харид қилишга тайёр бўлганлар улуши) ва  $\zeta$  (харидни рад қилганлар улуши) максимал катта қийматига мос келадиган  $p$  нарх қиймати истеъмолчилар учун нарх чегараси ҳисбланади.

### 7.12-жадвал


#### Нарх даражаси бўйича харидга тайёрлик ҳақида респондентлар жавобларининг тақсимланиши

| Нарх (сум)             | $p_1$ | $p_2$ | ... | $p_i$ | ... | $p_k$ | ... | $p_j$ | ... | $p_{n-1}$ | $p_n$ |
|------------------------|-------|-------|-----|-------|-----|-------|-----|-------|-----|-----------|-------|
| Харид қилишга тайёр, % | $y_1$ | $y_2$ | ... | $y_i$ | ... | $y_k$ | ... | $y_j$ | ... | $y_{n-1}$ | $y_n$ |
| Харидни рад килади, %  |       |       |     | $z_i$ | ... | $z_k$ | ... | $z_j$ | ... | $z_{n-1}$ | $z_n$ |

Жадвал натижалари бўйича турли нарх даражасида респондентлар улушини жамғарган ҳолда нарх бўйича талаб эластиклиги модели тузилади.



Рақобат муҳитидан ажралган ҳолда талабнинг муайян товар нархига сезувчанлик таҳлили гипотетик характерга эга. Ҳақиқатда эса товар, кодага кўра, фаол рақобат шароитларида бўлади, шу сабабли агар синов рақобат муҳитида бўлиб ўтадиган бўлса, таҳлил натижаларининг ишончлилиги ортади.



#### 7.3 - расм. Brand Price Trade Off (BPTO) усули

Респондентга рақобатлашувчи маҳсулотлар қўйилган магазин токчалари модели қўрсатилиб, ундан тақдим этилган маркаларга белгиланган нархларда харид қилиши мумкин бўлган маркани танлаш сўралади. Сўнгра танланган маҳсулот нархи, масалан, 1 сумга оширилади ва респондентдан яна бир бор танлаш сўралади. Мазкур усул факат in-hall тест усули билан амалга оширилиши мумкин бўлиб, маълумотларни анча мураккаб тарзда қайта ишлашни талаб қиласди. Унинг камчилиги шундаки, истеъмолчи ундан

маҳсулот учун қанча пул тўлашга тайёр эканлигини тушуниш истагини осонлик билан билиб олиши мумкин.

#### 10. Randomised Shopping Situation усули

У ВРТО ёндашувининг ривожи ҳисобланади. Реал сотув вазияти моделлаштирилади: респондент олдига ясама (ўхшатиб ишланган) растанда синовдан ўтказилаётган маҳсулот ва ҳақиқатда мавжуд бўлган ўртacha нарҳдаги асосий рақобатчи маҳсулотлар қўйилади. Респондент биронта маҳсулотни танлаганидан сўнг синовдан ўтказилаётган маҳсулот нарзи ўзгартирилади ва танлов жараёни яна такрорланади.

11. Рақобат муҳитида синааб кўриши усуллари товарнинг чапараста нарх эластиклигини баҳолашга имкон беради. Хусусан, маркали нарх шакллантиришда «талабни маркали ўзгартириш» усулидан фойдаланиш мумкин. Респондентга қуидаги савол берилади: «Сиз учун афзал бўлган маркадаги товар нархини қандай оширишда сиз бошқа маркадаги товарни танлаган бўлардингиз?» Нархни ошириш варианtlари ҳар бир товар тоифаси учун эксперtlар усули билан белгиланади. Интервью давомида респондент у афзал кўрадиган маркани айтади ва унга ушбу маркадан воз кечиши мумкин бўлган нархни оширишнинг 5 вариантидан бирини кайд этиш таклиф килинади. Бирон-бир маркага ёки маълум бир тоифадаги етакчи маркаларга талаб эластиклиги эгри чизиги тахмин қилинаётган ушбу марка нархининг ўсиши ва бундай ўзгаришда бошқа маркага ўтиб кетадиган респондентлар сони ўртасидаги боғлиқлик асосида тузилади. Ушбу респондентлар сони бу марка истеъмолчилари ёки мос равишда, ушбу нарх тоифасидаги барча истеъмолчилар сонидан фоизда ифодаланади. Маркадан воз кечган истеъмолчилар максимал фоизига мос келадиган эгри чизиқ нуқталари «критик» деб аталиши мумкин – улар ушбу маркага талаб сезиларли пасайиши мумкин бўлган нарх ўсиши чегара қийматини тавсифлайди. Шундай килиб, бундай критик нуқта қанчалик тез (нарх ўсиши кичикроқ

бўлганда) пайдо бўлса, ушбу маркага ёки маркалар гурухига талаб нарх бўйича шунчалик эластик бўлади.

Товар гурухи структурасида эластиклик даражаси юқори ёки ўртача бўлган товарлар улуши нарх ва талаб ҳажми бўйича бозор талабларига нисбатан гурух ассортименти қанчалик мувозантланган эканини кўрсатади. нарх бўйича эластиклик паст бўлган кўплаб позицияларда қимматлашув гурухнинг сотув ҳажмига жиддий таъсир этмайди, лекин агар гурух ичida талабни ўзгартириш рўй бермаса, битта-иккита эластиклиги юкори товарлар қимматлашуви харидорларнинг сезиларли кисми йўқотилишига ва гурух бўйича сотув пасайишига олиб келиши мумкин.

#### Киска хулосалар

Нархнинг дастлабки даражасини ҳисоб-китоб қилиш усулини танлаш танланган стратегияга боғлиқ бўлиб, тармоқа нарх шакллантириш анъанавлари ва кўплаб омилларни ҳисобга олади. Амалий нарх шакллантириш кўпинча оптималлаш усулларига эмас, балки аста-секинлик билан, тўлиқсиз ахборотдан фойдаланган ҳолда у ёки бу даражада мақбул келадиган нарх излаб топишга асосланади. Сотувчи ўзи истаётган ва бозорга таклиф этиши мумкин бўлган нархни аниқлаши ва асосла бериши лозим. Нарх харажатларни қоплаши ва етарли даражада фойда келтириши, харидорлар кенг оммаси томонидан қабул қилиниши ва рақобатчилар стратегиясига дош бера олиши лозим.

Харажатлар усули нархни харажатлар ва таннархга устама йигиндиси сифатида аниқлайди (прогрессив калькуляция), баъзида «ўртача харажатлар плюс фойда» номи остида учрайди.

Усулнинг моҳияти қуидагича: товар ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш харажатларини (таннарх, муомала харажатлари ва б.) аниқлайди ва

кутилаётган фойда миқдорини (улуш, фоиз) кўшади, товар харакатланиши бошқа қатнашчилари харид нархига ўзининг савдо устамасини кўшади.

#### **Нарх шакллантиришнинг аралаш усуллари**

1. **Агрегат усули** алоҳида деталлардан иборат бўлган товар (масалан, қандил) ёки тугалланган маҳсулот (мебель гарнитураси) нархини бу таркибий қисмлар нархлари йигиндиси сифатида белгилайди. Агар бир нчета товар умумий агрегатга эга бўлса (масалан, миксер – кофе майдалагич), нарх ушбу блок нархи ва алоҳида элементлар мавжудлиги учун устама йигиндиси сифатида аникланиши мумкин.

2. **Тескари калькуляция усули** харажатларни йўл кўйиш мумкинлиги нуктаи назаридан реал ёки режалаштирилган нархни назорат қилиш учун хизмат қиласди.

Товар гурӯҳи структурасида эластиклик даражаси юқори ёки ўртача бўлган товарлар улуши нарх ва талаб ҳажми бўйича бозор талабларига нисбатан гурӯҳ ассортименти қанчалик мувозантланган эканини кўрсатади. нарх бўйича эластиклик паст бўлган кўплаб позицияларда қимматлашув гурӯхнинг сотув ҳажмига жиддий таъсир этмайди, лекин агар гурӯҳ ичida талабни ўзgartериш рўй бермаса, битта-иккита эластиклиги юқори товарлар қимматлашуви харидорларнинг сезиларли қисми йўқотилишига ва гурӯҳ бўйича сотув пасайишига олиб келиши мумкин.

#### **Назорат учун саволлар**

1. Нарх шакллантириш усуллари «хазинаси» деганда нимани тушунасиз?
2. Нарх шакллантиришнинг қайси усуллари мавжуд?
3. Нарх шакллантиришнинг харажатлар усулининг моҳияти нимада?
4. Ҳар бир товарга сотув нархини белгилашнинг қандай схемалари мавжуд?
5. Тўлиқ харажатлар асосида нархни хисоб-китоб қилишга мисол келтиринг
6. Ўзгарувчан харажатлар асосида нархни хисоб-китоб қилишга мисол келтиринг
7. Талабга йўналтирилган усулларга мисоллар келтиринг
8. Нарх шакллантиришнинг рақобат усуллари ҳақида нималар биласиз?
9. Нарх шакллантиришнинг аралаш усулларига нималар киради?
10. Қандай усулга тескари калькуляция усули деб аталади?

#### **Тест топшириқлари**

1. **Фирманинг бозор мақсадларига мувофик нарх шакллантириш стратегияси қуидагиларни белгилаб беради:**
  - A. нарх ўзгариши даврийлиги;
  - B. муайян нарх (ракам);
  - C. сотув жойи шароитларига қараб нарх ўзгариши;
  - D. нарх ўзгариши эҳтимолий даражаси, йўналиши, тезлиги ва даврийлиги.
2. **Бозор товарни юқори нархда қабул қилган ҳолатда қисқа муддат ичida маркетинг харажатларини қоплаш ва капитални озод этишга қуидаги стратегия имкон беради:**
  - A. «барқарор нарх» стратегияси;
  - B. «нарх дискриминацияси» стратегияси;
  - C. «қаймогини олиш» стратегияси;

Г. «кириб бориши нархлари» стратегияси.

**3. «Кириб бориши нархлари» стратегияси қуидагилар учун мүлжалланган:**

А. ўртача ёки паст даромадли, нархга сезувчанлиги юкори бўлган оммавий харидор;

Б. даромади ўртача, нархга сезувчанлиги юкори бўлган мақсадли бозор сегменти;

В. оммавий, доимий харидор (марка тарафдори);

Г. даромади ўртача бўлган оммавий харидор, «таклидчи».

**4. «Ўртача бозор нархлари» стратегияси қуидаги товарлар учун қўланади:**

А. умуман янги, таққослаш учун базага эга бўлмаган, ёки талаб юкори бўлган товар;

Б. кенг истеъмол қилинадиган, стандартлаштирилган, нормал ҳаётйлик даврига эга бўлган товар;

В. кенг истеъмол қилинадиган, таниладиган, ўринbosар товарлари бўлмаган товар;

Г. кенг истеъмол қилинадиган, ундан кўра арzon ўринbosар товарлари бўлган товар.

**5. «Кириб борувчи нарх ўсиши» стратегияси қуидаги товарлар учун қўланади:**

А. умуман янги, таққослаш учун базага эга бўлмаган, ёки талаб юкори бўлган товарлар;

Б. нуфузли, кимматбахо товарлар;

В. ўта урф бўлган ёки жамоатчилик фикри етакчилари томонидан фойдаланиладиган товарлар;

Г. таниладиган, истеъмолчи учун тенг кимматли ўринbosар товарлари бўлмаган товарлар.

**6. «Рақаботчига эргашиш» стратегиясини амалга ошириш учун фирма қуидагиларни амалга ошириши лозим:**

А. нархнинг кескин ва тез-тез ўсиши анъанавий равишда «нолойиқ» деб хисобланган тармоқда ишлаши;

Б. ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва технологияда тез-тез ўзгаришлар учун имкониятга эга бўлиши;

В. шархланадиган рақобат маконида етакчи ёки асосий рақабатчига эга бўлиши, шунингдек, унинг нарх сиёсатини мониторинг қилиш учун имкониятга эга бўлиши;

Г. истеъмолчи учун яққол кўзга ташланиб турадиган шароитларда ишлаши.

**7. Битта товарни турли мижозларга турли нархларда сотиш ёки айrim мижозларга нарх имтиёзлари тақдим этиш қуидаги стратегиянинг асосида ётади:**

А. «нарх чизиклари»;

Б. «нарх дискриминацияси»;

В. «ўзаро боғлиқ товарларга нарх дифференциацияси»;

Г. «рақобатчига эргашиш».

**8. «Кириб бориши нархи» стратегиясини қўллашда риск қуидагидан иборат:**

А. келгусида нархни ошириш зарурати;

Б. корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари чекланганлиги;

В. рақобатчилар олдида устуворлик йўклиги;

Г. бозор сигими етарли эмаслиги.

**9. Энг харидоргин товарга нарх юкорилиги - қуидаги стратегия турларидан бири:**

А. ўзаро боғлиқ товарларга нарх дифференциацияси;

Б. нарх дискриминацияси;

В. нарх чизиклари;

Г. устувор нарх.

**10. Нархларни яхлитлаш қуидагига мансуб:**

А. нарх шакллантириш усуллари;

Б. нарх стратегиялари;

В. нарх шакллантириш тактикаси;

Г. нарх шакллантириш омиллари.

## **8-БОБ. МАРКЕТИНГДА НАРХ ТАДҚИҚОТЛАРИ: АХБОРОТ МАНБАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

### **8.1. Нарх тұғрисида ахборот түплаш усуллари**

Бозор дифференциацияси ва ракобат кучайиб бораётган шароитларда ҳар қандай корхона менежменти нарх билан боғлиқ ахборотларга әхтиёж сезади. Ҳар бир табдиркор қарор қабул килиш учун етарлы даражада ишончли, реал вазиятни акс эттирадиган, унинг давомида қандайдыр оддий эмас, балки ишончли натижә олиш мүмкін бўлган таҳлил қилинадиган илмий методология асосида тўплланган репрезентатив ахборот мухимлигини баҳолаши мүмкін. Ахборот түплаш – қўп меҳнат талаб қиласидаги жараён бўлиб, катта пул ва вақт сарфланишига олиб келади. Уларни айланиб ўтиш ёки сезиларли даражада минимал қилишга ҳаракатлар тезда шуни тушунишга олиб келадики, «зикна икки марта тўлайди»: сўровда қатнашадиганларни, кузатув объектлари ва предметларини тизимсиз танлаш, анкета сўровларини хатолар билан шакллантириш кейинги нарх таҳлилини асосиз, ҳар қандай хуносаларни эса мос келмайдиган қилиб кўяди.

Нарх ҳақида ахборот түплаш нарх мониторинги тизимидағи энг мухим жараёнидир. Бундай механизм ишлаб чиқишига киришиш олдидан иккита саволга жавоб топиш керак: маълумотлар қаердан олинади ва ахборот түплашнинг қандай усулидан фойдаланилади. Бу саволларнинг жавоблари нарх ҳақида ахборот түплаш тизимини ишлаб чиқиш таҳминий ҳаражатларини аниқлашга имкон беради.

Нарх ҳақида ахборот түплашнинг иккита асосий йўли ва бундай ахборот олишнинг учту асули мавжуд.



Маълумот манбалари:

- прайлс-майдончалар;
- интернет-магазинлари сайтлари;

Ахборот түплаш усуллари

Ахборотни қўлда тўплашни ҳозирги пайтда фақатгина кичик сейчас



интернет-магазинларда учратиш мумкин бўлиб, улар ҳам реал бизнесдан кўра кўпроқ хоббини эслатиб юборади.

Дастур-парсер +  
маълумот қайта ишлаш учун

мутахассис – кўпроқ тарқалган. У интернет-магазин анча тинч савдо сегментида, мавсумий нарх ўзгаришлари ва кескин ўзгаришлар амалда кузатилмайдиган ҳолатда самарали бўлади. Бу ерда нархларни бозор билан ойига бир-икки марта солишириб кўриш ва ўзининг мос келадиган нарх шакллантириш стратегиясини танлаш кифоя.


Автоматлаштирилган ечим интернет-гипермаркетлар, товар тоифалари хилма-хил ва ассортименти кенг магазинлар учун, шунингдек, ҳар куни долзарб маълумотлар талаб этиладиган ракобат кучли шароиларда ишлаётган кичик ва ўрта магазинлар учун зарур. Бундай ҳолатларда замонавий нархларни оптималлаш ва нарх шакллантириш стратегиялари жиддий ракобатли устунликка айланади. Нарх ҳақида олинган маълумотларни қайта ишлаш вақти ва сифати мухим роль ўйнайди, шу сабабли кучли, самарали ва ўзлаштириш осон бўлган воситалар талаб қилинади. Уларнинг вазифаси – нархларни ўзгаририш ҳақида қарор қабул қилишда, шунингдек, маълумотлар олиш жараёнида эътиборни мужассам этишдан иборат.

## 8.2. Бирламчи ахборотни тўплаш манбалари ва усуллари

Нарх ҳақида бирламчи ахборот тўплаш усуллари ва манбалари хилмажилдир.

Нарх шакллантириш қонуниятларини таҳлил қилиш учун компания бухгалтерия хисоби асосида ўртача нархлар структурасини белгилаши ва динамик қаторлар юритиши лозим. Ички фирма нархлар хисобини дунёнинг кўплаб мамлакатларида кенг тарқалган товар штрих-кодларини ўқиш компьютер тизимлари енгиллаштиради. Асосан бундай қурилмаларнинг икки хил тури қўлланади: *стационар* – хисоб-китоб узели ёнида жойлашган ва кўчма – улгуржи савдода, йирик габаритли товарлар сотиша энг қулайд бўлган қурилма.

Кодда товар нархи кўрсатилмайди, чунки савдогарлар уни турли нархлар бўйича сотади ва нарх сотув жойидаги мустақил компьютер тизими ёрдамида ўқиласди. Магазиндаги хисоб-китоб узелида муайян товар раками ўқилганда автоматик равишда унинг нархи аниқлаштирилади ва касса чекида босиб чиқарилади. Нархлар ҳақидаги ахборот харидчилар бороси (ахборот маркази ёки компаниядаги бошқа мувофиқлаштирувчи структура) билан тўғридан-тўғри алоқа бўйича ўз вактида янгиланади. Шундай килиб, мутахассис-тахлилчилар исталган пайт нархлар ва нарх шакллантирувчи омиллар ҳақида ички фирма ахборотлари тўлиқ тўпламига эга бўлиши мумкин. Кўплаб компаниялар бундай тизимга эга бўлмайди ва ички фирма нархлар хисобини зарурат туғилиши билан ва имкон қадар компьютерда сақлаш қурилмаларидан фойдаланиб ташкиллаштиради.



Муваффакиятли бизнес юритиши фирма мутахассисларининг бутун бозор бўйича базавий ёки қўшимча нархга оид ахборотлар ҳақида хабардор эканлигини назарда тутади.

- Фирма таҳлилчиси сезиларли молиявий харажатларсиз нуфузли иқтисодий нашрларда чоп этиладиган ахборотларни (экспертлар баҳолари, нархлар динамикаси ва ҳажми, нарх омиллари ва б. ҳақида расмий нашрлар) кузатиб бориши мумкин. Ушбу ахборот каналининг асосий камчилиги – мос келмайдиган вақт харажатлари ва нашр этиладиган маълумотларнинг изланиш йўналишига тўлиқ мос келиш эҳтимолининг пастлигидир.

- «Ахборот банклари»дан сараланган ахборот харид килиш бу камчиликни бартараф қиласди, олинадиган ахборот доирасини кенгайтиради, лекин коидага кўра, ахборот товари сифатига мос келадиган моддий харажатлар талаб қиласди. Турли хил расмий статистика маълумотлари (масалан, нарх даражаси ва динамикаси, нарх омиллари ҳақида) ахборот нашр килувчи марказларга келиб тушади.

- Мустақил консалтинг фирмалари ва ташкилотлари (маркетинг бўлинмалари) тижорарт мижозлари – компанияларнинг буюртмаси бўйича рақобатчиларнинг нарх хулқ-атворини, сотувнинг минтақавий нархга оид имкониятларини ўрганади, истемолчилар панели шакллантиради, харидорлар ўртасида анкета сўрови ўтказиш билан шуғулланади, нархга оид ўзаро боғлиқликларни баҳолаш учун экспертлар гурухи йигади. Нархларни кузатиш ташки тизими шунингдек, шартномаларни танлаб тадқик этиш, молиявий ва бошқа текширув материалларидан, солиқ органларининг маълумотларидан фойдаланишни ўз ичига олади.

### **8.3. Нархни кузатиш усуллари. Махсус танлов сўровномалари**

Нархни кузатиш усуллари жуда хидма-хилдир. Нархларни кузатишнинг харидорлар ўртасида сўров ўтказиш каби усули компания кучлари билан ҳам ташкил қилиниши мумкин. У таклиф ассортименти ва ракобат ўсиши шароитларида муҳим аҳамият касб этади. Харидорларнинг нархлар ҳакидаги фикрлари махсус танланма сўровлар (ҳам оғзаки – интервью, телефон орқали сўровлар, ҳам ёзма – анкета сўрови ўтказиш



ёрдамида ўрганилади. Амалиётда харидорлар панели сўрови ўтказишнинг уддасидан факат йирик корпорациялар ва ва тижорат асосида фаолият юритувчи анча йирик маркетинг (консалтинг) фирмалари чиқади. Истеъмолчилар сўровлари нарх ассортимент структурасини, талаб нарх эластиклигини, товарлар сифати ва нархи мувофиқлигини тадқиқ этишда муҳим роль ўйнайди.

- харидорлар ўртасида сўров ўтказишини эксперталар баҳолари билан уйғунлаштириш харидорлар фикрининг субъективлиги таҳлилга таъсир ўтказишидан қутилиб қолишига имкон беради. Эксперталар баҳолари усули, хусусан, Дельфи усули нарх ҳакида, айниқса, конъюнктура ва башорат нархлари ҳакида ахборот олиш учун анча ишончли усул ҳисобланади. Дельфи усули – эксперталар сўрови шакли бўлиб, бунда уларнинг яширин жавоблари бир неча тур давомида тўпланди ва оралиқ натижалар билан танишиш орқали тадқиқ этилаётган жараённинг гурухи баҳоси олинади.

Мутахассислар ва истеъмолчилар ўртасида кутилаётган инфляция ҳакида тенденциал сўровлар алоҳида ўринга эга.

- маълум даражада харидорларнинг нархлар ва уларнинг товарлар истеъмол хусусиятларига мувофиқлиги ҳакидаги фикрлари савдо муҳбирларининг ахборот тармоғига киритилган сотувчиларга (эксперталарга) маълум бўлади. Нархга оид ахборотларнинг бу манбаси амалиётда ўриниз рационални камдан-кам фойдаланилади.

- маркетинг нарх ахборотлари тизимида кўргазма, ярмарка-савдо ва товар тақдимотлари давомида улар кузатиб борилиладиган ракобатчилар нархи ҳакида ахборот муҳим элемент ҳисобланади. Потенциал мижозларга прайс-листлар (price-lists) жўнатилади

- бевосита кузатув йўли янада очик, лекин шу билан бир пайтда сермашаккат йўл бўлиб, бунда фирма ходимлари ракобатчиларнинг чакана корхоналарини айланиб чиқади ва уларнинг нархларини қайд этади.

Санаб ўтилган уеуллар билан олинган ахборот ички фирма ҳисботлари кўрсаткичларини таққослаш, фирмада нарх шакллантириш маркетинг муҳтини баҳолаш ва оптимал нарх сиёсати танлаш учун хизмат қиласи.

Амалиётда фирмаларнинг мустақил нарх тадқиқотлари энг ёмон ҳолатда бир нечта ракобатчи фирмалар ўртасида уларнинг товарларига айнан ўхаш бўлган товарлар нархи бўйича телефон орқали сўров ўтказиши мумкин. Энг яхши ҳолатда, фирма нархга оид ахборот ва у бўйича тавсияларни комплексли маркетинг тадқиқотлари доирасида ихтиссолашган маркетинг фирмаларига буюртма беради. Бу ишни анча катта ва ўмуваффақият билан ишлаётган фирмалар бажара олади. Коидага кўра, нархга оид ахборот тўплашга ОТМ талабаларини улар амалиёт ўташ пайтида жалб қилиш билан фаол шуғулланадиган ўрта ёки юқори бўғин менежарлари фаолият кўрсатадиган фирмалар ҳам учрайди.

## 8.1-жадвал

### Нархга оид маркетинг тадқиқотларининг ахборот таъминоти тизими

|   |   |
|---|---|
| Ахборот манбалари ва соҳиблари  | Тадқиқот мақсадлари/кўрсаткичлар  |
| Савдо, нарх, уй хўжаликлари бюджети давлат статистикаси   | Миллий ва минтақавий нарх даражаси ва динамикаси, нарх бозор конъюнктураси омили сифатида   |
| Иккиласмчи нархга оид ахборот (расмий нашрлар, бошқа мақсадда ўтказилган тадқиқот натижалари)             | Экспертлар нарх ва омил баҳолари, товар ва минтақа бозорларининг ўртача нархлари, рақобатли нарх шакллантириш амалиёти  |
| Сараланган ахборотни тижорат ахборот банкларидан харид қилиш  | Ўртача тармоқ нархлари даражаси, нарх динамик қаторлари, тармоқдаги етакчилар ва рақобатчиларнинг нарх даражалари, минтақавий нархлар                                     |
| Махсус бизнес-тадқиқотлар   | Локал ва минтақавий бозорлар нарх даражаси, чегирма ва устамалар даражаси, харидорларнинг нархга реакцияси, инфляциядан кутилаётган натижалар, нарх харид мотиви сифатида |
| Харидорлар ўртасида маҳсус ташланма сўровлар (оғзаки - интервью, телефон, ёзма - анкета сўрови, купонлар) | Харидорларнинг нархлар ассо структураси нархлари, талаб нарх эластиклиги, харид мотиси сифатида нарх, чегирмалар самарадорлиги ҳақида фикрлари                            |
| Экспертлар саволлари  | Нархлар конъюнктура ва башпорат даражалари, инфляциядан кутилаётган натижалар   |
| Савдо муҳбирларининг ахборот тармоғи (сотувчилар, коммивояжерлар, дилерлар ва б.)                         | Харидорларнинг нархлар ва уларнинг товар истеъмол хислатларига мувофиқлиги, нарх бўйича талаб эластиклиги, нарх рақобатдошлиги ҳақидаги фикрлари                          |
| Эксперимент, синов тарикасида сотув, дегустация   | Оптимал нарх даражасини шакллантириш, фирма товарлари сифат ва нарх кўрсаткичларининг мувофиқлиги ва нисбатини баҳолаш  |
| Ярмарка, кўргазма-савдо, товар тақдимотларида бевосита кузатув; фирмалар price-lists                      | Рақобатчилар нарх даражаси ва рақобатли нарх шакллантириш амалиёти, нархлар конъюнктура ва башпорат даражалари  |
| Ички фирма нарх хисоби  | Фирма нархларининг рақобатбардошлигини баҳолаш, нарх стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиши  |

Мамлакат истеъмол бозорининг замонавий ривожланиш суръатлари, унинг дифференциация жараёни, катор кўрсаткичлар бўйича бир хил эмасликнинг кучайши нархларни кузатиш усууллари доирасини кенгайтириши, якуний истеъмолчига максимал даражада яқинлаштирилган кузатув усууларининг, яъни истеъмолчилар ўртасидаги сўровлар ва оилавий бюджетлар тадқиқоти даражасидаги кузатувлар ролини кучайтириши, энг кўп ташриф буюриладиган нарх мониторингини талаб қиласди. Бундай ёндашув нарх таҳлилининг амалий ва қиёсий қимматини, истеъмолчиларнинг ижтимоий аломатлари ва минтақалар бўйича ҳамда динамикада кўрсаткичларни таккослаш мумкинлигини жиддий оширади.

Маркетинг нарх тадқиқотларида статистик методологиядан кенг фойдаланилади.

Статистика - ижтимоий фанлардан бири бўлиб, хилма-хил оммавий ҳодисаларга алоқадор бўлган далилларни тўплаш, тартибга солиш, таҳлил қилиш ва тақкослашни мақсад қилиб қўяди.



Нархлар бизнес-статистикаси статистикада ўзининг якуний мақсадлари ва тадқиқот обьектлари камрови бўйича давлат нарх статистикасидан фарқ қиласди мустакил йўналишни ифодалайди. У маркетинг ва бизнеснинг ахборот-таҳлилий эҳтиёжларини таъминлаши кўзда тутилган (ўз фаолияти натижалари – товарлар ва хизматларни – фойда олиш мақсадида сотиш бўйича тижорат фаолияти). Нархлар бизнес-статистикаси алоҳида фирма маркетингининг, уюшма ва бирлашмалар маркетингининг, товар ҳаракатланиши конвенционал каналлари ва вертика маркетинг тизимларининг, мустакил маркетинг фирмалари ва консалтинг фирмаларнинг, бозорни ўрганадиган илмий муассасаларнинг функцияси

бўлиши мумкин. Асосийси, у локал бозорнинг оптимал фаолият кўрсатиш мақсадларига ёки тадқиқот буюртмачиси ё субъект фойдасини оптималлаш мақсадларига жавоб бериши лозим.

Ҳар бир фирма нафақат ўзининг локал бозордаги нархларини баҳолашга, балки макродаражада нарх вазиятини тавсифлашга ҳам эҳтиёж



сезади. Нархлар бизнес-статистикаси макродаражаси миллий ва тармоқ нарх статистикаси натижаларидан фаол фойдаланади.

Нархлар ҳақида ахборот оқими жавоб тарикасидаги характерга эга: нафақат давлат нарх статистикаси нархлар бизнес-статистикаси эҳтиёжларини таъминлайди, балки бизнес-тадқиқотлар натижалари ҳам давлат нарх статистикаси имкониятларини кенгайтиришга қодир бўлади.

Нарх ҳақида ахборотнинг санаб ўтилган турлари ва манбалари нарх маркетинг (ёки бизнес) статистикасининг концептуал вазифаларини ҳал қилишга имкон беради:

- фирма фаолият кўрсатаётган бозорда нарх хулқ-атвори ва ҳолатини тавсифлаш;
- фирманинг нарх истиқболларини белгилаш;
- фирманинг нарх стратегияларини ишлаб чикиш ахборот жараёнини таъминлаш.

Маркетингда нарх тизимини ташкил қилиш ва нинг фаолият юритишида ҳал этиладиган функционал вазифаларни қуидаги тарзда ифодалаш мумкин:

1) нархлар ва нарх омиллари ҳақида бирламчи ва иккиласмчи статистик ахборот тўплаш, қайта ишлаш ва жамлаш, тўпланган ёки харид қилинган ташқи иккиласмчи ахборотни қайта ишлаш;

2) локал бозордаги нарх вазиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш:

- омиллар ва уларнинг ўзаро алоқалар конуниятларини тавсифлаш;
- фирма сотадиган товарларнинг нарх даражасини баҳолаш (индивидуал, ўртача, истеъмолчининг ўртача даромадига нисбатан, рақобатчилар нархларига нисбатан, сифатни ҳисобга олган ҳолда);
- нарх структурасини таҳлил қилиш;
- нарх бўйича талаб эластиклигини, чапараста нарх эластиклигини таҳлил қилиш;
- тармоқ ва рақобатчила нархлари билан таккослагандага фирма товарлари бўйича нархлар динамикаси;
- товар ҳаётйлик даврининг ҳар бир босқичида мувозанатли нарх башоратлари.



Ушбу вазифаларни ҳал қилишда кузатув ва таҳлилнинг турли статистик усуслари фойдаланилиши мумкин.

Маркетинг нарх ахборотларини тўплаш, қайта ишлаш ва жамлаш тизими статистик кузатув назарясига асосланади.

Танланма кузатув деганда шундай ёппасига бўлмаган кузатув тушуниладики, бунда ўрганилатган йигиндининг тасодифий тарзда танлаб олинган бирликлари статистик кузатув остида бўлади.

Танланма кузатув ўз олдига бирилкларни танлаб олиш бўйича илмий ташкил қилинган ишлар ва статистик кузатув ўтказиш тамойиллари ва қоидаларига риоя қилиш шартидаги барча бирликлар йигиндисига тавсифнома беришининг тадқиқ этилаётган қисмига тавсиф бериш вазифасини қўяди.

Нарх даражаси, структураси, динамикаси, баркарорлиги ва даврийлигини баҳолаш мутлақ, нисбий ва ўртача кўрсаткичлардан фойдаланишини, вариаиция усули, дисперсион таҳлил ва индексли усулдан ўзлаштиришни талаб қиласди.

Бир ўлчамли ва кўп ўлчамли гурухлар усули, айниқса, типологик гурухлар ва кластерли таҳлил маркетинг нарх тадқиқотларида кенг фойдаланилади. У харидорлар хулқ-атвори ва уларнинг нархга муносабати бўйича бозорни сегментлаш, турли нарх боғлиқликларини аниқлаш, товар агрегатларига нарх даражаси ва товар-индикаторлар нархи бўйича сотув жойларини таснифлаш учун фойдаланилади.

Тўғри ва чапараста эластиклик кўрсаткичлари талаб ва нарх ўртасида, нарх ва истеъмолчилар даромад ўртасида, товар сифати ва нархи ўртасида, субститут товарлар, тўлдирувчи товарлар ва ташкил қилувчи товарлар ўртасида боғлиқлик даражасини аниқлашга имкон беради. Талабни тартиба солиши мақсадида нарх омиллар бир хил гурухлари учун ва турли даражадаги (юқори, паст) нархлар учун нарх эластиклиги дифференция қилинган тарзда тадқиқ этилади, нарх секин ва тез ўсадиган гурухларни аниқлаш учун уларга нарх умумий ўзгаришига нисбатан алоҳида товар турларига нарх эластиклиги қиёсий таҳлили ўтказилади. Шунингдек, нарх эластиклигининг нарх чегаралари аниқланиши мумкин.

Нархлар ва турли омилларнинг ўзаро алоқаларини аниқлаш ва моделлаштириш, бозор ривожланишини башорат қилиш, уни тартиба солишнинг нарх воситаларини ишлаб чиқиш корреляцион-регрессион таҳлил, омиллар усулини қўллашни талаб



килади.

Шундай килиб, методология нұқтаи назаридан маркетинг нарх тадқиқотлари статистика, эконометрия, социометрия, квалиметрия, бихевиоризм ва маҳсус маркетинг усуллари синтезини ифодалайди. Эконометрик моделлар, масалан, нарх белгилаш риски эҳтимолларини баҳолашда фойдаланилади. Социометрия хуласалари мақсадли мулокот доиралари шакллантиришда, уларнинг предмети истеъмолчиларнинг нарх ҳақидаги тасаввурлар (минимал, максимал, адолатли ва х.к.) ҳисобланган анкета ва сўровлар ўтқазиш учуг кенг фойдаланилади. Квалиметрия – сифа миқдорий баҳолари – кўп кўрсаткичли товарларни баҳолашда, уларнинг ракобатбардошлигини тасвифлашда, товар нархининг сифатига боғлиқлик даражасини тадқиқ этишда зарур. Бихевиоризм – одамлар хулқ-атвори, фикрлари ва афзал қўришлари ҳақидаги фан – нархга нисбатан истеъмолчилар хулқ-атворини психографик моделлаштириш, нархларнинг психологик тўсиқларини аниқлаш давомида кенг фойдаланилади. маркетинг ўзига хос усуллари орасида матрицали усулни қайд этиш лозим. Стратегик матрицалар нафакат муҳим нарх шакллантирувчи омиллани хисобга олган ҳолда маркетинг нарх стратегияларини танлаш бўйича қарор қабул килишга, балки муҳим нарх шакллантиришомили сифатида фирманинг бозордаги ўрнига объектив баҳо беришга имкон яратади.

Маркетингда нархи ўрганишда, худди бутун маркетинг тадқиқотларидағи каби, натижга олиш методологиясига нисбатан иккита қарама-қарши ёндашув мавжуд:

- 1) тадқиқотнинг расмийлаштириш даражачи юқори, миқдорий баҳолар, рақамли хисоб-китоблар, статистик ва иқтисодий-математик моделлаштириш ва бозор жараёнлари ва нарх хулқ-атвори (маркетинг тадқиқотларида ушбу ёндашув устуворлигини Ф. Котлер, Д.Ф. Кокс, Р.Д.Базел, Ф. Букерел, П.П. Маслов ҳимоя қилиб чиқкан);

2) далилларни қайд қилиш, атрибутив ва мукобил баҳолаш устунлигига нархлар ва уларнинг ўзаро боғлиқликларини тавсифлашнинг норасмий, тавсифий, сифат усуслари хар қандай маркетинг вазиятининг бетакрорлиги, ўзига хослигини таъкидлайди (бундай ёндашув тарафдорлари, масалан, К. Симмондс мактаби ҳисобланади).

### Қисқа хулосалар

Хар бир тадбиркор қарор қабул қилиш учун етарли даражада ишончли, реал вазиятни акс эттирадиган, унинг давомида қандайдир оддий эмас, балки ишончли натижга олиш мумкин бўлган тахлил қилинадиган илмий методология асосида тўпланган репрезентатив ахборот муҳимлигини баҳолаши мумкин. Ахборот тўплаш – кўп меҳнат талаб қиласидаги жараён бўлиб, катта пул ва вакт сарфланишига олиб келади. Уларни айлануб ўтиш ёки сезиларли даражада минимал қилишга ҳаракатлар тезда шуни тушунишга олиб келадики, «зиқна икки марта тўлайди»: сўровда қатнашадиганларни, кузатув объектлари ва предметларини тизимсиз танлаш, анкета сўровларини хатолар билан шакллантириш кейинги нарх таҳлилини асоссиз, хар қандай хулосаларни эса мос келмайдиган килиб кўяди.

Муваффакиятли бизнес юритиш фирма мутахассисларининг бутун бозор бўйича базавий ёки қўшимча нархга оид ахборотлар ҳақида хабардор эканлигини назарда тутади.

- Фирма таҳлилчиси сезиларли молиявий ҳаражатларсиз нуфузли иқтисодий нашрларда чоп этиладиган ахборотларни (экспертлар баҳолари, нархлар динамикаси ва ҳажми, нарх омиллари ва б. ҳақида расмий нашрлар) кузатиб бориши мумкин. Ушбу ахборот каналининг асосий камчилиги – мос келмайдиган вакт ҳаражатлари ва нашр этиладиган маълумотларнинг изланиш йўналишига тўлиқ мос келиш эҳтимолининг пастлигидир.

- «Ахборот банклари»дан сараланган ахборот ҳарид қилиш бу камчиликни бартараф қиласи, олинадиган ахборот доирасини кенгайтиради, лекин қоидага кўра, ахборот товари сифатига мос келадиган моддий

ҳаражатлар талаб қиласи. Турли хил расмий статистика маълумотлари (масалан, нарх даражаси ва динамикаси, нарх омиллари ҳақида) ахборот нашр қилувчи марказларга келиб тушади.

Нархни кузатиш усуслари жуда хидма-хилдир. Нархларни кузатишнинг харидорлар ўртасида сўров ўтказиш каби усули компания кучлари билан ҳам ташкил қилиниши мумкин. У таклиф ассортименти ва рақобат ўсиши шароитларида муҳим аҳамият касб этади. Харидорларнинг нархлар ҳақидаги фикрлари маҳсус танланма сўровлар (ҳам оғзаки – интервью, телефон орқали сўровлар, ҳам ёзма – анкета сўрови ўтказиш) ёрдамида ўрганилади.

### Назорат учун саволлар

1. Ахборот тўплашнинг қандай услубарини биласиз?
2. Компаниялар нарх тўғрисида ахборот тўплаш заруритини айтиб беринг.
3. Нарх тўғрисида ахборот тўплашнинг қандай усуслари мавжуд?
4. Бирламчи ахборотни тўплаш манбалари ҳақида нималар биласиз?
5. Бирламчи ахборотни тўплашнинг қандай усуслари мавжуд?
6. Иккиласми ахборотларда ҳам нарх тўғрисида ахборот тўплаш зарурми?
7. Нархни кузатиш усусларига мисол келтиринг.
8. Маҳсус танлов сўровномаларининг моҳияти нимада?
9. Психологик нарх усули бу нима?
10. Ван Вестерндорп усулининг моҳияти нимада?

## Тест топшириклари

1. Price Sensitivity Meter нархни синаб кўриш усулига кўра «киммат» ва «арzon» эгри чизиқлари кесишувида қўйидаги нуқта ётади:

- A. энг арзонлик;
- B. бефарқлик;
- C. оптимал нарх;
- D. ўта қимматлик.

2. Нуғузли иқтисодий нашрлар мониторинги асосида нарх ахборот базасини шакллантиришнинг асосий камчилиги қўйидагидан иборат:

- A. нашрларни харид қилиш ва ахборотни фильтрлашга моддий ва меҳнат харажатлар юқорилиги;
- B. ахборотнинг катта қисми очик эмаслиги;
- C. нашр этиладиган маълумотларнинг изланиш йўналишига тўлиқ мувофиқ бўлиш эҳтимолининг пастлиги;
- D. юқоридагиларнинг барчаси.

3. Татиб кўриш, синов тариқасида сотувлар ва эксперимент давомида тўплланган ахборотдан нарх шакллантиришда фойдаланишининг асосий мақсадлари қўйидагилар ҳисобланади:

- A. оптимал нарх даражасини шакллантириш;
- B. фирма товарининг сифат кўрсаткичларига мувофиқ товар ассортиментига нарх шакллантириш;
- C. режалаштирилган нархлар ва фирма товарининг сифат тавсифномасини истеъмолчилар қабул қилиши мувофиқлигини баҳолаш;
- D. юқоридагиларнинг барчаси.

### 4. Дельфи усули бу:

- A. чакана савдо нуқиталарида нархларни қайд қилиш асосида ўртача бозор нархини аниклаш усули;
- B. харидорлар ўртасида «йўл кўрсатишли» сўров шакли;
- C. интернетда ўртача нарх даражасини баҳолаш усули;
- D. экспертлар сўрови шакли.

5. Ҳозирги пайтда интернет тадқиқотларининг асосий усуллари категорига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- A. он-лайн фокус-гурух ва электрон овоз бериш;
- B. панелли тадқиқотлар;

- B. жамоатчилик фикри сўровлари;
- C. юқоридагиларнинг барчаси.

6. Нима нарх динамикаси ва эксперталар баҳоси усули ҳисобланмайди:

- A. боғланган динамик каторлар усули;
- B. баҳоларни мувофиқлаштириш усули;
- C. Дельфи усули;
- D. «аклӣ хужум» усули.

7. Нархлар вариация усуллари ва кўрсаткичлари қўйидагиларни баҳолаш учун фойдаланилади:

- A. нарх динамикаси;
- B. нархлар мавсумийлиги;
- C. бозор баркарорлиги;
- D. нарх ракобатбардошлиги.

8. Нархлар инфляцион ўзгаришлари қўйидаги ҳисобланади:

- A. товар сифатининг яхшиланиши натижаси сифатида нарх ўсиши;
- B. пулнинг қадрсизланиши сабабли нарх ўсиши;
- C. товарлар тақчиллиги шароитларида нарх ўсиши;
- D. товарларга талаб ўсиши натижаси сифатида нарх ўсиши.

9. Фирма ходимлари ракобатчиларнинг чакана корхоналарини айланниб чиқадиган ва нархларни қайд қиласидиган усул қўйидагича аталади:

- A. Дельфи усули;
- B. сотувчилар ўртасидаги сўров;
- C. бевосита кузатув;
- D. мониторинг.

10. Маркетинг нарх тадқиқотларида статистик методология қўйидаги мақсадда фойдаланилади:

- A. таҳлил натижаларини визуаллаштириш;
- B. мураккаб боғлиқларни аниклаш;
- C. ҳисоб-китоблар аниқлигини ошириш;
- D. катта ҳажмдаги ахборотни илмий таҳлил қилиш асосида

## 9-БОБ. НАРХНИНГ ЭГИЛУВЧАНЛИК ТАҲЛИЛИ

### 9.1. Нарх ва сифат нисбатини баҳолаш

Нарх ва сифат нисбати тушунчаси ўзи нима, уни кўллашда нималарга эътибор қаратиш керак эканлиги нарх шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Нарх – математик кўрсаткич, бу ерда ҳаммаси оддий. Прайс-лист бор – нарх бор. Кўпинча «Бу ерда нарх жуда қиммат экан» деган фикрни эшитиш мумкин.

Ишончлилик ҳам муносиб даражада бўлиши талаб этилади.

Келиб чиқадики, нарх ва сифат нисбати – ўзгарувчан ва маҳсулотдан фойдаланиш шароитларига боғлик равишда кучли ўзгариб турадиган кўрсаткич саналади. Битта тизимнинг ўзида бу нисбат турлича бўлиши мумкин.

Фирма бозорда ўз товарини унинг нархи ва сифати ўртасида тўғри комбинация танлаш йўли билан жойлаштириши лозим.

Бу борада турли стратегик имкониятлар мавжуд бўлиб, уларни куйидаги жадвал кўринишида акс эттириш мумкин.

| 9.1-жадвал  |                        |                               |                                  |
|---|------------------------|-------------------------------|----------------------------------|
| Товар нархи ва сифати ўртасидаги комбинациялар асосидаги стратегиялар |                        |                               |                                  |
| Сифат<br>Нарх   | Юқори                  | Ўртача                        | Кўйи                             |
| Юқори   | 1. Мукофот стратегияси | 2.                            | 3. Нарх устунликлари стратегияси |
| Ўртача  | 4.                     | 5. Ўртача нархлар стратегияси | 6.                               |
| Кўйи  | 7. Алдов стратегияси   | 8.                            | 9. Арzon товарлар стратегияси    |

9.1 - жадвалда 1, 5 ва 9 ракамлар билан белгиланган нарх стратегиялари бир вақтнинг ўзида битта бозорда фойдаланилиши мумкин. Улар нархнинг сифат даражасига қараб дифференциация қилинини намойиш этади: фирма юқори сифатли маҳсулотни энг қиммат нарх бўйича, ўртача сифатли маҳсулотни ўртача нархда ва ниҳоят, паст сифатли маҳсулотни паст нархда таклиф этади. Рақобатлашувчи фирмалар айтиб ўтилган учта комбинация маҳсулотини таклиф этиши ва шу тарика бозорни ўзаро бўлиб олиши мумкин. бу нарх стратегияларини бир вақтда кўллашнинг шарти фақат сифати ва нархи бўйича турлича бўлган маҳсулотларга талаб билдирадиган мос келувчи истеъмолчилар катламлари мавжуд бўлиши хисобланади.

Нарх стратегияларининг бошқа варианtlари билан боғлиқ вазият эса бирмунча ўзгacha. 2, 4, 6 ва 8 позициялар схемада номланмасдан қолдирилган, чунки улар стратегияларнинг ўтиш варианtlарини ифодалайди. Бироқ уларнинг роли турлича бўлиб, нарх сиёсатининг қарама-қарши кутблари томон мойиллик билдиради. Хусусан, 2, 3 ва 6 позицилар рақобатчини 1, 5 ва 9 позициялар диагонал чизикларидан чиқиб чиқаришга йўналтирилган турли нарх стратегияларини ифодалайди. Бу нархга оид устунликлар яратиш стратегияларидир. Уларнинг вакиллари ўз рекламасида куйидаги фикрни билдиради: «Биз худди шу сифатдаги, лекин арzonроқ нархдаги маҳсулотлар таклиф киламиз!» Бундай нархга оид рақобат фақат ўзини олий даражадаги шахслар деб хисоблайдиган худбинларга дахл қлиmasлиги мумкин, кўпчилик эса нархда тежаб колишга интилади.

Юқорида айтиб ўтилган нархга оид рақобат варианtlаридан фарқли равишда, схемада 4, 7 ва 8 позициялар билан ифодаланган стратегиялар маҳсулотнинг наф келтирадиган самарасига нисбатан нарх оширишини намойиш этади. Агар фирма ривожланган рақобат шароитларида бундай стратегияга йўл кўядиган бўлса, унинг мижози ўзини алданган хис киласи, бу эса, шубҳасизки, фирма нуфузига зиён етказади. Мана шу сабабдан профессионал маркетологлар нархларни ошириш стратегисидан ўзини олиб

чкочади, афсуски, ракобат хали у даражада юкори ривож топмаган иқтисодиёт шароитларида фаолият кўрсатаётган корхоналар ҳакида бундай фикр билдириб бўлмайди.

## 9.2. Нарх сифати бўйича рақобатбардошлини ҳисоблаш усуллари

**Товарлар рақобатбардошлиги комплекслилиги** – товарлар рақобатбардошлигини баҳолашда рақобатчи товарлар хусусиятларини белгилаб берадиган мезонлар йигиндиси ҳисобга олиниши лозим.

**Нисбий рақобатбардошлик** уни баҳолашнинг қиёсий характерини назарда тутади, бунда битта товарнинг танланган мезонлари базавий товар сифатида кабул килинган бошқа товарнинг мезонлари билан солиштирилади. Бирон-бир товарнинг рақобатбардошлик даражасини аниклаш учун товарларни уларнинг муайян

эҳтиёжларга мувофиқ эканлик даражасини оддийгина таққослаш эмас, балки истеъмолчининг товарни харид қилиш ва ундан кейинги фойдаланишдаги харажатларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Рақобатбардошлик – товарнинг рақобатчи товардан харидорлар гурухи муайян эҳтиёжларига мувофиқлик даражаси бўйича ҳам, бу эҳтиёжни қондириш харажатлари бўйича ҳам фарқларини кўрсатадиган тавсифномадир.




**Рақобатбардошлини баҳолашнинг асоси** – харидор эҳтиёжларини тадқик этишдир. Ҳардин амалга ошириш давомида ҳар бир истеъмолчи унга керакли бўлган товарни бозорда таклиф этилаётган аналог-товарлар ичидан танлаб олади ва унинг эҳтиёжини энг яхши даражада қондирадиган товарнигина сотиб олади.

Товарлар рақобатбардошлигини баҳолашда уларнинг ўзига хосликлари ҳисобга олиниши лозим. Масалан, кийим-кчак, автомобиллар ва асбоб-ускуналар каби турли истеъмол товарларининг истеъмол нархлари турлича бўлади ва товар ўзига хосликлари билан тўғридан-тўғри боғлиқ саналади.

Рақобатбардошлини баҳолаш тадқикот мақсадидини белгилашдан бошланади:

- агар ушбу товарнинг айнан шундай товарлар орасидаги ҳолатини аниклаш зарур бўлса, уларни энг муҳим кўрсаткичлар бўйича тўғридан-тўғри таққослаш кифоя;
- агар тадқикот мақсади муайян бозорда товарни сотиш истиқболларини баҳолаш бўлса, бу ҳолатда таҳлилда бозорга истиқболда чиқадиган товар ҳакида маълумотларни, шунингдек, мамлакатда амал қилаётган стандартлар ва қонунчилик ўзгариши, истеъмол талаби динамикаси ҳакида маълумотларни ўз ичига оладиган ахборотдан фойдаланиш зарур.



Товар ракобатбардошлигини баҳолаш күйидагиларни ўз ичига олади:

- **бозорни ўрганиш** (бозор ихтисослашуви ва унинг географик жойлашуви, бозор сигими);
- **ракобатчиларни тадқиқ этиш** (асосий ракобатчилар, ракобатчилар товарларининг савдо маркалари, ракобатчилар товарларининг хусусиятлари, ўров турлари ва хусусиятлари, сотув фаолияти шакллари ва усуллари, ракобатчиларнинг реклама материаллари);
- **харидор эҳтиёжларини ўрганиш** (бозор сегментациясини хисобга олган ҳолда эҳтимолий харидорлар, харидорларнинг товардан фойдаланиш усуллари ва йўналишлари, ушбу товарни харид қилиш мотивлари);
- **товарни баҳолаш қўрсаткичларини аниқлаш** (техник, эргономик ва б.);
- **товарлар ракобатбардошлик омилларини тизимлаштириш;**
- **товарлар ракобатбардошлигини миқдорий баҳолаш ёндашувларини аниқлаш.**



Товарлар ракобатбардошлиги асосий мезони улар билан реал эҳтиёжларни қондириш даражаси хисобланади. Бироқ бевосита эҳтиёжларни қондириш даражасини ўлчашнинг истеъмолчилар алоҳида товарларни психофизиологик қабул қилиши туфайли имконсизdir. Баъзан жуда кўп реклама қилинган, истеъмол хусусиятлари юқори бўлган товарлар истеъмолчилар томонидан истеъмол хусусиятлари бир хил ва ҳатто юкорироқ бўлган реклама қилинмаган товарлардан кўра кўпроқ хайриҳоҳлик билан қабул қилинади. Шу сабабли ракобатбардошликни баҳолаш учун билвосита мезонлар фойдаланилади,

уларни иккита гурухга ажратиш мумкин: истеъмол мезонлари ва иқтисодий мезонлар.

Маҳсулот агарда у мазкур истеъмол сегментида аналог-товарлардан кўра яхшироқ битта ёки бир неча истеъмол тавсифномасига эга бўлса, бу ҳолатда у ракобатбардош саналади. Истеъмолчилар барча хислатлари бўйича мутлак энг яхши маҳсулотдан эмас, балки ушбу бозор сегментида энг талаб қилинган хислатларни муваффакиятли уйғунлаштирадиган маҳсулотдан манфаатдор ва кўпинча маҳсулотнинг айрим хислатларини яхшилаш учун бошқа хислатлар баҳридан кечишга тайёр бўлади.

Товарнинг бозордаги ракобатбардошлиги унинг қиймат (харидорнинг товарни харид қилиш нархи ва фойдаланиш ёки истеъмол жараёнида хизмат кўрсатиш қиймати хисобга олинади) ва истеъмол тавсифномаларини бозор талаби шакллантирадиган бошқа товарлар тавсифномалари билан таққослаш йўли билан аниқланади.

Ракобатбардошлик истеъмол мезонлари сифат тавсифномалари билан ифодаланади.

Халкаро стандартлаштириш ташкилоти ISO томонидан сифатга қўйидагича таъриф берилади: **сифат** – объектнинг аниқланган ва тахмин қилинган эҳтиёжларни қондиришга қодирлиги борасидаги тавсифномалари йигиндиси.

**Товар сифати** бу – товар маҳсулотининг ҳар битта бирлигини ишлаб чиқаришда белгиланган техник даражага эришиш даражасидир. У ёки органолептик усул билан (хис қилиш органлари ёрдамида), ёки турли ускуналар, аппаратлар, реактивлар ва бошқа техник воситалардан фойдаланган ҳолда лаборатория тадқиқотлари орқали аниқланади.

**Товарлар сифат мезонлари (ёки техник қўрсаткичлари)** – бу эҳтиёж мазмунини ва уни қондириш шартларини тавсифлайдиган қўрсаткичлар. Улар қаторига қўйидагилар киради:

- белгиланган вазифа қўрсаткичлари;

- эргономик кўрсаткичлар;
- эстетик кўрсаткичлар;
- норматив кўрсаткичлар.

Товарлар рақобатбардошлиги иқтисодий мезонлари нарх ва чегирмалар тизими ҳисобланади. Махсулот нархи маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг натижаси ҳисобланади. Турли тоифадаги истеъмолчилар ва товарлар гурухлари учун рақобатбардошлик турли нарх гурухлари – харид нархлари, сотову нархлари ва истеъмол нархлари билан таъминланади.

### 9.3. Нарх эгилувчанлиги. Талабнинг нарх эгилувчанлиги

Нарх эгилувчанлиги – ўзига хос бозор ҳодисаси бўлиб, талаб ва таклиф конунининг амал қилиши билан асосланади. Эгилувчанлик иқтисодий мазмуни таҳлил қилинаётган бозор кўрсаткичининг қолган барча омиллар ўзгармасдан қолганда битта қандайдир омилнинг ўзаришига боғлиқлик даражасида намоён бўлади.

Натижали белги сифатида еафакат классик талаб кўрсаткичи, балки нархлар даражаси, рақобатчилар реакцияси ва ҳ.к. ҳам кўриб чиқилиши мумкин. омил сифатида нархлар, даромад, рақобатчилар фаолияти кўрсаткичлари, бозор тўйинганлиги ва эксперталар натижали кўрсаткич ўзаришига таъсир кўрсатишида асосий деб ҳисблайдиган бошқа ҳар қандай кўрсаткичлар иштирок этади.



### Талабнинг нархга оид эгилувчанлиги

Талабнинг нархга оид эгилувчанлиги – товар нархининг ўзариши туфайли вужудга келадиган товарга талабнинг нисбий ўзаришидир.

Агар ҳаттоқи нархдаги кичик ўзариш ҳам талабнинг сезиларли фаол реакциясига олиб келадиган бўлса, талаб нарх бўйича эгилувчан деб аталади. Бунда битта товарнинг мос келувчи кўрсаткичлари ўзгаручанлигини тавсифлайдиган «тўғри» эгилувчандик ва иккита ҳар хил товар учун – «чапараста» эгилувчанлик фаркланади.

Нарх бўйича талаб эгилувчанлигини таҳлил қилишда қайси кўрсаткичдан талаб тавсифномаси сифатида фойдаланиш кераклигини аниклаб олиш зарур, чунки талаб – нисбий ва шартли тоифа ҳисобланади.

Талаб бу – пул билан таъминланган ва бозорда тақдим этилган эҳтиёждир.

Эҳтиёж – одатий ёки кўнгилдаги турмуш даражасини кўллаб-кувватлашта имкон берадиган товарга зарурат.

Талаб даражачи қандай аниқланади?

Кондирилган талаб ва потенциал талаб фаркланади.

Маълум бир кўшимча шартлар билан истеъмол бозорида кондирилган талаб кўрсаткичи сифатида товарайланма (микдорий ёки натурал ўлчовда товарлар сотиш) ёки аҳолининг товарларга (хизматларга) сарфлайдиган пул харажатлари қабул қилиниши мумкин.

Товарайланма бу – талаб ва таклиф ўртасидаги ўзига хос муросадир. Товарларнинг савода нотўғри жойлаштирилиши, таъминот норитмиклиги, «танлов ортиқалиги», товарнинг керакли сифат кўрсаткичлари йўқлиги, сотовчининг кўполлиги ва савдо



менежментидаги бошка хатолар туфайли амалга оширилмаган харидлар муаммоси доим мавжуд бўлади. Мукаммал рақобат, ривожланган бозор ва савдо тармоги шароитларида реал талаб қондирилган талабга (товарайлланмага) максимал даражада яқинлашган бўлади.

Ҳозирги пайтда потенциал талабни ва унинг нарх ўзгаришларига реакциясини баҳолашнинг оптималь усули деб истеъмолчилар ва эксперталар ўртасида ўтказиладиган сўровлар тан олиниши мумкин.

Сўровнома ўтказишнинг афзаллиги реал ва дифференциация қилинган истеъмолчи эҳтиёжларига максимал даражада яқинлаштирилган маълумотлар олишдан иборат бўлса, асосий камчилик – истеъмолчи баҳоси бериладиган шароитлар реал харид шароитларига мос келмаслгидар (товар учун «ҳамён билан овоз бериш» реал зарурати истеъмолчи баҳоси ва реакциясини ўзгартариши мумкин).

Маркетингда нарх бўйича талаб эгилувчанлигини баҳолаш учун эгилувчанлик коэффициенти қўлланади.

Эгилувчанлик коэффициенти омилли белгининг 1% ўзгариши натижали белгининг фоиздаги ўзгаришини тавсифлайди.

Тўғри (битта товар учун кўрсаткичлар) ва чапараст (иккита товар учун кўрсаткичлар) эгилувчанлик коэффициентлари фарқланади.

### **МИСОЛ**

Агар тамаки чекиш учун трубка нархи сезиларли ўсадиган бўлса, тамакига талаб пасаяди.

Шунингдек, эмпирик (иккита ижтимоий грух бўйича ёки иккита давр учун амалдаги маълумотлар бўйича) ва назарий (давр учун таҳлилий

тengлаштирилган (модель бўйича) ўзгаришларни хисобга олади) коэффициентлар фарқланади.

### **Тўғри (битта товар бўйича) эгилувчанлик эмпирик коэффициенти**

Худди шу товарга нарх бўйича товарга талаб эгилувчанлигини кўйидаги коэффициент тавсифлайди:

$$\mathcal{E} = \frac{q_1 - q_0}{p_1 - p_0} : \frac{q_0}{p_0}$$

бу ерда

$p_1, p_0, q_1, q_0$  – базис давр ва хисобот даврида товар нархи ва сотув ҳажми

$$\mathcal{E} = \frac{q_1 - q_0}{p_1 - p_0} : \frac{(q_0 + q_1) \div 2}{(p_0 + p_1) \div 2}$$

Эгилувчанлик эмпирик коэффициентини хисоб-китоб қилишда базавий қиймат (иккинчи каср) сифатида қоидага кўра, бошлангич давр кўрсаткичлари ёки иккита давр учун ўртача кўрсаткичлар фойдаланилади.

Биринчи вариант таҳлил учун ўсиш суръатидан қаторлардан фойдаланишга имкон беради:

$$\frac{p_1 - p_0}{p_0} = \frac{p_1}{p_0} - 1 = Tp - 1, \text{ шунда } \mathcal{E} = \frac{Tp - 1}{Tq - 1}, \quad \mathcal{E} = \frac{T_{\text{усиш}} p}{T_{\text{усиш}} q}$$

бу ерда

$Tp$  ва  $Tq$  – нарх ( $p$ ) ва сотув ҳажми ( $q$ ) кўрсаткичларининг ўсиш суръати  
 $T_{\text{усиш}}$  – ўсиш суръати

Ўртача кўрсаткичлардан фойдаланиш хисоб-китоб натижаларининг сотув ҳажми бўйича маълумотлар олинадиган даврни танлашга боғлиқлигини пасайтиради. Ўртача кўрсаткичлардан фойдаланиш бошлангич ва кейинги даврлар кўрсаткичларида фарқ катта бўлган ҳолларда мажбурийдир.

## Чапараста (иккита товар бўйича) эгилувчанлик эмпирик коэффициенти

$\gamma$  товарга  $\beta$  нарх бўйича талаб эгилувчанилигини қўйидаги коэффициент тавсифлайди:

$$\mathcal{E} = \frac{q_{\gamma 1} - q_{\gamma 0}}{p_{\beta 1} - p_{\beta 0}} : \frac{q_{\gamma 0}}{p_{\beta 0}} \quad \text{ёки } \mathcal{E} = \frac{q_{\gamma 1} - q_{\gamma 0}}{p_{\beta 1} - p_{\beta 0}} : \frac{(q_{\gamma 0} + q_{\gamma 1}) \div 2}{(p_{\beta 0} + p_{\beta 1}) \div 2}$$

бу ерда

$p_{\beta 1}, p_{\beta 0}$  –  $p$  товарнинг базис давр ва ҳисобот давридаги нархи,

$q_{\gamma 1}, q_{\gamma 0}$  –  $\gamma$  товарнинг базис давр ва ҳисобот давридаги сотув ҳажми.

Эгилувчанлик назарий коэффициенти кўпроқ таҳлилий имкониятлар тақдим этади. Кўйида келтирилган формулалар таҳлилда кўпроқ ҳажмда ахборотдан фойдаланишга имкон беради, чунки улар бир омилли ва кўп омилли регрессион моделларга асосланади, эгри чизикнинг ҳар бир нуткасида эгилувчанликни аниқлашга имкон беради.

Тўғридан-тўғри эгилувчанлик назарий коэффициенти (талабнинг нархга боғлиқлик модели учун  $q = f(p)$ ) қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\mathcal{E}_{q/p} = f'(p) \frac{p}{q}$$

бу ерда

$f(p)$  – мос келувчи  $\sqrt{q} = f(p)$  регрессион моделнинг биринчи ҳосиласи бўлиб, нархнинг 1 рубль ўзгариши таъсири остида талабнинг рублда ёки натурал ифодада ўзгаришини акс эттиради.

Чапараста эгилувчанлик назарий коэффициенти:

$$\mathcal{E}_{q/p} = f'(p_\beta) \frac{p_\beta}{q_\gamma}$$

бу ерда

$f(p_\beta)$  – мос келувчи  $q_\gamma = f(p_\beta)$  регрессион моделнинг биринчи ҳосиласи.

Кўп омилли модель учун эгилувчанлик хуссий коэффициенти тузилади.

Тузилган модель асосида эгилувчанлик хуссий коэффициентлари ( $\mathcal{E}$ ) ҳисоб-китоби агар моделда ҳисобга олинган бошқа кўрсаткичлар (масалан, сифат кўрсаткичлари) доимий ва ўртача кўрсаткичга тенг бўлса, нарх ( $p$ ) 1% ўзгарганда талаб ( $q$ ) неча фоизга ўзгаришини кўрсатади. Икки омилли чизиқли тенглама  $q = a_0 + a_p p + a_k k$  учун эгилувчанлик хуссий коэффициенти қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\mathcal{E} = \frac{\partial q_{px}}{\partial p} \times \frac{p}{q_x}$$

бу ерда

$p q_x - x$  ни элиминациялашда  $p$  бўйича хуссий регрессия

Эгилувчанлик мавжудлиги ва унинг қизғинлиги эгилувчанлик коэффициенти модулини (ишорани ҳисобга олмасдан) 1 билан таккослашда аникланади.

$|\mathcal{E}| > 1$  – талаб нарх бўйича эгилувчан, яъни нарх ўзгариши талабнинг сезиларли ўзгариши билан биргаликда кузатилади.

$|\mathcal{E}| = 1$  – бир хилда эгилувчанлик, яъни нарх ўзгариши талабнинг ҳам пропорционал равиша ўзгариши билан биргаликда кузатилади.

### МИСОЛ

Дискаунтер магазинларда болалар учун товарлар, жумладан, талабалар ва ўкувчилар фойдаланадиган идора товарлари бир хилда талаб эгилувчанилигига эга. Бундай товарларга талаб нарх ўсиши билан сезиларсиз қискаради, лекин арzonрок товарлар ва маркалар томон сезиларли силжиш рўй беради. Болалар учун товарлар гуруҳида ўйнчокларга талаб энг эгилувчан ҳисобланади

*Манба:* Ваганов А.С. Разработка маркетинговой стратегии в предпринимательской деятельности крупного розничного объединения /Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. — МЭСИ, 2001.

$|\mathcal{E}| < 1$  – талаб нарх бўйича эгилувчан эмас, яъни нарх ўзгариши талабнинг сезиларсиз ўзгариши билан бирга кузатилади.

### **МИСОЛ**

Дискаунтер магазинларда пастр нарх тоифасидаги юувучи воситалар, хўжалик совуни, кир ювиш кукунинг, шунингдек, паст нарх тоифасидаги, асосан маҳаллий ишлаб чиқарилган тана, юз ва сочни парваришилаш воситаларига (шампунь, атири совун, тиш пастаси, турли кремлар ва х.к.) талаб эгилувчанинг пастлиги кузатилади. Ушбу маҳсулот оммавий талаб товарларига киради. Нарх ўсганда ушбу товарларга талаб молиявий ифодада сезиларсиз қисқаради, бироқ ахолининг кам таъминланган қатламлари илгари фойдаланилган товарларнинг арzon маркаларига ўтади ёки янада арzonрок товарлар, субститутларни танлайди.

*Манба:* Ваганов А.С. Разработка маркетинговой стратегии в предпринимательской деятельности крупного розничного объединения / Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. — МЭСИ, 2013.

Натижали ва омили белгилар бир йўналишда ўзгарганда (масалан, нарх ўсиши – талаб ўсиши) коэффициент мусбат кўринишга эга ( $\mathcal{E} > 0$ ), турли йўналишда бўлганда эса (нарх пасайиши – талаб ўсиши) кўрсаткич ишораси манфий бўлади ( $\mathcal{E} < 0$ ).

Талаб эгилувчанилиги талаб қонуни тавсифномаларидан бири ҳисобланади, шу сабабли кўпинча товарга талаб ва нарх ўртасида тескари боғлиқлик кузатилади, яъни  $\mathcal{E} < 0$  (нархнинг ортиши эгилувчан товарга талабни пасайтиради).



Чапараста эгилувчанлик кўрсаткичлари учун қуйидаги боғлиқликлар хосдир:

- агар  $\mathcal{E}_n > 0$  бўлса (товар нархининг ўсиши бошқа товарга талаб ортишига олиб келади), бу бир-бирини алмаштира оладиган товарлар ҳисобланади;
- агар  $\mathcal{E}_n < 0$  бўлса (битта товар нархининг пасайиши билан бошқа товарга талаб ортади), бу бир-бирини тўлдириб турадиган товарлар ёки бир товар иккинчисининг таркибий қисми бўлган товарлар ҳисобланади;
- агар  $\mathcal{E}_n = 0$  (ёки 0га яқин) бўлса, бу мустақил товарлар ҳисобланади.

Нарх ўзгаришига талаб реакцияси сифатида нарх бўйича талаб эгилувчанилиги нарх ўсишининг мақсадга мувофиқлиги ва оқибатларини белгилаб беради:

- 1) нарх эгилувчанилиги юкори бўлган товар нархининг ўзгариши унга бўлган талабни ўзгартиради, демак, нарх сиёсатидаги хатолар фирма учун ҳалоокатли бўлиши мумкин;
- 2) ноэгилувчан товарлар учун нарх маневри имкониятлари қуйидагилар билан чегараланади:



*a* – нархнинг пасайиши сотувчига фойда келтирмайди, чунки товарга талаб ўзгармайди, даромад эса пасаяди;

*b* – нархнинг маълум бир даражагача монопол оширилиши (савдо корхонаси қулай жойлашган ёки маҳсус хизматлар кўрсатилган ҳолларда) талабда акс этмайди. Бу чегарадан ўтиб кетиш талабнинг тўғридан-тўғри

ракобатчи бўлмаган товарлар пайдо бўлишига қадар ўзгариш эҳтимолини кучайтиради.

### МИСОЛ



Макарон маҳсулотлари оқилона нархларининг ўсиб кетиши нон ёки картошкага бўлган талабнинг ўсишига олиб келиши мумкин.

Нарх бўйича талаб эгилувчанлиги таҳлили компания учун амалий қизикиш уйғотади. Менежмент куйидагиларни

билишдан манфаатдор бўлади:

- у режалаштирган нарх ўзгаришлари сотув ҳажмига, демак, фойдага қандай таъсир этади;
- нарх ўзгаришининг қандай ҳажми анъанавий сотув ҳажминин (фоизининг) ортиши ёки ҳеч бўлмаса сакланиб қолишини кафолатлади;
- қандай нарх ўзгаришида фирма учун ҳалокатли бўлган талаб ўзгариши рўй беради ва х.к.

Ҳар хил бозор турларида талаб ва таклиф эгилувчанлиги бир хилда намоён бўлмайди:

- истеъмол бозорида талаб нарх ва даромад ўзгаришига зудлик билан жавоб қайтаради ва ўзгаришлар эҳтимолий характерга эга бўлади;
- ултуржи бозорда талаб ёки таклиф реакцияси кечикади ва ултуржи савдогарларнинг йўналтирилган фаолияти билан белгиланади. Кечикиш даври ахборот тармогининг ривожланганлик даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Нарх ўзгаришига узайтирилган талаб реакцияси кун ёки хафталарни, ултуржи савдода эса – ҳафта ва ойларни ташкил қиласди.

Таъкидлаш жоизки, эгилувчанлик башорат қиммати кузатув ўтказилган



шароитлар барқарорлигига боғлиқ бўлади. Товар харакатланиши турли бўғинлари ўзаро муносабатлари бекарорлиги, инкиrozли холатлар эгилувчанлик кўрсаткичларидан фойдаланишни сезиларли даражада қийинлаштиради. Бу кўрсаткичлар таъсирини истисно қилишга эгилувчанлик модификацияланган коэффициентлари, масалан, инфляция индекси бўйича тузатиш киритилган коэффициентлар (истеъмол нархлари товар бўйича индекслари Давлат статистика қўмитаси тўпламларида чоп этилади) ёрдам беради.

Эгилувчанлик ходисаси нафакат динамикада, балки статикада ҳам ўрганилади, чунки у гурухланган йигинди таркибида (масалан, товарлар ёки магазинлар гурухлари, харидорлар гурухлари даромадлари бўйича) битта бирлиқдан бошқа бирликка ўтишда нарх реакцияси (Э) ўзгаришини акс эттириши мумкин.

Барча гурухлар бўйича умумий эгилувчанлик коэффициенти ҳар бир гурух вакиллик кўрсаткичлари ( $w_i$ ),  $i = 1, n$  – гурухлар сони:

$$\bar{\Theta} = \frac{\sum \Theta_i w_i}{\sum w_i}$$

Харидорларнинг турли ижтимоий-иқтисодий гурухлари талаби бир хил омилларга турлича жавоб қайтаради, масалан, нархнинг 1% ўсиши ортидан

даромади паст истеъмолчилар талаби сезиларли пасайиши келади, даромади юкори бўлган харидорлар гурухи эса бунга эъибор қаратмайди. Бошқа даромад гурухига ўтилиши билан талаб пропорционал эмас, балки бу товар қондирадиган эҳтиёжлар иерархиясига қараб тезроқ ёки секинроқ ўсиши мумкин (товар истеъмол учун қанчалик мухим бўлса, унинг нархи эгилувчанлиги шунчалик паст бўлади).

Нарх нафакат турли бозор тоғаларига (талаб ва бошқаларга) таъсир этадиган омил, балки уларнинг таъсири натижаси ҳам ҳисобланади. Товар нархининг ўзгариши талаб ва тақлиф нисбатини ўзгартириш функцияси сифатида кўриб чикилиши мумкин. Компания нарх шакллантиришининг товарга талаб даражаси ва ўзгаришига реакцияси бозорнинг бундай товарларга тўйиниши, янги ракобатчилар пайдо бўлиши билан асосланиши мумкин. Бундан ташкири, товарлар нархларининг ўзи ҳам ўаро боғлиқ тизим ҳосил қилиб, бу ерда бир нархнинг (базавий) ўзгариши бошқа нархлар ўзгаришига олиб келиши мумкин. Буларнинг барчаси шуни англатадики, нарх ўз эгилувчанлигига эга бўлади. Бундай эгилувчанликни аниклаш учун юкорида келтирилган каби эгилувчанлик кўрсаткичлари фойдаланилади, лекин омиллар таъсири натижаси сифатида нарх бу ҳолатда каср суратиан ўрин олади.

Битта маркадаги товар нархининг бошқа товар нархига боғлиқлигини аниклаш зарур бўлган ҳолларда қўйидаги формула фойдаланилади:

$$\mathcal{E} = \frac{P_{\gamma_1} - P_{\gamma_0}}{P_{\beta_1} - P_{\beta_0}} : \frac{P_{\gamma_0}}{P_{\beta}}$$



бу ерда

$P_{\gamma_0}, P_{\beta_0}$  – базис даврда  $\gamma, \beta$  товарлар нархи,

$P_{\gamma_1}, P_{\beta_1}$  – жорий даврда  $\gamma, \beta$  товарлар нархи

Агар маркали товар нархининг талаб даражасига боғлиқлигини аниклаш зурур бўлса, қўйидаги формуулалардан бири қўлланади:

$$\mathcal{E} = \frac{T_{\text{усиш}} P}{T_{\text{усиш}} d} \quad \text{ёки} \quad \mathcal{E} = \frac{\Delta p}{\Delta d} \div \frac{\bar{p}}{\bar{d}}$$

бу ерда

$T_{\text{усиш}}$  – мос куелувчи кўрсаткичнинг давр мобайнида ўсиш суръати

$\bar{p}$  – товарнинг ўртacha нархи,

$\bar{d}$  – талаб ўртacha даражаси

Харидорларнинг даромадлари сезиларли даражада уларнинг компания нархлари даражаси ва ўзгаришига реакциясини белгилаб беради. Нарх сиёсати у аҳолининг қайси қисмига: кам таъминланганлар ёки юкори даромадга эга бўлган бозор сегментларига йўналтирилганига тўғридан-тўғри боғлиқ. Шу боисдан истеъмолчиларнинг харид лаёқатини таҳлил қилиш савдо корхонасининг мухим вазифаси ҳисобланади.



Истеъмолчиларнинг харид лаёқати (компаниянинг нарх сиёсати нуқтаи назаридан) – харидорларнинг асосий қисми етарли даражада тез-тезлик

билин одатий турмуш тарзини кўллаб-кувватлаш учун зарур бўлган товарлар ва хизматларни ассортиментда харид қилиш қобилияти.

Харид лаёқати бир қатор кўрсаткичлар тизими билан тавсифланиб, уларнинг орасида энг муҳимлари нарх ва даромад нисбати ва ўзаро боғлиқлиги (корреляцияси) хисобланади. Хусусан, харидорлар ўртасида анкета сўрови ўтказиш натижалари бўйича по результатам анкетированияния покупателей (анкета даромад ва ассортимент нархларининг очиқлиги ҳакида саволларни қамраб олади) қўйидагилар тузилиши мумкин:

- мақсадли сегментнинг ўртача даромади харид лаёқати кўрсаткичлари

$$K = \sum \frac{pq}{d}$$

бу ерда  $\sum pq$  - «ўртача» (доимий) харидор маҳсулот саватининг нархи ёки битта харид қиймати (тадқиқот мақсадига қараб);

- даромад бўйича нарх эгилувчанлиги эмпирик ва назарий коэффициентлари

$$\vartheta = \frac{P_1 - P_0}{d_1 - d_0} \cdot \frac{\bar{p}}{d}$$

$$\vartheta_{p/d} = f'(d) \frac{d}{p}$$

бу ерда  $f'(d)$  – мос келувчи  $p=f(d)$  регрессион моделининг ҳосиласи

- нархнинг турии ассортимент позицияларига ва харидорлар даромадларидан товар гуруҳларига боғлиқлик моделлари

$$p = f(d)$$

бу ерда  $p$  – нарх

$d$  – ушбу товар харидорлари ўртача даромади.

Ўртача даромад харид лаёқати кўрсаткичи харидорнинг ойлик даромадида унинг хаёти учун зарур бўлган ва ушбу магазинда харид

қилинган товарлар қандай улушга эгалиги ёки у ўзининг ўртача ойлик даромадига ушбу магазинда бир ой давомида қанча харид амалга ошириши мумкинлигини тавсифлайди.

Нарх эгилувчанлигига таъсир этувчи омиллар серқирра ва хилма-хилдир. Масалан, нарх эгилувчанлиги товар гурухининг агрегацияланганлик даражасига, ўринбосар товарлар мавжудлигина боғлиқ бўлади: улар қанчалик кўп бўлса, уларнинг хоссалари қанчалик якин бўлса, товар нархи шунчалик эгилувчан бўлади. Нарх эгилувчанлиги шунингдек, товардан фойдаланиш имкониятлари хилма-хиллигига ҳам боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, товарга талаб нарх эгилувчанлиги турли нарх даражаларида, даромад даражаси турлича бўлган истеъмолчилар учун, киска муддатли ва узоқ муддатли даврда хар хил бўлади.

#### 9.4. Маркали нарх шаклланиши, ёндашув ва баҳолаш. Марка нархи

Маркали нарх шакллантириш стратегиясида савдо маркалари унинг воситасида марка нархи ёки фойдалигини оширишга ҳаракат қилиб кўриладиган восита сифатида кўриб чикилади. Агар компания ў маркасидан актив сифатида фойдаланадиган бўлса, унга мукофот нархи белгилайди.

Маркали нарх шакллантириш молиялаштириш (товар ёки хизматлар) нархини белгилашга анъянавий ёндашувлардан фарқ қиласи. маркали нарх шакллантиришишда номоддий активларни хисобга олиш зарур, чунончи: марканинг актив сифатидаги қийматини амалга ошириш, яъни унинг фойдалигини ошириш – марка позициясини, инвестиция сиёсати ва тақсимот каналарини белгилаш, яъни марка активларини бошқариш жараёнининг барча таркибий қисмларини хисобга олиш талаб этилади.



Россияда ўрта синф вакилларининг афзал кўришларини аниқлаш мақсадида «Эксперт» журнали буортмаси бўйича ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, сўровда иштирок этганларнинг катта қисми сифат юқорилигини товар ёки фирма маркасининг машҳурлик даражаси билан боғлайди.

Мамлакатда хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий фаолиятида брендинг концепцияси ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб фаол кўллана бошлади.

### МИСОЛ

90-йилларнинг бошларида Россия бозорида 200 га яқин товар гурухлари мавжуд бўлган бўлса, 2001 йилга келиб товар гурухлари сони 1400 дан ошиб кетди, яъни товар гурухларининг етти карра ўсиши кузатилди. Сўнгги ўн йил давомида ҳар бир гуруҳда маркалар сони йигирма баравар ўсиши рўй берди: XX асрнинг 90-йилларида 3-5 та маркадан 2001 йилга келиб юзлаб маркагача. Спиртли ичимликлар синфида 20 000 марка қайд қилинган. Жами 10 йил ичida Россия бозори бошқа мамлакатлар юз йилда босиб ўтган йўлдан ўтишининг улдасидан чиқди.

*Манба:* Рекунов С. Четыре новых шага для увеличения доли на рынке // Материалы выступлений / Ассамблея «Розница и Дистрибуция».

Афтидан, маркали товарлар таклифи Россияда ижтимоий-иктисодий ҳодиса сифатида сўнгти йилларда оммавий характерга эга бўлмоқда ва қиёсий таҳлил ишонч билан бу ўсишнинг давом этаётганини айтишга имкон беради.

Корхоналар марка сиёсатининг асосий вазифаларидан бири нархга оид ракобатдан маҳсулотни дифференциация қилиш томон ўтиш ва оқибатда марка билан боғлиқ равишда тасаввур қилинадиган, қабул қилинадиган

юкори сифат даражаси белгилаш имконияти ҳисобланади. Истемолчи учун бу ҳолатда нарх маҳсулотнинг функционал ва эмоционал қимматини мустаҳкамлаш сифатида намоён бўлади.

Марка нархи бу – «номиз» маҳсулот билан таққослганда бозор маркали маҳсулот учун тўлашга тайёр бўлган нархга устама (мукофот), маркали нарх шакллантириш эса – «унинг номи остида таклиф этилаётган товарлар ва хизматларга нарх белгилаш мақсадида марка нуктаи назаридан интеграцияланган киёфа таркиби қисмларидан фойдаланиш» ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, брэндинг концепциясини кўллаш учун ҳар бир товар, бозор, тармоқ ҳам имконият тақдим этмайди.

### Мисол

#### 9.2-жадвал

##### Пул оқимларини шакллантиришда марканинг роли

| Тармоқлар                | Моддий активлар, % | Номоддий активлар, % |          |
|--------------------------|--------------------|----------------------|----------|
|                          |                    | Маркалар, %          | Бошқалар |
| Коммунал хўжалик         | 70                 | 0                    | 30       |
| Оғир саноат              | 70                 | 5                    | 25       |
| Фармацевтика             | 40                 | 10                   | 50       |
| Чакана савдо             | 70                 | 15                   | 15       |
| Ахборот технологиялари   | 30                 | 20                   | 50       |
| Автомобилсозлик          | 50                 | 30                   | 20       |
| Молиявий хизматлар       | 20                 | 30                   | 50       |
| Озик-овқат ва ичимликлар | 40                 | 55                   | 5        |
| Зеб-зийнат буюмлари      | 25                 | 70                   | 5        |

*Манба:* Дойль П. Маркетинг, ориентированный на стоимость / Пер. с англ.; Под ред. Ю.Н. Каптуревского. СПб.: Питер, 2014. С. 298.

Корхонанинг марка сиёсатига қўйилмалар самарадорлигини баҳолаш муаммосини ҳал қилиш бўйича мухим қадамлардан бири сифатида 80-йилларнинг ўрталарида «маркали капитал» (brand equity) тушунчаси жорий қилинишини тан олиш лозим. Молия соҳасидан ўзлаштирилган «капитал» тушунчаси марка узок муддатли даврда фойда келтиришга қодир, шу сабабли

улардан олинадиган самара жорий молия йилида намоён бўлиши шарт бўлмаган инвестициялар талаб қиласидаги номоддий актив бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.

Энг умумий кўринишда

**маркали капитални** маркадан фойдаланиш натижасида маҳсулот эга бўладиган қўшимча қиймат сифатида таърифлаш мумкин.

Бу кўрсаткични ўчанадиган килиш вазифаси амалиётда маркали капитални маркани билиш, бозор улуш ва бошқа катор баҳоларга ажратиш йўли билан бажариш мумкин. Сўнгра улар икки кўрсаткичга агрегацияланади ва ўқлар бўйича «юқори-ўрта-паст» ўлчов даражаларига эга матрица кўринишида акс эттирилади. Маркали капитални марканинг «қўшилган қиммати» сифатида бундай ўлчаш қоидага кўра, уларни квантификация қилиш маҳсус ишлаб чиқилган шкалалар ёрдамида амалга ошириладиган сифат кўрсаткичларини кўриб чиқади. Бироқ «қўшилган қиммат»дан ташқари маркали капитални «қўшилган қиймат» сифатида (иккаласи ҳам - added value) талқин қилиш мумкин. Бу ҳолатда гап марканининг миқдорий эмас, пул баҳоси ҳакида боради (brand value).

Брендлар қийматини аниқлашнинг энг тарқалган усуллари: дисконтланган пул оқимлари (DCF) усули, нарх мукофоти усули, роялти ажратиш усули, марка яратиш ҳаражатларини ҳисобга олиш усули ва бошқалар.

Корхоналарнинг бозордаги фаолияти кўп сонли ва хилма-хил рисклар мавжудлиги билан тавсифланади. Уларни ҳисобга олиш учун бизнес-режа



тузишда келажакдаги пл оқимлари қуйидаги формула бўйича аниқланадиган пасайтирувчи коэффициентлар ёрдамида дисконтланади:

$$\frac{1}{(1+r)^n}$$

бу ерда

$r$  – дисконтлаш ставкаси,

$n$  – йиллар сони.

Дисконтлаш ставкаси тармок рискини ҳисобга олган ҳолда (масалан, юкори технологияли компаниялар озиқ-овқат саноати корхоналаридан кўра кўпроқ риск даражасига эга) тузатиш киритилган рисксиз фойда меъёри (узок муддатди давлат қимматли қофзлари даромадлиликга тенг) ва капитал киритиш риски учун мукофотдан (инвесторлар бизнес лойиҳасига пул киритишдан олишни режалаштирган қўшимча даромад) ташкил топади.

Нарх шакллантиришда маркали ёндашувни қўллаш рискларни бошқариш учун қўшимча восита беради. Бунинг учун моделга марканинг бета-баҳоси киритилади:

**Дисконтлаш ставкаси = Рисксиз фойда меъёри + (Капитал киритиш риски учун мукофот x Тармок риски) x Бета-баҳо**

Кучли марка дисконтлаш ставкасини пасайтиради ва марка ҳисобига ишлаб чиқиладиган келажакдаги пул оқимлари олиш рискини пасайтиришга имкон беради.

Марканинг бета-баҳосини аниқлаш учун уларнинг қийматлар йигиндиси далилга ( $X$  ўқи), функция қиймати эса – марканинг бета-баҳосига ( $Y$  ўқи) айланадиган ўнта омил мавжудлиги ва даражаси баҳоланади (рақобатчилар билан таққослаганда).

### 9.3-жадвал

#### Марканинг бета-баҳосига таъсир этувчи омилларни баҳолаш

| №  | Кўрсаткич                         | Баҳо  |
|----|-----------------------------------|-------|
| 1  | Марканинг бозорда мавжудлик вақти | 0-10  |
| 2  | Дистрибуция самарадорлиги         | 0-10  |
| 3  | Бозор улуши                       | 0-10  |
| 4  | Маркани чизиқли кенгайтириш       | 0-10  |
| 5  | Сотувнинг ўсиш суръати            | 0-10  |
| 6  | Нарх мукофоти                     | 0-10  |
| 7  | Нарх эгилувчанлиги                | 0-10  |
| 8  | Маркетинг харажатлари             | 0-10  |
| 9  | Рекламанинг сезилганлик даражаси  | 0-10  |
| 10 | Маркани билиш                     | 0-10  |
|    | Жами:                             | 0-100 |

Нарх эгилувчанлиги ва нарх мукофоти марканинг бета-баҳосига таъсир этувчи муҳим нарх омиллари хисобланади.

Нарх мукофоти бу – истеъмолчиларнинг маркага содиклиги натижасида вужудга келадиган ўртача бозор нархига устама.

#### Марка нархи = ўртача бозор нархи + нарх мукофоти

Энг катта фойдани нафақат энг қиммат маҳсулот сотадиган, балки бунда сезиларли бозор улушига ҳам эга бўлганлар олади. Бунда таъкидлаш жоизки, маҳсулотга рақобат шароитларида юқори нарх белгилаш ва катта сотув ҳажмига (жумладан, минтақавий бозорларга) эга бўлишга имкон берадиган амалда ягона тамоил маркали нарх шакллантириш хисобланади.

Нарх мукофоти қанчалик юқори бўлса (бошқа барча шартлар бир хил бўлганда), марканинг бета-баҳоси ва дисконтлаш ставкаси шунчалик паст бўлади. Демак, марка яратадиган даромадларнинг дисконтлаш коэффициенти ва соғ келтирилган қиймати (NPV) кўпроқ бўлади, яъни марка учун қўшимча тўлов мавжудлиги компаниянинг пул оқимларини оширади. Марка



қийматини нарх мукофоти асосида баҳолаш истеъмолчи тўлайдиган нарх мукофотини (брэнд учун қўшимча тўлов) аниқлаш ва уни марканинг ҳаётийлик даври давомидаги сотув ҳажмига қўпайтиришини тақозо этади. Бундай пулли баҳолаш ҳақиқатда баҳоланаётган марка ҳисобига келиб тушаётган пул оқимлари билан тўғридан-тўғри боғлиқ эмас. Ушбу ёндашув олинган баҳо рақобатлашувчи брэндинг худди шундай кўрсаткичи билан таққосланган ҳолатда ўзига хос аҳамиятга эга бўлади.

Нарх мукофоти ҳаттоқи товарнинг жисмоний хусусиятлар тўлиқ айнан бир хил бўлган ҳолатда ҳам мавжуд бўлиши мумкин (бу брэндинг маҳсулотини таъкидлайди – қўшилган қиймат яратиш, ҳаттоқи эмоционал устунликлар ёки шахсий камол топиш учун фойда шаклида бўлса ҳам).

#### МИСОЛ

Бир пайтлар Hitachi ва General Electric (GE) Англияда иккала компания учун телевизорлар ишлаб чиқарадиган заводга биргаликда эгалик қиласиди. Асосий фарқ факат телевизорнинг маркали номида эди. Лекин шунга карамай, Hitachi телевизорлари GE телевизорлари билан таққослаганда 75 доллар стама билан сотиларди. Бунинг устига, Hitachi сотувлари, кейинги марка нархи арzon бўлишига карамай, GE сотувларидан икки баравар ортиқ эди.

Манба: Norman Berry, Revitalizing Brands//Journal of Consumer Marketing 5, no.3(2016): 15—20. Цит. по изд.: ТраутДж., Ривкин С.

Шундай қилиб, нарх мукофотини нархнинг структурали элементи сифатида баҳолаш марканинг бозор кучи ва уни бошқариш самарадорлиги тавсифномаси сифатида мустакил таҳлилий қимматга эга, шунингдек, марка қийматини ҳисоблаб чиқишга имкон беради. Бу жиҳатдан нархларни таҳлил



қилишнинг вазифаси нарх мукофоти вазифаларини бажариш имкониятини, унинг товар бозорида мавжудлиги ва даражасини аниқлаш ҳисобланади.

1. Нарх мукофотини аниқлаш учун Д.Аакер (University of California, Berkley) сўровнома усулидан фойдаланишни таклиф этган. Сўровнома давомида истеъмолчиларга қўйидаги кўринишда бўлган саволлар берилиши мумкин:

- «A» маркали товар нархи –  $x$  рубль. Сиз «A» марка ўрнига худди шундай кутида «Б» маркали товар харид қилиш учун кўшимча қанча тўлашга тайёrsиз?
- Сиз брендни алмаштиришингиз учун «Б» марка «A» маркадан неча % арzon бўлиши лозим?
- «A» маркали товар харид қилишда сиз нимани афзал кўрган бўлардингиз: «A» маркали товарни  $x$  рублгами ёки «Б» маркали товар у рублгами?

2. Нарх мукофотини аниқлаш усулларидан бири шунингдек, товар нархини ўртача бозор нархи билан таққослаш ҳам ҳисобланади.

Омилларни бундай тақсимлаш сут танлашда истеъмолчилар товар нархидан кўра кўпроқ унинг маркаси ва сифатига эътибор қаратади деган фикри илгари суришга имкон беради.

Асосий эътиборни сифатга қаратадиган харидорлар (сифат марка капиталининг бир қисми сифатида кўриб чиқилади) унинг учун нарх даражасини мухим деб ҳисоблайдиган харидорлардан кўра ўртача платят за него в среднем дороже на 29 (17 дан 41 гача) тийин кўпроқ тўйлади. Биринчи ҳолатда нарх доираси 2,72-2,82 рублни, иккинчи ҳолатда эса - 2,31-2,65 рублни ташкил қилди. Нарх мукофоти статистик боғлик кўрсаткич ҳисобланади.

Маркали маҳсулот сифатида фаол реклама қилинадиган 1 литр стерилизация қилинган сутнинг ўртача ўлчанган қиймати (учта энг оммавий марка: «M1», «M2» ва «M3») 2,8 рублга, маркали товар сифатида

жойлаштирилмайдиган сут нархи - 2,6 рублга teng, яъни бренд учун кўшимча тўлов 20 тийинни ташкил қиласи (9.4-жадвал).

#### 9.4-жадвал

##### Сут нархининг марка омили ҳисобига фарқланиш кўрсаткичлари

|                      | Респондентлар сони (N), киши | Нарх ўртача қиймати, литр учун тийин | Стандарт нарх фарқланиши | Ўртача нарх стандарт хатоси |
|----------------------|------------------------------|--------------------------------------|--------------------------|-----------------------------|
| Кучсиз сут маркалари | 108                          | 257,78                               | 58,87                    | 5,66                        |
| Кучли сут маркалари  | 300                          | 278,23                               | 39,92                    | 2,30                        |

Бозор етакчиси - «M1» марка ва етакчиликка даъвогар - «M2» марка ҳақиқатдан нарх мукофотига эга. Бозор улуши бўйича учинчи ўринда турадиган «M3» марка ўртача бозор нархидан паст нархда сотилади.

Лекин шунга қарамай, хuloscha чиқариш мумкинки, маркали сут умуман олганда статистик ахамиятга молик нарх мукофотига (брэнд учун кўшимча тўлов) эга, яъни ушбу бозорда брэндга инвестициялар мақсадга мувофик.

3. Нарх мукофотини ҳисобга олган ҳолда оптималь нарх белгилаш вазифаси нарх эгилувчанлигини баҳолашнинг график усули ёрдамида ҳал этилиши мумкин.

Шундай килиб, стерилизация қилинган сут маҳсулотлари бозорида нарх мукофоти олишини таъминлайдиган маркали нарх шакллантириш имконияти мавжуд.



Нарх мукофотини баҳолаш учун регрессия таҳлили усуллари ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, кўриб чиқилаётган моделда нарх боғланган ўзгарувчи сифатида, техник тавсифномалар ва брэнд эса – мустақил ўзагрувчилар сифатида кўриб чиқилади. Бундай ёндашувда брэнд

ўзгарувчисида коэффициент нарх мукофоти сифатида, бошка тавсифномалардаги коэффициентлар эса – кузатилаётган атрибутлар қиммати сифатида намоён бўлади.

$$p = a_0 + a_v \sigma + a_1 x_1 + a_2 x_2 + a_3 x_3 + \dots a_n x_i$$

бу ерда

$a_v$  – товар бозори учун марканинг нарх мукофоти,

$\sigma$  – марканинг қалбаки ўзгарувчили (бор бўлса - 1, йўқ бўлса - 0),

$a_n$  – товар нархидаги ҳар бир сифат тавсифномасининг вазни ( $x$  кўрсаткич қиймати  $(\Delta p / \Delta x_i)$  бирликка ўзгарганда  $p$  нарх ўзгаришини тавсифлайди),

$x_i$  – товарнинг функционал кўрсаткичлари.

Таҳлил қўйидаги гурухлар бўйича дифференциация қилиниши мумкин:

- бир хил функционал тавсифномаларга эга товарлар;
- битта ишлаб чиқарувчининг тури маркадаги товарлари;
- тури гуруҳдаги товарлар;
- бозорнинг қиммат ва арzon сегментлари.

Хусусан, регрессия таҳлили маҳсулот линиясидаги бошка маҳсулотлар билан боғлиқ маркали капиталга юкори сифатли маҳсулотлар ёки «тежамкор» товарлар хисобига маҳсулот линиясини кенгайтириш таъсирини баҳолаш учун фойдаланилиши мумкин.

## МИСОЛ

Агар Lexus моделлари унинг товар линияси бир қисми сифатида таклиф этилганида (масалан, Toyota LS400) Toyota марка капитали ўсган бўлардими? Маҳсулот линиясига тежамкор автомобиллар (масалан, Lexus Corolla) киритилиши билан Lexus марка капитали камайган бўлардими? Америкалик олимларнинг тоб велосипедлари бозоридаги тадқиқотлари натижалари муаммонинг долзарблигини тасдиқлади: респондентларнинг 63%и юкори сифатли маркалар ишлаб чиқарувчиларнинг товарларини арzon

товар ишлаб чиқарувчи ракобатчиларнинг эквивалент товарига карши афзал кўради.

*Манба:* Randall T., Ulrich K., Reibstein D. Brand Equity and Vertical Product Line Extent// University of Florida [Electronic resource]. — Electronic data — Gainesville. — Mode of access: bear.cba.ufl.edu/centers/MKS/articles/688105.pdf, free. — Title from screen.

## Қисқа хуносалар

Нарх ва сифат нисбати тушунчаси ўзи нима, уни қўллашда нималарга эътибор қартиш керак эканлиги нарх шакллантиришда мухим роль ўйнайди.

Нарх – математик кўрсаткич, бу ерда ҳаммаси оддий. Прайс-лист бор – нарх бор. Кўпинча «Бу ерда нарх жуда қиммат экан» деган фикрни эшлиш мумкин.

Ишончлилик ҳам муносиб даражада бўлиши талаб этилади.

Келиб чиқадики, нарх ва сифат нисбати – ўзгарувчан ва маҳсулотдан фойдаланиш шароитларига боғлиқ равишда кучли ўзгариб турадиган кўрсаткич саналади. Битта тизимнинг ўзида бу нисбат турлича бўлиши мумкин.

Товарнинг бозордаги ракобатбардошлиги унинг қиймат (харидорнинг товарни харид қилиш нархи ва фойдаланиш ёки истеъмол жараёнида хизмат кўрсатиш қиймати хисобга олинади) ва истеъмол тавсифномаларини бозор талаби шакллантирадиган бошка товарлар тавсифномалари билан таққослаш йўли билан аниқланади.

Ракобатбардошлик истеъмол мезонлари сифат тавсифномалари билан ифодаланади.

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти ISO томонидан сифатга қўйидагича таъриф берилади: **сифат** – объектнинг аниқланган ва тахмин қилинган эҳтиёжларни кондиришга кодирлиги борасидаги тавсифномалари йигиндиси.

**Товар сифати** бу – товар маҳсулотининг ҳар битта бирлигини ишлаб чиқаришда белгиланган техник даражага эришиш даражасидир. У ёки органолептик усул билан (хис қилиш органлари ёрдамида), ёки турли ускуналар, аппаратлар, реактивлар ва бошқа техник воситалардан фойдаланган ҳолда лаборатория тадқикотлари орқали аниқланади.

Нарх эгилувчанлиги – ўзига хос бозор ходисаси бўлиб, талаб ва таклиф қонунининг амал қилиши билан асосланади. Эгилувчанлик иқтисодий мазмуни таҳлил қилинаётган бозор кўрсаткичининг қолган барча омиллар ўзгармасдан колганда битта қандайдир омилнинг ўзгаришига боғлиқлик даражасида намоён бўлади.

Маркетингда нарх бўйича талаб эгилувчанлигини баҳолаш учун эгилувчанлик коэффициенти қўлланади.

Эгилувчанлик коэффициенти омилли белгининг 1% ўзгариши натижали белгининг фоиздаги ўзгаришини тавсифлайди.

Тўғри (битта товар учун кўрсаткичлар) ва чапараст (иккита товар учун кўрсаткичлар) эгилувчанлик коэффициентлари фарқланади.

#### Назорат учун саволлар

1. Нарх ва сифат нисбатини баҳолаш қандай амалга оширилади?
2. Нарх сифати бўйича рақобатбардошликни хисоблаш усуслари ҳакида нималар биласиз?
3. Товар сифати деганда нимани тушунасиз?
4. Нарх эгилувчанлиги нима?
5. Қатор нарх омиллари бўйича нарх эгилувчанлиги нима?
6. Истеъмолчилярнинг харид лаёқати ҳақида нималар биласиз?
7. Нарх эгилувчанлигига қайси омиллар таъсир кўрсатади?
8. Маркали нарх шаклланиши, ёндашув ва баҳолаш.

9. Марка нархи ҳакида нималар биласиз?

10. Дисконтлаш ставкаси тармок рискини ҳисобга олиш деганда нимани тушунасиз?

#### Тест топшириклари

1. «Ёрдамчи товарга зарар келтирадиган нархлар» тактикаси қўйидаги максадни қўзламайди:

- A. харидорларни бошқа товарлар устамиа нарх билан сотиладиган магазинга жалб қилиш;
- B. киска муддатли фойдани ошириш;
- C. ташриф буюрувчилар сонини ошириш;
- D. омборда ортиқча миқдори тўпланиб қолган товарни сотиш.

2. Кимошибди нарх шакллантириш сули қўйидагига йўналтирилган усусларга киради:

- A. харажатлар;
- B. талаб;
- C. рақобат;
- D. таклиф

3. Нарх шакллантиришнинг харажатлар усулига хос бўлган камчилик биринчи навбатда шундаки, улар:

- A. хисоб-китоб қилиш учун мураккаб;
- B. рақобатчилар харажатлари ҳакида ахборот мавжудлигини назарда тутади;
- C. жорий талабни ҳисобга олмайди;
- D. доимий харажатларни товарлар ўртасида тақсимлашни мураккаблаштиради.

4. Товар нархини алоҳида деталлар ёки якунланган маҳсулотлар нархи йиғиндиси сифатида қўйидаги усул белгилаб беради:

- A. ўзгарувчан нархлар асосида ҳисоб-китоб қилиш;

- Б. параметрик;
- В. агрегатли;
- Г. тескари хисоб-китоб қилиш.

**5. Нарх шакллантиришининг қуйидагиларга йўналтирилган усуллари фарқланади:**

- А. талаб, харажатлар, воситачилар;
- Б. харажатлар, талаб, рақобатчилар;
- В. рақобатчилар, воситачилар, харажатлар;
- Г. харажатлар, рақобатчилар, ўртacha бозор нархи.

**6. Товарлар ва хизматларни Интернет-магазинлар орқали харид қилишда қуйидаги тўлов шаклидан фойдаланилмайди:**

- А. курьерга нақд пул тўлаш;
- Б. кўрсатилган ҳақни тўлаб олиш йўли билан;
- В. бартер;
- Г. почта орқали ўтказма

**7. Истеъмолчилар танланма панели респонденти ушбу товар учун бундан ортиқ нарх тўлашга тайёр бўлмаган нархни айтадиган нархни синаб кўриш усули қуйидагича аталади:**

- А. «энг сўнгги нарх» усули;
- Б. «сотвни ошириш нархи» усули;
- В. «психологик нарх» усули;
- Г. Ван Вестерндорп усули

**8. Интернет тадқикотлари барча усулларининг камчилиги:**

- А. тадқикот репрезентатив эмаслиги;
- Б. маълумотларга эга бўлиш қийинлиги;
- В. қимматга тушадиган тадқикотлар;
- Г. тадқикотидан юкори малака талаб этилади.

**9. Нархни синаб кўриш тўғридан-тўғри усуллари камчилиги шундан иборатки:**

А. истеъмолчи маҳсулотлар ва уларнинг нарх даражасида мўлжал топиши қийин;

- Б. интервью оувчи натижаларга таъсир этиши мумкин;
- В. истеъмолчи ундан маҳсулот учун қанча пул тўлашга тайёр эканлигини билиш истагида эканликларини осон билиб олиши мумкин;
- Г. ушбу усуллар факат in-hall усули билан амалга оширилиши мумкин.

**10. Нархлар интернет тадқикотлари асосий йўналишига қуйидагилар киритилади:**

- А. нархларни наф келтирадиган харид мақсадида тадқиқ этиш;
- Б. рақобатчилар нархларини тадқиқ этиш;
- В. потенциал харидорларнинг фирма товарлари нархлари борасидаги фикрларини тадқиқ этиш;
- Г. юкоридагиларнинг барчаси.

## 10 – БОБ. МАРКЕТИНГДА НАРХ ТАДҚИҚОТЛАРИ: ТАҲЛИЛ ВА БАШОРАТЛАШ

### 10.1. Нархларнинг ҳолати ва ўзаро таъсирини таҳлил қилиш

Нарх – мураккаб тизим, тижорат фаолияти ва бозор механизмининг таркибий элементидир. Бозорда нарх хулқ-атвори объектив характерга эга бўлиб, қонуний ва нархнинг ўзи каби қатор объектив омиллар таъсири остида бўлади.

Нархни таҳлил қилишнинг биринчи босқичи бу – нархлар ҳолати ва уларнинг ўзаро алоқаларини тавсифлаш бўлиб, нархлар даражаси ва структурасини, уларнинг ўзаро алоқалари ва нисбатларини ўрганиши камраб олади.

Нархларни таҳлил қилиш, қоидага кўра, гурухлаш усули билан уларнинг маълум типга хослигини излашдан бошланади. Гурухлаш учун асос бўлиб қуйидагилар тавсифномаси хизмат қилиши мумкин: товарлар (истеъмол вазифалари, хомашё тури, бир-бирининг ўрнини боса олиш), минтақалар (турмуш даражаси, ахоли бандлиги), харидорлар (даромад даражаси, ижтимоий белгилар, харидорлар хулқ-атвори), магазинлар (айланма, ташкилот тури, мулкчилик шакли, жойлашуви, нархнинг ўсиш суръати ва даражаси) ва бошқалар.

Энг омилли гурухлаш амалиётда тобора кенг қўлланилмоқда. Энг истиқболли гурухлаш усусларидан бири кластерли таҳлил усули бўлиб, у бир неча хил асосий товар турларининг нарх даражаси бўйича бир хил турда бўлган магазинлар, бозорлар, минтақалар гурухларини аниқлашга имкон беради. Бундай таҳлилнинг мақсади бошланғич нарх кузатувларини аниқ



ифодаланган, бир-биридан белгиланган масофада бўлган, лекин худди шундай узоқ қисмларга таксимланмайдиган гурухларга табиий равиша ажратиш ҳисобланади. Таҳлил объектлар ҳар бир жуфтлиги мос келувчи тавсифномалари ўртасидаги масофани аниқлаш ва келгусида улардан биронта белгиси бўйича бир хил бўлган кластерлар (гурухлар) ажратиш тамойилига асосланади. Минимал масофа танлаш объектларни бирлаштиришга (максимал масофа – таксимлашга) имкон беради.

Объектлар ўртасидаги масофа қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$R(p_i, p_j) = \sqrt{\sum w_l (p_{il} - p_{jl})^2}$$

бу ерда

$p_{il}, p_{jl}$  –  $i$  ва  $j$  объектларда  $l$  товар нархи киймати,

$w_l$  – товарлар умумий йигиндисини сотища  $l$ -товар улуши (бундай ахборот мавжуд бўлганда фойдаланилади).

Кластерларни аниқлашнинг хилма-хил алгоритмлари SPSS, Statistica каби амалий дастурлар махсус пакетларида амалга оширилган.

Кенг ассортимент гурухларидағи товарларга эгалик қиласидиган, минтакавий манбаатлар ёки бўлинмаларга эга бўлган компаниялар менежерлари қуйидаги нарх даражасини билиши ва маркетинг карорлари қабул қилишда фойдаланиши лозим:

- 1) индивидуал нарх даражаси, яъни товар бирлигининг номинал нархи;
- 2) модал даражаси – сотувда энг кўп учрайдиган даражаси;
- 3) ўртача нарх даражаси, у кўплаб индивидуал олди-сотди ҳаракатлари нархларини ўртачалаштиради, нархларнинг эҳтимолий ўзгариб туришларини юмшатади ва қоидага кўра, нафақат индивидуал нарх даражаларини, балки бу нархларда сотиш ҳажмини ҳам акс эттирадиган ўртача (типик) кўрсаткич сифатида намоён бўлади.

Ўртача нарх куйидагилар учун умумлаштирилган тавсифнома хисобланади:

- бир хил турдаги товар бирліклари йиғиндиси (товар гурухи) нархи;
- вакт бүйича турли варианtlарда бўладиган нархлар (масалан, товарнинг ўртача йиллик нархи);
- битта товарнинг худудий нархлари;
- магазинлар ва фирмалар йиғиндиси бўйича товар нархи.

Даража кўрсаткичи маркетологга компания товарлари нархларини маҳаллий ва минтақавий ракобатчилар нархлари, шу турдаги товарнинг тармоқ, минтақа ва мамлакат бўйича ўртача нархлари билан таққослаш имконини беради.

Ўртача нархни хисоб-китоб килиш учун формула танлаш мавжуд ахборотларга боғлиқ. Агар йиғиндининг қисмлари тахминан teng деб хисобланса ёки ҳар бир нархнинг вазнлилик омили маълум бир сабабга кўра эътибор қаратилмаса, ўртача нархни хисоб-китоб килиш оддий ўртача арифметик кўрсаткич формуласи бўйича амалга оширилади:

$$\bar{p} = \frac{\sum_{i=1}^n p_i}{n}$$

Агар натурал ифодада ёки қиймат бирлікларида сотув ҳажми маълум бўлса, бунда мос равишда ўртача арифметик ёки ўртача уйғунликда ўлчангандан кўрсаткич фойдаланилади:



$$\bar{p} = \frac{\sum_{i=1}^n p_i q_i}{\sum_{i=1}^n q_i}$$

$$\bar{p} = \frac{\sum_{i=1}^n p_i q_i}{\sum_{i=1}^n p_i q_i / p_i}$$

бу ерда

$p_i$  – товарнинг  $i$ -тури (ёки  $i$ -минтақа, ёки  $i$ -санадагӣ) нархи

$q_i$  –  $i$ -товар турининг миқдори

$n$  – товар турлари сони.

Худудлар бўйича ўртача нархни аниклашда кўрсаткич вазни сифатида аҳоли сони ( $S$ ) ёки оиласавий фойдаланиладиган товарлар учун оиласалар сони кўрсаткичидан фойдаланишга йўл қўйилади, чунки сотувлар сони, қоидага кўра, товар истеъмоли сонига тўғри пропорционал бўлади:

$$\bar{p} = \frac{\sum_{i=1}^n p_i S_i}{\sum_{i=1}^n S_i}$$

Агар бошқа маълумотлар йўқлигига эски ва янги нарх бўйича савдо кунлари сони ( $t$ ) маълум бўлса, хисоб-китоб ўртача уйғунликдаги кўрсаткич бўйича амалга оширилади:

$$\bar{p} = \frac{\sum_{i=1}^n t_i}{\sum_{i=1}^n \frac{t_i}{p_i}}$$

Ўртача уйғунлик формуласидан фойдаланиш шу билан изоҳланади, нархнинг ўсиши маълум вактга товар сотув бўйича айланмани пасайтиради, ўртача арифметик кўрсаткичдан фойдаланиш бундай вазиятда ўртача нархни шакллантиришда юқори нарх ролини ошириб юборган бўларди. Ушбу ҳолатда вакт ўртача кўрсаткич вазни сифатида намоён бўлади: узокроқ муддат давомида кўпроқ товарлар сотилади деб тахмин қилинади.

Юкорида келтирилган формулаларда мутлак вазн ўрнига уларнинг салмоги пропорцияларидан фойдаланиш худди шундай натижага олиб келади, ҳисоб-китобларни соддалаштириши мумкин бўлади, аник вазнлар йўклигига уларнинг тахминий, баҳолаш (экспертлар) вазни билан алмаштиришга имкон беради.

## 10.2. Нарх даражасини баҳолаш. Тахлилнинг мақсади

Нарх бўйича мутахассис фирманинг ушбу бозордаги тижорат фаолияти истиқболларини олдиндан кўра олиш, баркарор мувоффақият ва ўз таъсирини янада кенгайтириш учун шароитлар яратиш мақсадида нархларни даромад билан, муайян жойдаги аҳолининг турли қатламлари харид лаёкати билан тақкослаш имкониятига эга бўлиши лозим. нархлар даражасини дифференциация қилиш истеъмолчилар пул даромадининг харид лаёкатини ифодалайдиган нисбий кўрсаткични ҳисоб-китоб қилиш оркали амалга оширилади:



- товар нархининг ( $(p_i)$ ) товар гурӯҳининг) аҳоли ўртача пул даромадига нисбати ( $d_j$ ):  $p_{ij} = \frac{p_i}{d_j}$
- истеъмол саватчаси қийматининг ( $p_i \times q_i$ ) аҳоли (мос равища ижтимоий, минтақавий гурӯҳлар) ўртача пул даромадига ( $d_j$ ) нисбати:

$$p_{ij} = \frac{p_i \times q_i}{d_j}$$

Харидор истеъмол бозорида нарх бўйича, нарх ва сифат мувофиқлиги бўйича асосий эксперт сифатида иштирок этади. Шу сабабли нарх

тадқикотларининг муҳим таркибий кисми истеъмолчиларнинг нарх даражаси, нарх/сифат нисбати ҳақида тасаввурларини аниқлаш ва баҳолаш ҳисобланади. Бундай алоқаларнинг бир маънога эга эмаслиги истеъмол бозори нархларини таҳлил қилиш олдига уларни аниқлаш ва миқдорий ифодалаш вазифасини кўяди. Шунингдек, куйидагилар ҳам вазифалар ҳисобланади:

- сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича аҳборот тўплаш ва маълумотлар тўплами шакллантириш;
- турли хилдаги сифат кўрсаткичларини битта, умумлаштирувчи кўрсаткичга агрегациялаш;
- сифат бўйича рақобатбардош нарх шакллантиришни таҳлилий асослаб бериш;
- нарх ва сифат нисбатини (мувофиқлигини) баҳолаш;
- нарх ва сифат нисбати динамикасини баҳолаш;
- нархнинг сифатга боғлиқлигини моделлаштириш.

Умуман олганда, нарх ва сифат ўзаро алоқаларини таҳлил қилиш корхонанинг стратегик вазифаларига бўйсунади ва стратегик маркетинг доирасида танланган сифат-қиммат асосида жойлаштириш вариантига йўналтирилади.



Товар нархи ва сифати мувофиқлигини таҳлил қилиш статикада ҳам, динамикада ҳам амалга оширилади, нафақат истеъмолчилар ва эксперталар баҳоларини, балки қиёсий тахлилни (эталон билан, савдо корхоналари ва рақобатчи товарларнинг худди шундай кўрсаткичлари билан) ҳам камраб олади.

Таҳлил қилиш учун зарур ахборот олишнинг энг тарқалган усули – истеъмолчилар ёки харидорлар, сотувчилар, экспертлар ўртасида анкета сўровномаси ўтказишдир.

Сўровномаларнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

1.Истеъмолчи учун энг муҳим бўлган сифат тавсифномаларини аниқлаш, уларни муҳимлик даражаси бўйича рангларга ажратиш.

2.Харид мотивациялари орасида нархнинг ўрнини аниқлаш.

3.Тўғри нарх ҳақида ва кўп сонли истеъмолчилар учун «нарх мақбуллиги айриси» ҳакида тасаввурни аниқлаш.

4.Нарх ва сифат нисбатига ва уларнинг ўзгаришига реакцияни аниқлаш.

5.Истеъмоchlарнинг сифаттага бўлган объектив ва субъектив талабларига мувофиқ нархларни дифференциация қилиш имконияти ва заруратини аниқлаш.

Сўровнома доирасида татиб кўриш билан бирга нархни синаб кўриш ҳам амалга оширилиши мумкин.

Сифат интеграл (умумлаштирувчи, агрегацияланган) кўрсаткичини ҳисоб-китоб қилиш қийинлиги маълумотларни турли сифат кўрсаткичларини ўлчаш турли хилдаги бирликларини умумий координаталар тизимиغا келтириш заруратидан иборат. Муаммо харидорлар ёки эксперталардан сўровнома ўтказиш давомида олинадиган сифат балл баҳоларини қўллаш ва уларни ўртача арифметик статистик кўрсаткичи билан таққослаш йўли билан ҳал этилади:



$$\bar{B} = \frac{\sum_i B_i w_i}{\sum_i w_i}$$

бу ерда

$\bar{B}$  - тадқиқ этилаётган товарлар  $i$ -асосий хусусиятлари ўртача баҳолашлари (масалан, 10 балли шкала бўйича);

$w$  - бу хусусиятлар муҳимлигининг ўртача баҳолари (ранглари) (кулайлик учун 1,0 барча кўрсаткичлар ўртасида тақсимланади);

$B$  - умумий балл, яъни товар сифатининг ўртача балл баҳоси.

Бунда нарх ва сифат нисбатини тавсифлайдиган энг оддий кўрсаткич «сифат бирлиги нархи» ёки битта балл нархи ( $K$ ) ҳисобланади:

$$K = \frac{p}{B}$$

бу ерда

$p$  – товар нархи (ёки ассортимент гурухи бўйича ўртача нарх),

$B$  – товар сифатининг (ёки ассортимент гурухининг) ўртача балл баҳоси.

Товарнинг сифат кўрсаткичлар балл баҳолари ва нарх даражаси кўрсаткичлари ракобатбардошликни комплексли баҳолашнинг таркибий қисмлари сифатида мустакил равишда фойдаланилиши мумкин:

$$\bar{B} = \frac{\sum_i^n (b_{i-1} + B_p) \times w_i}{\sum w_i}$$

бу ерда

$b_{i-1}$  – тадқиқ этилаётган товарлар сифат хусусиятларининг ўртача баҳолари,

$B_p$  – товар нарх даражасининг баҳоси,

$w_i$  – хусусиятлар муҳимлиги ўртача баҳолари (ранглари),

$B$  – умумий балл, яъни товарнинг ўртача балл баҳоси.

### 10.3. Бир хил номдаги товарлар нархи тафовутларини аниқлаш



Нарх сифати бўйича ракобатбардошликини хисоб-китоб қилиш усули янги ва базавий товарнинг (ёки бир нечта рақобатчи товарларнинг) етакчи (истеъмолчи учун энг муҳим) кўрсаткичларига берилган экспертлар ёки истеъмолчилар балл баҳоларини таққослашга асосланади. Таҳлил учун таққослаш базаси (этalon) бўлиб нарх/сифат нисбати кўрсаткич иштирок этиши мумкин:

- тармоқдаги асосий рақобатчилар товарлари учун ўртача;
- асосий рақобатчи бўлган корхона товари билан бир хил;
- бозорнинг сезиларли (энг катта) улушини эгаллаб турган корхонанинг товари билан бир хил;
- ушбу корхона ассортиментидан товар сифати бўйича максимал даражада яқин;
- ушбу корхона ассортиментидан узоқ йиллар давомида муваффакият билан сотиладиган товар.

Таққослаш учун база сифатида битта рақобатчидан фойдаланган ҳолатда қуидаги хисоб-китоб варианtlаридан бири фойдаланилиши мумкин:

$$K = \frac{P_k}{\bar{B}_k}, P_j = K \times \bar{B}_j$$

ёки

$$K_B = \frac{\bar{B}_j}{\bar{B}_k}, P_j = K_B \times \bar{P}_k$$

бу ерда

$K$  – битта балл нархи,

$P_k$  – базавий товар нархи (асосий рақобатчининг),

$B_k$  – рақобатчи товарнинг умумий балли,

$P_j$  – янги товар нархи,

$B_j$  – янги товар умумий балли,

$K_B$  – сифат бўйича рақобатбардошк коэффициенти.

Сифат эталони деб бозор улуши энг катта бўлган товар танланган ҳолларда сифат бўйича рақобатбардошк коэффициентига мувофиқ белгиланган нарх «бефарқлик нархи» деб аталади.

Таққослаш базаси бир неча рақобатчи бўлганда рақобатбардош нархни аниқлаш учун сифат бўйича рақобатбардошк товар коэффициенти хисоблаб чиқилади.

$$B_k = \frac{\sum B_k}{n}, K_{B_j} = \frac{B_j}{\bar{B}_k}, P_j = K_{B_j} \times \bar{P}_k$$

бу ерда

$\bar{B}_k$  – барча тадқиқ этилаётган товарлар бўйича ўртача балл баҳоси,

$B_k$  – товарлар бўйича умумий балар миқдори,

$B_j$  – таҳлил килинаётган  $j$ -товар бўйича баллар миқдори,

$n$  – товарлар сони,

$K_{B_j}$  –  $j$ -товарнинг индивидуал (товар бўйича) коэффициенти,

$\bar{P}_k$  – товарнинг ўртача тармок нархи (тадқиқ этилаётган рақобатчилар бўйича),

$P_j$  – янги товар нархи.

Кўп параметрли товарлар тез-тез янгиланиб турадиган катта



ассортименти билан ишлайдиган фирма учун унинг сифатига йўналтирилган товар нархини аниқлашнинг соддалаштирилган усулидан фойдаланиш таклиф этилади: битта

етакчи сифат кўрсаткичи ажратилади ва ушбу кўрсаткич бирлиги бўйича нарх даражаси хисоблаб чикилади:

$$P_j = K \times \bar{B}_j$$

Сифат бўйича ракобатбардош нарх белгиланганидан сўнг сифат даражаси билан нисбатни саклаш борасида уни вакти-вакти билан текшириб туриш лозим. Битта савдо залида бир катор айнан ўхшаш товарлар сотиш шароитларида нарх ва сифат нисбатини ракобатли баҳолаш айниksa мухимдир. Савдо амалиётида, айниksa, савдо залида сифат ва қиммат кўрсаткичлари бўйича бир-бирини аксиликреклама қиласидан товарлар «кўшничилик» қиласидан нарх шакллантиришнинг харажатлар усулини анъянавий кўллашада парадоксал вазиятлар кўп учрайди.

Сифат умумлаштирувчи даражаси моделга мустакил равишда омилли белги сифатида киритилиши мумкин.

$$P_j = f(\bar{B}_k)$$

бу ерда

$P_j$  – товар нархи,

$\bar{B}_k$  – сифат ўртача балл баҳоси.

Юкорида келтирилган усуllар ва кўрсаткичлар комплекси сифат бўйича нарх ракобатбардошлгини, товарлар сифати ва нархи ўзгаришларининг мувофиқлик даражасини баҳолаш, шунингдек, тадқиқот натижаларидан корхоналарда нарх шакллантиришда фойдаланиш мумкин бўлади.

#### 10.4. Динамика ва башоратлаш таҳлили. Нархларни башоратлаш

Нарх динамикаси кўрсаткичлари таҳлилда макроиктисодий даражада инфляция жараёнларини баҳолаш, бозор конъюнктураси ва барқарорлигини аниклаш, даромадларни индексация қилиш, турли суббозорларни таққослаш, аҳолининг ижтимоий гурухлари харид лаёкатини баҳолаш ва х.к.да фойдаланилади. Компаниялар нарх таҳлилида ушбу кўрсаткичлар уларнинг нарх сиёсати шартлари ва омиллари сифатида кўлланади, чунки ҳар қандай бозор субъекти товарларининг нархи ўзгариши умумбозор омиллари таъсири остида бўлади. Шу билан бир пайтда нархларни башорат қилиш ва динамикасини баҳолаш услубиятлари ушбу компанияларга нисбатан тўлалигича кўлланмайди ва нарх таҳлилида мустакил равиша фойдаланилади.



Индивидуал нархлар динамикасини таҳлил қилиш учун энг тарқалган усул – жорий давр маълумотларини олдинги ёки базавий давр маълумотлари билан таққослашдир. Асосий кўрсаткичлар: ўсиш суръати (нарх неча марта

ўзгарганини кўрсатади)  $T_p = \frac{p_i}{p_0}$  ва кўпайиш суръати (нарх неча фоиз ўзгарганини кўрсатади).  $T_{\text{кунайи}} = \frac{p_i}{p_0} - 1$

Бир хил турдаги товарлар йигиндики учун нарх ўзгаришини баҳолаш зарур бўлганда ўртача нархлар индекси хисоблаб чиқилади.

$$\bar{p}_i = \frac{\bar{p}_i}{P_0} = \frac{\sum_{i=1}^n p_{ii} q_{ii}}{\sum_{i=1}^n q_{ii}} = \frac{\sum_{i=1}^n p_{ii} q_{ii}}{\sum_{i=1}^n p_{i0} q_{i0}} = \frac{\sum_{i=1}^n p_{ii} q_{ii}}{\sum_{i=1}^n p_{i0} q_{i0}} \times \frac{\sum_{i=1}^n q_{ii}}{\sum_{i=1}^n q_{i0}}$$

бу ерда  $\bar{p}_i$  - товар гурухининг ўртача нархи (худудлар, суббозорлар бўйича товар),

$p_{i0} q_{ii}$  – сотилган  $i$ -товар тuri ( $i$ -худуддаги ёки  $i$ -суббозордаги товар) нархи ва миқдори,  $i = 1, n$ .

Уларнинг сони йигиндисини чиқариш мумкин бўлиши учун товарлар етарли даражада бир хил турда бўлиши лозим.

Бу индекс осонлик билан кисмларга ажратилиди:

$$\begin{aligned} \text{Ўртача нархлар индекси} &= \frac{\text{Доимий таркиб нархлар индекси}}{\text{(ўзгарувчан таркиб)}} \times \frac{\text{Структурали нархлар динамикасига таъсир индекси}}{\text{ўзгаришларнинг ўртача нархлар динамикасига таъсир индекси}} \\ &= \frac{\sum_{i=1}^n p_{ii} q_{ii}}{\sum_{i=1}^n p_{i0} q_{i0}} \div \frac{\sum_{i=1}^n q_{ii}}{\sum_{i=1}^n q_{i0}} = \frac{\sum_{i=1}^n p_{ii} q_{ii}}{\sum_{i=1}^n p_{i0} q_{i0}} \times \left[ \frac{\sum_{i=1}^n p_{i0} q_{i0}}{\sum_{i=1}^n p_{i0} q_{i1}} : \frac{\sum_{i=1}^n q_{i0}}{\sum_{i=1}^n q_{i1}} \right] \end{aligned}$$

Турли товарлар йигиндиси, товар номенклатураси, истеъмол саватчаси нархининг ўзгаришини баҳолаш учун ўлчаш тизими бўйича фарқ қиладиган Ласпейрес ва Пааше формулалари бўйича агрегали нархлар индекси қўлланади. Ласпейрес индексини хисоб-китоб қилиш учун базис истеъмол структураси, Пааше индексини хисоб-китоб қилиш учун эса – жорий истеъмол структураси олинади.

### Ласпейрес нархлар индекси

$$I_{p_s} = \frac{\sum_{i=1}^n p_{ii} q_{i0}}{\sum_{i=1}^n p_{i0} q_{i0}}$$

### Пааше нархлар индекси

$$I_{p_n} = \frac{\sum_{i=1}^n p_{ii} q_{i1}}{\sum_{i=1}^n p_{i0} q_{i1}}$$

бу ерда

$p_{i0}$  – базис даврдаги нарх,

$p_{il}$  – жорий даврдаги нарх,

$q_{i0}$  – базис даврдаги маҳсулот миқдори,

$q_{il}$  – жорий даврдаги маҳсулот миқдори.

### N магазинда айрим озиқ-овқат маҳсулотлари сотув ҳажми ҳақида маълумотлар

|             | нарх, руб./кг |      | сотилди, т |      | Товарайланим а, минг руб. |        |       |
|-------------|---------------|------|------------|------|---------------------------|--------|-------|
|             | май           | июнь | май        | июнь | май                       | июнь   |       |
| Мол гўшти   | 97            | 105  | 3          | 2,8  | 291                       | 294    | 315   |
| Чўчка гўшти | 95            | 100  | 2,8        | 2,7  | 266                       | 270    | 280   |
| Мол ёги     | 65            | 70   | 1,5        | 1,6  | 97,5                      | 112    | 105   |
| Ўсимлик ёги | 38            | 40   | 1,2        | 0,9  | 45,6                      | 36     | 48    |
| Картофель   | 20            | 18   | 10,2       | 10,8 | 204                       | 194,4  | 183,6 |
| Карам       | 25            | 20   | 8,5        | 8,8  | 212,5                     | 176    | 170   |
| Пиёз        | 15            | 12   | 5,7        | 4,9  | 85,5                      | 58,8   | 68,4  |
| Жами        | -             | -    | -          | -    | 1202,1                    | 1141,2 | 1170  |

$$I_p = \frac{\sum p_i q_0}{\sum p_0 q_0} = 0,973 \text{ ёки } 97,3\%$$

Шундай қилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари нархи май ойи билан таққослаганда 2,7% пасайди.

Исботлаб берилганки, энг яхши чизиқли индекс Ласпейрес ва Пааше формулалари бўйича хисоблаб чиқилган индекслар ўртасида ётади. Хорижий мутахассислар муросали формула топишга ҳаракат қилиб кўрганлар. Энг машхур саналган Эджворт-Маршалл формуласи харидлар структурасидаги ўзгаришларни илғайди, лекин биронта реал давр учун хос бўлмаган товар айланма шартли структурасига боғланган бўлади.

Кўпчилик иқтисодчилар энг омадли муроса деб Фишернинг «идеал» индексини хисоблайди, унга кўра нафакат жорий нархлар бўйича базис давр товарлари тўплами баҳоланади, балки жорий давр товарлари тўплами базис нарх бўйича ҳам баҳоланади. У вазн танлаш кийин ёки вазнлар структурасини ўзгаририш оғир бўлган ҳолларда қўлланади.

Кўриб чиқилган барча индекслар йилдан йилга систематик хисобкитобда индекс қаторларини ташкил қиласди.

Куйидаги қаторлар фарқланади:

- базис (ҳар бир йил нархлари база сифатида танланб олинган йил нархлари билан солиштирилади);
- занжирли (олдинги йил билан таккослганда нарх ўзгаришини тавсифлайди).

Баъзида тенденцияни аниқлаш учун ораликларни йириклиштириш талаб этилади, масалан, агар ойлик нарх қийматлари бўйича тенденция кўзга кўринмаса чорак нархлари қатори қўлланади.

Нархларни таҳлил қилишнинг якуни боскичи уларни илгари аниқангандан қонуниятлар, тузилган моделлар ва кўрсаткичлар асосида башорат қилиш хисобланади. Ҳар бир нарх тури учун турлича башорат зарур бўлади. Бундай башоратларнинг асосий тамоили – маркетинг муҳити ўзгаришини олдиндан айтиб бериш ва шу асосда нархлар даражасини башорат қилиш ва уларга тузатиш киритиш хисобланади.



**Нархларни башорат қилиш** – белгиланган тенденцияни хисобга олган ҳолда ёки экспертлар баҳолари асосида нархлар қийматини (ёки оралигини) белгилаш.

Иқтисодиёт бекарорлиги шароитларида фақат қисқа муддатли – бир ой ёки бир чоракка башорат қилиш мумкин. Бунда башорат хатоси башорат қилинган муддатга тўғри пропорционал ва башорат базасига тескари пропорционал бўлади. Эмпирик жиҳатдан қуйидаги коида чиқарилган: башорат базаси узунлигининг учдан бир кисмидан ортиқ бўлган башорат муддати мақсадга мувофик эмас, лекин ҳар бир ҳолат индивидуал шароитларни хисобга олган ҳолда муайян кўриб чиқиласди.

Башорат қилиш усусларидан биронтаси мутлако ишончли натижалар берса олмайди, шу сабабли кўпинча уларни комплексли қўллашнинг турли варианtlари фойдаланилади:

- бир нечта башорат вариантини қиёсий экспертиза қилиш ва уларнинг орасида энг яхшисини танлаш;
- ўртача ўлчангандан кўрсаткич ёрдамида ва хусусий башоратлар хатоларини хисобга олган ҳолда турли башорат усуслари ёрдамида олинган натижаларни синтез қилиш;
- уч вариантда башорат қилиш:
  - энг эҳтимоли юкори;
  - оптимистик;
  - пессимистик.

5.6.2-жадвалда тижорат нархлари даражаси, нисбати ва динамикасини башорат қилишнинг асосий усуслари келтирилган.

## 10.2-жадвал

### Тижорат нархларини башорат қилиш усуллари

| Усуллар  | Асосий структурали элементлар   |
|--|---|
| 1. Экспертлар баҳоси   | Баҳоларни мувофиқлаштириш усули (индивидуал баҳоларни механик бирлаштириш)<br>«Ақлий хужум» усули (баҳоларни жамоавий ишлаб чиқиш)<br>«Дельфи» усули (жавобларни асослаб берган ва олдинги тур натижалари билан таништирган ҳолда бир неча турда ўтказиладиган сўров) |
| 2. Экстраполяция (ўтган давр тенденцияларини келгуси даврга жорий қилиш) | Ўртacha мутлак ўсиш бўйича<br>Нарх индекси бўйича<br>Эгульувчаник коэффициенти бўйича<br>Тренд модели бўйича<br>Экспоненцијал текислаш усули<br>Үйғунликдаги вазн усули   |
| 3. Максадли  | Кўйилган вазифаларга эришиш учун шароитлар излаш  |
| 4. Алокаларни моделлаштириши   | Динамик омилли регрессия моделлари<br>Боғлиқ динамик қаторлар усули (нарх ва омил трендлари тизими)   |

Амалиётда нарх башоратларининг энг тарқалган усуллари экспертлар усули ва экстраполяция усуллари ҳисобланади.

Эксперт баҳолари усули ҳам мустақил равишда, ҳам бошқа усуллар ёрдамида башорат қилишнинг таркибий қисми сифатида, нархга таъсир этувчи омилларни башорат қилиш ёки натижаларни баҳолаш учун кўлланиши мумкин.

Қисқа муддатли башорат қилишнинг энг тарқалган усулларидан бири экстраполяция, яъни аниқланган тенденцияни келажакда жорий қилиш ҳисобланади. Тижорат нархларининг ўзгариш тенденцияси бекарорлиги шароитларида нархлар даражаси экстраполяция усуллар башорат қилиш муддати кичик бўлганда факат тахминий натижалар олишга имкон беради.

Нарх даражасининг ўзгариш жараёни, иктиносидий жараёнларнинг

аксарияти каби, стохастик

жараён ҳисобланishi сабабли

амалдаги нарх даражаси

маълум бир пайтга келиб

нуктали башорат билан

белгиланган миқдорга teng

бўлиши эҳтимоли жуда паст.

Шу сабабли башорат қилинаётган нарх даражасининг эҳтимолий ўзгариш чегаралари белгиланади (ишончли оралик):



бу ерда  $p^*$  - нуктали башорат,

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum (p_i - \hat{p}_i)^2}{n - k}}$$

тренд ўртача квадратик хатоси,  $t$  - хато эҳтимоли ва эркинлик  $n$  - даражаси билан Стьюдент  $t$ -мезони жадвал қиймати,  $n$  - қатордаги даражалар сони,  $k$  - тренд модели кўрсаткичлари сони.

Юкорида келтирилган усуллар динамик қатордаги барча даражалар teng қимматга эга эканлигининг таҳмин қилинишига асосланади, даражалар ахборот қиммати эса башорат қилинаётган даврга яқинлаши билан ўсиб боради. Шу боисдан мавжуд нарх даражалари қатори мослаштириш усуллари: уларнинг асосида сирпанувчан ўртача нарх ёки сирпанувчан тренд тамойили ётадиган экспоненцијал текислаш ва үйғунликдаги вазн ёрдамида экстраполяция қилинади.

Санаб ўтилган усуллардан ташкири кўпинча эластиклик коэффициенти бўйича экстраполяция кўлланади, масалан, агар даромад бўйича нарх эгульувчанилиги ва даромаднинг ўзгариш тенденцияси маълум бўлса, уларни акс эттирувчи кўрсаткичлар кўпайтмаси нархнинг ўзгариш башоратини беради.

Башорат аниқлигини баҳолаш башорат килиш жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Умуман олганда истеъмол бозорида фаолият юритаётган корхона нархларини башорат қилиш ва динамикасини таҳлил қилиш амалий характерга эга саналади. У барқарор даромадларни сақлаб қолиш учун компания нарх сиёсатига тузатиш киритиш имконини беради:

- товар нархининг асосиз равишида пасайиши ёки ўсишининг олдини олиш;
- ассортимент товарлари нархининг ўсишида инфляция амалий даражасини ҳисобга олиш;
- ракобатчилар нархлари билан танланган стратегик масофани сақлаб қолиш ва ҳ.к.

#### Қисқа хулосалар

Нарх – мураккаб тизим, тижорат фаолияти ва бозор механизмининг таркибий элементидир. Бозорда нарх хулқ-атвори объектив характерга эга бўлиб, қонуний ва нархнинг ўзи каби қатор объектив омиллар таъсири остида бўлади.

Нархни таҳлил қилишнинг биринчи боекичи бу – нархлар ҳолати ва уларнинг ўзаро алоқаларини тавсифлаш бўлиб, нархлар даражаси ва структурасини, уларнинг ўзаро алоқалари ва нисбатларини ўрганишни камраб олади.

Нархларни таҳлил қилиш, коидага кўра, гурухлаш усули билан уларнинг маълум типга хослигини излашдан бошланади. Гурухлаш учун асос бўлиб қуйидагилар тавсифномаси хизмат қилиши мумкин: товарлар (истеъмол вазифалари, хомашё тури, бир-бирининг ўрнини боса олиш), минтақалар (турмуш даражаси, аҳоли бандлиги), харидорлар (даромад даражаси, ижтимоий белгилар, харидорлар хулқ-атвори), магазинлар (айланма, ташкилот тури, мулкчилик шакли, жойлашуви, нархнинг ўшиш суръати ва даражаси) ва бошқалар.

#### Назорат учун саволлар

1. Нархларнинг ҳолати қандай бўлади?
2. Нархларнинг ўзаро таъсири қандай таҳлил килинади?
3. Нарх даражаси қандай баҳоланади?
4. Таҳлилнинг мақсади нимадан иборат бўлади?
5. Бир хил номдаги товарлар нархи тафовутлари қандай аниқланади
6. Сўровномаларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
7. Маркали нарх шакллантириш ҳакида нималар биласиз?
8. Динамика ва башоратлаш таҳлили ҳакида тушунча беринг.
9. Нархларни башоратлашнинг қандай усуллари мавжуд?
10. Кўп омилли гурухлаш деб нимага айтилади?

#### Тест топшириклари

1. **Бир нечта асосий товарлар турига нарх даражаси бўйича бир хил турдаги магазинлар гурухини аниқлашга қўйидаги усул ёрдам беради:**
  - A. Дельфи;
  - B. кластерли таҳлил;
  - C. харидорлар ўртасида сўровнома;
  - D. регрессияни баҳолаш.
2. **«Нарх мутлақ ва нисбий даражаси» синоними бу:**
  - A. товар бирлигининг номинал нархи ва ўртача нарх даражаси;
  - B. реал нарх ва истиқболдаги нарх;
  - C. улгуржи бўғин нархи ва чакана нарх;
  - D. товарнинг номинал нархи ва реал нархи.

**3. Минтақавий бўлинмалар ёки манфаатларга эга бўлган компания менежерлари маркетинг қарорлари қабул қилишида қўйидаги нарх даражаси кўрсаткичи фойдаланилади:**

- A. индивидуал;
- B. модал;
- C. ўртacha;
- D. исталган.

**4. Нарх структурасини таҳлил қилишнинг тўғридан-тўғри вазифалари қаторига қўйидагилар кирмайди:**

- A. улгуржи нарх улушкини статика ва динамикада ўрганиш;
- B. товарларни харажатлар хажми бўйича гурухларга ажратиш;
- C. якуний нарх таркибида ҳар бир элемент саломги;
- D. алоҳида магазинлар кесимида нарх элементлари нисбати кўрсаткичларини таққослаш.

**5. Сифат эталони деб бозор улуши энг катта бўлган товар танлаб олинган ҳолатда сифат бўйича рақобатбардошлик коэффициентига мувофиқ белгиланган нарх қўйидагича аталиши мумкин:**

- A. ўртacha бозор нархи;
- B. бефарқлик нархи;
- C. таққослаш нархи;
- D. этalon нарх.

**6. Омилли белгининг 1% ўзгариши туфайли натижали белгининг фоиздаги ўзгариши қўйидагини белгилаб беради:**

- A. ўсиш суръати;
- B. «ўзгариш-натижа» нисбати;
- C. натижали белги динамикаси;
- D. эгилувчанлик коэффициенти.

**7. Брендлар қийматини баҳолашнинг моҳияти қўйидагиларни аниқлашдан иборат:**

- A. ўртacha тармоқ харажатлари;
- B. ўртacha тармоқ устама нархи;
- C. ўртacha нархга нарх устамаси;
- D. брендни эксплуатация килишдан олинган тушум миқдори.

**8. Битта кўрсаткич бўйича таҳлилда экспертлар фикрлари мувофиқлаштирилганлиги қайси кўрсаткичи фойдаланилади:**

- A. вариация коэффициенти;
- B. корреляция ранг коэффициенти;
- C. конкордация коэффициенти;
- D. юкоридагиларнинг барчаси.

**9. Нархлани башпорат қилишда экспертлар баҳоси усуллари кўлланади. Улар қаторига қайси усул кирмайди:**

- A. баҳоларни мувофиқлаштириш;
- B. «аклий ҳужум»;
- C. боғланган динамик қаторлар;
- D. Дельфи.

**10. Ноэластик товарлар учун нарх маневри имкониятлари чегараланган. Ушбу товарлар учун тўғри фикрни танланг:**

- A. нархнинг пасайиши талабнинг пасайишида экс этмайди;
- B. белгиланган даражагача нархни монопол ошириш талабга таъсир кўрсатади;
- C. нарх сиёсати хатолари фирма учун ҳалокатли бўлиши мумкин;
- D. нарх ўсгандан талаб бошқа товарга ўтиб кетиши мумкин.

## ГЛОССАРИЙ

**Фаол нарх шакллантириш** – энг фойдали сотув ҳажмига, ишлаб чиқариш ўртача харажатларига ва мақсадли рентабеллик даражасига эришиш мақсадида сотувни бошкариш сиёсати доирасида нарх белгилаш

**Нархлар «соябони»** - маълум бир бозор сегментида етакчи фирмаларнинг рентабеллиги юқори бўлган нарх белгилashi

**Нарх шакллантириш нефтрал стратегияси** – бозорда сотилаётган айнан шундай товарлар кўпчилигига мос келадиган «нарх-қиймат» нисбатидан келиб чиқиб нарх белгилash

**Параметрик нарх шакллантириш** – товарларнинг асосий истеъмол кўрсаткичларига нарх боғлиқлиги моделига мувофиқ товарлар параметрик қаторига нарх белгилash

**Пассив нарх шакллантириш** – нархларни харажатлар асосида ёки факат рақобатчиларнинг нарх билан боғлиқ қарорлари таъсири остида белгилash

**Қайд қилинган нархлар сиёсати** – товарларни фирма раҳбарият томонидан тасдиқланган нархлар тўплами (прейスクрант) бўйича сотиш

**Нарх сиёсати** – фирма товарларини сотища намунавий битимлар учун нарх белгилашнинг белгиланган қоидалар тизими

**Мукофот нархи** – ўртача бозор нархидан товар нуфузи учун мукофот м-ида катта бўлган товар нархи

**Нарх шакллантириш тактикаси** – кўйилган вазифаларни ҳал қилиш қуий сифатлиучун фойдаланиладиган фирма товарлари нархларини бошкариш бўйича муайян амалий чора-тадбирлар тўплами

**Базис нарх** – стандарт сифатли товар нархи, ундан келиб чиқиб бундан юқори ёки қуий сифатли товар учун нарх белгиланади

**Зарар кўрмаслик нархи** – ишлаб чиқариш фирмаси факат ўз харажатларини қоплаши мумкин бўлган товар нархи

**Ялпи нарх** – товарни транспорт воситасида ташиш, уни сугурта қилиш ва бошқа харажатларни ўз ичига оладиган товар нархи

**Давлат нархи** – давлат органлари томонидан белгиланадиган нарх

**Ҳақиқий нарх** – битим у бўйича амалга ошириладиган нарх

**Демпинг нархи** – ички бозордаги нархдан ёки жаҳон нархидан паст бўлган экспорт нархи

**Ягона нарх** – мижоз брокер учун белгилаган катъий олди-сотди нархи

**Якуний нарх** – биржа ёпилиши олдидан қайд қилинган курслар, котировкалар нархи

**Картель нархи** – картель қатнашчилари томонидан рақобатчиларни йўқотиш учун белгиланадиган монопол нарх

**Каталог нархи** – улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари, фирмаларнинг каталог ва проспектларида эълон қилинадиган расмий нарх

**Консалтинг хизматлари нархи** – маслаҳат характеридаги хизматалр учун амалдаги тўлов ҳажми

**Шартнома нархи** – олди-сотди шартномасида ёки ишларни бажариш шартномасида кўзда тутилган, сотувчи ва харидор ўртасида шартнома тузиш давомида келишиб олинган нарх

**Котировка нархи** – котировкалар асосида белгиланган нарх, одатда мўлжал сифатида фойдаланилади

**Имтиёзли нарх** – сотувни рағбатлантириш учун товар нархининг пасайтирилган даражаси ёки алоҳида истеъмолчилар тоифалари учун дотация қилинадиган нарх

**Жаҳон нархи** – жаҳон бозорида сотилаётган товар бирлиги, масалан, бир тонна буғдойнинг байналмилад қиймати пулдаги ифодаси

**Нетто нарх** – сотувчи учун битимни ижро этиш билан боғлиқ харажатларни чиқариб ташлаган холда товар сотишдан амалда олинган тушум; харидор учун амалда сотувчига тўланган сумма

**Умумий нарх** – турли таркибий кисмлардан, турли навдаги предмет ёки материаллардан иборат бўлган жами харид қилинган товар нархи

**Оптимал нарх** – объектив асосланган харажатлар ва товарни соитшдан оллинадиган даромад асосида олинган нарх

**Паушал нарх** – сифати бўйича турли хилдаги товарлар нархи, уларнинг индивидуал хислатлари, алоҳида товар бирлиги навларидан қатъий назар ўртасида белгиланади

**Клиринг бўйича нарх** – у бўйича ҳисоб-китоб палатаси барча битимлар бўйича ҳисоб-китобларни ўз аъзолари ўртасида амалга оширадиган кундалик нарх

**Харидор нархи** – харидор товар бирлигини (партиясини) харид қилишга тайёр бўлган нарх. Бу нархда харидорнинг ушбу товарга талаби, ушбу товарнинг бозорлаги истеъмолчилар афзал кўриши акс этади. Харидор нархи талаб нархи деб аталиши мумкин

**Харид нархи** – маҳсулотнинг фабрикада белгиланган нархи, товар бирлигига тўғри келадиган ишлаб чиқариш нархи ва сотув харажатлари, шунингдек, сотув канали қатнашчилари фойдасидан ташкил топадиган товар нархи

**Тўлик нарх** – базис нархга барча қўшимча устамалар билан биргаликдаги нарх

**Энг юкори нарх** – савдо цикли, мавус давомида бозорда максимал йўл қўйиш мумкин бўлган, оширилган ёки пасайтирилган нарх

**Таклиф нархи** – ушбу бозорда сотувчilar товарни сотишига таклиф киладиган нарх, у сотув ҳажми, сотувчининг харажатлари ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади

**Ишлаб чиқариш нархи** – товар нархининг ишлаб чиқариш харажатлари ва сшлаб чиқарувчи оладиган фойдага teng бўлган қисми, у муомала харажатларини ўз ичига олмайди

**Ишлаб чиқаришни тўхтатиш нархи** – фирма ишлаб чиқариш харажатларини қоплай олмайдиган даражадаги товар нархи

**Келгусида қайд қилинадиган нарх** – шартномани бажариш давомида белгиланадиган нарх

**Захиралаш нархи** – сотувчи товарни бу нархдан арzon сота олмайдиган жўнатиш нархи

**Нарх доираси** – тадбиркорлар ёки савдогарларнинг нархларни ошириш учун ташкил қилган бирлашмаси

**Нарх қатори** – бозорда фаолият юритаётган барча фирмалар ёки битта фирманинг битта товар модификациясига ёки турли моделларига нархлар бир вақтда мавжуд бўлган нисбати

**Спот нарх** – товар зудлик билан пули тўланган ҳолда сотиладиган нарх

**Субвенция нархи** – ишлаб чиқарувучига тақдим этиладиган давлат дотациялари оқибатида молиялаштириш таннархига teng ёки ундан паст бўлган нарх

**Савдо нархи** – чакана савдогар улгуржи савдогардан товарни қайта сотиш мақсадида харид киладиган нарх

**Бошқариладиган нарх** – кули монопол бозор шароитларида талаб ва таклифни ўрганиш асосида белгиланган нарх

**Фабрика нархи** – товар бирлигига тўғри келадиган моддий харажатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа умумзавод харажатлariдан ташкил топадиган товар нархи

**Амалдаги нарх** – битим амалга ошириладиган нарх

**Фактура нархи** – етказиб бериладиган товар счет-фактурасида кўрсатиладиган нарх

**Соф нарх** – сотиш ва харид билан боғлиқ барча харажатлар қўшилган ёки чиқариб ташлангандан кейин харид учун умумий тўлов ёки сотувдан олинган тушум

**Биржа нархи** – биржада сотиладиган товарлар нархи

**Ички фирма (трансферт) нархи** – корхона ва корпорациялар бўлинмалари (жумладан, турли мамлакатларда жойлашган филиаллар) ўртасида товар алмашинишда кўлланадиган нарх тури

**Нарх уруши** – ўз маҳсулотлари нархини пасайтириш йўли билан ўзининг бозор улушини ошириш истагида бўлган битта тармоқдаги икки ёки ундан ортиқ фирма ўртасидаги рақобат

**Географик нарх шакллантириш** – харидорларнинг жойлашувига боғлик бўлган нарх шакллантириш. Турли истеъмолчилар учун нархлар бир ҳолатда бир хил, бошка ҳолатда турлича, учинчи ҳолатда эса – худудий бўлиши мумкин

**Нарх бўйича етакчи** – муайян товар бозорида етакчи позицияга эга бўлган ва шу сабабли ушбу товарга нисбатан нарх сиёсанини белгилаб берадиган фирма

**Нарх шакллантириш усуллари** – товарларга нарх белгилаш усуллари

**Нарх шакллантириш модели** – нарх шакллантириш механизмини акс эттирадиган модель

**Белгиланган нарх** – якка тартибдаги тадбиркор, тадбиркорлар гурухи ёки давлат томонидан белгилангандан назорат килинадиган товар нархи

**Номинал нарх** – товарнинг прейскурантда эълон қилинган нархи

**Нисбий нарх** – товар ёки хизматнинг бошка, базис товарга (хизматга) нисбати билан белгиланадиган нарх

**Минтақавий нарх** – алоҳида сотув бозорларида харажатлар шаклланиш шартларини акс эттирадиган нарх

**Ўртача нарх** – сотувчи нархи ва харидор нархи ўртасида ўртача арифметик кўрсаткич сифатида белгиланадиган нарх

**Кўрсатилган нарх** – товар ёки хизматнинг эълон қилинган нархи.

**Мақсадли нарх** – мақсадли фойдани таъминлашни ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган нарх

**Бошланғич нарх** – ким ошиди савдосида сотишга таклиф этиладиган товарнинг товар эгаси томонидан белгиланадиган минимал (баъзида максимал) нархи

**Смета нархи** – смета асосида ҳисоблаб чиқилган нарх; янги қурилиш, мавжуд корхоналар, бинолар, қурилмалар ва объектларни таъмираш, техник қайта жиҳозлаш қийматини аниқлаш учун фойдаланиладиган тариф ва нархлар

**Этилувчан нарх** – талаб ва таклиф нисбати ўзгаришига тез жавоб қайтарадиган нарх

**Нарх риски** – маҳсулот нархининг ўзгариши оқибатида кутилмаган молиявий йўқотишлар юзага келиши эҳтимоли

**Нарх дискриминацияси** – бир хил товарни турли харидорларга турли нархларда сотиш, одатда монополиячилар томонидан кўлланади

**Халқаро савдо нархлари** – халқаро бозорларда ва алоҳида мамлакатларнинг ташқ савдосида амал қиласидиган нархлар йиғиндиси. Товар сотиладиган жой, вакт ва шароитларга боғлик бўлади

**Жаҳон бозори нархлари** – мунтазам характерга эга бўлган йирик экспорт-импорт операциялари амалга ошириладиган ва эркин конвертациядаги валютада тўловлар амалга оширилишини кўзда тутадиган нархлар.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ**

### **Ўзбекистон Республикаси меъёрий-хуқуқий хужжатлари.**

1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси –Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2018.

2.“2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-кувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқишига доир ташкилий чора тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. 28.12.2017 йилдаги F-5155-сонли. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

3. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон республикаси Президентининг Карори. ПҚ-3775-сонли. 05.06.2018 й. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йиллардаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташки савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. - // Халқ сўзи, 2017 йил 15 апрель, № 75 (6769).

6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони. - // Халқ сўзи, 2017 йил 19 апрель, № 77 (6771).

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармони. //Халқ сўзи, 2015 йил 15 июн.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган хисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноконуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида” Фармони. //Халқ сўзи, 2015 йил 15 июн.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий экспорт килувчи ташкилотларни янада қўллаб-кувватлаш ва ташки иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 июндаги ПҚ-3077-сон қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

10. «Ташки савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3351-сон қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

11. Ташки бозорларда маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт қилиниши ва ракобатдошлигини таъминлашни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида № ПФ-5057 25.05.2017. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

12. Ташки бозорларда маҳаллий маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлаш ва экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида № ПФ-5286 15.12.2017. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

13. «Ташки савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3351-сон қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг асрлари**

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мизиевнинг “2019 йилда мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари

тўғрисида парламентга навбатдаги Мурожаатномаси". Тошкент/ Халқ сўзи газетаси // № 272. 29.12.2018й.

15.Мирзиёев Ш.М. Халққа хизмат қилиш, одамларнинг манфаатларини таъминлаш-рахбарлар фаолиятининг асосий мезонидир. - // Халқ сўзи, 2017 йил 13 апрель, №73 (6767).

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ва Россия Президенти В.В.Путиннинг қўшма баёноти. - // Халқ сўзи, 2017 йил 7 апрель, № 69 (6763).

17. Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

18. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

19.Мирзиёев Ш.М. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

20.Мирзиёев Ш. М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

#### Дарсліклар ва ўкув кўлланмалар

21. Данько, Т. П. Менеджмент и маркетинг, ориентированный на стоимость / Т.П. Данько, М.П. Голубев. - М.: ИНФРА-М, 2018. - 416 с.

22. Армстронг, Гари, Вонг, Вероника, Котлер, Филип, Сондерс, Джон. Основы маркетинга, 4-е европейское издание. /Пер с англ. -М.: «И.Д. Вильямс», 2017. -1200 с.

23. Котлер Филипп. Основы маркетинга. Краткий курс. /Пер. с англ.- М.: Изд. дом. «Вильямс», 2018. -656 с.

24. Кревин, Дэвид, В. Стратегический маркетинг, 6-е изд. – М.: «Вильямс», 2018. 512 с.

25. Березин И.С. Маркетинговый анализ. Рынок. Фирма. Товар. Продвижение. – М.: Вершина, 2015. – 480 с.

26. Синяева И.М. и др. Маркетинг в коммерции: Учебник. –М.: «Дашков и Ко», 2017. -548 с.

27. Соловьев Б.А. Маркетинг: Учебник. –М.: ИНФРА-М, 2015. -383 с. 2 экз.

28. Ergashxodjaeva Sh.J. Marketing. Darslik. –Т.: O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi, 2017, 165-б.

29. Аакер Д., и др. Маркетинговые исследования. Учебное пособие. - СПб.: Питер, 2015. - 848 стр.

30. Козлова И.П. Маркетинговые исследования. Учебно-методический комплекс. – М.: Финансы и кредит, 2014. – 250 стр.

31. Голубков Е.П. Основы маркетинга: учебник. –М.: «Финпресс», 2018. – 704 с.

32. Завьялов, П.С. Маркетинг в схемах, рисунках, таблицах: Учеб. пособие/П. С. Завьялов. -М.:ИНФРА-М, 2017. -496 с.

33. Сухарев, О.С. Функциональный и интернет-маркетинг: Монография / О.С. Сухарев. - М.: КУРС, НИЦ ИНФРА-М, 2013. - 352 с.

34. Ценообразование: учебник и практикум / под ред. Г. А. Маховиковой. – 6-е изд., перераб. и доп. – Москва: Изд-во «Юрайт», 2014. – 463 с.

35. Павлова , Н. Маркетинг в практике современной фирмы: учебник для бизнес-школ / Н. Павлова. – Москва: Изд-во «Норма», 2015. – 384 с.

36. Тимофеев , М. Маркетинг: учеб. пособие / М. Тимофеев. – 3-е изд. – Москва: Изд-во «ИНФРА-М», 2015. – 224 с.

37. Липсиц, И. Ценообразование: учебник / И. Липсиц. – 4-е изд. – Москва: Изд-во «Юрайт», 2014. – 368 с. – (Серия «Бакалавр. Академический курс»).
38. Маркетинг и ценообразование. Практикум / Г. Кожухова [и др.]. – Минск: Изд-во Гревцова, 2013. – 176 с.
39. Лев, М. Ю. Ценообразование: учебник / М. Ю. Лев. – Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2013. – 719 с.
40. Салимжанов, И. Ценообразование: учебник / И. Салимжанов. – 2-е изд. – Москва: КНОРУС, 2013. – 302 с.
41. Маркетинг и ценообразование : курс лекций / А. Н. Гридишко, В. Н. Редько, З. А. Тоболич. – Горки : БГСХА, 2018. – 163 с.

#### **Статистика тўпламлари маълумотлари**

42. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилдаги ижтимоий-иктисодий ривожланиш бўйича якупнлари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси.-Т.: 2019.
43. Инвестиции республики Узбекистан 2018. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2019. – 148 с

#### **Интернет сайtlари**

- 44.[www.gov.uz](http://www.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат хокимияти портали
- 45.[www.aza.uz](http://www.aza.uz) – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти
- 46.[www.cer.uz](http://cer.uz) – Иктисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти
- 47.[www.lex.uz](http://lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси

Абдухалирова Л.Т., Жалилов Ж.Ғ.

## **МАРКЕТИНГДА НАРХ**

### **СИЁСАТИ**

Ўқув қўлланма

“IQTISODIYOT” – 2020.

*Муҳаррир:*  
Мирҳидоятова Д.М.

*Мусаҳҳиҳ:*  
Матхўжсаев А.О.

Лицензия №10-4286 14.02.2019й. Босишига руҳсат этилди 01.03.2020.  
Қоғоз бичими 60x84 1/16.Times гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоги 17,1.  
Адади 20 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

“ZARAFSHON FOTO” ХКниг матбаа бўлимида чоп этилди.  
100066. Тошкент шахри Ислом Каримов кўчаси, 49-уй.